2.1. Мазкур бобнинг талаблари қўйиладиган 1000 вольт ва ундан ортиқ бўлган кучли ток комплект трансформатор подстанциялари (КТП) ва тақсимлаш мосламаларига (атлаштириб улаш пунктларини, КТПларга, ҳаво электр узатиш линиялари учун секцияловчи мосламаларга) қўлланилади.

2.2. Очак кон қабатлари шароитларида фойдаланиш учун қўйиладиган КТП ва тақсимлаш мосламалари (ТМ) учун қўйиладиган талабларнинг бажарилиши шарт.

2.2.1. Кучланиш остида нормал ҳолатда турган ток ўтказувчи қисмларнинг ишончли тўсилиши.

2.2.2. Ажратгич ва ўчиргич билан хато операцияларга, шунингдек ходимларнинг ажратгич кўшилган вақтда ток ўтказувчи қисмларга келишига тўсқинлик қиладиган механик блокировка мосламаларнинг мавжуд бўлиши.

2.2.3. Ажратгич ва ўчиргичларнинг узатмаларини кўшилган ва узилган ҳолатларда ишончли котирилиши (Ўз-ўзидан кўшилиши ва узилиши имкониятини йўқлиги).

2.2.4. Узатманинг ҳолатини ходимларга аниқ кўринадиган механик кўрсаткичларнинг («Кўшилган», «Узилган») ва ажратгич узатмасининг ҳолатини кўрсатадиган ёзувларнинг мавжуд бўлиши.

2.2.5. Ток ўтказувчи қисмларда, кўчма замишлагичларнинг улан-диган жойларини кўрсатадиган белгиларнинг бўлиши.

2.2.6. Ҳар қандай турдаги битталик (гуруҳли) алмаштириб улаш пунктлари (АУП) ва кўчма КТПлар сйлжитиш учун сирпангичлар ҳамда электр узатиш линияларининг сымларига улаш учун махсус конструкциялар билан жиҳозланади.

Алмаштириб улаш пунктларининг (АУП), изоляторнинг юқори четида ернинг юзасигача 2,9 метрдан кам бўлмаган масофага эга бўлган ҳаво кириткичлари тўрсимон тўсиқлар билан жиҳозланишлари керак. АУП ва КТПларнинг 6-10 киловольт кучланишли тўсилмаган чизиқли чиқишларидан ергача бўлган масофа, чиқишларнинг остида транспортлар учун ўтиш йўллари мавжуд бўлмаганда 4,5 метрдан, кучланиши 0,4 киловольт бўлган ҳаво киритишларидан (чиқаришларидан) 3,5 метрдан кам бўлмаслиги керак.

2.2.7. Кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган тақсимлаш мосламалари ва КТПларнинг барча эшиклари ишончли кулфланадиган мосламаларга эга бўлишлари керак.

АУПлари кулфлаш мосламаларининг калитлари КТП ва секцияловчи мосламаларнинг кулфлаш мосламаларига тўғри келмаслиги керак. КТП юқори кучланишли томони кулфлаш мосламаларининг калитлари паст кучланишли томони кулфлаш мосламаларига тўғри келмаслиги керак. АУПларнинг калитлари экскаватор машини остида, КТПларнинг калитлари эса, участка ёки смена энергетигида сақланиши керак.

2.2.8. КТП юқори кучланишли томонида трансформаторларни ҳимоялаш учун сақлагичларга эга бўлиши керак, паст кучланишли томонидан эса, ерга туташтиридан (сизиб ўтишидан) ҳимоялаш учун

автоматлашган ўчиргичлар ва ҳимоялаш аппаратлари билан жиҳозланган бўлиши керак. Ерга туташидан (сизиб ўтишдан) ҳимояландиран аппарат ишлаб кетганда, агар узишнинг умумий вақти 0,2 сониядан ошиб кетмаса, автоматлашган ўчиргични оралик реле орқали узишга йўл қўйилади.

2.2.9. 1000 вольтдан юқори кучланшли ОҚТПлар ташқи ўрнатилуш учун, электротехника саноати Вазирлигининг заводлари томонидан тайёрланган катаклардан бутланиши керак, ерга туташидан ҳимояга ва максимал-ток ҳимоясига эга бўлиши, қисқа туташув тоқларига пассивлик ва динамик барқарорлигини таъминлаши керак. ОҚТПларини барпо этишда белгиланган тартибда тасдиқланган техникавий шароитлар бўйича 1.1-бандда ёдга олинган корхоналар томонидан тайёрланган катаклардан фойдаланишга йўл қўйилади.

2.3. Корпусларнинг ташқи томонларида, ТМ ва КТПларнинг эшикларнда, электр токи билан шикастланиш хавфи туғрисидаги огоҳлантирувчи, эшиклар орқасидаги жиҳознинг номини, қурилманинг инвентарь рақамини кўрсатувчи аниқ ёзувлар ёзилган бўлиши ҳамда катаклар электр улавиши схемаларининг тасвири келтирилган бўлиши керак. Барча коммутация аппаратлари қўшилидиган объектни кўрсатидиган ёзувлар билан таъминланган бўлиши керак.

2.4. ТМ ва КТПларнинг корпуслари ҳаво линиясининг очиқ сымлардан тайёрланган (шиналар, полосалар, сым чивиклар) заминловчи симлари билан ишончли бирикмаларга эга бўлишлари керак. Катаклар корпусларининг ҳаво линияси заминловчи симлари билан (заминлаш жойларига) уландиган жойлари аниқ белгиланган бўлиши керак.

2.5. КТП ёки ТМларнинг ёритиш арматуралари шундай ўрнатилуши керакки, уларга хизмат кўрсатишнинг (лампарани алмаштириш) ва ТМлари эшикларини (назорат қилиш ва ҳимоялаш аппаратларининг ҳамда узатмаларнинг ўрнатилган жойларини) ёритишнинг хавфсизлиги таъминланган бўлиши керак.

Эслатма. КТП ва ТМлари ёритиш мосламларининг бўлиши шарт эмас. Улар мавжуд бўлмаганда, КТП ва ТМларга хизмат кўрсатиш бўйича ходимлар учун йўриқномаларда куннинг қоронғи вақтларида уларни кўздан кечириб (таъмирлашда) ёритиш усуллари назарда тутилган бўлиши керак.

2.6. КТП ва АУПларни ўрнатиш ҳаво линиясидан киритиш улаидиган таянчдан 10 метрдан кўп бўлмаган масофада амалга оширилши керак.

Битта оралиқ ёки бурчак таянчига иккита АУП ёки иккита КТПларни улаш тақиқланади.

Охириги битта таянчига иккитадан ортиқ бўлмаган АУП ёки иккита КТПларни улашга рухсат этилади.

Битта якка тартибдаги АУПга иккита экскаваторларни улаш тақиқланади.

АУПлар корпусларининг ташқи томонида аниқ кўринадиган рақам белгилари бўлиши керак.

2.7. КТП ёки ТМлардан фойдаланишнинг асоси, очик қонинг (қонинг) бош муҳандиси томонидан тасдиқланган техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жадвалига аниқ ҳамда албатта рўйя қилган бўлиши керак.

2.8. АУПларга техникавий хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш куйидагиларни ўз ичига олади:

АУПларни (уларни электр тармоқидан узмасдан туриб) ҳар сменада, экскаваторлар машинистлари томонидан амалга ошириладиган ташқи кўздан кечиришлар;

АУПларни ҳар ойда участка энергетиги раҳбарлиги остида электротехник ходимлар томонидан амалга ошириладиган кўриклар;

ҳар икки ойда бир марта амалга ошириладиган, АУПларни таъмирлашлар;

мойли ўчиргичлари бўлган АУПлар учун ҳар икки йилда бир марта, мойли ўчиргичлари бўлмаган АУПлар учун ҳар уч йилда бир марта ва вакуумли ўчиргичи бўлган АУПлар учун ҳар беш йилда бир марта амалга ошириладиган капитал таъмирлашлар.

Ҳар ойдаги АУПларни кўздан кечиришлар ва таъмирлашлар наряд бўйича амалга оширилади.

2.8.1. Якка АУПларини ҳар сменадаги ташқи кўздан кечиришларда куйидагилар текширилади:

корпуси конструкциясининг бутунлиги ва унинг сирпангичга мустаҳкам маҳкамланганлиги;

ҳаво линиясидан киритиш конструкциялари тўсиқларининг ишга яроқлилиги ва уларнинг маҳкамланиши;

эшиклар кулфлаш мосламаларининг ишга яроқлилиги;

кириш мосламасидаги кабелнинг зичланиши ва мустаҳкамланишининг ишончлилиги;

корпус ўрнатилишининг ишончлилиги ва унинг вертикаль ҳолатдан огиши;

корпусни заминлаш контактларининг ишончлилиги ва заминловчи ўтказгичларда шякастланишларнинг мавжуд эмаслиги.

Ҳар сафар АУПлар кўчирилганда ва портлатиш ишлари амалга оширилганда, машинист томонидан худди шу ҳажмдаги кўздан кечиртишлар амалга оширилади. Бу ҳолатларда, участка электротехник ходимлари томонидан заминлаш қаршилигини ўлчаш амалга оширилади.

Носозликлар мавжуд бўлганда, экскаваторни ишлаш учун қўшиш таъинланади.

Ҳар бир аниқланган носозликлар тўғрисида, машинист смена кон нозорати ходимига зудлик билан хабар беришга мажбур.

Кўздан кечиртиш натижалари экскаваторнинг агрегат китобига кайд этилади.

Экскаваторлар машинистлари АУПлар мойли ўчиргичларининг аварияли узлишлари тўғрисида смена энергетигига (энергодиспетчерга) хабар беришга мажбур.

2.8.2. АУПнинг ҳар ойда участка электротехник ходими томонидан амалга ошириладиган кўрикдан ўтказиш ҳажмига қуйидагилар кирди:

ҳар сменадаги кўрикдан ўтказишда кўзда тутилган ишлар;
электр занжирларининг контактли бирикмаларини текшириш;
аппаратуралар, ток ва кучланиш трансформаторларининг маҳкамланганлигини текшириш;

таянч ва ўтиш изоляторларининг ҳолатлари ҳамда маҳкамланганликларини ташқи кўрикдан ўтказиш;

ўчиргичлар ва кучланиш трансформаторларини текшириш;

заминлаш қаршилигининг катталигини ўлчаш.

2.8.3. АУПнинг жорий таъмирланиши ҳажмига қуйидагилар кирди:

ҳар ойдаги кўрикдан ўтказишда кўзда тутилган ишлар;

ўчиргич, ажратгич, ток ва кучланиш трансформаторларининг барча узелларини, АУПнинг изоляцияловчи элементларини ташқи кўрикдан ўтказиш ҳамда чанглардан ва кирлардан тозалаш;

ажратгичларнинг қўшиш пячоқларини ростлаш ва уларни сухталар ҳамда оксидлардан тозалаш;

ток ўтказувчи қисмлар, контактлар ва трансформатор темирларининг кизягашлиги, шунингдек ток трансформаторларида изоляцияловчи массанинг оқтавлиги изларининг мавжуд эмаслигини текшириш;

ўчиргич ва ажратгичларнинг узатиш механизмлари ҳолатини текшириш ҳамда уларни ростлаш, ўчиргич узатмаларининг ишқала-

Битта оралиқ ёки бурчак таянчига яқинта АУП ёки иккита КТПларни улаш тақиқланади.

Охириги битта таянчига иккитадан ортиқ бўлмаган АУП ёки иккита КТПларни улашга рухсат этилади.

Битта яқка тартибдаги АУПга иккита экскаваторларни улаш тақиқланади.

АУПлар корпусларининг ташқи томонида аниқ кўринадиган рақам белгилари бўлиши керак.

2.7. КТП ёки ТМлардан фойдаланишнинг асоси, очиқ коннинг (коннинг) бош муҳандиси томонидан тасдиқланган техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жадвалига аниқ ҳамда албатта риоя қилиш бўлиши керак.

2.8. АУПларга техникавий хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш куйидагиларни ўз ичига олади:

АУПларни (уларни электр тармоғидан узмасдан туриб) ҳар сменада, экскаваторлар машинистлари томонидан амалга ошириладиган ташқи кўздан кечириншлар;

АУПларни ҳар ойда, участка энергетиги раҳбарлиги остида электротехник ходимлар томонидан амалга ошириладиган кўриқлар;

ҳар икки ойда бир марта амалга ошириладиган, АУПларни таъмирлашлар;

мойли ўчиргичлари бўлган АУПлар учун ҳар икки йилда бир марта, мойли ўчиргичлари бўлмаган АУПлар учун ҳар уч йилда бир марта ва вакуумли ўчиргичи бўлган АУПлар учун ҳар беш йилда бир марта амалга ошириладиган капитал таъмирлашлар.

Ҳар ойдаги АУПларни кўздан кечириншлар ва таъмирлашлар наряд бўйича амалга оширилади.

2.8.1. Яқка АУПларини ҳар сменадаги ташқи кўздан кечириншларда куйидагилар текширилади:

корпуси конструкциясининг бутунлиги ва унинг сирпангичга мустаҳкам маҳкамланганлиги;

ҳаво линиясидан киритиш конструкциялари тўсиқларининг ишга яроқлилиги ва уларнинг маҳкамланishi;

эшиқлар кулфлаш мосламаларининг ишга яроқлилиги;

кириш мосламасидаги кабелнинг зичланиши ва мустаҳкамланишининг ишончлилиги;

корпус ўрнатилишининг ишончлилиги ва унинг вертикаль ҳолатдан оғиши;

корпусни заминлаш контактларининг ишончлилиги ва заминловчи ўтказгичларда шикастланишларнинг мавжуд эмаслиги.

Ҳар сафар АУПлар кўчирилганда ва портлатиш ишлари амалга оширилганда, машинист томонидан худди шу ҳажмдаги кўздан кечириншлар амалга оширилади. Бу ҳолатларда, участка электротехник ходимлари томонидан заминлаш қаршилигини ўлчаш амалга оширилади.

Носозликлар мавжуд бўлганда, экскаваторни ишлаш учун қўшиш таъинланади.

Ҳар бир аниқланган носозликлар тўғрисида, машинист смена конизорати ходимига зудлик билан хабар беришга мажбур.

Кўздан кечиринш натижалари экскаваторнинг агрегат китобига қайд этилади.

Экскаваторлар машинистлари АУПлар мойли ўчиргичларининг аварияли ўзгаришлари тўғрисида смена энергетигига (энергодиспетчерга) хабар беришга мажбур.

2.8.2. АУПнинг ҳар ойда участка электротехник ходими томонидан амалга ошириладиган кўрикдан ўтказиш ҳажмига қуйидагилар кирди:

ҳар сменадаги кўрикдан ўтказишда кўзда тутилган ишлар;

электр зағжирларининг контактли бирикмаларини текшириш;

аппаратуралар, ток ва кучланиш трансформаторларининг маҳкамлашганлигини текшириш;

таянч ва ўтиш изоляторларининг ҳолатлари ҳамда маҳкамланганликларини ташқи кўрикдан ўтказиш;

ўчиргичлар ва кучланиш трансформаторларини текшириш;

заминлаш қаршилигининг катталигини ўлчаш.

2.8.3. АУПнинг жорий таъмирланиши ҳажмига қуйидагилар кирди:

ҳар ойдаги кўрикдан ўтказишда кўзда тутилган ишлар;

ўчиргич, ажратгич, ток ва кучланиш трансформаторларининг барча узелларини, АУПнинг изоляцияловчи элементларини ташқи кўрикдан ўтказиш ҳамда чанглардан ва кирлардан тозалаш;

ажратгичларининг қўшиш пичокларини ростлаш ва уларни сукталар ҳамда оксидлардан тозалаш;

ток ўтказувчи қисмлар, контактлар ва трансформатор темирларининг қизитганлиги, шунингдек ток трансформаторларида изоляцияловчи массанин оқганлиги изларининг мавжуд эмаслигини текшириш;

ўчиргич ва ажратгичларининг узатиш механизмлари ҳолатини текшириш ҳамда уларни ростлаш, ўчиргич узатмаларининг ишкала-

надиган қисмларини ва ажратгич узатмэсининг шарнирли бирималарини мойлаш;

Ўчиргичнинг уланкиши ва узилишини текшириш;

ёруглик сигнализациясини текшириш;

механик блокировкаларни кўриклан ўтказиш ва ростлаш;

АУПнинг барча конструктив узелларининг механик мустақкамлигини текшириш ва лозим бўлганда уларни таъмирлаш;

кабелнинг мослаб бириктирилганлигини ташқи кўриклан ўтказиш, кабель толалари орасидаги изоляция қаршилигини ўлчаш ва лозим бўлганда кабелни қайтадан мослаб бириктириш;

кучланиш трансформатори ва ток трансформаторларни чўлғамларининг изоляцияларини синовдан ўтказиш;

Ўчиргичнинг ҳаракатланувчи қисми йўлини ўлчаш ва лозим бўлганда уни ростлаш;

максимал-ток химояси ва ерга бир фазали туташилардан ҳимоялашнинг ишга яроқлилигини текшириш.

2.8.4. Капитал таъмирлаш ҳажмига қуйидагилар кирди:

жорий таъмирлашда назарда тутилган ишлар;

Ўчиргичнинг техникавий ҳолатини унинг эскирган деталларини алмаштирган ҳолда текшириш;

йўғон сымларни ўрнатишни контактларини тозалаган ҳолда текшириш;

сигнал аппаратураларини, иккиламчи коммутациялар, асбоблар, ток ва кучланиш трансформаторларининг занжирларини таъмирлаш ва алмаштириш;

химоя, сигнализация ва блокировка мосламалари ишларини созлаш, АУП корпуслари, ҳаёо линиясидан киришининг тўсиклари ҳамда таянчларини таъмирлаш;

ток ўтказувчи ва заминловчи шиналарни, юқори кучланишли ажратгичларнинг конструкцияларини ҳамда АУПларнинг корпусларини бўяш.

2.8.5. Очиқ қоснининг (қоснининг) бош энергетиги АУПларни ойиға камиди бир марта ташлов асосида кўриб чиқиши шарт.

2.9. Ҳаёо электр узатиш линияларининг секцияловчи мосламалари участка энергетиклари томонидан камиди икки ойда бир марта ва ҳар кўчиришдан кейин кўздан кечырилади. Ҳар кўчиришдан кейин заминлашнинг ўтиш қаршилиги ўлчанади.

Секцияловчи мосламаларни режали таъмирлаш йилтига камиди бир марта ўтказилади.

Очиқ коннинг (коннинг) бош энергетиги секцияловчи мосламаларни олти ойда камида бир марта танлов асосида кўриб чиқади.

2.10. КТПларни кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган тармоқдан узмасдан туриб кўрикдан ўтказиш, бургилаш дастгоҳи машинисти ёки махсус ваколатли шахс томонидан ҳар сменада амалга оширилади. КТПдан бир нечта истеъмолчилар таъминланганда, кўрикдан ўтказиш КТП юритувида бўлган участканинг энергетиги томонидан тайинланган шахс томонидан амалга оширилади.

Кўрикдан ўтказишда қуйидагилар текширилади:

корпус конструкциясининг бутунлиги ва унинг сирпангичларга маҳкамланганлигининг мустаҳкамлиги;

кириш конструкциялари тўсиқларининг ишга яроқлилиги ва таянч ҳамда ўтиш изоляторларининг бутунлиги (кўз билан кўриш орқали);

механик блокировка қилувчи ва ёпувчи мосламаларнинг ишга яроқлилиги;

сизиб чиқишлардан ҳимояловчи реледа plombаларнинг мавжудлиги;

сизиб чиқишлардан ҳимояловчи реленинг ишлашни текширганда паст кучланишли томондаги кириш автоматининг ишлаб кетиши;

паст кучланишли томондаги автоматлашган ўчиргичларни қўшиш механизмларининг ишга яроқлилиги;

заминлаш контактларининг ишончлиги ва заминловчи ўтказгичларда узилишларнинг мавжуд эмаслиги;

чиқувчи кабелларнинг ишончли маҳкамланганлиги.

КТПларда носозликлар мавжуд бўлганда, ушбу КТПдан ток билан таъминлаувчи бургилаш дастгоҳлари ва бошқа механизмларни қўшиш таъясланади. Барча аниқланган носозликлар тўғрисида, машинист зудлик билан қончилик назоратининг сменадаги шахсига ёки энергия диспетчерига хабар беришга мажбур.

КТП ҳар сафар кўчирилганда ушбу ҳажмдаги кўрикдан ўтказишлар амалга оширилади.

Кўрикдан ўтказиш, ойига камида бир марта участка энергетиги раҳбарлиги остида электротехник ходимлар томонидан амалга оширилади. Ишлар тезкор журналга ёзилган ҳолда фармойиш бўйича амалга оширилади.

КТПларни тармоқдан тўлиқ узган ҳолда ойлик кўрикдан ўтказиш ҳажмига қуйидагилар қиради:

ҳар сменадаги кўрикдан ўтказишда назарда тутилган ишлар;

оқишларни бартараф этиш, трансформаторларга кўшимча мой қўйиш ёки уларни алмаштириш, синаб кўриш учун намуналар олиш;
изоляцияларни ва трансформаторларнинг корпусларини чанглардан ҳамда кирлардан тозалаш;

ажраткичларни ва механик блокировка мосламаларини ростлаш;
заминловчи магистралнинг электр бирикмалари контактларини тортиш;

ҳаво линиясидап киришнинг таянч ва ўтиш изоляторларини батафсил кўриқдан ўтказиш ҳамда уларни алмаштириш (лозим бўлган ҳолатда).

КТПларни таъмирлаш йилига, камида бир марта амалга оширилади. Электр токининг сизиб чиқишидан ҳимоялаш аппаратураларини лабораторияда текшириш олти ойда камида бир марта амалга оширилиши керак.

Очик коннинг (коннинг) бош энергетиги КТПларнинг ҳолатини олти ойда камида бир марта таъилов асосида кўриб чиқиши шарт.

2.11. КРПларни доимий навбатчиликсиз кўриқдан ўтказиш, электротехник ходимлар томонидан кучланиш тўлиқ олинган ҳолатда (икки кишидан кам бўлмаган ҳолатда, уларнинг бир нафари IV дан, қолгилари III дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлиши керак), тезкор журналга ёзув киритиш билан фармойиш бўйича амалга оширилади.

КРПларни кўриқдан ўтказишда қуйидагилар текширилади:

- а) таянч ва ўтиш изоляторларининг ҳолати;
мойли ўчиргичлар-даги мойларнинг сатҳи ва мой оқишларининг мавжуд эмаслиги;
- б) механик блокировка мосламаларининг ишга яроқлилиги (кўз билан);
- в) катакчаннинг комплектига кирадиган ўлчов асбоблари ва аппаратураларнинг мавжудлиги;
- г) катакчаннинг ичига сув киришининг мавжуд эмаслиги;
- д) заминловчи ўтказгичларнинг уланмиш жойларидаги контактларнинг шлюзчилиги;
- е) якка тартибдаги ва ёнғинга қарши ҳимоя воситаларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳолати.

2.12. КРПларни жорий таъмирлаш йилига камида икки марта амалга оширилади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

- а) ҳар ойдаги кўриқдан ўтказишда назарда тутилган ишлар;
- б) мойли ўчиргичлар ва ажраткичларнинг узатмаларини ростлаш;
- в) мойли ўчиргичларнинг техникавий ҳолатини текшириш;

- г) электр занжирларининг контактли бирикмаларини текшириш;
- д) релели химояларни текшириш;
- е) изоляторларни чанглар ва кирлардан тозалаш.

КРП жиҳозларини капитал таъмирлашлар икки йилда камида бир марта амалга оширилади.

2.13. КРПларни ўз вақтида кўриқдан ўтказиш, таъмирлаш ва таъмирлашнинг сифати учун очик коннинг (коннинг) бош энергетиги жавобгар бўлади.

КРПларни техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жадвали бўйича ўз вақтида таъмирлашга чиқариш учун очик коннинг (коннинг) бош муҳандиси жавобгар бўлади.

АУПларни, электр узатиш линияларининг секцияловчи мосламаларини ва КТПларни ўз вақтида кўриқдан ўтказиш ҳамда таъмирлаш учун очик конлар (конлар) участкалари (цехлари) раҳбарлари жавобгар бўлади.

2.14. Очик коннинг (коннинг) участкалари (цехлари) энергетиклари раҳбарлиги остида бажарилган техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш натижалари ёзилган материаллар паспорт хариталари ёки рўйхатлар журналга қайд этиш учун очик коннинг (коннинг) бош энергетиги бўлимига (бюросига) берилади. Ушбу ҳужжатларда очик коннинг (коннинг) бош энергетиги томонидан амалга ошириладиган кўриқдан ўтказишларининг маълумотлари ҳам қайд этилади.

2.15. Кончилик машиналарининг электр жиҳозларни таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишсиз туриб қолишлари вақтини қисқартириш учун ҳар бир очик конда (конда) қуйидаги камайтириб бўлмайдиган захиралар бўлиши керак:

- а) ҳар 10 та мойли ўчиргичли ва ажратгичли АУПларга, иккитадан кам бўлмаган АУПлар;
 - б) ҳар 10 та ажратгичли АУПларга, иккитадан кам бўлмаган АУПлар;
 - в) ҳар 10 та КТПларга, иккитадан кам бўлмаган КТПлар;
 - г) электр узатиш линиялари учун ҳар 10 та секцияловчи мосламаларга, биттадан кам бўлмаган секцияловчи мосламалар;
 - д) тақсимлаш пунктларининг ҳар бешта катакчасига, КРП таркибига қирадиган биттадан кам бўлмаган тўлиқ жиҳозланган катакча.
- Релели химоя аппаратуралари, шунингдек ток ва кучланиш трансформаторлари, автоматлашган ўчиргичлар, сақлагичларнинг

камайтириб бўлмайдиган захиралари ўрнатилган жиҳозлар соғлининг 10 фоизидан, токнинг сизиб чиқишидан химоялаш аппаратуралари эса 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

3-боб

ОЧИҚ КОНЛАРНИНГ ЭЛЕКТР УЗАТИШ ҲАВО ЛИНИЯЛАРИ

3.1. Мазкур бобнинг талаблари очик конларда ва ағдармаларда барпо этилган, 1000 вольтгача ва ундан юкори кучланишли электр узатиш ҳаво линияларига (кейинчалик бу линиялар очик кон ичидаги деб аталади) тадбиқ этилади.

3.2. Очик кон ичидаги кўчирилиши, олиб ташланиши ёки қисқартирилиши керак бўлган, темирбетон, ёғоч ёки металл асосли таянчларда барпо этилган электр узатиш линиялари кўчма электр узатиш линиялари деб аталади. Кўчма электр узатиш линияларини куриш, вазирликлар томонидан тасдиқланган намунали лойиҳалар бўйича амалга оширилади.

Очик кон ичидаги кўчирилиши, олиб ташланиши ёки қисқартирилиши керак бўлмаган, стационар таянчларда барпо этилган электр узатиш линиялари очик кон ичидаги стационар электр узатиш линиялари деб аталади.

Очик кон ичидаги стационар электр узатиш линияларини лойиҳалаштириш, куриш, кабул қилиш ва фойдаланиш амалдаги қондаларининг талабларига мувофиқ олиб борилади.

3.3. Кўчма электр узатиш линияларини барпо этиш (кайта куриш) мазкур йўриқнома, фойдали қазилмалар конларини очик усулда ва очик коннинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланган, трасса линиялари кўрсатилган очик кон (кон) участкаси текислигининг паспорти бўйича ишлаб чиқишдаги хавфсизликнинг ягона қондалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

3.4. Керак бўлган ҳолатда очик кон ичидаги линияларни секциялаш назарда тутилади. Секцияловчи мосламаларни ўрнатиш жойлари очик коннинг бош энергетиги томонидан танланади.

3.5. Ўйиқ жойлардаги электр узатиш ҳаво линиясининг (ХЛ) пастки фаза симидан ернинг юзасигача бўлган масофа симларнинг максимал осилиб туриш стреласида, 3.1-жадвалда кўрсатилган катталиқдан кам бўлмаслиги керак.

3.1-жадвал

Ҳаво линиясининг фаза симидан ер юзасигача бўлган масофа

Линия ўтадиган район	ҲЛнинг кучланиши 35 килловольтгача бўлгандаги масофа, метрда
Очиқ конлар ва жинсли ағдармалар худуди	6
Олачларнинг бориши кўпин бўлган ва ер транспорти бора олмайдиган жойлар	5
Ўйик жойларнинг ён бағирлари	3

3.6. ҲЛнинг автомобиль йўллари, электрлашган ва электрлашмаган темир йўллар ҳамда биноларнинг энг яқин қисмларигача яқинлашгандаги ва уларни кесиб ўтгандаги бўлган масофаси 3.2-жадвалда келтирилгандан кам бўлмаслиги керак.

3.2-жадвал

Ҳаво линиясининг темир йўл, автомобиль йўллари, яморатлар ва нишоотлар билан кесишгандаги ҳамда уларга яқинлашгандаги масофа

Кесиб ўтши ёки яқинлашиш жойлари	Ҳаво линиясининг кучланиши куйидагича бўлгандаги масофа, метрда	
	20 килловольтгача	35 килловольт
Ҳаво линияларининг симларидан вертикал масофа: контакт тармоғи билан кесишганда симларгача ёки тутиб турувчи сим-арқонларгача бўлган	2	3
электрлашмаган темир йўллар билан кесишганда рельсларнинг каллакларигача бўлган	7,5	7,5
автомобиль йўллари билан кесишгандаги	7	7
Ҳаво линиялари симларидан яқинлашгандаги горизонтал масофа:		
контакт тармоғи таянчининг дала томонидан осплан контакт тармоғи симининг четигача бўлган	2,5	4
автомобиль йулининг ердан кўтармаси четигача бўлган	2	4
яморатнинг яқин қисмигача бўлган (симнинг проекциясида)	2	4

ишлаётган бургилаш дастохининг энг кўп чиқиб турган қисмигача бўлган (энг четки симнинг проекциясидан)	3,5	5
электрлашмиш ва темир йўллар қурилишларининг иқлимавий шартларига кўра бўлган	1,5	2,5
ишлаётган экскаваторнинг энг кўп чиқиб турган қисмигача бўлган	энг катта радиуси плюс 2 метр	энг катта радиуси плюс 2 метр

3.7. Очик қон ичидаги кўчма электр узатиш ҳаво линиялари учун алюминий симлар қўлланилиши керак.

Шамолнинг тезлиги 20 м/с дан ортиқ ва деворининг қалинлиги 10 миллиметр ва ундан ортиқ бўлган музликлар раёнларида жойлашган очик қонлар учун пўлат-алюминийли симлар қўлланилиши мумкин.

Кучланиши 1000 вольтгача ва ундан юқори бўлган кўчма электр узатиш линиялари учун симларнинг кесими ҳисоб-китоблар бўйича қабул қилинади, лекин алюминий симлар учун 120 мм² ва пўлат-алюминийли симлар учун 95 мм² дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Очик қон ЭУЛ симларининг минимал кесими 3.3-жадвалда келтирилган.

3.3-жадвал

Ҳаво линияси симларининг минимал кесими

Сим	Кучланиш қуйидагича бўлганда симларининг минимал кесими. (миллиметрларда)	
	1000 вольтгача	1000 вольтдан ортиқ
Алюминий	16	25
Пўлат-алюминий	10	16

3.8. Кўчма таянчлар ўртасидаги масофа ҳисоб-китоб билан аниқланади, лекин улар 50 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Кўндаланг линияларни (ўйиқ жойлардан ўйиқ жойларга тушганда) қуришда таянчлар ўртасидаги 40 метрдан ортиқ бўлмайдиган масофа линиянинг горизонтал текисликка проекциялари бўйича аниқланади.

3.9. Очик қонлар ичидаги электр узатиш ҳаво линияларини барпо этишда намунавий конструкциядаги таянчлар қўлланилиши керак.

3.10. Кўчма таянчларнинг устунларини тайёрлаш учун ГОСТ 9462-71 ва ГОСТ 9463-72 талабларига мувофиқ бўлган, сифати бўйича III сортдан кам бўлмаган ёғочларни қўллаш керак. Ёғочнинг юқори қисми, таянч асосининг элементлари учун 17 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак. Кўчма таянчларнинг «шамларини» биттадан ортиқ

булган ёғочдан тайёрлаш тақиқланади. Кўчма таянчларнинг мустақамлигини ошириш лозим бўлган ҳолатларда, уларни металлдан тайёрлашга рухсат этилади.

3.11. Бурчак (охирги) таянчларнинг ва ўйиқлардан ўйиқларга тушиш оралигини чекловчи таянчларнинг барқарорлигини таъминлаш учун, уларни режалаштирилган майдончага ўрнатишда оғирлиги 1000 килограммдан кам бўлмаган қайта қўлланиладиган темирбетон юклар қўлланилган керак.

Ораликдаги таянчлар учун қайта қўлланиладиган юкларнинг жамланган оғирлиги 550 килограммдан кам бўлмаслиги керак.

Кўчма таянчларнинг барқарорлигини таъминлаш учун қайта қўлланиладиган юкларни қўллашнинг имконияти бўлмаганда, аякерли, бурчакдаги, оралик ва охирги таянчларнинг барқарорлиги сим-арқонли торткичларни ўрнатиш ёки уларнинг асосларини жинслар билан қўшимча юклаш орқали таъминлавади. Очик конларнинг электр узатиш ҳаво линиялари таянчларини тортиш намунавий лойиҳаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.12. ҲЛнинг стационар таянчларига қуйидагиларни биргаликда осяшга йўл қўйилади:

ҲЛ-6(35) симлари ва магистраль заминловчи сим;

ҲЛ-6(10) симлари, ёритиш тармоғи симлари ва магистраль заминловчи сим;

Бунда қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

ҲЛнинг юқорироқ кучланишли сими ҲЛнинг паст кучланишли симидан юқорида жойлашиши керак;

ҲЛнинг турли кучланишли симлари орасидаги масофа юқорироқ кучланишли ҲЛ учун қўйиладиган талабларга мувофиқ қабул қилиниши керак;

ҲЛнинг юқори кучланишли симларининг штирли изоляторларга маҳкамланиши икки қават бўлиши керак.

Кўчма таянчларга электр узатиш линияларининг кучланиши 1000 вольтгача ва ундан юқори бўлган симларини биргаликда осяш тақиқланади.

3.13. Штирли изоляторлар ўрнатилган ҲЛнинг симлари ўртасидаги энг кам масофа, электр қурилмаларнинг тузилиши Қоидаларидаги (ЭҚТҚ-77) П-5-14-жадвалга мувофиқ тавланади.

Фаза ва заминловчи симлар орасидаги масофа, фаза симлари учун П-5-15-жадвалда кўрсатилган масофаларга мувофиқ бўлиши керак.

Заминловчи сымларнинг монтаж изоляторларсиз қайрилма қозиларда амалга оширилади.

3.14. Очик қон ичидаги амалдаги қўчма ЭУЛни таъмирлаш ҳамда қайта қуриш, шунишгдек янги электр узатиш линияларини ток манбаларига тортиш ва улаш бўйича ишлар наряд бўйича бажарилади.

3.15. Янгидан барпо этилаётган (қайтадан қурилаётган) қўчма ЭУЛнинг трассаси маркшейдер томонидан текисликнинг паспортига мувофиқ бўлиниди, ишларнинг лжрочисига эса трассанинг режаси берилди. Агар трасса баландликнинг тушиб кетишларига эга бўлса, бундай жойларга маркшейдер хизмати томонидан трассанинг профили берилди.

3.16. Қўчма таянчларни монтаж қилиш, демонтаж қилиш, транспортларда ташиш бульдозерлар, юк кўтариш кранлари ёки автоагдаргичлар базасидаги махсус жиҳозланган механизмлар (таянч ташигичлар) ёрдамида амалга оширилади.

Кўрсатилган операцияларни бажарадиган шахслар махсус ўқитилган бўлишлари керак.

Амалдаги ЭУЛси яқинидаги ишлар наряд бўйича, амалдаги ЭУЛдан узокдагилари жавобгар шахснинг фармойиши бўйича амалга оширилади.

3.17. Қўчма ЭУЛнинг таянчларини монтаж қилиш (демонтаж қилиш) бўйича ишларни механизациялаш воситалари очик қонларнинг (қонларнинг) электротехникавий хизматига бириктирилган бўлиши керак.

Механизация воситаларининг сони қуйидаги ҳисоб-китобдан аниқланади: битта линия-монтаж механизми - бешта экскаваторга, ёки 10 та КТПга, ёки битта қон-транспорт комплекси; ҳар 10 та линия-монтаж механизмларига битта алмаштириладиган.

Бир вақтда бажариладиган ишларнинг ҳажми катта бўлган ҳолатларда, механизмларнинг керакли сонлари қончилиқ участкалари раҳбарлари томонидан таъминланади.

Таянчларни қўлда ортишга (туширишга) йўл қўйилмайди.

3.18. Таянчларни таянч ташигич ёрдамида ташини, уларни транспорт ҳолатида маҳкамлагачдан кейин кузатиб боровчи шахс раҳбарлигида амалга оширилади. Таянч ташигич юктарини тушириш жойидаги районда, 10 метрдан кам бўлмаган масофада кузатиб боровчининг ортидан ҳаракатланади. Таянч ташигичнинг ҳайдовчиси кузатиб боровчи билан доимий кўриниб турувчи алоқага эга бўлиши керак.

3.19. Таянчларни жойига ўрнатиш, кузатиб борувчининг тошпи-
ринги бўйича амалга оширилади. Кўчма ЭУЛнинг таянчлари режалаш-
тирилган майдончаларга ўрнатилади, бунда таянчларнинг асослари
тупрокка тўлик ётиши шарт.

3.20. Таянч ташигичларнинг кўрикланадиган темир йўлни кесиб
ўтиш жойларидан ўтиши, темир йўлни кесиб ўтиш бўйича навбат-
чининг рухсати билан, кўрикланмайдиган жойларда эса, махсус кўр-
сатмалардан ўтган ва локомотив машинистига сигнал бериш усул-
ларига ўқитилган кузатувчи шахснинг рухсат берувчи сигнали бўйича
амалга оширилади.

3.21. Таянчларни вертикаль ҳолатда, сақлаш мосламалари билан
жихозланган трактор (бульдозер) билан режаланган ва тозаланган гори-
зонтал юза бўйлаб ташинишга йўл қўйилади. Истисно тариқасида, таянч-
ларни нишаб юза бўйлаб, очик кон (кон) бош муҳандиси томонидан
тасдиқланган ишларни ташкиллаштиришнинг махсус лойиҳаси бўйича
ташинишга йўл қўйилади.

Таянчларни бульдозер билан вертикаль ҳолатда ташинишда шатакка
олиш сим-арқониянинг узунлиги таянчнинг супачаси ва тиркаш мосла-
маси ўртасидаги масофа 3 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

3.22. Симларни таянчга кўтариш ва монтаж қилишга, таянч
жойига ўрнатилгандан ҳамда унинг барқарорлиги таъминлангандан
кейин рухсат берилади.

3.23. Симни тортиш кўлда амалга оширилади. Кўчма таянчларда
симларни механизмлар ёрдамида тортиш тақиқланади.

3.24. Кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган кўчма ҳаво ЭУЛда
бир жинсли металлдан тайёрланган кўп симли симларни улаш, махсус
кўсқачлар ёки «бошоқ» усули бўйича бажарилган ўрама ёрдамида ёки
комбинациялашган усулда амалга оширилади.

«Бошоқ» ўрамаси (3.1-расм) қуйидаги тарзда бажарилади. Улана-
диган иккита симларнинг учлари 400 миллиметрдан кам бўлмаган
узунликда ўримдан ечилади ва ҳар бир симнинг ўримдан ечилмаган
жойигача бириктирилади. Ҳар иккала сим бириктирилган жойларидан
пассативлар билан қистирилади ва кейин биринчи симнинг ўрамдан
ечилган учи иккинчи симнинг ўрамдан ечилмаган қисмига 175
миллиметрдан кам бўлмаган узунликда симни симга қилиб бир қаторда
ўралади. Шундан кейин иккинчи симнинг ўрамдан ечилган учи
биринчи симнинг ўрамдан ечилмаган қисмига, бу ҳам 175
миллиметрдан кам бўлмаган узунликда симни симга қилиб бир
қаторда, тескари йўналишда ўралади.

Симларнинг комбинациялашган ўрамасини (3.2-расм) бажариш учун уларни бир бирига 800 миллиметрдаг қаз бўлмаган узунликда қўйилади ва ўртасидан пассатижлар билан қисилади. Кейин биринчи симнинг эркин учидан иккитадан кам бўлмаган сим ечиб чиқарилади ва улар билан уланаётган симлар ўраб қисилади. Шундан сўнг кейинги иккита сим олинади, улар ечилади ва улар билан уланаётган симлар қисиб ўралади. Бу операция битта симнинг эркин учли симлари тутагунча ва унинг иккинчисига чиққунча шу кетма-кетликда давом эттирилади. Ўраманинг иккинчи томони худди шу кетма-кетликда тесқари томонга ўраб қисилади. Кучланиши 10 киловольтгача бўлган кўчма ХЛнинг симларини ўрама билан улашда ўрама бир қават қилиб бажарилиши ва уланаётган симларнинг учларига нисбатан симметрик бўлиши керак, ўрама билан улашга, фақат кўп симли алюминий симлар учун очиқ конларнинг кўчма электр тармоқлари ораликларида йўл қўйилади.

Ушбу шартларни бажаришда, ўраманинг мустақкамлиги бутун сим мустақкамлиги 90 фонддан кам бўлмаган чегарасини таъминлайди, контактнинг қаршилиги эса, симнинг ўрама узунлигидаги бўлаги қаршилигининг икки барабар миқдордан ошмайди.





Рис. 3.1. Иккитаматериалдан шик
решения с двумя проводом
Рис. 3.2. Шестипроводная
материал комбинированной структуры



3.1-расм. «Бошою» ўрамасининг бажарилиши кетма-кетлиги.

3.2-расм. Комбинациялашган ўраманинг бажарилиши кетма-кетлиги.

3.25. Ҳар бир ораликда битта симнинг учтадан ортиқ бўлмаган уланишга йўл қўйилади. Замплочви симда биттадан ортиқ бўлмаган, махсус қискич билан амалга оширилган уланишга йўл қўйилади. Қесишиш ораликларида фаза симлари ва кўчма линияларнинг

заминловчи сымларни узатмаларга эга бўлмасликлари керак, Барча кесилишлар сымларни икки мартадан маҳкамлаш билан бажарилган бўлши керак.

3.26. Очқк конда (конда) очмавий портлатишларни амалга оширишни тайёрлашда, кон-техника хизмати албатта, очик кон ичидаги кўчма электр узатиш линияларни шишоотларига ва электр қурилмаларга портлашларнинг таъсир зонасини аниқлайди. Кўрсатилган зонани, очик кон участкаси қончилиқ ишларининг бирлаштирилган режасига қирғатди ва уни портлатишдан қалпта уч қундан олдин очик коннинг (коннинг) бош энергетикига ҳамда портлаш амалга ошириладиган қончилиқ участкаларининг бошлиқларига беради.

Участкалар бошлиқлари мазкур ҳужжат асосида бош энергетикнинг бўлими (бюроси) билан биргаликда портлатишга тайёрлаш ва унинг оқибатларини бартараф этишнинг режа-жадвалини тузади.

Режа-жадвали очик коннинг (коннинг) бош муҳандиси тасдиқлайди ва уни портлашдан бир қун олдин ишда иштирок этадиган барча МТХ шахслари эътиборига етказилади. Режа-жадвалда қуйидагилар кўзда тутилади:

- а) линияни демонтаж қилиш бўйича ишлар ҳажми;
- б) линия бригадалари ва линия-монтаж машиналарининг жойлаштиши;
- в) ишларнинг хавфсиз бажарилиши ва линия-монтаж машиналарининг ишга яроқлилиги учун жавобгар шахслар;
- г) тайёргарлик ишларининг бошланган ва тугатилган вақти;
- д) портлатиш вақтида линия-монтаж машиналарини бекитадиган жойлар;
- е) ходимларни тиклаш ишларини бажаришга қўйишнинг тартиби;
- ж) тиклаш ишларининг лозим бўлган энг кам ҳажми ва уларни тугатиш вақти;

3.27. Портлатиш олдидан очик коннинг (коннинг) бош муҳандиси фармойиши бўйича портлашнинг таъсир доирасида бўлган очик кон ичидаги токи ва кучланиши турпдан қатъий назар барча линиялар ўчирилади.

Портлатиш ишлари, куннинг ёруғ вақтида тиклаш ишларини ўтказиш кераклигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

3.28. Очик кон ичидаги кўчма ХЛ таянчларини линия-монтаж машиналари (юк кўтариш қранлари) ёрдамида монтаж (демонтаж) қилиш, транспортларда ташиниш ва маҳкамлаш электр хўжалиги муҳандис-техник ходимлари шахсларининг фармойишлари бўйича

участканинг (хизматнинг) тезкор журналига ёзган ҳолда амалга оширилади. Фармойишда бригаданинг бутун таркиби учун хавфсизлик техникаси чораларининг рўйхати бўлиши керак.

3.29. Таянчларнинг монтажиде (демонтажиде) ва уларни ташинди банд бўлган линия-монтаж машиналарининг хайдовчилари, улар таркибиде ишлайдиган хизматнинг МТХ томонидан кўрсатмалардан ўтказилиши керак.

3.30. Темир йўл ёки контакт тармоғи орқали симларни монтаж (демонтаж) қилишда поездларнинг харакатланиши тўхтатилиши, куч ёритиш, контакт тармоқлари узилиши керак. Перегон ёпилган бўлиши ва темир йўл станцияси ёки пост бўйича навбатчида перегонларининг ёпилганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувлар ёзилган бўлиши керак.

Ишлар контакт тармоғихизмати билан келишилган махсус йўриқнома (наряд) бўйича бажарилиши керак. Ишларни амалга ошириш жойида контакт тармоғи замишловчи штапгалар ёрдамида ишончли замишилган бўлиши керак.

3.31. Симларни автомобиль йўллари орқали монтаж қилишда, ишларни бажариш нарядида автомобиллар учун ўтишнинг ёпилганлиги тўғрисида сигнализация бўйича чора-тадбирлар кўрсатилган бўлиши керак. Очик коннинг (коннинг) раҳбарияти автотранспорт цехининг смена назорати, ишларни бажариш жойида асосий йўл орқали транспортларининг ўтиши ёпилганлиги тўғрисида, ишлар бошлангунга қадар расман огоҳлантириши шарт.

3.32. Электр узатиш линияси трассасида фойдали казилмаларнинг гарамини, жинсларининг аҳдларларини, шпаллар ва рельсларни жойлаштириш, шунингдек бошқа материалларни жойлаш тақикланади.

3.33. Очик конлар ичидаги кўчма ЭУЛнинг ҳолатини кўриқдан ўтказиш қуйидаги муддатларда амалга оширади:

а) кончилик участкаларининг смена кон назорати шахслари томонидан – ҳар сменада;

б) кончилик участкаларининг энергетиклари ва бошлиқлар (бошлиқларининг ёрдамчилари) томонидан участкалар чегаралари доирасида – ҳар ҳафтада;

в) очик коннинг (коннинг) бош энергетиги ва очик коннинг (коннинг) бош муҳандиси ёки унинг кончилик ишлари бўйича ўринбосари томонидан – ҳар ойда (таълов асосида).

3.34. Электр узатиш линияларини ҳар сменада кўриқдан ўтказиш натижалари, ишларни бажаришга нарядларни бериш (технологик ходимларга) журналига ёзиб борилади, авария ҳолатида бўлган ҳолда

эса, очик коннинг (коннинг) смена энергетигига (энергодиспетчерга) телефонограмма шаклида, узатувчининг фамилияси, лавозимини кўрсатиб хабар беради.

Электр узатиш линияларини ҳар ҳафтадаги ва ҳар ойдаги кўриқдан ўтказиш натижалари нарядлар китобига ёзиб борилади.

Агар кўриқдан ўтказишда, линиянинг ҳолаги ходимларнинг хавфсизлигига таҳдид солаётганлиги ёки электр билан узлуксиз таъминлашнинг бузилишига олиб келиш мумкинлиги аниқланса, буни аниқловчи унинг зудлик билан узилиши ва камчиликларни бартараф этишнинг чораларини кўради.

3.35. Очик кон ичидаги кўчма электр узатиш линияларикўриқдан ўтказиш ҳажмига куйидаги текширишлар киради:

а) линиянинг хавфсиз габарит ўлчамлари (кўз билан);

б) изоляторларда синиш жойлар, куйган жойлар, ёриқларнинг йўқлиги, симларнинг изоляторларга маҳкамланганлиги ҳолатлари (кўз билан);

в) симчаларнинг узилишлари, симларда эриш изларивинг, фаза ва заминловчи симларда ташланган насаларнинг мавжуд эмаслиги (кўз билан);

г) таянчларнинг ҳолатлари, асос элементлари, юклар ва торткиларни маҳкамлагичларнинг бутунлиги, таянчларга кўтарилмастан туриб синаб кўриш билан;

д) симларнинг шамолда «бир-бирига чирмашиши»нинг мавжуд эмаслиги;

е) таянчларнинг вертикалдан оғиши;

ж) таянчларда эҳтиёт бўлишга чақирувчи плакатлар ва бошқа доимий белгиларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳолати.

3.36. Навбатдан ташқари кўриқдан ўтказишлар, очик коннинг (коннинг) бош энергетиги кўрсатмаси бўйича, шунингдек музлаган, кучли шамол (15 м/с дан ортиқ) бўлган ҳолатларда, линияни химоя таъсиридан ўчиргандан кейин, портлатиш ишлари амалга оширилгандан кейин ва яшин бўлгандан кейин амалга оширилади.

3.37. ЭУЛни, уларни химоя таъсиридан ўчирилгандан кейин, шунингдек шамолда ва музликларда кўриқдан ўтказиш тартиби очик коннинг (коннинг) бош энергетиги томонидан белгиланади.

3.38. Очик конда (конда) очик симнинг, изоляторлар ва таянчларнинг кўчма линияларнинг узунлиги бўйича 10 фоиз аварияли алмаштириш ҳисоб-китобидан камайтирилмайдиган авария захираси мавжуд бўлиши керак.

Очиқ коннинг (коннинг) бошлиғи, очик коннинг (коннинг) бош муҳандиси, очик коннинг (коннинг) бош энергетиги авария захирасидан фойдаланишга фармойиш бериш ҳуқуқига эга.

3.39. Ҳар бир очик кон (кон) линиялардаги ишларни юритиш учун умумийтифок ва тармоқ меъриёликларига мувофиқ материаллар билан таъминланиши керак.

3.40. Кўча линияларни таъмирлашни (кайта куришни) олиб борувчи бригадалар куйидаги инструментлар, ҳлмоялангиш воситалари ва механизация воситалари билан таъминланиши керак:

а) монёрлар тирноғи – бригаданинг ҳар бир аъзосига бир жуфтдан (ҳар 10 та жуфтга иккита алмаштириладиган комплект);

б) бригаданинг ҳар бир аъзосига бир донадая қисқичли сакловчи камарлар (ҳар 10 донасига 2 та алмаштириладиган);

в) диэлектрик қўлқоплар – бригаданинг ҳар бир аъзосига бир жуфтдан (ҳар 10 донасига 2 та алмаштириладиган);

г) кучланишни кўрсаткичлар – бригадага биттадан кам бўлмаган миқдорда (кучланишларнинг ҳар бирига);

д) тезкор штангалар – бригадага биттадан кам бўлмаган миқдорда (кучланишларнинг ҳар бирига);

е) кўча заминлашларни кўйиш учун заминлагичлар билан комплектдаги штангалар – бригадага иккитадан кам бўлмаган ёки хавфсиз ишлар учун лозим бўлган сонлар бўйича;

ж) 2500 вольт кучланишга мўлжалланган мегомметр – бригадага биттадан кам бўлмаган миқдорда (аварияли захира сифатида биттанинг бўлиши шарт);

з) 5 каррали бинокль – бригадага биттадан кам бўлмаган миқдорда

Эслатма. Бинокллар билан линияни кўриқдан ўтказувчи назорат шахслари ҳам таъминланишлари керак.

и) монёрлик инструментлари билан монёрлар – бригаданинг ҳар бир аъзосига биттадан;

к) 30 километр узунликдаги электр узатиш линиясига битта автотинора.

3.41. Таъмирлаш бригадалари ва уларнинг инвентарь инструментлари, улар учун махсус жиҳозланган линия-монтаж машиналари ёрдамида олиб юрилиши керак.

3.42. Линияларни кўриқдан ўтказишнинг ўз вақтидалиги ва камчиликларни бартараф этиш учун участкаларнинг кончилиқ назорати

шахслари, участкаларнинг энергетиклари, очик коннинг (конвинг) бош муҳандиси, бош муҳандиснинг хавфсизлик техникаси бўйича ўринбосари, очик коннинг (коннинг) бош энергетиги жавобгар бўладилар.

Очик коннинг (коннинг) электр хўжалиги МТХ шахслари очик кон ичидаги кўчма линияларни таъмирлаш, монтаж (демонтаж) ишларининг сифати учун жавобгар бўладилар.

4-боб

ЭГИЛУВЧАН РЕЗИНА КАБЕЛЛАР

4.1. Очик коннинг (коннинг) кучланиши 1000 вольтгача ва ундан юқори бўлган кўчма электр истеъмолчиларини (экскаваторлар, контранспорт комплекслари, бурғилаш дастгоҳлари ва бошқа кончилик машиналарини) ток билан таъминлаш учун ГОСТ 9388-76, ГОСТ 13497-77, ГОСТ-10694-78 лар бўйича эгилувчан резина кабелларни қўллашга рухсат этилади.

Худди шундай, вазирликлар билан келишилган техникавий шартлар бўйича тайёрланган эгилувчан кабелларни қўллашга ҳам рухсат этилади. Техникавий шартларда ушбу кабелларнинг юқорида кўрсатилган кончилик машиналарини ток билан таъминлаш учун қўлланилишлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Чет эллар маркаларидаги эгилувчан кабелларни қўллашга, тармоқ институтининг хавфсизлик бўйича хулосалари мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

4.2. Стационар қурилмаларни ток билан таъминлаш учун электр қурилмаларнинг тузилиши Қоидалари талабларига мувофиқ кабеллар ва изоляцияланган симлар қўлланилади.

4.3. Кабелларни транспортларда ташини ва уларни сақлаш завод-тайёрловчининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳар бир очик конда (конда) камаймайдиган захира ва таъмирлаш фондиди жойлаштиришни таъминлайдиган махсус хоналар ҳамда айвонлар бўлиши керак. Кўрсатилган хоналар кабелларни таъмирлаш учун мўлжалланган устахоналар бинолари билан бир жойда бўлиши керак.

4.4. Очик коннинг кўчма электр қурилмаларини ток билан таъминловчи эгилувчан кабель шундай ётқизишли керакки, унинг музлаши, зарбалар олиши, кон массаси бўлаклари билан эзилиши, унинг устидан транспорт воситаларининг босиб ўтиши имкониятлари бўлмаслиги керак.

4.5. Темир йўл йўллари ва автойўллар билан кесишган жойларда кабель упи қувурлар, қутилар, новлар ва бошқаларнинг ичидан ётқизилиш орқали шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак. Ҳимоя мосламаларининг ўлчамлари, темир йўл йўллари ёки бошқа йўлларнинг энгидан ҳар бир томонга камида 2 метрга ортиқ бўлиши керак.

4.6. Портлатиш зонасида бўлган кабеллар, портлатиш вақтида хавфсиз жойга йиғиштириб олиниши ёки кон массаси портлатилганда шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

4.7. Сув босган участкаларда кабеллар, оралиғи 10 метрдан ортиқ бўлмаган «эшақ»ларга кўтарилган бўлиши ва сувнинг юзасидан камида 0,3 метр баладликда жойлашиши керак.

4.8. Кабель қабул қилувчи барабан ёки кабелни кўчирувчи билан ускуналанмаган механизмларда, кабелларнинг ортиқчаси механизмнинг ишчи зонасидан ташқаридаги текисланган майдончага кўшни тармоқлар ўртасида 0,2 метрдан кам бўлмаган, кўринадиган масофа қолдириб тахлаб қўйилиши керак.

4.9. Кабель энергия истеъмолчиларининг кириш мосламасидан сугурилиб чиқмаслиги учун, чиқишида кабель диаметрдан беш-олти марта катта бўлган радиусда эгилишини таъминловчи мослама билан маҳкамланиши керак.

4.10. Кабель билан барча ишлар (таъмирлаш, бириктириш, оширилган кучланиш билан синаб кўриш, улаш, узиш) мазкур Йўриқнома ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишдаги хавфсизлик техникаси Қондалари талабларига мувофиқ тегишли малакага эга бўлган электротехник ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

4.11. Очиқ кон шарафларида кабелларнинг учларини мослаб бириктириш, таъмирлаш ва бириктириш бўйича ишларни амалга оширишга, фақат уларни улаш пунктида узгандан ва кўчма заминлагичларни ўрнатиш йўли билан қолдиқ зарядлардан зарядсизлантирилгандан кейин йўл қўйилади.

4.12. Кучланиш остида бўлган кабелларни, бевосита кўчма машинага келадиган 15 метргача узунликдаги участкасидан ташқари қисмини, механизмлар ёрдамида кўчириш тақиқланади.

Кучланиш остида бўлган кабелларни, диэлектрик қўлқоплар ёки дасталари изоляцияланган махсус мосламалардан албатта фойдаланган ҳолда, қўлда кўчиришга руҳсат этилади.

4.13. Кон массасини экскаватор билан «кабель орқали» юклаш тақиқланади. Ишлаб чиқариш зарурияти бўлганда, қончилик участкаси раҳбарияти бир кундан ортиқ бўлмаган муддатта, экскаваторнинг

ишлаш зонасида кабель ишончли химояланган шароитларда “кабель орқали” юклашга рухсат бериши мумкин.

4.14. Очиқ конларнинг кўчма электр истеъмолчиларини ток билан таъминловчи кабелларни кўриклардан ўтказиш куйидагича ўтказилади:

а) экскаваторлар (контранспорт комплекслари), бургилаш дастгоҳлари ва бошқа машиналарнинг машинистлари (машинистларнинг ёрдамчилари) томонидан – ҳар сменада;

б) участка энергетиги раҳбарлиги остида электротехник ходимлар томонидан – ҳар ойда;

в) очиқ коннинг (коннинг) бош энергетиги томонидан – уч ойда камда бир марта (таълов асосида).

Кабелларни ҳар сменадаги кўриқдан ўтказишда куйидагилар текширилади: унинг трасса бўйлаб тўғри ётқизилганлиги, бутун чуқурликда узилиш ва ёрилишларнинг, манёврлаш участкасида (кириш мосламасидан 20 метр) тешилишлар ҳамда кесилишларнинг, транспорт воқитларининг босиб ўтишлари ёки жинслар палаҳсаларининг тушишдан эзлишларнинг ва унинг ташқи шлангли қобигида бошқа механик шикастланишларнинг мавжуд эмаслиги.

Ҳар сменадаги кўриқдан ўтказиш натижалари агрегат китобига ёзиб борилади. Кабелдаги носозликлар тўғрисида смена энергетигига ёки энергодиспетчерга хабар берилади.

Ҳар ойдаги кўриқдан ўтказиш ҳажмига куйидагилар қиради: ҳар сменадаги кўриқдан ўтказишда кўзда тутилган ишлар ва кабель учларини мослаб бириктиришнинг кўриқдан ўтказилиши, бунда ток ўтказувчи толалар изоляциясининг юзасида озон таъсиридаги ёрилишларнинг мавжудлиги, мослаб бириктирилган учларнинг изоляцияланган ораликларининг ифлосланганлик даражаси текширилади.

Ҳар ойдаги кўриқдан ўтказиш натижалари энергодиспетчерининг тезкор журналига ёзиб борилади.

4.15. Фойдаланишга топширишдан олдин кабелларнинг учларида, шлангли мослаб бириктириш, асосий толалар изоляциясини мослаб бириктириш, учликларни пресслаш (кавшарлаш) ёки толаларнинг учларини махсус қисқичларга тайёрлашларни ўз ичига оладиган мослаб бириктиришлар бажарилган бўлиши керак.

4.16. Кабелларнинг учларини мослаб бириктиришни изоляцияловчи, тузатувчи резиналар, электр изоляцияловчи гильзалар ёки кремний-органик резиналардан тайёрланган трубкалар (КРТ) ёрдамида бажариш тавсия этилади.

4.17. Асосий толаларни мослаб бириктириш куйидагиларнинг олдини олиши керак:

а) линиядаги номиналдан кам бўлмаган кучланишларда, шунингдек мумкин бўлган ички ортиқча кучланишларда ёпиш;

б) изоляция даражасининг анча миқдорда пасайиши;

в) линиядаги номиналдан кам бўлмаган кучланишда ҳар бир толада ва толалар орасида тожли зарядсизлаштишлар.

Шлангли мослаб бириктириш кабелнинг ичига намлик ва чангларнинг киришига йўл қўймаслиги керак.

4.18. Кабелнинг учларини мослаб бириктиришда толаларнинг узунлиги электр жиҳозларнинг конструкцияси ва кириш мосламаларининг ўлчамлари билан ҳамда унда бириктирувчи шпилкаларнинг жойлашиши билан аниқланади ва у 350 миллиметрдан кам бўлмаслиги керак.

Кириш мосламаларидаги изоляцияланган толанинг эгилиш радиуси, айниқса электр ўтказувчи изоляцияли экран чегарасида, имконият даражасида максимал бўлиши керак.

Кабелнинг кириш мосламасидаги маҳкамлашиши ток ўтказувчи толалар изоляцияланган қисмларининг бир-бирларига, ток ўтказувчи ва заминланган қисмларга кириб кетишига йўл қўймаслиги керак.

4.19. Кабелларнинг учларини ҳар қандай усулда мослаб бириктиришда, шлангли қобикни кириш мосламасининг шпилкалари битта сатҳда жойлашганда кабелнинг учидан 350 миллиметрдан кам бўлмаган масофага, шпилкалар турли сатҳларда жойлашганда кабелнинг учидан 500 миллиметрдан кам бўлмаган масофага олиш керак (асосий толани мослаб бириктириш «зарб югуриш»га бажарилади).

Асосий толаларни мослаб бириктиришда «зарб югуриш»га бажаришда толаларнинг биттаси 70 миллиметр қилиб, бошқаси эса 140 миллиметр қилиб кесилади. Асосий толалардан кесилган тасмаларни олиш ва уларни резина ўзак билан бирга шлангли қобик кесилган жойдан кесиш керак.


Кесилган жойдан 50-70 миллиметр масофада шлангли қобикни конус шаклида кесиш ва уни эгов билан тозалаб текислаш керак. Ҳар бир экрандая 10-12 та симчаларни (ички-уч тутам) ажратиш керак. Экранларнинг қолган симчаларини биргаликда эшиш, кабель бўйлаб жойлаштириш ва заминлашнинг изоляцияланган толаси билан бирга шлангли қобикка маҳкамлаш керак. Ҳар бир экрандан ажратилган 10-12 та симчаларни тўғрилаш, кабель бўйлаб ётқизиш ва шлангли

қобикка, замишлаш толаси ҳамда экраннинг биргаликда эшилган қолган сымчалардан алоҳида маҳкамлаш керак.

4.20. Кабель учларни мослаб бириктириш ва таъмирлашни бажаришда тузатадиган резина тасмаларни ўраш текис, бурушиқларсиз, ўрамларни 50 фоизга ёпадиган ҳамда қатламларнинг зич ётишини таъминлайдиган тортиш билан амалга оширилиши керак.

Резина тар қўллашдан олдин эви 20-40 миллиметр бўлган тасмаларга кесилди, қўйилма материалларнинг қолдиқларидан синчиқлаб тозалаядди ва бензин билан ишталади.

Шлангли қобик ва томирли изоляциянинг конус шаклидаги юзалари, шунингдек электр ўтказувчи экранларни олиб ташлашда пайдо бўлган нотекисликлар эгов ёки жўлвир қоғоз билан ишланиши ҳамда тоза, бензин билан намланган латта-путталар билан ишқалаб тозаланиши керак.



4.1-расм. Кабелнинг учини тузатилган резиналарни қўллаш ҳолда мослаб бириктириш: 1 - эшилган металл экранлар; 2 - замишловчи тола; 3 - ток ўтказувчи тола; 4, 6 - электр ўтказувчи резинадан тайёрланган экран; 5 - резина изоляция; 7 - металл экран ва резиналанган матодан тайёрланган тасма; 8 - шлангли қобик; 9 - ПШ-50 резинадан тайёрланган шлангли қобикни мослаб бириктиришнинг ташқи қатлами; 10 - резиналанган матодан тайёрланган бандж; 11 - ПШ-50 резинадан тайёрланган шлангли қобикни мослаб бириктиришнинг биринчи қатлами; 12 - ПИ-35 резинадан тайёрланган герметизацияловчи ўрама; 13 - ПШ-50 резинадан тайёрланган ҳимояловчи қатлам; 14 - ПШ-40 резинадан тайёрланган ўрама; 15 - ПИ-35 резинадан тайёрланган конус шаклидаги йўғонлаш; 16 - ёпишқоқ тасмадан тайёрланган герметизацияловчи ўрама; 17 - учлак.

4.21. Тузатадиган резиналар ёрдамида учларни мослаб бириктиришни бажариш учун, асосий томирнинг торецидан 270 миллиметрдан

кам бўлмаган узунликда электр ўтказувчи ташки экран олиб ташланиши керак (4.1-расм).

Олиб ташланган электр ўтказувчи экран ўрнига, ўрта қисмининг диаметри толанинг изоляция билан бўлган диаметрдан 8 миллиметрга ортиқ бўлган диаметрдаги конус шаклидаги йўгонлаштиригич ўраллиш керак. Бунда, изоляция резинаситинг тасмаси электр ўтказувчи резинадан тайёрланган экранга чиқмаслиги керак.

Электр ўтказувчи ва металл экранларни максимал конус шаклидаги йўгонлаштиришга қадар тиклаш керак. Металл экраннинг юзасига қалинлиги 0,6-0,8 миллиметр бўлган ПШ-50 резинадан тайёрланган ҳимоя қатлами қўйилади.

Толаларнинг шлангли қатламдан чиқилишида, 30-40 миллиметр узунликда ПИ-35 ёки ПШ-50 резина тасмаларидан уч-тўрт қатламли герметизацияловчи ўрама қилиш керак.

Шлангли қобикнинг торецини мослаб бириктиришни (бекитишни) 4.24-бандга мувофиқ бажариш керак.

4.22. Электр изоляцияловчи гильзалар ёрдамда учларни бекитишни бажариш учун (4.2-расм) асосий толалардан 250 миллиметр изоляцияни электр ўтказувчи экранлар билан бирга олиб ташлаш ва торецидан 40-50 миллиметр масофага ёпишқоқ тасмадап тайёрланган бандажни қўйиш керак. Электр ўтказувчи экранли резина изоляцияни конус шаклида 40-55 миллиметр узунликда кесиш керак.

Изоляциянинг конус шаклидаги юзасини 10-15 қатлам қилиб тузатишган изоляцияловчи ПИ-35 резина билан ўраш керак. Тасмани изоляциянинг кесилган жойидан 15-20 миллиметр масофага ток ўтказувчи толадан бошлаб ўраш керак.


Электр изоляцияловчи гильза кабелнинг асосий толаси кесимига мувофиқ ташланади. Гильзанинг ички конус шаклидаги юзасини ва қатби толасидаги конус шаклидаги ўраманинг юзасини бензин билан артиш ҳамда 2-3 дақиқа давомда қуришти керак. Гильзани толага тиралиб қолгунча кийдириш керак, бунда гильзанинг ички юзаси ўраманинг конус қисмига зич ётиши керак. Гильзанинг учини 20-30 миллиметр масофада, диаметри 1,0-1,5 миллиметр бўлган сым билан ёки диаметри 0,3-0,5 миллиметр бўлган 7-10 та симларнинг тутами билан маҳкамлаш керак.

Гильзанинг конус шаклидаги қисминини 35-40 миллиметр узунликда ва изоляцияни толанинг ташки электр ўтказувчи экранни кесилган жойигача ёпишқоқ изоляцияловчи тасма билан ўраш керак. Тасмани

ўрашнинг сифати уни изоляцияланган тола диаметрининг тўрт-беш-тасига тенг радиуси бўйича букиш йўли билан аниқланади. Бунда, электр ўтказувчи экраннинг кесилган жойида толанинг изоляциясидан кўришиб қоладиган ажралиш бўлмаслиги керак.

Электр ўтказувчи экранни гильзанинг конус шаклидаги максимал йўгонлашган жойидан бошлаб шлангли қобик томонга тиклаш керак.

Металл экраннинг тутамини (4.19-банд) тўғрилаш ва улар билан толани 5-6 миллиметрли кадам билан гильзанинг конус шаклидаги максимал йўгонлаштирилган жойигача ўраш керак. Гильзанинг конус шаклидаги максимал йўгонлаштирилган жойидан шлангли қобикқача бутун узунлик бўйича толани ёпишқоқ тасма билан ўраш керак ва шлангли қобикнинг торесини мослаб бириктиришни (бекитишни) 4.24-бандга мувофиқ бажариш керак.



4.2-расм. Изоляцияловчи гильзаларни қўллаган ҳолда кабелларнинг учларини мослаб бириктириш: 1 — ток ўтказувчи тола; 2, 4.- электр ўтказувчи резинадан тайёрланган экран; 3 — резина изоляция; 5 - ПИ-35 резинадан тайёрланган ўрама; 6 - ёпишқоқ тасмадан тайёрланган герметизацияловчи ўрама; 7 - ППИ-40 резинадан тайёрланган ўрама; 8 — электр изоляцияловчи гильза; 9 - ёпишқоқ тасмадан тайёрланган герметизацияловчи ўрама; 10 — учлик.

4.23. Кремний-органик резиналардан тайёрланган трубкалар (КРТ) ёрдамида учларни мослаб бириктиришни бажариш учун ташқи электр ўтказувчи экран асосий толанинг торесидан 200 миллиметрдан кам бўлмаган узунликда олиб ташланади.

КРТнинг диаметрини кабель толасининг кўидаланг кесими юзасига мувофиқ танлаш керак (4.1-жадвал).

4,1-жадвал

КРТнинг ички диаметри ва кабель толаси кўндаланг кесими юзаларининг нисбати

Толанинг кўндаланг кесими ктаси, мм ²	КРТнинг ички диаметри, мм	Толанинг кўндаланг кесими ктаси, мм ²	КРТнинг ички диаметри, мм
16	9-12	70	17-20
25	10-13	95	18-21
35	12-15	120	21-24
50	13-16	150	23-26

КРТни толага сиқилган ҳаво ёрдамида пресслашдаги узунлиги электр ўтказувчи экрансиз толанинг участкаси узунлигидан трубкани компрессорнинг штуцерига маҳкамлаш учун керак бўладиган узунлик ва электр ўтказувчи экранга қўйиш учун керак бўладиган 20-25 миллиметр узунликлардан кам бўлмаган миқдорга ортиқ бўлиши керак. КРТни сиқилган ҳаво ёрдамида пресслаш 0,2-0,25 МПа босимда амалга оширилади. Сиқилган ҳавосиз пресслашда КРТга аввал 15-20 дақиқа давомида «Калоша» ёки Б-70 маркали бензинда ушлаб туриш керак.

Металл экраннинг тутамлари билан толани 5-6 миллиметрли кадам билан ўраш керак. Тутамларнинг учларини КРТнинг учидая 50 миллиметр масофада юмшоқ мис симнинг тўрт-беш ўрамадан иборат бандаж ёки ёпишқоқ изоляцияловчи тасма билан маҳкамлаш керак.

Шлангли қобикдан бандажгача бўлган ҳар бир толани экранга икки қават қилиб ёпишқоқ изоляцияловчи тасма билан ўраш керак ва шлангли қобикнинг торецини мослаб бириктиришни (бекитишни) 4.24 бандга мувофиқ бажариш керак.

4.24. Шлангли қобикнинг торецини мослаб бириктиришни (бекитишни) қуйидаги тарзда бажариш керак:

толалар орасидаги бўшлиқни чилвирнинг кесилган жойидан 30-35 миллиметр участкада ПШ-50 резина билан тўлдириш; резинанинг массаси толалар бўшлиқларини тўлдириш учун етарли бўлиши керак;

қўллашдан олдин 50-70° С ҳароратгача қиздириш талаб этиладиган ПШ-50 резинадан тайёрланган тасмани тўрт-беш қават қилиб ўраш;

миткаль тасмаси ёки бошқа шунга ўхшаш эни 50-60 миллиметр бўлган материалдан тўрт-беш қават қилиб бандаж ўраш;

шлангнинг ташқи мослаб бириктирилган қатламга ПШ-50 резинадан тайёрланган тасмани кесилган жойнинг ҳар иккала томонига

80-100 миллиметрдан тўрт-беш қаваг қилиб ўраш ва охириги учидаги маҳкамланган жойни вулканизациялаш керак.

4.25. Кабель учликларини ўрнатиш учун куч толаларининг учидан изоляцияни кабелиниг учлиги куйруги ёки махсус қисми мосламаси узунлигига тенг миқдорда олиб ташлаш ва учликни пресслашни (қалайлашни) амалга ошириш керак.

Кабелнинг толасини учликка киритиш жойини толага ва учликнинг куйругига ёпишқоқ изоляцияловчи тасма ёки 3-1001 лак билан шилка тасмани ўраш йўли билан герметизациялаш керак.

Заминлаш толалари ва металл экранларнинг симлари, уларни заминлаш толасининг бутунлигини назорат қилиш учун мосламаларга улаш кўзда тутилгандан ташқари ҳолатларда битта кабель учлигига прессланади.

4.26. Шлангли қобикни таъмирлашда, унинг шикастланган даражасини ҳисобга олиш керак. Агар шлангли қобик бутун қалинлиги бўйича эмас ва узунлиги бўйича 50 миллиметрдан ортиқ бўлмаган ҳолатда шикастланган бўлса, унда унга толани ёки кабелнинг ички қобикни яланғочламасдан ишлов бериш керак. Бутун қалинлиги бўйича ва узунлиги бўйича 50 миллиметрдан ортиқ шикастланган шлангли қобикнинг участкасини тўлиқ олиб ташлаш керак. Кабелнинг таъмирланаётган участкасини ПШ-50 резина билан ўраш ва вулканизациялаш керак, бунда ўралаётган участканинг диаметри кабелнинг ташқи диаметридан 10 миллиметрга ортиқ бўлиши керак.

4.27. Металл экранни таъмирлашда, толаларни носоз толаларга ажратиш керак. Металл экранга бир-биридан 270 миллиметрдан ортиқ бўлмаган масофага 8-10 та қалайлаб оқартирилган мис симлардан тайёрланган тутамлардан бандажлар қўйиш керак.

Бандажнинг четки ўрамаларини айлана бўйича экраннинг симларига кавшарлаш, экранни шикастланган жойи бўйича кесиб, бандажга чуватиш ва кесиб ташлаш керак.

Бандажларнинг биттасига айлана бўйича бир текисда диаметри 0,3 миллиметр бўлган қалайлаб оқартирилган мис симлардан тайёрланган учта тутамларни кавшарлаш керак. Тутамларни шундай қўйиш керакки, тутамларнинг симлари бир бирига ётиши керак. Тутамларнинг бошқа учларини иккинчи бандажга кавшарлаш керак.

Толаниг таъмирланаётган участкаси металл экранини, учларини ёпишқоқ тасманиг икки-учта ўрами билан маҳкамлаб, резиналанган матоли ёпишқоқ тасма билан ўраш керак. Кабелнинг толаларини

Урамнинг биринчи қадамигача эшиш ва химоя шлангини 4.27-банд кўрсатмаларига мувофиқ тиклаш керак.

4.28. Толанинг изоляциясини таъмирлаш учун электр ўтказувчи экран ва изоляцияни учидан 20-40 миллиметрга кесиб керак. Изоляциянинг таъмирланаётган участкаси максимал узунлиги, толанинг кесими юзасига боғлиқ ҳолда 70-130 миллиметрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Ички электр ўтказувчи экранни ППШ-40 резинадан тайёрланган тасманинг бир қатлами билан ўраш билан тиклаш керак.

Изоляциянинг тозаланган участкасига резина елимини юпка қатламда суртиш ва уни 5-10 дақиқа давомда қуритиш керак.

Тикланган электр ўтказувчи экранга, асосий изоляциянинг қонуш шаклида кесилган жойига аста-секинлик билан кириши керак бўлган ПИ-35 резинали кўйиш керак. Ўрашни тикланаётган изоляциянинг ташқи диаметри ташқи электр ўтказувчи экран бўйича толанинг диаметридан 5 миллиметрга ортиқ бўлгунча амалга ошириш керак. Охириги қатлам, айлана бўйича ишланган ташқи электр ўтказувчи экраннинг кесилган жойигача зич келиши керак. Изоляциянинг таъмирланган участкасини вулканизациялаш ва шундан кейин ППШ-40 резинадан тайёрланган тасманинг бир қатлами билан ўраш керак.

Металл экран, резиналанган матоли тасма ва шлангли қобиклар учларини мослаш ва тиклашни 4.26, 4.27-бандлар кўрсатмаларидан фойдаланган ҳолда бажариш керак.

4.29. Ток ўтказувчи толаларни мис гильзалар ёрдамида бириктиришда, кабелнинг торесидан 175-185 миллиметр масофада шлангли қобикни олиш, 120-130 миллиметр участкада металл экранларга бандаж кўйиш ва 40-55 миллиметр участкада изоляцияни электр ўтказувчи экранлар билан бирга олиш керак.

Ички электр ўтказувчи экранли изоляция нмкон даражасида диққат билан олиб ташланиши керак.

Ток ўтказувчи толаларга кесилган жойигача, толанинг кўндаланг кесими юзасига мувофиқ бўлган гильзанинг изоляциясини кийдириш ва уларни толаларга дастаки қисқичлар ёрдамида қисиш билан маҳкамлаш керак.

Кабелнинг бўлақларини улашда толаларнинг изоляциялари, экранлар ва шлангли қобиклар учларини мослаш ва тиклашни 4.26, 4.27, 4.28-бандлар кўрсатмаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш керак.

4.30. Кабель барабанларига ўраш учун мўлжалланган кабеллар учун учларини узайтирилган ишлаш қўлланилиши керак. Бу ҳолатда

шлангли кобикни кабелнинг торецидан 450-500 миллиметр масофадан кесиш керак. Толаларнинг биттасини 100 миллиметрдан, иккинчисини 200 миллиметрдан кесиш керак. Заминлаш толасини улашни мослаш-тришга асосий толаларни кавшарлагандан кейин амалга ошириш керак.

Электр ўтказувчи экранли изоляцияни кабелнинг торецидан 150 миллиметр масофада олиш ва 200 миллиметр масофада металл экранга бандаж қўйиш керак. Ҳар бир ток ўтказувчи толага, изоляциянинг кесилган жойи чегараси яқинида диаметри 1,5 миллиметр бўлган симдан вақтинчалик бандаж қўйиш керак.

Уланадиган кабелларнинг очилган учларини бир бирига қарама-карши қўйиб, уларнинг тўғри очилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Кабелларнинг улашадиган учларини, ўзаро силжиб кетмасликлари учун монтаж столидаги кондукторга маҳкамлаш керак.

Ташки ўрамнинг тутамларини кетма-кет тўғри бурчакка букиш, иккинчи симли бандажни ички бандажга қўйиш ва унинг тутамларини марказий тутамлардан букиш керак. Бириктириладиган толаларнинг марказий тутамларини 75 миллиметрга кесиш ҳамда ПСР-45 кавшар билан кавшарлаш керак. Кавшарланган марказий тутамларнинг торецларини надфиль билан текислаш ва кавшарлаш керак. Тутамларнинг кавшарланган жойларида йўғонлашган жойлар бўлмаслиги керак: Ички ва ташки ўрамларнинг тутамларини кавшарлашдан олдин, уларнинг ўралиш қадамларини тиклаш керак. Тутамларнинг ўралиш қадами ички ўрамлар учун ўралиш бўйича 14 диаметрга ва ташки ўрамлар учун 16 диаметрга тенг бўлиши керак. Кавшарланган жойларни бирик-манинг узунаси бўйича бир текисда тақсимлаш керак.

Бириктириладиган тутамлар торецларининг яқинлашишини ен-пиллатиш ва олдин кавшарланган тутамларни горелканинг алангасидан химоялаш учун толани эгиш ҳамда тутамлар орасига асбест пластинкани қўйиш керак.

Кавшарланган толага бир-биридан 40-50 миллиметр масофада бўладиган, мис симдан тайёрланган бандажлар қўйиш керак.

4.31. Учларини мослаб бириктириш бажарилган кабеллар, улар таъмирланган бўлса ҳам, янги бўлса ҳам, фойдаланишга киритилишдан олдин оширилган кучланиш билан синаб кўрилиши керак. Учлари мослаб бириктирилган, 7 киловольт кучланишга мўлжалланган янги кабелларнинг ва фойдаланишда бўлган, шунингдек таъмирланган кабелларнинг изоляциялари тўғриланган токнинг 12 киловольтдан кам

бўлмаган синаб кўриш кучланишини 5 дақиқа давомида ушлаб тура олиши керак.

Кабелларни даврий синовдан ўтказиш йилига камида бир марта ўтказилади. Даврий синовдан ўтказишларда кабелларда толаларнинг ва экранловчи тўқималарнинг бутунлиги текширилади. Узилишлар мажжуд бўлганда кабеллар фойдаланишга қўйилмайди.

1000 вольтгача кучланишга мўлжалланган, учлари мослаб бириктирилган янги ва таъмирланган кабелларнинг изоляциялари, 2500 вольтдан кам бўлмаган синаб кўриш кучланишини 1 дақиқа давомида ушлаб тура олиши керак.

4.32. Изоляцияларни синаб кўриш натижалари ва кабель конструкторив элементларининг ҳолати махсус журналга қайд этилиши керак. Фойдаланишда бўлган ҳар бир кабель ишланган учларининг бирида махсус, нишончали маҳкамланган рақамли ёрликка эга бўлиши керак. Журналга янги кабелнинг ҳолати ва уни кейинги таъмирлашлар ҳамда синовдан ўтказишлар натижалари ёзиб борилади, шу журналнинг ўзига кабелнинг фойдаланишдан чиқарилганлиги (ҳисобдан чиқарилганлиги) тўғрисидаги белги ҳам киргизилади.

Кабелларни ҳисобга олиш, таъмирлаш ва синовдан ўтказиш журналининг шакли очиқ коннинг (коннинг) бош энергетиги томонида белгиланади.

4.33. Эскаваторнинг кабелни синовдан ўтказишга тайёрлашда қуйидагилар бажарилади:

а) кабелни электр тармоғидан узиш, кабелни улаш пунктидан ва эскаватордан узиш ҳамда ушбу йўриқноманинг 4.11-бандига мувофиқ зарядсплантириш;

б) «Тўхта! Кучланиш!» огоҳлантирувчи плакатларни ўрнатиш ва кабелнинг трассаси бўйлаб назорат постларини қўйиш;

в) ташқи шикастланишларни аниқлаш ва кейинги таъмирлашлар учун шлагли қобикни кўздан кечтириш;

г) куч толалари юзасининг тозалитини назорат қилиш учун учларнинг мослаб бириктирилишини диққат билан кўздан кечтириш, ёрилишлар аниқланганда қайтадан мослаштириб улашни амалга ошириш;

д) куч ва заминлаш толаларининг, экранловчи тўқиманинг бутунлигини текшириш, шундан кейин кабелнинг ҳар иккала учда экранловчи толани экранловчи тўқима билан бириктириш;

е) куч толалари изоляцияси қаршилтигини мегометр билан 2500 вольт кучланишга ўлчаш, ҳар бир ўлчашдан кейин толани «ерга» зарядсплантиришни амалга ошириш керак.

4.34. Синаб кўриш кучланиши навбатма-навбат кабелнинг ҳар бир тоқасига қўйилади. Иккита бошқа толалар, экранлар ва заминловчи тола синаб кўриш вақтида ўзаро бириктирилади ҳамда замвиланади. Тўғриланган кучланишни ошириш равон, 0,5 кВ/с дан ортиқ бўлмаган тезликда амалга оширилади. Синаб кўриш кучланишига етганда токнинг сизиб йўқолишини доимо кузатиш керак. Токнинг сизиб йўқолиши кўпайганда ёки импульсли зарблар пайдо бўлганда, изоляциянинг нуқсонли участкаси бузилишига эришиш мақсадида синаб кўриш кучланишини 0,5-2,0 кВ/с га кўтаришга йўл қўйилади.

4.35. Агар кабелни синаб кўриш вақтида изоляциянинг бузилиши рўй бермаса, синаб кўрилган кабель фойдаланишга яроқли деб ҳисобланади. Микроамперметрнинг кўрсатишларини ҳисоблаш синаб кўришнинг сўнгги дақиқасида амалга оширилади.

4.36. Синаб кўриш кучланишини олиш равон амалга оширилади. Синаб кўриш аппаратини электр тармоғидан узгандан кейин заминловчи штанга ёрдамда синаб кўрилган толани зарядсизлантириш амалга оширилади.

4.37. 6-10 киловольт кучланишга мўлжалланган эгилувчан юқори кучланишли кабелларни оширилган кучланиш билан синаб кўриш махсус ўқитилган, улардан биттаси IV дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган, шахслар томонидан амалга оширилади. Кабелни мегомметр ёрдамида 1000 вольтгача бўлган кучланишга даврий синаб кўришда ишлар бир нафар III малака гуруҳига эга бўлган ўқитилган шахс томонидан бажарилиши мумкин.

4.38. Очiq кон шаронтларида кабелнинг шикастланган жойини усуллардан (индукцион, акустик, сигимли ёки халқа услубида) бири билан аниқлашни ўтказишга, фақат кабель таъминлаш тармоғидап узилган ва қолдиқ электр зарядлардан ерга зарядсизлантирилгандан кейин рухсат берилади.

4.39. Кончилик машиналари (комплекслари) ва бошқа қурилмаларни электр билан таъминлаш учун эгилувча резина кабелларни таъмирлаш шундай тарзда ташкиллаштирилиши керакки, қуйидагилар таъминлансин: фойдаланиш қондаларига риоя қилинганда, таъмирлашлараро даврда авариясиз ишлаши; таъмирлашнинг минимал муддати; таъмирлашга минимал меҳнат ва материал сарфлар; фойдаланишда бўлган, захиродаги кабелларнинг қатъий ҳисоби, шунингдек аварияларнинг таҳлили.

4.40. Доимий фойдаланишида 1000 вольтдан ортиқ кучланишдаги 1000 метрдан ортиқ эгилувчан резина кабеллар ёки 1000 вольтгача

кучланишдаги 2000 метрдан ортиқ эгилювчан резина кабеллар бўлган ҳар бир корхонада, кабелларни таъмирлаш учун махсус устaxonалар ташкиллаштирилган бўлиши керак.

Эгилювчан резина кабелларни таъмирлаш учун устaxonалар ташкилий равишда очиқ коннинг (коннинг) электр таъмирлаш цехи (устaxonаси) тузилмасига киришлари ва одатда улар билан битта бинода жойлашишлари керак.

4.41. Кабелларни таъмирлаш учун устaxonалар таркибига кабелларни қабул қилиш ва тозалаш, ярокли-яроқсизга ажратиш (нуқсонларини аниқлаш) ҳамда таъмирлашдан кейинги сновдан ўтказиш, уларни ишлаш ва иссиқ вулканизация бўлималари, шунингдек тайёр махсулотлар ҳамда камаймайдигал захира омборлари кирати.

Ҳар бир устaxона 1000 вольтгача ва ундая юқори кучланишга мўлжалланган кабелларни қабул қилиш, таъмирлаш ҳамда синаб кўриш учун учтадан кам бўлмаган технологик линияларга эга бўлиши керак.

4.42. Вулканизациялаш аппаратларининг конструкцияси хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан ишларни хавфсиз бажариш талабларига жавоб бериши керак. Вулканизация аппаратларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлмаганда улардан фойдаланиш тақиқлади.

4.43. Эгилювчан шлангли кабелларни сарфлаш умумиттифок ва тармоқ меъриёликларига мувофиқ аниқланади.

5-боб

ЭЛЕКТР МАШИНАЛАР ВА АППАРАТЛАР

5.1. Мазкур бобнинг талаблари очиқ қоң қазиларида фойдаланиладиган электр машиналар ва аппаратларга қўлланилади.

5.2. Ўчиргичлар, контактлар, магнитли ишга туширгичлар, тезкор бошқариш органларида ёки бевосита уларнинг яқинида, пульта, шчитлар, панеллар ва бошқа шу кабиларнинг олд томонларида қўшилган машина, механизм, аппаратура, ишлар режимлари ҳамда шу кабиларни кўрсатувчи аниқ ёзувлар бўлиши керак.

5.3. Узоқ вақт захирада бўлган электр машиналар зудлик билан ишга туширишга тайёр бўлиши, очиқ коннинг (корхонанинг) бош эвергетинги томонидан тасдиқланган жадвал бўйича даврий кўздан кечирилиши ва синаб кўрилиши керак.

5.4. Электр машиналарини узоқ вақт тўхтаб тургандан кейин ишга туширишда, монтаж қилиш ва фойдаланиш бўйича йўриқномада кўрсатилган бутун ҳажмдаги ишлар бажарилиши керак.

5.5. Электр машиналари ҳамда ишга тушириш-ростлаш мосламалари чўлгамларининг актив қаршиликларини ўлчаш вольтметр ва амперметр услубида ёки мотор ўчирилган ҳолатда ўлчаш кўприклари ёрдамида амалга оширилади. Ўлчашда қўлланиладиган асбоблар 0,5 дан кам бўлмаган аниқлик синфига эга бўлиши керак.

Кучланиши 660 вольтгача бўлган ўзгармас ток машиналари ва асинхрон моторларнинг изоляция қаршиликларини ўлчаш 1000 вольтли мегометрлар билан, кучланиши 660 вольтдан ортиқ бўлганларда эса, 2500 вольтли мегометрлар билан амалга оширилади.

Машиналар изоляциялари қаршиликларининг ҳарорат $10\div 30^{\circ}$ С бўлгандаги минимал миқдордаги катталиклари 5.1-жадвалда келтирилган.

5.1-жадвал

Ҳарорат $(10\div 30)^{\circ}$ С бўлганда электр машиналари изоляциялари қаршиликларининг катталиклари

Машиналарнинг номлари	Изоляция қаршиликлари, МОм
Ўзгармас ток моторлари	0,5
Ўзгармас ток генераторлари	0,5
Кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган ўзгарувчан ток электр моторларининг статорлари	6,0
Кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган ўзгарувчан ток электр моторларининг роторлари	0,5
Кучланиши 1000 вольтгача бўлган асинхрон моторлар	0,5

5.6. Электр машиналарини қуритмасдан қўшиш имкониятларини аниқлашни айланадиган ўзгармас ток электр машиналарини қуритмасдан қўшиш имкониятларини аниқлаш бўйича Йўриқномага (СН282-64) ва айланадиган ўзгарувчан ток электр машиналарини қуритмасдан қўшиш имкониятларини аниқлаш бўйича Йўриқномаларга (СН241-63) мувофиқ амалга ошириш керак.

Изоляция қаршилиги 0,1 МОмдан кам бўлганда, қуритиш ташқи қиздириш ёки қуруқ иссиқ ҳаво ($70-80^{\circ}$ С) билан пуфлаш орқали амалга оширилади. Иситгич сифатида чўгланиш лампалари, электр қиздириш элементлари, калорифер қурилмалар қўлланилиши мумкин.

Изоляция қаршилиги 0,1 МОмдан ортиқ бўлганда, қуритиш электр токи билан амалга оширилади. Бунинг учун якорнинг чўлгами

кўшимча полссларнинг галтаклари билан бирга номиналнинг 3-5 фои-зини ташкил этадиган пасайтирилган кучланишга уланади. Бунда ток номяналнинг 50-70 фоиизига тенг бўлиши керак.

Ўзгармас ток машиналарининг кетма-кет кўзгатиш чўлгамлари албатта узиб кўйилиши керак.

5.7. Электр машиналари подшипникларининг ҳолатини фойдаланиш вақтида даврий кўриклар ҳамда таъмирлашларда текшириш керак. Подшипниклар завод-тайёрловчи томонидан аплкланадиган ҳароратдан ортик қизимаслиги керак. Электр машиналарининг подшипникли шчитларида ёриқлар бўлмаслиги керак.

5.8. Электр машиналарининг подшипникларини мойлаш учун, машиналардан фойдаланиш шароитларига жавоб берадиган ва завод-тайёрловчилар томонидан тавсия этиладиган мойлаш материалларини қўллаш керак.

5.9. Экскаваторнинг ҳар бир электр машинасига эскиргашларини даврий алмаштириш учун ишлаб мослаштирилган чўткаларнинг биттадан захира комплекти бўлиши керак.

Битта электр машинасига турли маркалардаги чўткаларни ўрнатишга йўл кўйилмайди.

5.10. Чўткаларни коллекторга (контакт халқаларига) босишнинг катталиги завод-тайёрловчининг тавсияларига ёки ГОСТ 2332-75 га мувофиқ бўлиши керак. Чўткаларни босишдаги фарк ўртача микдордан 10 фоиизгача огишига йўл кўйилади.

5.11. Ўзгармас ток контакторларининг ишлашида магнит тизимининг кучсиз гувудлашига йўл кўйилади. Кучли гувиллаш магнит тизимининг, зудлик билан бартараф этилиши керак бўлган носозлигини кўрсатади.

5.12. Қаршиликларнинг кутилари, реостатлар, магнитли ишга туширигичлар ва бошқа аппаратура ишончли маҳкамланиши керак. Электрлашган машиналарни бошқариш шкафининг эшиклари очик бўлганда ишга тушириш тақиқланади.

5.13. Хизмат кўрсатувчи ходимлар ўзгармас ток электр машиналарини ҳар куни кўриқдан ўтказишлари керак.

Электр машиналарини кўриқдан ўтказишда коллекторнинг юзасини, учкунлаиши, эриш, куйишларнинг, пластицаларнинг бўшаши мавжуд эмаслигини, чўтка тутгичлар, чўткалар ва уларнинг ток ўтказувчи симларининг ҳолатларини текшириш керак.

5.14. Электр машиналарини жорий таъмирлаш икки ойдан кейин ўтказилиши керак.

Электр машиналарини жорий таъмирлаш ҳажмига куйидагилар киради:

электр машиналарининг маҳкамланиши ишочлилигини ва барча маҳкамлагичларининг тортилганлигини, заминлашнинг ишга яроқлилигини, вентиляция ва совутишнинг соз ишлашини текшириш;

бўлақларга ажратмасдан туриб чанглар, мойлар, лойлардан тозалаш; контактли халқалар ёки коллекторларни тозалаш;

ток узатувчи чўткаларни текшириш ва ростлаш ҳамда чўткаларни алмаштириш;

туташтиргичлар ва чиқиш учларининг изоляциясини тиклаш;

подшипникнинг мойларини алмаштириш ёки лозим бўлганда мой қўшиш;

ярим муфтанинг электр машинасига ўтириши зичлигини ва ҳолатини текшириш;

чўлгамларнинг изоляция қаршилиқларини мегомметр билан ўлчаш.

5.15. Экскаваторлар ва бургилаш дастгоҳларини бошқаришнинг станциясини, пультлари ҳамда шкафларини кучланишни узмасдан ташқи кўриқдан ўтказиш машинист ёки электрик томонидан сменада камидан бир марта амалга оширилиши керак. Кўриқдан ўтказишда ишга тушириш-ростлаш аппаратуралари контактлари ва симларининг тозаллиги ҳамда ҳолатига, аппаратуранинг заминланиши созлигига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

5.16. Бошқариш шкафлари ва панелларини жорий таъмирлаш ҳажмига куйидагилар киради:

шкафни, панелларни ва аппаратурани ташқи кўриқдан ўтказиш ҳамда уларни чанглардан, лойлардан артиб тозалаш, аппаратураларнинг ишончли маҳкамланганлигини текшириш;

электр аппаратуралар ва электр симларда кўринадиган шикастланишларнинг мавжудлигини текшириш ҳамда уларни бартараф этиш;

ишчи контактларни тозалаш ва аппаратларнинг эскирган деталларини (контактлар, пружиналар ва бошқаларни) қисман алмаштириш;

блокировка мосламаларини текшириш ва ростлаш;

контактли бирикмаларни тортиш, йўғон сим ўрнатиш ва иккиламчи коммутацияларни қисман таъмирлаш;

электр аппаратларининг магнит ва контакт тизимлари ишлашини ростлаш, маҳкамлагичларини тортиш;

заминлашнинг ишга яроқлилигини текшириш;

панелли плиталар ва электр симлари изоляцияларининг қарши-
лигини ўлчаш;

учқун сундирувчи тўсиклар, ҳичояловчи ва сигнал аппаратурала-
рининг мавжудлиги ҳамда ишга яроқлилигини текшириш.

5.17. Очиқ қонда (қонда) техникавий хизмат кўрсатишни жорий этиш
ва таъмирлаш учун бошлиқ, бош муҳандис, бош энергетик (бошлиқнинг
электр жиҳозлар бўйича ёрдамчиси), участкалар ҳамда хизматларнинг
энергетиклари жавобгар ҳисобланадилар. Электр жиҳозларга техникавий
хизмат кўрсатиш тизими ва уларни таъмирлаш билан боғлиқ бўлган барча
техникавий ҳужжатлар ва ҳисоботларни юритиш, очиқ қоннинг (қоннинг)
қуйидагиларга мажбур бўлган бош энергетиги (электр жиҳозлари бўйича
ёрдамчиси) бўлимига (бюросига) юқлатилди:

а) ҳар бир турдаги қончилик машинаси ёки бошқа қурилмалар
(сувни чиқариб ташлаш, дренаж шахталарни, конвейер линиялари ва шу
қабилар) учун техникавий хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлашнинг
ҳажмлари ва мазмунларини сошлаш ҳамда спнаб кўриш бўйича
ишларни бажаришни ҳисобга олган ҳолда асослаш;

б) электр жиҳозларни таъмирлашнинг ойлук ва йиллик жадвал-
ларини тузиш;

в) очиқ қоннинг (қоннинг) электр хизматини моддий-техникавий
таъмирлашга талабномалар тузиш. Ушбу талабномаларнинг бажари-
лишини ва очиқ қоннинг (қоннинг) ишлаб чиқариш участкалари учун
электр жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ҳамда материалларнинг камаймай-
диган захираси ҳолатини доимий назорат қилиш;

г) электр жиҳозларни таъмирлашнинг талаб этиладиган сермех-
натлигини ўрнатиш;

д) таъмирлаш жадвалининг бажарилмаган барча ҳолатларини
ҳужжатли ҳисобга олиш ва юқори турувчи раҳбариятдан бузилишда
айбдорларга чора кўришни талаб қилиш.

5.18. Қончилик машиналари (комплекслар) ва очиқ қоннинг (қон-
нинг) бошқа қурилмаларини, электр жиҳозларни жадвал бўйича таъ-
мирлашларни амалга ошириш учун ўз вақтида тўхтатиш ҳамда электр
жиҳозларни таъмирлашга бериш учун, таъмирлаш ишларини кўтариш-
транспорт воситалари ва махсус мослаштирилган майдончалар
(қоналар) билан таъмирлаш учун ишлаб чиқариш участкаларининг
бошлиқлари ҳамда очиқ қон (қон) бошлиғи жавобгар бўладилар.

Қончилик машиналари (комплекслар) ва бошқа қурилмаларининг
электр жиҳозларини таъмирлашнинг сифати ҳамда таъмирлашда туриб
қолишининг давомайлиги учун участкалар энергетиклари, таъмирлаш

хизматининг энергетиклари ва очик коннинг (коннинг) бош энергетиги (бошликларнинг электр жиҳозлар бўйича ёрдамчилари) жавобгар бўладилар.

Кончилик машиналари электр жиҳозларидан тўғри фойдаланиш учун участкаларнинг бошликлари ва энергетиклари жавобгар бўладилар.

5.19. Режали таъмирлашлар муддатларини кўчириш, истисно тариқасида, таъмирлаш жадвалини тасдиқлаган мансабдор шахснинг ёзма рухсати бўйича амалга оширилиши мумкин.

5.20. Электр таъмирлаш хизматларини ташкиллаштиришнинг шакллари ташлаш ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари, электр жиҳозларининг парк, корхонанинг марказлаштирилган таъмирлаш базаларига нисбатан жойлашишига боғлиқ бўлади.

Ҳар бир очик конда (конда), барча электр машиналари, куч трансформаторлари, аппаратларни жорий таъмирлашни ва коп-транспорт машиналарини комплекс текширишларни ўтказишни таъминлаш керак бўлган электр таъмирлаш цехи ёки электр таъмирлаш устахоналари ташкил этилиши керак.

Очик кон қазилари электр машиналари ва аппаратлари учун жиҳозларнинг, амалдаги тармоқ меъёрийликларига мувофиқ, лекин фойдаланишда бўлган жиҳозларнинг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, камаймайдиган захиралари кўзда тутилиши керак.

5.21. Кончилик машиналари (комплекслари) ва бошқа электр қуралларининг электр жиҳозларини, дала шароитларида жорий таъмирлашлар ҳамда режадан ташқари таъмирлашларини ўтказиш учун ҳар бир очик кон (кон) аниқ коп-геология шароитларига боғлиқ ҳолда пневмогилдиракда ёки темир йўлларда юрадиган кўчма таъмирлаш устахоналарига эга бўлиши керак.

Кўчма устахоналар учун транспорт воситаларининг сони ва турлари бир вақтнинг ўзида таъмирлашда бўлган кончилик машиналарининг сони, таъмирлаш ходимларининг сони, инвентарь инструментлар ҳамда мосламалар (шу жумладан химоя воситалари билан ҳам) ва транспорт воситаларининг ўзларини таъмирлаш муддатлари билан аниқланади.

Электр жиҳозларни таъмирлаш хизматини кўчма устахоналар билан комплекшлаш учун очик коннинг (коннинг) бошлиғи жавобгар бўлади.

РЕЛЕЛИ ҲИМОЯ ВА АТМОСФЕРАНИНГ ЎТА КУЧЛАНИШИДАН ҲИМОЯЛАШ

6.1. Кучланиши 1000 вольтдан юқори бўлган очик кон линиялари ерга бир фазали ва кўп фазали туташнишдан релели ҳимоялаш мосламалари билан ускуналаниши керак.

6.2. Релели ҳимоя куйидаги талабларни қаноатлантириши керак:

а) очик коннинг барча электр боғланган тармоқларини ва бошқа уланган истеъмолчиларнинг тармоқларини қамраб олиши;

б) оддий схемали ва конструкцияли асбобларни қўллаш ҳисобига ишончилигини таъминлаши;

в) сараланганлик, тезкорлик ва юқори сезгирлигини таъминлаши.

6.3. Кўп фазали туташнишдан ҳимоялаш икки фазали ижрода (иккита ток трансформаторлари билан) бажарилиши ва мазкур кучланишнинг барча тармоғи бўйича фақат ушбу фазаларга қўшилиши керак.

6.4. Ўчиришга ишлайдиган, бир фазали ерга туташнишдан ҳимоялаш, одатда икки погонали қилиб бажарилиши керак. Биринчи поғона вақтни тутиб турмасдан бажарилиши керак. Кетма-кет уланган тақсимлаш мосламаларининг ҳимоялари вақтни тутиб туриши, биринчи погонанинг тақсимлаш мосламасидан узоклашгани сари ошиб бориши керак. Ҳимояларнинг погоналари ўртасидаги вақтни тутиб туриш 0,5 сониядан ошмаслиги керак.

Бир фазали ерга туташнишдан бир погонали ҳимоялашга, очик конларнинг фақат битталиқ тармоқланмаган линиялари учун йўл қўйилади.

6.5. Очик кон линияларини, уларни бир фазали ерга туташнишдан ёки максимал-токдан ҳимоялаш томонидан узилгандан кейин қўшиш, ўчиришнинг сабаби ҳақида хабар берилгандан ва шикастланишлар бартараф этилгандан кейин амалга оширилиши керак.

Куйидагиларга йўл қўйилади:

максимал-ток ҳимояси ишлаб кетганда, бир марталик қайта қўшиш (БКҚ);

бир фазали ерга туташнишдан ҳимоялаш ишлаб кетганда, тармоқлар изоляцияши ўзувчи назорат қилиш мосламалари билан ускуналانган шароитларда, автоматик тарзда қайта қўшиш (АКҚ).

6.6. Реле хизмати электротехник ходимлари томонидан, бир фазали ерга туташнишдан ҳимоялашни текшириш ва назоратли созлаш оғти ойда камидан бир марта, кўп фазали туташнишдан ҳимоялашни бир йилда камидан бир марта амалга оширилиши керак.

6.7. Кучланишп-1000 вольтгача бўлган тармоқлар максимал-ток ҳимояси ва тоқлар хавфли сизиб йўқолганда тармоқни автоматик тарзда ўчирадиган, токнинг ерга сизиб ўтишидан ҳимоялаш билан усуналаяган бўлиши керак.

Шпақсталланган тармоқнинг токнинг сизиб йўқолишидан ҳимоялаш ишлаб кетгандаги узиллишнинг умумий вақти 0,2 сониядан ортиқ бўлмаслиги керак.

Сизиб йўқолиш релесининг ишга яроқлилиги ҳар сменанинг бошланишидан аввал, токнинг сизиб йўқолиши релесидан фойдаланиш бўйича завод йуриқномасига мувофиқ, тармоқ фазасини қўшимча заминлаш билан ҳимоянинг ўрнатма қийматига тенг текширадиган қаршилик орқали сунъий улаш йўли билан текширилиши ва бу ҳақда текширувчи томонидан тезкор журналга ёзув киритилиши керак. Кўчма электрлашган механизмларда қўллаяилаётган тоқларнинг сизиб йўқолиши релеларининг етарли даражада ишончли бўлмаганлиги сабабли, ўчиришга ишлайдиган УКС туридаги изоляция қаршилигини назорат қилиш мосламаларини қўллашга йўл қўйилади.

6.8. Кучланиши 1000 вольтгача бўлган тармоқларда ҳимоя аппаратлари ва сақлагичларни ўчириш тоқининг ўрнатма қиймати катталиги куйидагича бўлиши керак:

магистралда — энг қувватли электр қабул қилгични ишга туширишнинг номинал тоқдан кам бўлмаган плюс қолган барча ушбу аппарат орқали тоқ билан таъминланадиган электр қабул қилгичлар номинал ишчи тоқларининг йиғиндиси;

тармоқларда — ҳимоя қилинаётган электр қабул қилгични ишга туширишнинг номинал тоқидан кам бўлмаган.

6.9. Очиқ конларнинг электр жиҳозлари ва электр тармоқларини атмосферанинг ўта кучланишидан ҳимоя қилиш МЧМ СССР, МУП СССР, МЦМ СССР, МПСМ ва МХП СССРлар томонидан тасдиқланган 3-500 киловольтли ўзгарувчан тоқ электр қурилмаларини ўта кучланишлардан ҳимоя қилиш бўйича раҳбарлик Кўрсатмалари, иморатлар ва иншоотларни яширдан ҳимоялашнинг лойиҳалаштириш ва уларнинг тузилиши бўйича йуриқномалар СН 305-77, очиқ кон қазилари электр қурилмаларини атмосферанинг ўта кучланишидан ҳимоя қилиш бўйича Меъёрийликлар ҳамда мазкур йуриқнома талабларига мувофиқ очиқ конларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

6.10. Очиқ конларнинг кучланиши 6-35 киловольт бўлган электр қурилмаларини атмосферанинг ўта кучланишларидан ҳимоя қилиш

учун диодли ҳамда кувурсимон зарядсизлагичлар ва бошқа химоя во- ситалари қўлланилиши керак.

6.11. Очиқ конлардаги кучланиши 6-35 киловольт бўлган подстан- циялар, шунингдек кучланиши 6-10 киловольт бўлган очиқ кон тақсим- лаш пунктлари (ОКТП) шиналардаги диодли зарядсизлагичлар ва икки комплект кувурсимон зарядсизлагичлар билан химояланган бўлиши керак.

Кувурсимон зарядсизлагичларнинг бир комплекти подстанцияга ёки ОКТПга ҳаводан киришга ва кабелли киришлари билан ҳаво линияларидаги линияли кабелли охириги муфталарга ўрнатилади. Ку- вурсимон зарядсизлагичларнинг иккинчи комплекти биринчисидан уч- тўрт оралиқ масофага ҳаво линиясига ўрнатилади.

6-10/0,4 киловольт кучланишли кўчма комплект трансформатор подстанциялари юқори кучланишли томонга трансформаторнинг йиғ- масига ёки киришга ўрнатиладиган диодли зарядсизлагичларнинг бир комплекти билан химояланган бўлиши керак.

Узулиги 500 метрдан ортиқ бўлган ҲЛда ишлайдиган 6-10/0,4 киловольт кучланишли комплект трансформатор подстанциялари, паст кучланишли томонидан тақсимлаш мосламаларининг шиналарига паст кучланишли диодли зарядсизлагичларни ўрнатиш билан кўшимча ра- вишда химояланиши керак.

6.12. Яшин вақтида узилмайдиган экскаваторларни ўта кучланиш- дан химоя қилиш қуйидагича бажарилади:

а) чўмичининг сигими 13 м^3 ва ундан ортиқ бўлган бир чўмичли экскаваторлар, роторли комплекслар, кўп ковшли экскаваторлар, аҳ- дарма ҳосил қилгичлар ва транспорт-ағдарадиган кўприклар – экска- ваторнинг КРУсига ўрнатиладиган диодли зарядсизлагичларнинг комплекти билан ҳамда диодли зарядсизлагичларнинг улаш пунктига ўрнатиладиган иккинчи комплекти билан;

б) чўмичининг сигими 13 м^3 дан кам бўлган бир чўмичли экска- ваторлар - улаш пунктига ўрнатишга диодли зарядсизлагичларнинг комплекти билан.

6.13. Очиқ коннинг кучланиши 6-35 киловольт бўлган стационар ва кўчма ҲЛни яшаниннг тўғри зарбларидан химоя қилиш талаб этилмайди. Очиқ конларнинг стационар ҲЛни ўта кучланишдан хи- моя қилиш қуйидаги ҳолатларда бажарилиши керак:

а) яшин активлиги кучсиз ва ўртамиёна бўлган районларда: ҳаво линияси – кабель ўтишларида;

бошқа электр линияси билан ёки алоқа линиялари билан кесил-
шилларда;

б) яшин активлиги кучли бўлган районларда, юқорида кўрсатил-
ган изоляциянинг заифлашиши жойларидан ташқари:

линиялар ажраткичлари;

бир турдаги таянчлардан (ёғоч) иккинчи турдаги таянчларга (ме-
талл, темирбетон) ўтиш жойларида;

6.14. Айланадиган электр машиналар (насослар ва ер насослари,
гидромеханизация қурилмалари, сувларни чиқариб ташлаш қурил-
малари ҳамда шу кабиларнинг электр моторлари), 6-10 киловольтли
хаво линияларига бевосита ёки қисқа (50 метргача) кабель ўрнатмалари
орқали уланган тақсимлаш мосламаларини ҳимоя қилиш, яшин актив-
лиги ва моторларнинг қувватларини ҳисобга олган ҳолда амалга оши-
рилиши керак.

Яшин активлиги кучли бўлган районларда, моторларнинг яқка ёки
жамланган қуввати 1000 киловаттдан ортиқ бўлганда ҳимоя қилиш,
ТМнинг шиналарига диодли зарядсизлагичлар ва ҳимоя сигимларини
ўрнатиш билан, диодли зарядсизлагичларнинг бир комплектини
охирги таянчга ҳамда қувурсимон зарядсизлагичларнинг икки комп-
лектини, улардан биттасини охирги таянчдан 100-150 метр масофага,
иккинчисини эса биринчисидан 100 метр масофага ўрнатиш билан амалга
оширилиши керак.

Яшин активлиги кучли бўлган районларда, моторларнинг жам-
ланган қуввати 1000 киловаттдан кам бўлганда, шунингдек яшин ак-
тивлиги кучсиз ва ўртамиёна бўлган районларда, моторларнинг
жамланган қуввати 3000 киловатт ҳамда ундан юқори бўлганда ҳимоя
қилиш, ТМнинг шиналарига диодли зарядсизлагичлар ва ҳимоя сигим-
ларини ҳамда қувурсимон зарядсизлагичларнинг икки комплектини,
улардан биттасини охирги таянчга, иккинчисини эса линияга бирин-
чисидан 100-150 метр масофага ўрнатиш билан амалга оширилиши
керак. Яшин активлиги кучсиз ва ўртамиёна бўлган районларда, мотор-
ларнинг жамланган қуввати 3000 киловаттдан кам бўлганда ҳимоя
қилиш, ҳимоя сигимларини ўрнатмасдан бажарилиши мумкин.

6.15. Очиқ кон электр қурилмаларини атмосферанинг ўта кучла-
ншиларидан ҳимоя қилиш воситаларини танлаш, монтаж қилиш, ўр-
натиш ва улардан фойдаланиш завод-тайёрловчиияг тавсиялари ҳам-
да очиқ кон казишлари электр қурилмаларини атмосферанинг ўта куч-
ланишидан ҳимоя қилиш бўйича Меъёрийликларига мувофиқ амалга
оширилади.

6.16. Очиқ коннинг (коннинг) ҳудудда зарядсизлагичларни ўрнатишнинг жойларини аниқлаб берувчи асосий ҳужжат бўлиб, ҳар йили яшнн мавсуми бошланишидан аввал тузиладиган, атмосферанинг ўта кучланишларидан ҳимоялаш воситаларини жойлаштириш режаси ҳисобланади.

Ҳимоялаш воситаларини жойлаштириш режаси, очиқ конни (устн очиқ конни) электр билан таъминлашнинг принципиал схемаси билан бирлаштирилиши мумкин, лекин алоҳида бажаритиши ҳам мумкин.

Режага ўрнатилаган кувурсимон зарядсизлагичларнинг қайдномаси (ведомости), диодли зарядсизлагичлар ва бошқа ҳимоялаш воситалари, шунингдек уларни заминлаш мосламаларининг паспортлари илова қилинишлари керак.

7-боб

ЗАМИНЛАШ

7.1. Одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун кучланиш остида бўлмаган, лекин шикастланганда кучланиш остида бўлиши мумкин бўлган электр қурилмаларнинг металл қисмлари ва электр жиҳозларнинг корпуслари махсус барпо этиладиган заминлаш мосламаларига ишончли уланган бўлиши керак.

Заминловчи мослама – бу, электр қурилманинг заминланадиган қисмларини заминлагич билан бириктирадиган заминлагич ва ўтказгичларнинг мажмуидир.

Заминловчи мосламанинг умумий қаршилиги тармоқнинг ҳар қандай нуқтасида 4 Ом дан ошмаслиги керак.

7.2. Кучланиши 1000 вольтгача ва ундан юқори бўлган стационар ҳамда кўчма электр қурилмаларни заминлаш умумий бажарилади.

7.3. Стационар ва кўчма машиналар ҳамда механизмларни заминлашнинг умумий қисми, заминловчи ўтказгичлар ҳамда эгилувчан кабелларнинг заминловчи толаларини ўзаро узлуксиз электр улаш йўли билан амалга оширилиши керак. Турли асбоблар ва мосламаларни заминловчи тармоққа кесиб улаш тақиқланади.

7.4. Очиқ коннинг умумий заминловчи мосламаси марказий ва маҳаллий заминловчи мосламалардан иборат бўлиши керак. Маҳаллий заминловчи мосламалар кучланиши 6-10/0,4 киловольт бўлган кўчма АУП, ПКТПлар ва бошқа қурилмаларда барпо этиладиган заминлагичлар кўринишида бажарилади.

Маҳаллий заминловчи мосламаларнинг қаршилиги меъёрланмайди.

Кучланиши 6-10/0,4 килловольт бўлган кўчма АУП, ПКТПларнинг, марказий заминловчи мосламага заминловчи мосламанинг ҳар қандай элементи ишдан чиққанда, заминлаш қаршилиги заминловчи тармоқнинг ҳар қандай нуқтасида 4 Омдан ошмайдиган қилиб уланган кўчма заминловчи (марказий заминловчига ўхшаш) мавжуд бўлганда, маҳаллий заминловчи мосламаларсиз ишлашига йўл қўйилади. Кўчма электр қурилмалардан марказий заминловчи мосламаларнинг бирортасигача бўлган заминловчи ўтказгичларнинг узунлиги 2 километрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

7.5. Электр қурилмаларни атмосферанинг ўта кучланишидан ҳимоя қилиш воситаларининг заминловчи мосламалари қаршилиги тупроқнинг солиштирама қаршилиги ρ - 100 Ом·м гача бўлганда - 30 Омдан, ρ - 100 Ом·м дан ортиқ бўлганда эса - 0,3 ρ дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар заминлагичлар қўйилган жойларда тупроқнинг қаршилиги 200 Ом·м дан ортиқ бўлса, ҳимоялаш воситаларини маҳаллий заминлагич мосламаларсиз заминлашнинг умумий кон тармоғи магистраль сичларига улашга йўл қўйилади; бунда, кўчма линияларнинг стационарларга ўтиш жойларида қаршилиги 7.1-жадвал билан регламентланадиган заминлагичлар ўрнатилган бўлиши керак.

7.1-жадвал

Атмосферанинг ўта кучланишларидан ҳимоя қилиш воситалари заминловчи мосламаларининг қаршилиги:

Тупроқнинг солиштирама қаршилиги, Ом·м	Заминловчи мосламанинг қаршилиги, Ом	
	қувурсимон зарядсизлагичлар ва химоя ораликлари учун	диодли зарядсизлагичлар учун
10 дан кам	5	4
10-100	10	10
100-150	15	10
500-1000	20	15
1000 дан кўп	30	15

7.6. Очик коннинг ишчи зонасида бўлган кўчма электр қурилмаларнинг ҳимоя воситаларини, шу жумладан АУП ва ПКТПларда ўрнатилган зарядсизлагичларни ҳам заминлаш, тупроқнинг солиштирама қаршилиги 200 Ом·м гача бўлганда, ҳимояланаётган жиҳознинг заминлашнинг умумий кон тармоғи

магистраль симларига уланган маҳаллий заминлагичларига амалга оширилиши керак.

7.7. Ҳар бир очик конда, геология хизмати томонидан берилган ёки ўлчашлар орқали аниқланган бутун участкадаги тупроқларнинг, шунингдек ағдармаларнинг солиштирма қаршилиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

7.8. Стационар объектлар учун таянчларга ётқишладиган магистраль заминловчи ўтказгичлар сифатида, бир симли пўлат ёки кўп симли пўлат-алюмин симларни қўллаш тавсия этилади. Кўчма объектлар учун алюмин ёки пўлат-алюмин симлар тавсия этилади. Магистраль заминловчи симларнинг ва ўта қучланишдан химоялашнинг заминловчи туширишлари кесимлари ҳисоб-китоб бўйича, лекин қуйидагилардан кам бўлмаган миқдорда қабул қилинади:

бир симли пўлат симлар	диаметри 6 миллиметрдан кам бўлмаган;
кўп симли пўлат симлар	кесими 35 мм ² дан кам бўлмаган;
пўлат-алюмин симлар	кесими 35 мм ² дан кам бўлмаган;
алюмин симлар	кесими 35 мм ² дан кам бўлмаган.

7.9. Ер остидан (ёки ернинг юзаси бўйлаб) ётқизганда, магистраль заминловчи ўтказгичларни ёки электр қурилмаларнинг заминланадиган қисмларини заминловчи билан улайдиган ўтказгичлар сифатида пўлат тасмалар, думалоқ ёки бурчакли пўлатлар қўлланилиши керак. Электр қурилмаларни заминлаш магистрални билан бирлаштирадиган заминловчи ўтказгичлар сифатида қуйидагилар қўлланилиши керак:

а) стационар ва ярим стационар қурилмалар учун – пўлат, мис, алюмин ёки пўлат-алюмин симлар ёки пўлат тасмалар, думалоқ ёки бурчакли пўлатлар;

б) кўчма электр қурилмалар учун – ток билан таъминловчи кабелнинг заминловчи толаси.

7.10. Темир йўл ва автомобиль йўллариининг кесишган жойларида заминловчи сим ҳаракатланаётган транспорт томонидан узиб кетмайдиган ҳисоб-китоб билан баландга осиб қўйилиши керак. Агар буни бажаришнинг имконияти бўлмаса, ер остидан ўтказишга ҳам рухсат этилади. Магистраль заминловчи сим химояловчи қувур орқали

ётирилши, таянчлар бўйича туширилиши эса, 1,8 метр баландликда механик шикастланишдан ҳимояланиши керак.

7.11. Заминловчи мосламаларнинг элементларини бириктириш қуйидагича бажарилади:

иккига пулат бириктириладиган элементлар бўлганда – пайвандлаш билан;

иккига алюмин бириктириладиган юзаларда: ялпоқларда – болтли бирикмалар билан; айлана, битта ва кўп симликларда – бириктирувчи қискичлар ёрдамида.

Мис симларни алюминли билан ва алюминлини пулат симлар билан бириктириш махсус ўтиш қискичлари ёрдамида амалга оширилади.

7.12. Ўзгарувчан ток электр жиҳозларининг корпусларини электрлашган темир йўл транспортининг рельсларига улаш таққиланади.

7.13. Заминланиши керак бўлган электр қурилмаларда заминловчи симларнинг уланадиган жойлари кўрсатилган бўлиши керак.

7.14. Марказий стационар заминловчи мосламаларни фойдаланишга қабул қилишда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

а) заминловчи мосламанинг ер ости коммуникацияларининг жойлашиши кўрсатилган ижро чизмалари ва схемалари;

б) заминлаш мосламалари элементларини жойлаш бўйича ер ости ишларига далолатномалар;

в) заминловчи мосламаларни қабул қилиш – топшириш вақтидаги сиповдап ўтказиш баённомалари.

7.15. Очиқ кон қазишлари кўчма электр қурилмаларининг заминловчи мосламалари қаршиликларини фойдаланиш жараёнида ўлчаш, махсус ажратилган шахслар томонидан ҳар ойда бир марта ва ҳар бир алмаштириб улашда амалга оширилади. Ўлчаш натижалари участканинг заминлашларини ўлчаш журнаliga ёзиб борилади.

Заминлашлари носоз бўлган электр қурилмаларининг ишлаши таққиланади.

7.16. Очиқ коннинг бутун заминлаш тармогини ташқи кўриқдан ўтказиш қуйидаги муддатларда амалга оширилиши керак:

а) кончилик участкаларининг смена кон назорати шахслари томонидан – ҳар сменада (танлов асосида);

б) энергетиклар ва бошлиқлар томонидан (кончилик участкалари бошлиқларининг ёрдамчилари томонидан участкалар чегараси ҳудудида) — ҳар ҳафтада;

в) очик қоннинг (қоннинг) бош энергетиги ва очик қоннинг (қоннинг) бош муҳандиси ёки унинг қончилик ишлари бўйича ўринбосари томонидан — ҳар ойда (ташлов асосида).

Кўриқдан ўтказиш натижалари тезкор журналга қайд этиб борилиши керак.

Узилиш ёки замишловчи симишнинг бутунлиги бузилганлиги ашқиланганда, электр энергияси истеъмолчиларининг ишларини зудлик билан тўхтатиш ва бу ҳақда ушбу қурилмалардан фойдаланиш учун масъул бўлган шахсга хабар бериш керак.

7.17. Портлатиш ишларидан кейин портлаш зонасидаги замишловчи тармоқ кўриб чиқилган бўлиши керак.

7.18. Очик қон тармоқларида замишлаш занжирларининг узлуксизлигини текшириш учун автоматик назорат асбобларидан фойдаланиш мумкин.

8-боб

ОЧИҚ ҚОНЛАР ВА АҒДАРМАЛАРНИ ЁРИТИШ

8.1. Очик қонлар ва ағдармаларни электр билан ёритиш иш жойларининг ёритилганлигини фойдали қазилмалар қонларини очик усулда ишлашдаги Ягона хавфсизлик қондалари талабларига мувофиқ таъминлаши керак.

Портловчи материалларнинг омборлари портлатиш ишларидаги Ягона хавфсизлик қондаларига мувофиқ ёритилиши керак.

Машина, хизмат, омборхона хоналари ва насослар, компрессорлар, чигирлар ҳамда бошқа машиналар ва механизмлар ўрнатилган юклаш комплексларининг хоналари электр қурилмаларининг тузилиши Қондалари ва суғий ёритишнинг амалдаги меъёрларига мувофиқ электр ёритгичлар билан жиҳозланади.

8.2. Очик қоннинг ёритиш тармоқлари учун, шунингдек кўчма машиналарни ёритиш тизимлари учун линия кучланиши 220 вольтдан ортиқ бўлмаганда, нейтралш изоляцияланган электр тизими қўлланилади. Ёритишнинг махсус хиллари қўлланилганда, 220 вольт кучланишига йўл қўйилади.

Дастаки кўчма ёритгичларни ток билан таъминлаш учун ўзгарувчан токнинг 40 вольтдан ва ўзгармас токнинг 48 вольтдан ортиқ бўлмаган линия кучланишлари қўлланилиши керак. Тепловоз тортиши қўлланил-

гадда, дастаки кўчма ёриткичларни ток билан таъминлаш учун ўзгармас токнинг 75 вольтга кучланишини қўллашга йўл қўйилади.

8.3. Стационар таянчларга ағдармалар, очиқ кон ичидаги ва ташкаридаги автомобиль йўлларини ёритиш учун, шунингдек очиқ коннинг ишчи майдончаларини ёритиш учун ўрнатиладиган ДКСТ туридаги ёритиш қурилмалари учун, нейтрални заминланган алоҳида трансформатор подстанцияларидан таъминланадиган 380/220 вольт кучланишни қўллашга рухсат берилади.

Ишга тушириш мосламалари бўлган ёритиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш наряд бўйича икки нафардан кам бўлмаган, улардан бир нафари IV дан, иккинчиси эса III дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

Ёритиш қурилмаларини синаб кўриш ва ишга туширишда, хизмат кўрсатувчи ходимларга монтаж минорасида бўлиш тақиқланади. Ишга тушириш жараёнини кузатиш ердан туриб амалга оширилиши керак.

Ёритиш қурилмалари ишга тушириш тизимларининг эшиклари очиқ бўлганда, уларнинг қўшилишига тўсқинлик қиладиган блокировка мосламаларига эга бўлиши керак. Эшикнинг чап томонида юқори кучланишнинг белгиси, эшикнинг ички томонида эса — ишга тушириш мосламасининг принципиал схемаси чизилган бўлиши керак.

Ишга тушириш мосламаси бўлган ёритиш қурилмалари фойдаланиш жараёнида ишончли заминланган бўлиши керак.

8.4. Очиқ коннинг худуди ва унинг юзадаги объектлари, машиналарнинг конструкциялари ичига ўрнатилган ёки кўчма ёхуд стационар таянчларга (минораларга) ўрнатилган ёриткичлар ҳамда прожекторлар билан ёритилиши керак.

8.5. Контакт тармоғининг стационар таянчларига (металл, темир-бетон, ёғоч) электр ёритиш ва лампаларнинг симларини осишга йўл қўйилади. Бунда қуйидаги шартлар бажарилган бўлиши керак:

ёритиш линияларининг симлари контакт симидан юқорига, таянчининг бошқа томонига осилади;

контакт симларидан ёритиш симларигача бўлган масофа 1,5 метрдан кам бўлмайди;

ёритиш тармоғи изоляторлари контакт тармоғининг кучланиши бўйича таъланнади.

Электр ёритиш ва лампаларнинг симларини контакт тармоғининг кўчма таянчларига осишга йўл қўйилмайди.

8.6. Агдармалардаги ёритиш тармоғи, темир йўл йўллари бўйлаб агдарма ҳосил қилишнинг карама-карши томонига жойлашган бўлиши керак.

8.7. Очiq конлар ва агдармаларни ёритиш учун ксенон ва симоб-кварц лампалари ёриткичларни қўллаш тавсия этилади.

8.8. Ёруғлик манбаларидан ёритиш арматураларисиз фойдаланиш тақиқланади.

8.9. Очiq конда иш жойларининг ёритилганлигини люксметр ёрдамида назорат қилиш йилида камидан бир марта амалга оширилиши керак.

9-боб

АЛОҚА ВА СИГНАЛИЗАЦИЯ

9.1. Очiq кон алоқа ҳамда сигнализациянинг, технологик жараёнларни бошқариш ва назорат қилишни, шунингдек ишларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган куйидаги хиллари билан жиҳозланиши керак:

диспетчерлик алоқаси;

диспетчерлик бошқариш-қидириш радио-карнай алоқаси ва хабар бериш тизими;

очiq кон ичидаги темир йўл транспортида алоқанинг керакли турлари билан.

9.2. Кон-қазиб олиш корхонасининг тузилишига боғлиқ ҳолда, очiq кондаги ишларни бошқаришнинг техникавий воситалари мустақил бўлиши ёки очiq кон, бойитиш фабрикалари, энергия тизими ва транспорт гуруҳлари учун умумий бошқариш тизимларининг бир қисмини ташкил этиши мумкин.

9.3. Диспетчерлик алоқаси ўзининг таркибида куйидаги турларга эга бўлиши керак:

стационар объектлар учун симли алоқа воситалари қўлланилган диспетчерлик алоқаси;

ҳаракатдаги (кончилик ҳамда транспорт жиҳозлари) ва ярим стационар объектлар учун радио-алоқа воситалари қўлланилган диспетчерлик алоқаси.

Радио-алоқа воситаларини қўллаш маҳаллий электралоқа инспекцияси билан келишилиши керак.

Э с л а т м а. Энергия тизими ва насос станцияларининг узоқдаги стационар объектлари учун диспетчерлик симли телефон алоқасида ташқари, электр тармоқлари бўйича юқори частотали алоқа воситалари ҳамда радиоалоқадан фойдаланилиши мумкин.

9.4. Очиқ коннинг диспетчерлари очиқ коннинг қарамоғидаги объектлар билан бевосита алоқаларидан ташқари ўзаро, очиқ коннинг раҳбарлари ва маъмурий-хўжалик алоқаси марказий телефон станцияси билан ҳам алоқага эга бўлишлари керак.

9.5. Фармойишлар, хабарлар, очиқ коннинг худудида бўлган керакли шахсларни қидириш ва бошқа ахборотларни узатиш учун диспетчерлик бошқариш-қидириш алоқасининг техникавий воситаларини қўллаш керак.

9.6. Очиқ кон худудида бўлган ходимларни портлатиш ишларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида огоҳлантириш учун, очиқ коннинг бутун участкасига эшитиладиган, хабар бериш тизимини қўллаш керак.

9.7. 1000 вольт ва ундан юқори кучланишли электр тармоқларида тезкор алмаштириб улашда алоқа учун очиқ конларда ва ағдармаларда радио алоқалардан фойдаланишга рухсат берилади.

9.8. Юқори частотали алоқа каналлари сифатида, бунда ушбу турдаги линиялар учун амалдаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда, очиқ коннинг электр узатиш линиялари ёки электр контактли тармоқларидан фойдаланиш керак.

9.9. Телефон алоқасининг симли воситалари линия-кабелли иншоотлари амалдаги ГТСларнинг липияли иншоотларини қуриш бўйича Қоидалар ва СМваҚ III-47-75 ларга мувофиқ бажарилиши керак.

9.10. СЦБ линиялари, шунингдек ҳаракатнинг хавфсизлигини таъминлайдиган темир йўл транспорти алоқа линиялари алоҳида тармоқларга ажратилиши керак; улар ҳаво алоқа линияларини қуриш ва таъмирлаш Қоидалари, симли алоқа ҳамда симли хабар бериш мосламаларини ўзгарувчан ток электр темир йўллари тортиш тармоқларининг таъсиридан ҳимоя қилиш Қоидалари ва ГОСТ 14857-76, ГОСТ 6524-75 ларга мувофиқ юқори кучланиш, контакт тармоғи, яшн зарясизлагичлари ва дайди тоқларнинг ҳалақит берувчи ҳамда хавфли таъсирларидан ҳимояланган бўлишлари керак.

9.11. Ўзгармас ток контакт тармоғи симларини ҳаво алоқа линиялари симлари кесиб ўтишига, фақат станциялар ўртасидаги ўтишларда контакт тармоғи таянчлари ўртасидаги ораликларда йўл қўйиладя ва улар ГОСТ 67-78 га мувофиқ бажарилиши керак. Ўзгарувчан ток контакт тармоқларини ҳаво алоқа линияларининг кесиб ўтишига йўл қўйилмайдя ва ўтиш фақат ер остидан ётқизилган кабель билан амалга ошириладя.

Вертикаль бўйича алоканинг пастки сими ва контакт тармогининг энг юкори сими ёки тутиб турувчи сим аркони ўртасидаги масофа 2 метрдан кам бўлмаслиги керак (энг ёмон метеорологик шароитларини: яхвоиллик, киров, максимал ҳароратларини ҳисобга олган ҳолда).

9.12. Очиқ коннинг очиш, казиб олиш ва бошқа кончилик ишлари кўзда тутилмаган ҳудуди бўйлаб алоқа кабель линияларини ер остидан ётқизишга йўл қўйилади.

9.13. Очиқ коннинг бутун ҳудуди бўйлаб, тезкор хабарларни узатиш мумкин бўлган телефон аппаратлари ёки бошқа алоқа воситалари (ЮЧ, радио) ўрнатилган энг яқин пунктга йўналишлар ва уларгача бўлган масофаларининг аниқ кўрсаткичлари бўлиши керак. Очиқ ҳавога ёки иситилмайдиган хоналарга ўрнатиладиган алоқа аппаратуралари, шундай шароитларда нормал ишлашга ҳисоблаб бажарилган бўлиши керак.

9.14. Махсус транспорт воситаларидан ташқари алоқа ва сигнализация мосламаларини тек билан таъминлаш, аккумулятор батареяларидан ёки тўғрилагич қурilmаларидан олинадиган 220 вольтдан кўп бўлмаган линия кучланиши билан амалга оширилиши керак. 24 вольтдан ортиқ бўлмаган кучланиш билан таъминланадиган СЦБдан ташқари сигнал мосламалари учун очиқ симли линияларга йўл қўйилади. Алоқа воситалариши ток билан таъминлаш учун барча кўчма электр машиналари мустақил ток билан таъминлаш манбалари билан жиҳозланиши керак.

9.15. Ишлаб чиқаришнинг бошқаришнинг барча техникавий воситаларига, ер ости ва ҳаво коммуникацияларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, барча ўзгаришлар, улар амалга оширилгандан кейин 10 кундан кўп бўлмаган муддат ичида киритиладиган, батафсил техникавий ҳужжатлар тузилган бўлиши керак.

9.16. Алоқа, сигнализация ва назоратнинг барча иншоотларининг даврий кўриқдан ўтказиш ҳамда таъмирлаш ойига камида икки марта ўрта ва калитал таъмирлашлар — очиқ коннинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланган жадвал бўйича ўтказилиши керак.

9.17. Алоқа ва диспетчеризация иншоотларига хизмат кўрсатувчи ходимлар СССР қора металлургия Вазирлиги корхоналарида алоқа ва диспетчеризация иншоотларидан фойдаланишдаги хавфсизлик техникаси Қондаларини, истеъмолчилар электр қурilmаларидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси Қондаларини, эгаллаган лавозими ҳамда бажараётган ишига қўлланиладиган меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни билиши ва бажариши, иш жойида тажрибали мута-

хассислар раҳбарлиги остида ишнинг хавфсиз услублари ўқишдан ўтиши ҳамда малака комиссиясида маълум малака гуруҳини бериш билан билимлари текшпрузидан ўтиши керак.

9.18. Цехлар, хизматлар, участкаларнинг раҳбарлари, усталар ҳамда алоқа ва диспетчеризация воситаларига хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бошқарувчи бошқа мансабдор шахслар хавфсизлик техникаси бўйича чора-тадбирларни ташкиллаштириш учун жавобгар бўладилар, хавфсизлик қоидаларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадлар ҳамда қуйидагиларга мажбурлар:

а) ўз корхонасидаги хавфли ва оширилган хавфли жойлар ҳамда ишларнинг рўйхатига эга бўлиши ва уларни билиши;

б) хавфсизлик техникаси, меҳнат муҳофазаси ҳамда сапоат санитарияси бўйича қоидалар, меъёрлар ва йуриқномаларга мувофиқ иш жойлари ҳамда ишларни ташкиллаштиришни таъминлаши;

в) жиҳозлар, механизмлар ва тўсиқларнинг ишга яроқли бўлишини таъминлаши;

г) ходимларни ҳимояланиш воситалари, мосламалар ва инструментлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида текширилишини назорат қилиши;

д) барча ходимлар томонидан ишларни юритишда хавфсизлик қоидаларини ўрганишларини таъминлаш ва уларга риоя қилиниши назоратини олиб бориши.

9.19. 240 вольтдан ортиқ кучланишли радиолаштирилган ҳаво линияларида ишлаганда, аввал симларда кучланишнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш, шундан кейин уларни туташтириш ва иш жойида ҳар иккала томонидан заминлаш керак.

9.20. 240 вольтдан ортиқ кучланишли радиолаштирилган кабель линияларида ишлаганда, аввал кучланишнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш, шундан кейин кабелни кучланиш бериш жойида, олдин уни таъминлаш манбаининг клеммаларидаги узиб заминлаш керак.

9.21. Яшин вақтида ҳаво ва кабель линияларининг қиришларида электр ўлчашларни ўтказиш тақиқланади.

9.22. Радиоқидириш алоқаси узелларининг 65 вольтдан ортиқ кучланиш остида бўлган ялонғоч ток ўтказувчи қисмлари, тасодифий тегиб кетишлардан тўсиқлар билан ёпилган бўлиши керак.

9.23. Ерга нисбатан 240 вольтдан ортиқ кучланишга эга бўлган кучайтиргичлар, тўғрилагич аппаратуралар ва трансформаторлар тўсиқларининг эшиклари ҳамда ёпиладиган қожуқлари, тўсилаётган қурilmанинг таъминлаш кучланишини ўчирадиган, тўғрилагичлар

фильтрларининг конденсаторларини зарядсизлантирадиган ва чиқариш линияларини кучайтиргичининг чиқиб трансформаторидан узалиган блокировка мосламасига эга бўлиши керак.

9.24. Кучайтириш аппаратурасини кўриқдан ўтказиш, тозалаш ва таъмирлашдан олдин изоляцияловчи дастали зарядсизлагич ёрдамида, фильтрнинг конденсаторларини зарядсизлантириш керак.

9.25. СЦБ ва алоқанинг тезкор-таъмирлаш ходимларига жорий фойдаланиш тартибда, тезкор журналга ёзган ҳолда куйидаги ишларни бажаришга рухсат берилади:

а) кучланишни узмасдан — релели стативларда ва йўл кўпила-ридаги саклагичларни, светофорлардаги лампаларни алмаштириш, радио аппаратураларни ростлаш;

б) кучланишни қисман узган ҳолда — йўл ва сигнал трансформаторларини ҳамда стрелкали моторларни алмаштириш; сигнал ва стрелка кабелининг толаларини алмаштириб улаш; стативлар ва шкафлардаги тўгрилагичларни ҳамда таъминловчи қурилмадаги саклагичларни алмаштириш.

Фармойиш бўйича тезкор-таъмирловчи ходимларга куйидагиларни бажаришга рухсат берилади:

а) кучланишни узмасдан — станциялар ва постларнинг кىриш панелларида фидерларни фазалаштириш бўйича ишлар;

б) кучланишни қисман узган ҳолда — кىриш панелларидаги контактлар ва контактларининг галтакларини, 24 вольт ҳамда 220 вольтли панелларда тўгрилагичлар ва дросселларни, ТС-25/0,5 трансформаторларини алмаштириш, уларни таъмирлаш ҳамда реле панелида кабелларни улаш.

Ишлар таркиби икки нафардан кам бўлмаган ходимлар томонидан бажарилади.

10-боб

КОНТАКТ ТАРМОҒИ

10.1. Ушбу бобнинг талаблари стационар таянчларга ҳам, кўчма таянчларга ҳам монтаж қилинган электр транспортни таъминловчи подстанцияларнинг шиналаридаги кучланиши 1650 вольт ва 3300 вольт бўлган ўзгармас ток ҳамда кучланиши 10,5 киловольт бўлган ўзгарувчан ток контакт тармоқлари мосламаларига қўлланилади.

10.2. Контакт тармоғи мосламаларида тўғри ва аниқ фойдаланишни ташкиллаштириш учун жавобгарлик куйидагиларни таъмин-

таш шарт бўлган, контакт тармоғининг бошлиғи ҳамда темир йўл цехининг (ТЦ) бошлиғи ёки очик кон (кон) бошлиғининг темир йўл транспорти бўйича ўриябосарига юклатилган:

а) мосламаларнинг ишончли ишлаши ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлиги;

б) техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлашларнинг (жорий ва капитал) ўз вақтида ўтказилиши;

в) янги техникаларни жорий этиш, хизмат кўрсатишнинг илғор услубларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий этиш;

г) фойдаланишнинг прогрессив услублари асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ва мосламаларнинг хизмат муддатини узайтириш;

д) хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ўқишларини, малакаларини оширишларини, кўрсатмалардан ўтишларини ва билимларининг даврий текширишлардан ўтказилишини ташкиллаштириш;

е) транспорт-тиклаш воситаларининг (автодрезин, автомотрис, автомашина ва бошқаларнинг) ишга яроқлилигини ва доимий тайёр бўлишини, шунингдек уларнинг ўз вақтида эҳтиёт қисмлар, деталлар, сымлар, таянчлар ҳамда бошқа керакли материаллар ва жиҳозлар билан тўлдириб турилиши;

ж) ҳимоя қилиш воситаларининг лозим даражадаги ҳолати;

з) контакт тармоғи мосламалари ишларининг бузилиши олдини олиш чора-тадбирларининг ўтказилиши;

10.3. ТЦнинг контакт тармоғи хизматида қуйидаги техникавий ҳужжатлар юритилиши ва мунтазам тўғриланиб туриши керак:

а) контакт тармоғининг электр транспортни таъминловчи подстанциялар, секциялаш постлари, секцияли ажраткичлар ва масофадаги симларни бошқариш пульталарининг жойлашиши, бошқа электр узатиш линиялари, алоқанинг ҳаво линиялари, автомобиль йўллари ҳамда бошқа коммуникациялар билан кесишишлари кўрсатиладиган ижро режаси;

б) контакт тармоғининг бошқа линиялар ва коммуникациялар билан кесишиш жойлари кўрсатилган ток билан таъминлаш ва секциялаш схемаси;

в) белгиланган шакллардаги ҳужжатлар;

г) барча раҳбарлик йўриқномалари, низомлар ва буйруқлар;

д) жамоатчилик инспекторларининг мулоҳазаларини ва текширишлари натижаларини ёзиб бориш учун китоб;

е) химоя воситалари, монгёрлик камарлари, тирноклар, блоклар, штангалар ва бошка мосламаларнинг сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ёзиб бориш учун китоб (шақли ихтиёрли);

ж) контакт тармоғи конструкциялари ва монтаж деталларининг намунавий паспортлари альбоми;

з) контакт тармоғи ходимларининг, истеъмолчиларнинг электр қурilmаларидан техникавий фойдаланиши Қондаларини, электрлашган темир йўл контакт тармоғидаш фойдаланишдаги хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси Қондаларини ҳамда автоблокировкадан электр билан таъминлаш мосламалари ва мазкур йўриқномани би-лишларини текшириш журнали.

Техникавий ҳужжатларининг ҳолати ва уларнинг ўз вақтида тўри-ланиши учун умумий жавобгарлик контакт тармоғи хизматининг бошлиғига юклатилган.

10.4. Электр транспортларни таъминловчи мосламалар қуйидаги-ларни таъминлаш керак:

ишлабтган электровозларни электр энергияси билан узлуксиз таъ-минлаш;

ҳаракатнинг берилган тезликларида ва корхона жойлашган район учун меъерий ҳисоб-китоблар билан аниқланадиган иқлим шароитла-рида ишончли ток узатиш;

хизмат кўрсатиш ва контакт тармоғини бошқаришнинг қулайлиги, ишларни бажаришдаги хавфсизлик.

Локомотивларнинг ток қабул қилгичларида ва электр транспортни таъминловчи подстанцияларнинг шиналарида энг катта ҳамда энг кич-чик кучланишларнинг катталиклари максимал юкламада 10.1-жадвалда кўрсатилган катталикларга мувофиқ бўлиши керак.

10.1-жадвал

Электр транспортта таъминловчи подстанцияси ва локомотивнинг ток қабул қилгичидаги кучланишлар

Тоқнинг тури	Кучланиш, вольт				
	Электр транспортта таъминловчи подстанциясининг шиналарида		Локомотивнинг ток қабул қилгичида		
	номинал	энг кўп	номинал	энг кўп	энг кам
Ўзгармас	3300	3850	3000	3850	2000
Ўзгарувчан	1650	1950	1500	1950	1000
	10 500	11 500	10 000	11 500	7500

10.5. Электр транспортларни таъминловчи тармоқ симларининг кесими ва маркаларини танлаш, симларни қисқа туташув ҳамда қизиш тоқларига текшириш саноат транспортини лойиҳалаштиришнинг СМваҚ талабларига мувофиқ амалга оширилади.

10.6. Перегонлардаги, станциялар ва боши берк йўллардаги контактли осмаларининг турлари поездларнинг қабул қилинган ҳаракат тезлигига, симларни осиш шароитлари ҳамда корхона йўлларининг кўриб чиқилаётган участкасидаги транспорт ишларининг технологик схемаларига боғлиқ ҳолда танланган бўлиши керак:

Ҳаракатланганининг энг катта тезлигига боғлиқ ҳолда, симларни осишнинг кўйидаги тизимлари қабул қилинади:

а) оддий компенсацияланмаган осиш — очик конлар ва ағдармаларнинг кўчма йўлларида ҳамда ҳаракатланиш тезлиги 15 км/соатдан ортиқ бўлмаганда, стационар йўлларнинг алоҳида участкаларида (буғ-керлар, юклашнинг қопқоқли туйнуклари остида, цехларнинг ичида ва шу кабиларда);

б) оддий компенсацияланган осиш — ҳаракатланиш тезлиги 50 км/соатдан ортиқ бўлмаганда, барча доимий йўлларда;

в) занжирли ярим компенсацияланган осиш — ҳаракатланиш тезлиги 50 км/соатдан ортиқ бўлганда. Занжирли осишни танлаш техника-иктисодий ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши керак.

10.7. Очик коннинг келиш йўлларида турли хиллардаги (оддий ва занжирли) контактли осишларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Агар, корхоналарнинг келиш йўллари перегонлари учун оддий компенсацияланган осиш лойиҳалаштириляётган бўлса, худди шундай осиш станциянинг барча йўлларида ҳам бўлиши керак.

Агар, перегонларда занжирли осиш лойиҳалаштириляётган бўлса, станциянинг асосий йўлларида занжирли осиш ҳам, оддий компенсацияланган осиш ҳам қабул қилиниши мумкин. Занжирли ва оддий осишларни туташтириш перегоннинг асосий йўлларида станцияга келишдаги ярими занжирли, иккинчи ярими эса оддий осиш сифатида ишлайдиган анкер участкасида бажарилиши керак.

10.8. Контакт тармоғи симларини осишнинг баландлиги 10.2-жадвалдаги маълумотларга мувофиқ қабул қилинади.

Контакт симларини осилишнинг балаандлиги

10.2-жадвал

Контакт сими осилишнинг тури	Контакт симини осилиш жойи	Контакт симини осилишнинг рельслар каллагини сатҳи ўстидан ўтишининг ўртасидagi балаандлиги	
		энг камин	энг кўпин
Марказий Ўн томон	Ўтишларда, станциялар ва разъездлар, суғийи ишхотлар остидан Кўчма йўлларда ва юклаш бункерлари остидан	5750	7500
		6250	7500
		5550	-
		4900	5300

10.9. Контакт тармоғининг таянчларини ўрнатишда, йўлнинг ўқидан таянчнинг ички четигача бўлган масофа 10.3-жадвал маълумотларига мувофиқ бўлиши керак.

Йўлнинг ўқидан Ўн томондаги контакт симигача бўлган масофа, электровознинг Ўн томон тоқ қабул қилгичи турига ва қўлланилаётган экскаваторнинг турига боғлиқ ҳолда 2,9 – 3,5 метр оралигида бўлиши керак.

Йўлнинг ўқидан таянчнинг ички четигача бўлган масофа

10.3-жадвал

Контакт сими осилишнинг тури	Таянчларни ўрнатиш жойи	Масофа, миллиметрларда		
		нормал	минимал	таянчлар йўл орқасига ўрнатиладганда
Марказий Ўн томон	Тўғрида ёки эгрликнинг ташқарисида Эгрликнинг ичида Тўғрида ва эгрликда	3100	2750	5000-5500
		3350	3300	
		4200	3500	

10.10. Очик кон қазиларида қўлланилаётган доимий контакт тармоғининг осмалари конструкциялар учун ўтишининг максимал катталиги 10.4-жадвалда, очик конлар ва ағдармаларнинг кўчма йўллардаги Ўн томон контакт тармоғи учун эса, 10.5-жадвалда келтирилган.

Контакт симлари осмаларининг доимий
йўллардаги ўтиши узунлиги

10.4-жадвал

Эгрилик радиуси, метр	Тортишни ростлаш билан ораликнинг узунлиги, метр		Эгрилик радиуси, метр	Тортишни ростлаш билан ораликнинг узунлиги, метр	
	автоматлашган	мавсумий		автоматлашган	мавсумий
Тўғри	50	35	300	35	35
1000	50	35	250	32	32
800	50	35	200	30	30
600	47	35	150	26	26
500	44	35	125	24	24
400	40	35	100	21	21

Контакт симлари осмаларининг очик конлар ва ағдармалар
кўчма йўлларидаги ўтиш узунлиги

10.5-жадвал

Эгрилик радиуси, метр	Оралик узунлиги, метр	Эгрилик радиуси, метр	Оралик узунлиги, метр
Тўғри	18	200	10
500	14	150	8
400	12	100	7
300	11	80	5

10.11. Марказий ток узатиш контакт тармогининг линияларида металл, темир-бетон ёки ёғоч таянчлар қўлланилиши керак.

Ён томон ток узатиш линияларида темир-бетон, металл ёки ёғоч асослардаги алоҳида турадиган ёғоч кўчма таянчлар қўлланилиши керак. Контакт тармоғи кўчма таянчларининг барқарорлиги темир-бетон плиталар ёки тупроқ билан қўшимча юклаш орқали таъминланади.

Ён томон контакт тармогининг ёғоч кўчма таянчларини тайёрлаш учун III сорт думалоқ шимдирилмаган ёғочлардан фойдаланилади.

10.12. Контакт сими сифатида, тортишнинг рухсат этилган катталиги 10.6-жадвалда келтирилган стандарт кесимдаги профилланган мис симлар қўлланилиши керак.

Контакт симларини тортишининг рухсат этилган катталиклари

Симларнинг маркалари	Тортишининг рухсат этилган катталиги, кН	
	компенсацияланмаган осишда (максимал)	компенсацияланган осишда (номият)
Домний йулларда		
МФ-65	8,30	6,40
МФ-85	10,30	8,30
МФ-100	11,76	9,80
МФ-120	14,75	11,76
МФ-150	17,15	14,76
Брф-100	13,72	12,74
Кўчма йулларда		
МФ-65	2,94	-
МФ-85	3,92	-
МФ-100	4,90	-
МФ-150	7,35	-

10.13. Контакт симларининг ейлиши кесимининг баландлигига боғлиқ ҳолда Иловага мувофиқ аниқланади. Контакт симларининг рухсат этилган ейлиши ва симларининг қолган қисми кесимининг баландлиги 10.7-жадвалда келтирилган.

Контакт симларининг рухсат этилган ейлиши ва симларининг қолган қисми кесимининг баландлиги

Кўрсаткич	Контакт симининг маркази			
	МФ-100		МФ-85	
	Ток узатиш линияларида			
	марказий	ён томон	марказий	ён томон
Рухсат этилган ейлиш, ... дан кўп эмас, мм ²	35	40	25	30
Кесимининг қолган баландлиги, ... дан кам эмас, мм	7,79	7,38	7,53	7,08

10.14. Маҳкамлаб қўядиган сим-арқонлар ва симларининг аяклардаги фиксаторли ва тарангловчи изоляторлар, шунингдек контакт тармоғининг осма ҳамда таянч изоляторлари таянчлардан шундай масофада жойлаштирилиши керакки, контакт тармоғининг кучланиш остида бўлган қисмлари, ўзгармас ток контакт тармоқлари учун

таянчнинг энг яқин юзаларидан 800 миллиметрдан кам бўлмаган, ўзгарувчан ток контакт тармоқлари учун 1000 миллиметрдан кам бўлмаган узокликка чиқарилиши керак (бу талаб изоляцияланган консолли таянчларга, шунингдек ўзгарувчан токда фиксаторли ҳамда маҳкамлаб қўядиган сим-арқонлардаги ўйиб ўрнатиладиган изоляторларга қўлланилмайди).

10.15. Анкерли участкаларнинг туташмалари (изоляцияламайдиган ва изоляцияловчи), шунингдек ҳаво стрелкалари ток қабул қилгичнинг сирпангичини битта анкер участкасининг контакт симидан иккинчисининг контакт симига ток узатишни бузмасдан ҳамда ўрнатилган тезликни пасайтирмасдан силлиқ ўтишини таъминлашлари керак.

Контакт тармоғи ўтиш участкаси ишчи қисмининг марказий ток узатиш линиясидан ён томон ток узатиш линиясигача бўлган (тескариси ҳам) ва йўлнинг бир томони ён томон ток узатиш линиясидан йўлнинг иккинчи томони ён томон ток узатиш линиясигача бўлган узунлиги 40 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Марказий ток узатиш линияси томонидан ўтишнинг охирига «Марказий контакт тармоғининг охири» белгиси ўрнатилиши керак.

10.16. Марказий осмадан ён томон контакт симларига ўтиш жойларида нишаблик билан қуйидагилар осилиши керак:

марказий османинг сими 1/50 (0,02)

ён томон османинг сими 1/25 (0,04)

10.17. Ҳаво стрелкалари шундай бажарилган бўлиши керакки, у бўйлаб ток узатувчининг барча йўналишлар бўйича силлиқ ва ишончли ўтиши таъминлансин. Ҳаво стрелкалари контакт симларининг кесилишлари билан маҳкамланган қилиб бажарилади. Иккинчи даражали йўлларда маҳкамланмаган ҳаво стрелкаларини қўллашга рухсат берилди.

Контакт симларининг ўзаро кесишишларисиз ҳаво стрелкаларини қуришга йўл қўйилмайди.

10.18. Контакт тармоғи ҳаво оралиқлари (изоляцияловчи туташмалар), нейтрал киргизмалар ва секцияли изоляторлар ёрдамида алоҳида участкаларга (секцияларга) бўлинади. Нейтрал киргизмалар ва секцияли изоляторлар йўлнинг горизонтал участкаларида ўрнатилиши керак.

Электр билан таъминлаш ва контакт тармоғини секциялаш схемасида нормал фойдаланиш шароитларида, тармоқнинг барча секцияларини электр билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек таъмирлаш ва тармоқдаги аварияларда, корхонанинг асосий йўлларида, транспорт-

нинг нормал технологик ишлашнинг таъминлаган ҳолда ишлаши кўзда тутилиши керак.

Нейтрал киргизмаларнинг ўрнатилиши ва жойлашиши, поездларнинг нейтрал киргизмани тўсиб турувчи сигнал белгиси олдидан 20 км/соатдан кўп бўлмаган тезликда тўхтамасдан ўтиб кетишнинг таъминлаши керак.

10.19. Контакт тармоғининг куйидаги участкалари мажбурий мустақил электр таъминоти билан секцияланиши керак:

- а) юк йўналишининг асосий йўллари;
- б) юксиз йўналишнинг асосий йўллари;
- в) ташқи келиш йўллари;
- г) тақсимлаш станцияларининг айрим секциялари;
- д) депо ва тракцион йўллари.

Контакт тармоғининг куйидаги участкалари йўлларда мажбурий мустақил электр таъминотисиз секцияланиши керак:

- а) ораллик ажратилган пунктлар;
- б) юклар тушириш (омборларда, устахоналар ва шу кабилар);
- в) йўлга тайёрлаш мосламалари ва техникавий кўриқдан ўтказиш пунктлари.

10.20. Очиқ конларнинг ағдармалари, очиниш ва қазиб чиқариш погоналари кўчма йўлларидаги контакт тармоқлари алоҳида фидерлардан электр билан таъминланиши керак. Битта фидердан очиқ коннинг иккитадан ортиқ бўлмаган юклар фронтлари ёки ағдармадаги иккита юк тушириш фронтлари таъминланишига рухсат берилди.

Кўчма йўллар контакт тармоқларининг марказий контакт тармоғидан электр туташтиригич билан ажратгич орқали электр билан таъминлашига, тегишли техника-иқтисодий асослашлар мавжуд бўлган айрим ҳолларда йўл қўйилди.

10.21. Тақсимлаш постлари стационар ёки кўчма бўлиши мумкин. Тўрттадан ортиқ чиқиниш линиялари мавжуд бўлган стационар ва кўчма тақсимлаш постлари электр транспортни таъминловчи подстанциясидан келадиган иккита киришга эга бўлиши керак.

10.22. Юклар ва тушириш ишлари учун, электровозларнинг қоп-қопли жихозларини, электровозларнинг шайлайдиган ва тиндирадиган йўлларини кўриқдан ўтказиш учун мўлжалланган йўлларнинг контакт тармоқлари секцияланган участкаларини электр билан таъминлаш пичоклари заминланган секцияли ажратгич орқали кўзда тутилиши керак.

10.23. Ён томон контакт тармоғини секциялаш шундай амалга оширилши керакки, электр билан таъминлайдиган линиянинг ажратгичи ёки марказий тармоқдан ён томонга электр билан таъминлайдиган туташтиргичи узилган бўлганда, кучланишнинг ён томон тармоғига тушиши имконияти мавжуд бўлмаслиги керак.

10.24. Контакт тармоғини секциялаш пунктлари тўғри чизикли участкаларда ёки катта радиусли эгриликларда жойлашиши керак.

10.25. Нейтрал киргизмалы секцияловчи пунктларда, нейтрал киргизмага секцияланган участкалардан биттасининг контакт симидан ток бериш имконияти кўзда тутилган бўлиши керак.

10.27. Ўзгарувчан ток контакт тармоқларини ток билан таъминлаш ва секциялаш схемаларини ишлаб чиқишда, электр транспортни таъминловчи трансформаторнинг номинал қувватидан тўлиқ фойдаланиш учун фазаларнинг бир хил ўлчамда юкланишига ҳаракат қилиш керак.

Ток билан таъминлаш фазаларнинг ажралган жойларида нейтрал киргизмалы секциялаш пунктлари кўзда тугилиши керак.

10.27. Токсизлангирилган нейтрал киргизмалар ва секцияли изолаторли нейтрал киргизмага эга бўлган секциялаш пунктлари “Токни ўчир”, “Токни кўш” белгилари билан тўсилиши керак. Белгилар СССР темир йўлларидаги сигнализациялар бўйича Йўриқномага мувофиқ ўрнатилиши керак.

10.28. Ток билан таъминлаш ва стационар контакт тармоқларини секциялаш пунктларидаги, шунингдек электр транспортни таъминловчи подстанциядан келадиган ток билан таъминлаш ҳаво линияларининг чиқишларидаги узатмали ажратгичлар рельслар каллагига сатхдан (ёки ернинг юзасидан) 7 метрдан кам бўлмаган баландликда жойлашиши керак.

Секциялаш пунктлари ва кўчма контакт тармоғини ток билан таъминлаш пунктларидаги узатмали ажратгичлар контакт симининг осилиш сатҳидан паст бўлмаган ҳолатда жойлашиши керак.

Узатмалари мавжуд бўлмаган секцияли ажратгичлар ернинг юзасидан 3,7 метрдан кам бўлмаган ҳолда ўрнатилиши керак.

Ажратгичларни контакт тармоғига улаш очик эгилувчан мис симлар билан бажарилади. Улаш симларининг сони ток билан таъминлаш линиясининг номинал токи бўйича (лекин ҳар бир кесим учун иккитадан кам бўлмаган) танланади.

10.29. Ажратгич ток билан таъминлаш пунктида секцияланган участканинг барча контакт симларига ёки барча контакт симлари ўзаро

очиқ, эгилувчан мис симлардан тайёрланган электр бириктиргичлар билан ўзаро уланиши керак.

10.30. Ўзгармас токнинг электрлаштирилган линияларида ва автоматлашган блокировкалар мавжуд бўлган ўзгарувчан токнинг электрлашган линияларида, доимий йўлларда рельсларнинг туташган жойлари ҳамда йўллар орасидаги бириктиргичлар, пайвандлаш жойида контактнинг юзаси 250 мм^2 дан кам бўлмаган, ўзгармас ток учун кесими 70 мм^2 дан ва ўзгарувчан ток учун кесими 50 мм^2 дан кам бўлмаган эгилувчан мис симлардан тайёрланган пайвандланган туташтирувчи электр бириктиргичларга эга бўлиши керак.

Очиқ конлар ва ағдармаларнинг кўчма йўлларида туташтирувчи рельсли бирикмалар қўйилмайдн.

10.31. Икки чизикли занжирлари бўлган автоматлашган блокировкалар билан жиҳозланган электрлашган линияларда, ҳар бир йўлда йўл чизикларини параллел бириктириш изоляцияланган туташмиш жойларида ўрнатилган дроссель-трансформаторлар билан амалга оширилади. Йўлларни параллел бириктириш йўл дроссель-трансформаторларининг ўрта нуқталари орасига икки дроссель туташмаларидан кейин учинчисига ўрнатилган махсус ўтказгичлар билан таъминланади.

Темир йўл чизикларини автоблокировка ёки электр марказлаштириш учун фойдаланилмайдиган электрлашган йўлларда, рельслар ораси ва йўллар ораси бириктиргичлари, мос равишда ҳар $250\text{-}300$ ва $500\text{-}600$ метрга ўрнатилган бўлиши керак.

Бир чизикли рельсли занжирлари бўлган СЦБ станцияларида, электр тортувчи рельсли чизиклари йўллар ўртасида бириктириш станцияларнинг огизларидаги кириш сигналларида, сўриш симларини бириктириш пунктларида, подстанцияларнинг олдида ва йўлнинг ҳар 400 метрида амалга оширилади.

10.32. Стационар контакт тармоқларининг таянчларида, агар бунда электр узатиш линияларида кучланиш бўлганда ишларни бажариш имконияти таъминланса, $6\text{-}10$ киловольтли ХЛнинг симларини осмишга йўл қўйилади.

10.33. Ўзгармас токнинг 3 киловольтгача кучланишни стационар контакт тармоқининг таянчларида, электрлашган темир йўлларни технологик лойиҳалашнинг меъёрларига мувофиқ нейтрал изоляцияланган ва заминланиб ташланган ёритиш линияларининг симларини осмишга йўл қўйилади.

10.34. Контакт тармоғининг кучланиши 3 киловольтдан ортиқ бўлганда, унинг таянчларидан ёритиш тармоғи симларини осиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

10.35. 6-10 киловольтли ХЛининг, шунингдек ёритиш ва алоқа линияларининг симларини кўчма контакт тармоғининг таянчларига осишга йўл қўйилмайди.

10.36. Қуйидагилар заминланиши керак: ўзгармас ток контакт тармоғидан 5 метрдан ва ўзгарувчан ток контакт тармоғидан 10 метрдан яқин масофада бўлган барча металл конструкциялар (кўприклар, кўприк йўллари, пиёдалар ўтувчи кўприклар, светофорлар, цехлар ва сувиш ишшоотларнинг, гидроколонкаларнинг металл иморатлари, газ узатиш қувурлари ҳамда бошқа узатувчи қувурларнинг таянч конструкциялари); контакт тармоғининг металл таянчлари; стационар ва кўчма контакт тармоқлари темир-бетон ҳамда ёғоч таянчларида жойлашган автоматлашган анкерлашларнинг конструкциялари ва секцияланган ажраткичларнинг узатмалари; ёғоч таянчларга ўрнатилган компенсаторларнинг узатмалари; ҳосил қилинган хавфли кучланишлар пайдо бўлиши мумкин бўлган, бир фазали-ўзгарувчан ток контакт тармоғининг таъсир зонасида жойлашган барча металл ишшоотлар.

10.37. Контакт тармоғи ва яқинда жойлашган ишшоотларни заминлаш якка тартибдаги ҳам, электр тортиш рельс чизикларига ёки дроссель-трансформаторларнинг ўрта нуқтасига уланадиган гурухли заминловчи симлар билан ҳам бажарилиши мумкин.

Гурухли заминлашлар якка тартибдаги заминлашларни ётқизиш қийин бўлган ёки улар шикастланиши мумкин бўлган жойларга ўрнатиладиган контакт тармоғининг таянчлари учун қўлланилиши керак.

10.38. Ўзгарувчан ток контакт тармоқларида, трансформаторнинг нейтралли рельсларга, прожекторлар, ёриткичлар, тақсимлаш қоробкалари ва қутилариининг корпусларига заминланганда, кабелларнинг бронловчи қобиклари рельслар билан ишончли бириктирилган ҳамда заминланган бўлиши керак. Таъминловчи трансформаторнинг нейтралли якка тартибда заминланганда, ёриткичлар ва прожекторларни таянчлардан изоляцияланган ёғоч тахталарга ва майдончаларга ўрнатиш керак, таянчларнинг ўзлари эса, тортувчи рельсга учқунсиз ораликларсиз иккилама заминлашга эга бўлиши керак.

10.39. Очик коннинг контакт тармоқлари ортиқча юклама ва қисқа туташувларсиз, ўчиргични вақтни ушлаб турмасдан узишга ишлайдиган максимал-токли ҳимоясига эга бўлиши керак.

10.40. Электр транспортни таъминловчи подстанция ва таксимловчи пунктлардан чиқадиган контакт тармоғининг линиялари атмосфера ҳамда коммуникацион ўта кучланишлардан зарядсизлагичлар билан ҳимояланган бўлиши керак.

10.41. Электровознинг ток қабул қилгичидан ёки электр тармоғининг кучланиш остида бўлган элементларидаги тутиб турувчи конструкциялар: иморатлар ва муҳандислик иншоотлари (кўприклар, кўприк йўллари, бункерлар ва шу кабилар) қисмларининг заминланган участкаларигача бўлган энг кам масофа қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак (миллиметрларда):

1 килловольтгача бўлган номинал кучланишда	150
1 килловольтдан 4 килловольтгача бўлган номинал кучланишда.....	200
4 килловольтдан 10 килловольтгача бўлган номинал кучланишда	250
10 килловольтдан ортиқ бўлган номинал кучланишда	350

Тор жойларда (мавжуд сунъий иншоотлар, тутиб турувчи мосламалар, ён томон контакт тармоқлари остида ва шу кабилар) бу масофалар мос равишда 100, 150, 200 ва 300 миллиметр гача камайtirилиши мумкин.

10.42. Ҳаво стрелкаларини қисқичларнинг маҳкамланишини текширган ҳолда кўриқдан ўтказиш уста томонидан ойинга камида бир марта амалга оширилиши керак.

Контакт симларининг вертикал ва горизонтал габаритлари йилига камида бир марта, йўллارнинг ҳолати барқарор бўлмаган участкаларда (кўчкилар, янги тўкмалар ва шу кабиларда) эса, йилига уч марта ва албатта баҳорнинг бошланишида (кунларнинг исиниши, қорларнинг эришида) текширилади.

Ҳар йили айрим узеллар ва деталлар сичякклаб кўздан кечириладиган ҳамда текшириладиган комплекс мавсумий кўриқдан ўтказишлар амалга оширилиши керак (10.8-жадвал).

10.8-жадвал

Контакт тармоғини комплекс мавсумий кўриқдан ўтказиш ишларининг таркиби

Ишларнинг номи	Бир йилдаги кўриқдан ўтказишлар сони				
	яши	бахорда	ёзда	кузда	кында
Контакт симининг чиқошлари ва зангитларини ўлчаш	2	1	-	1	-
Контакт симининг осни бомақдлагичи ўлчаш	1	-	-	1	-
Контакт симининг айлаштирилгичи ўлчаш	2	1	-	1	-
Изоляторларни тозалаш ва тасдиқлаш	1	-	1	-	-
перегонар ва станцияларда кўприклар, кўприк йўллари остида, кўчма йўлларида	4	1	-	1	1

10.43. Контакт тармогини жорий таъмирлашда жиҳозларнинг техникавий ҳолатларини сипчиклаб текшириш, ростлаш, тозалаш, мойлаш ва айрим ейланган деталари ҳамда узелларини алмаштириш, портлашлардан шикастланган устуларни алмаштириш, деформацияланган кропштейнлар ва фиксаторларни тўғрилаш ёки алмаштириш, изоляторларни ярокли-яроксизга ажратиш ҳамда алмаштиришлар назарда тутилади.

Кўчма контакт тармогини жорий таъмирлаш, қазини жойининг ишлаб бўлинишига қараб янги жойга кўчириш билан бирга амалга оширилади.

10.44. Барча янгидан монтаж қилинган, ўтказилган ёки кўчирилган контакт тармоқлари электровозда ўтиш ҳаракатлари очилгунга қадар текширилган бўлиши керак. Бу текширишни контакт тармоғи участкасининг устаси ёки бригадирни амалга оширадн. Таъмирловчи симлар ва қискичларининг кизиши аниқланган ҳолатларда, контакт тармоғи хизматининг ходимлари зудлик билан носозликларнинг бартараф этилиши чораларини кўришлари керак.

10.45. Электровозларнинг барча машинистларини, контакт тармоғининг схемаларидаги барча ўзгаришлар тўғрисида ва ток қабул қилгичларни алмаштириб улаш участкаларининг ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш керак. Бу ўзгаришлар контакт тармоғи хизмати ходимлари томонидан огоҳлантиришларининг махсус китобига ва темир йўл цехининг тезкор схемасига қайд этилиши керак.

10.46. Поезд ҳаракатланаётганда, ток қабул қилгични консоллар ва контакт тармоғининг ҳаво стрелкалари остида кўтариш тақиқланади. Ток қабул қилгични кўтариш шундай ҳисоб-китоб билан амалга оширилиши керакки, чангининг контакт симига тегиши ўтишнинг ўртасида амалга ошсин.

Машинист нейтрал киргизмални секцияланган изолятордан ўтаётганда, электровознинг тортиш моторларини ўчириши керак. Битта подстанциянинг бир хил фазаси таъминлаш зоналарини ажратувчи, нейтрал киргизмасиз секцияланган изолятордан ўтаётганда, электровознинг тортиш моторларини ўчириш шарт эмас.

10.47. Контакт тармоғини таъминлаш ва секциялаш схемаси ва ундаги барча ўзгаришлар корхонанинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланиши керак. Схемадан нусхалар олиш станциянинг техника-бошқарув далолатномаларига киритилиши керак.

10.48. Контакт тармоғидаги ишлар электрлашган темир йўл контакт тармоғидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси ва ишлаб чи-

қарини санитарияси ҳамда автоблокировкаи электр билан таъминлашнинг тузилиши Қоидаларни ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси Қоидаларига мувофиқ бажарилиши керак.

10.49. Секцияли ажратгичлар энергия диспетчерининг буйруғи билан алмаштириб улайди. Ажратгичларнинг алмаштириб улашида бажарилиши керак бўлган шартлар, шунингдек ажратгичларнинг узатмаларини ёпишнинг қалитларни сақланадиган жойлари корхонанинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланган тартиб билан белгиланади.

Узатмаларни бўлмаган секцияли ажратгичларни ўчириш ва қўпиш изоляцияловчи штангалар билан амалга оширилиши керак.

Контакт тармоғи секцияли ажратгичларининг узатмалари махсус қалитларга эга бўлган қулфлар билан қулфланиши керак.

10.50. Электр транспортни таъминлаш тармоғидан фойдаланиш ва уларни сақлаш учун масъул бўлган шахслар (контакт тармоғининг бошлиғи ва устаси), уларнинг тўлиқ ишга яроқлилигини ҳамда поездларнинг (узатиш таркибларининг) узлуксиз ҳаракатланишини таъминлашлари керак. Улар, контакт тармоғида уларга бўйсунувчи ходимлар ишларини бажарганларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари учун ҳам жавобгар бўладилар, шунинг учун улар хавфсизлик қоидаларининг бажарилишини мунтазам текширадилар ва ишларни бажарувчиларини курсатмалардан ўтказадилар.

10.51. Электр транспортни таъминлаш подстанцияларидан фойдаланиш ва уларни таъминлаш истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техникавий фойдаланиш Қоидалари ҳамда электрлашган темир йўллар электр транспортларини таъминлаш подстанцияларидан фойдаланишдаги хавфсизлик Қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

10.52. Йирик жиҳозли ҳаракатдаги таркибни электрлашган участкалардан ўтказиб юбориш тартиби корхонанинг бош муҳандиси томонидан белгиланади.

11-боб

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИНING УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

11.1. Электр тармоқлари ва электр қурилмаларида ишлашга, уларга электр хавфсизлиги бўйича тегишли малака гуруҳи берилганлиги туғрисидаги гувоҳнома мавжуд бўлган шахсларга руҳсат берилади. Гувоҳнома истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техникавий фойдаланиш Қоидалари, истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан

фойдаланишда хавфсизлик техникаси Қондаларни, фойдали қазилмалар конларини очик усулда ишлашда хавфсизликнинг Ягона қондалари ва касби ёки эгаллаб турган лавозимига қўлланяладиган йўриқномаларни билиши бўйича имтиҳон топширигандан кейин берилади. Очик конларнинг контакт тармоқларида ишлайдиган шахслар, қўшимча равишда электрлашган темир йўллар контакт тармоқларидан фойдаланишдаги хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қондаларини ҳамда автоблокировкаини электр билан таъминлаш мосламаларини билишлари ҳамда улар бўйича имтиҳон топширишлари керак.

Электр қурилмаларга хизмат кўрсатувчи шахслар, ишларни бажариш вақтида малака гуруҳи берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-ларини ёиларида олиб юришлари керак.

Махсус ишларни (юқорига чқкиб бажариладиган ишлар, куч-ланиш остида бажариладиган ишлар, жиҳозларни оширилган кучла-ниш билан синая кўриш ва шу кабиларни) бажаришга рухсат берилган шахсларнинг гувоҳномаларида бу ҳақдаги ёзув мавжуд бўлиши керак. Махсус ишларнинг маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган ҳолдаги рўйхати корхонанинг раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

11.2. Тезкор алмаштириб улашларни, очик конларнинг электр қу-рилмаларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашларни куйидаги электротехник ходимлар ўтказадилар: тезкор, тезкор-таъмирлаш ва таъмирлаш.

Тезкор таъмирлаш ходимларига подстанция ва тақсимлаш мос-ламаларининг навбатчилари киради.

Тезкор ходимлар бевосита очик коннинг (коннинг) смена энер-гетигига (энергия диспетчерига) бўйсунди. Смена энергетиклари (энергия диспетчерлари) махсус олий ёки техникавий ўрта маълумотга ва V малака гуруҳига эга бўлган муҳандис-техник ходимлардан шахс-лар бўлишлари керак.

Тезкор-таъмирлаш ходимларига куйидагилар киради:

а) кон участкаларининг, участканинг электр қурилмалари ва тар-моқларига хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлашни олиб борувчи ва хизмат кўрсатиш чегараси ҳудудида тезкор алмаштириб улашларни амалга оширишга рухсат берилган электротехник ходимлари;

б) навбатчи электриялар ва смена энергетиклари (энергия дис-петчерлари);

в) очик коннинг бош энергетигига бевосита бўйсунувчи элект-ротехник ходимлар;

г) электрлашган кон-транспорт машиналари ва комплекслари жамияти таркибига кирадиган ходимлар (машинистлар, машинистлар ва электрикларнинг тегишли малака гуруҳига эга бўлган ёрдамчилари).
Машинистлар, кончилик машиналари (комплекслари) машинистларининг ёрдамчилари фойдали казилмалар конларини очик усулда ишлашда хавфсизликнинг Ягона қондалари 7-§ билан ўрнатилган ҳажмдаги электротехник ишларни бажариш ҳуқуқига эга.

Таъмирлаш ходимларига фақат, очик коннинг (коннинг), участканинг кончилик машиналари, механизмлари ва электр тармоқларининг электр жиҳозларини таъмирлашни (монтаж қилиш, созлаш ва синовдан ўтказишни) бажарадиган электротехник ходимлари киради.

11.3. Очик коннинг электр қурилмалардаги ташқиллий ва техникавий чора-тадбирлар истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси Қондаларига қатъий мувофиқ ҳолда бажарилади.

11.4. Электр қурилмаларидаги ишлар нарядлар ёки фармойишлар бўйича амалга оширилади.

Наряд – бу, махсус бланкада ишларнинг мазмунини, жойини, унинг бошланиш ва тугаш вақтларини, хавфсизликнинг керакли чора-тадбирни, бригада аъзоларининг таркиби ва ишларни хавфсиз бажариш учун масъул бўлган шахсларни аниқловчи, ишларни хавфсиз бажаришга тузилган топшириқдир.

Фармойиш – бу, махсус бланкада ишларнинг мазмунини, жойини, унинг бошланиш ва тугаш вақтларини, хавфсизликнинг керакли чора-тадбирини ва уларни бажариш топширилган шахсларни аниқловчи, ишларни хавфсиз бажаришга тузилган топшириқдир. Фармойиш ихтиёрий шаклда оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Фармойишнинг амал қилиш муддати ижрочиларнинг иш куни давомийлиги билан аниқланади.

Фармойиш бевосита ёки алоқа воситалари ёрдамида узатилади ва фармойишни қабул қилувчи томонидан тезкор журналга ёзилади. Бунда, фармойишнинг ким томонидан берилганлиги, ишларнинг жойи ва номлари, уларни бажаришнинг муддати, ишларни бажарувчи ҳамда бригада аъзоларининг фамилиялари, исмлари ва отаси исмининг бош ҳарфлари ҳамда уларнинг малака гуруҳлари кўрсатилган бўлиши керак.

11.5. Нарядлар ва фармойишларни бериш ҳуқуқи, корхонанинг бош энергетиги (электр хўжалиги учун масъул бўлган шахснинг) фармойиши билан бунга ваколат берилган электротехник ходимларига

берилади. Кўрсатилган шахслар V малака гуруҳига (кучланиши 1000 вольтгача бўлган қурилмаларда IV дан кам бўлмаган) эга бўлишлари керак.

Рўйхати корхонанинг бош энергетиги томонидан аниқланадиган бир қанча ишларни бажаришга фармойиш бериш ҳуқуқи, малака гуруҳи IV дан кам бўлмаган тезкор ва тезкор таъмирлаш ходимлари шахсларига ҳам берилади.

11.6. Нарядлар ва фармойишлар бўйича ишларнинг масъул раҳбарлари ҳамда ижрочилари, шунингдек ишларнинг бажарилишини назорат қилувчи этиб тайинланиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхати корхонанинг бош энергетиги томонидан белгиланади ва бош муҳандиси томонидан тасдиқланади.

11.7. Наряд ёки оғзаки фармойиш бўйича, тезкор журналга ёзган ҳолда ишларни бажаришда, руҳсат берувчининг вазифасини қуйидагилар бажаради: экскаваторда – экскаваторнинг машинисти ёки маҳсус тайинланган шахс; улаш пунктлари, тақсимилаш мосламалари ва кўчма трансформатор подстанцияларида – тезкор ва тезкор-таъмирлаш ходимлари шахси ёки малака гуруҳи IV дан кам бўлмаган, бунга маҳсус ваколат берилган шахс.

11.8. Тезкор-таъмирлаш ва таъмирлаш ходимлари томонидан наряд бўйича қуйидаги ишлар бажарилади:

а) кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган амалдаги электр узатиш ҳаво линияларида, таянч, улаш пункти, КТП ва уларнинг ўрнатилиш юзасидан 2 метрдан баланд бўлганларга кўтарилиш билан боғлиқ бўлган ишлар;

б) кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган электр қурилмаларда, кучланишни тўлиқ ёки қисман олган ҳолда бажариладиган таъмирлаш ишлари;

в) бронланган кабеллардан тайёрланган амалдаги кабель линияларидаги ишлар (таъмирлаш, қайта ётқизиш);

г) юқори кучланишли эгишувчан кабеллардан тайёрланган линияларни улар ётқизилган жойда таъмирлаш бўйича бажариладиган ишлар.

11.9. Тезкор-таъмирлаш ва таъмирлаш ходимлари томонидан фармойиш бўйича кучланиши 1000 вольтдан юқори бўлган электр қурилмаларда қуйидаги ишларнинг амалга оширилишига руҳсат берилади:

а) замишлаш қўйган ҳолда, кучланиши қисман олганиб бажариладиган ишлар.

Бундай ишларга куйидагилар киради:

алоҳида турадиган ёки кон-транспорт машиналарига ўрнатилган АУПларни, ЭУЛни узиш билан боғлиқ бўлмаган майда таъмирлашлар (мойни алмаштириш ёки қўшимча куйиш, мойли ўчиргичнинг узатмасини таъмирлаш, ажратгичдан кейинги шиналардаги контактларни тозалаш ва тортиш, кучланиш трансформаторидаги сақлагичларни алмаштириш);

АУПларидаги кабелларни улаш ва узиш;

КТПдаги ишлар (юқори ва паст кучланишли томонлардаги сақлагичларни алмаштириш, ажратгичдан кейинги йўғон сым ўрнатишдаги ҳамда трансформаторнинг изоляторидаги контактларни тозалаш ва тортиш, трансформаторнинг чўлғамлари электр изоляцияларини текшириш, кетувчи кабелни узиш ва улаш);

Бу рўйхат корхонанинг бош энергетиги томонидан касаба уюшмасининг техник инспектори билан келишган ҳолда кенгайтирилиши мумкин.

Кўрсатилган ишлар, икки нафардан кам бўлмаган, бир нафари IV дан, иккинчиси эса II дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Ишга рухсат беришда, шундай ишлар учун керак бўладиган барча техникавий чора-тадбирлар бажарилган бўлиши керак;

б) кўчма заминлашлар қўйилган ҳолда, кучланиш тўлиқ олиниб бажариладиган ишлар.

Бундай ишларга экскаваторлардаги куйидаги ишлар киради:

таъминловчи кабель ва кабелли туташтиргичларни алмаштириш ва мослаб бириктириш, улаш ҳамда узиш;

кириш қутилари ва халқали ток қабул қилгичлардаги изоляторларни алмаштириш;

ток қабул қилгичларнинг носозликларини бартараф этиш;

мойли ўчиргичнинг мойини алмаштириш, қўшимча мой куйиш ва оқишларни бартараф этиш;

ўчиргич ва ажратгичларни таъмирлаш;

сақлагичлар, ток ва кучланиш трансформаторларини алмаштириш.

Бу ишлар, кабель АУПдан икки нафардан кам бўлмаган, улардан бир нафари IV дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлиши керак, шахслар томонидан узилгандан кейин амалга оширилади;

в) заминлашни ўрнатиш талаб этилмайдиган, ток ўтказувчи қисмларда ва уларнинг яқинида кучланиш олинмасдан бажариладиган ишлар.

Стационар ва ярим стационар, алоҳида турадиган ва кон-транспорт машиналарига, таксимлаш мосламаларига ўрнатилган электр қурилмаларда, бундай ишларга қуйидагилар кирадди:

жиҳозларнинг кожухларини кўриқдан ўтказиш;

кожухнинг арматураси, кучланиш остида бўлмаган ўчиргичларнинг бакларидаги ва трансформаторларнинг кенгайтирилгичларидаги мой кўрсаткичларнинг шишаларини ҳамда шу кабиларни тозалаш ва майда таъмирлаш;

мойни қуритиш ва тозалаш учун кожухнинг арматураларини улаш;

ток ўлчагич қискичлар билан ўлчаш;

контактларнинг кўзишини штанга билан текшириш;

шиналарнинг штангали титрашини аниқлаш;

сақлагичларни фазалаш, алмаштириш, изоляторлар ва бирктирувчи қискичлар устидан назорат бўйича штанга билан бажариладиган битталиқ операциялар;

кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган ҳаво линияларида жиҳозланган юқори частотали каналларнинг улаениш филтёрларини текширишдаги ўлчалар, мойларни кўшимча қуйиш ва уларнинг намуналарини олиш ҳамда шу каби бошқа ишлар.

Бу ишлар икки нафардан кам бўлмаган, улардан бир нафари IV дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлиши керак, шахслар томонидан амалга оширилади.

Кўрсатилган ишларда хавфсизликни таъминлаш учун барча керакли чора-тадбирлар амалга оширилиши керак.

Электр узатиш линияларида трассани йирик (кўпол) нарсалардан тозалаш, плакатларни осниш, таянчларни рақамлаш ва уларни чиришга текшириш, таянчларнинг ўрнатмалары ҳамда юктамаларини тўғрилаш, таянчларга кўтарилмасдан линияларни кўриқдан ўтказиш бўйича ишларни III дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган бир нафар шахс томонидан бажарилишига рухсат берилади.

11.10. Кучланиши 1000 вольтдан ортиқ бўлган электр қурилмалардан фойдаланиш жараёнида ток ўтказувчи қисмларнинг яқинида кучланишни олмасдан қуйидаги ишлар бажарилади:

а) улаш пунктида – тўсиқнинг орқасига ўтмасдан конструкциялар ва жиҳозларни ташқи кўриқдан ўтказиш, заминлаш тармогини кўриқдан ўтказиш; эшаклар ва қулфларнинг механик блокировкаловчи мосламаларини текшириш ҳамда ҳар смнадаги кўриқдан ўтказиш ҳажмидаги бошқа ишлар;

б) комплект трансформатор подстанцияларида - тўсиқнинг орқасига ўтмасдан конструкциялар ва жиҳозларни ташқи кўриқдан ўтказиш; заминлаш тармогини кўриқдан ўтказиш; қуялларнинг механик блоқировкаловчи мосламаларини текшириш ва ҳар сменадаги кўриқдан ўтказиш ҳажмидаги бошқа ишлар;

в) экскаваторларда (комплексларда) ва бошқа электрлашган қурилмаларда – таъминловчи кабель, электр машиналари, ўзгартирувчи агрегат ва куч трансформаторларини тақсимлаш мосламаларини кўриқдан ўтказишни ҳам қўшган ҳолда ташқи кўриқдан ўтказиш; трансформатордаги мойнинг сатҳини текшириш (мой кўрсаткичдан кўз билан); панеллар, блоқлар ва бошқариш станцияларини кўриқдан ўтказиш;

г) стационар ва ярим стационар тақсимлаш мосламаларида – ҳудуд ва хошаларни йиғиштириш; ёритиш аппаратларини таъмирлаш ва камералар ҳамда катакчалардан ташқарида жойлашган лампаларни алмаштириш; телефон алоқаси аппаратларини таъмирлаш ва шу каби ишлар.

Кўрсатилган ишлар, икки нафардан кам бўлмаган, бир нафари IV дан, қолганлари эса III дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

11.11. Кучланиши 1000 вольтгача бўлган электр қурилмаларда тезкор, тезкор-таъмирлаш ва таъмирлаш ходимларига наряд бўйича куйидаги таъмирлаш ишларини бажаришга рухсат берилади:

ҳаво линияларида, ёритиш тармоқлари ва минораларда таянчларга (минорага) кўтарилиш билан бажариладиган;

тақсимлаш мосламалари, шчитлар, йиғмаларда бажариладиган;

кабель линияларида бажариладиган.

11.12. Кучланиши 1000 вольтгача бўлган электр қурилмаларда тезкор, тезкор-таъмирлаш ва таъмирлаш ходимларига фармойиш бўйича куйидагиларини бажаришга рухсат берилади:

а) кучланиш тўлиқ олинган ҳолатда:

магнитли ишга туширгичлар, ишга тушириш тугмачалари, автоматлашган ўчиргичлар, бириктиргич-ажратгичлар, реостатлар, контактлар ва шчитлар ҳамда йиғмалардан ташқарига ўрнатилган ишга тушириш ва коммутация аппаратларига ўхшаш аппаратларни таъмирлаш;

алоҳида электр қабул қилгичларни (электр моторлар, тормоз ғалтаклари ва шу қабиларни), алоҳида жойлашган магнит станциялари ва бошқариш блоқларини таъмирлаш, эрийдиган қўстирмаларни алмаши-

тириш, магнит станциясидаги сиқилган ҳаво билан пуфлаб тозалаш, ёритиш симларини ёритгичлар ҳамда лампаларни алмаштириш билан таъмирлаш.

Буида кўчма замишлашларни ўриштириш шарт.

Бу рўйхат корхонанинг бош энергетини томонидан касаба уюшмаси техникавий инспекцияси ва МДТИ (минтакавий давлат техника инспекцияси) билан келишган ҳолда кенгайтирилиши мумкин;

б) кучланиш олинмаган ҳолда:

изоляцияни назорат қилиш релесининг ишлаб кетишини текшириш;

таъмирловчи кабель, кабель муфталарини ташқи кўриқдан ўтказиш;

магнит станцияси, бошқариш блоги аппаратураларини кўриқдан ўтказиш, электр ўлчаш асбобларининг ишлашини текшириш;

хоналарни йиғиштириш, кожухлар ва корпусларни тозалаш ва аратиш.

2.4. TM va KTPlarning korpuslari havo liniyasining ochiq simlardan tayyorlangan (shinalar, polosalar, sim chivichlar) zaminlovchi simlari bilan ishonchli birikmalarga ega bo'lishlari kerak. Kataklar korpuslarining havo liniyasi zaminlovchi simlari bilan (zaminlash joylariga) ulanadigan joylari aniq belgilangan bo'lishi kerak.

2.5. KTP yoki TMLarning yoritish armaturalari shunday o'rnatilishi kerakki, ularga xizmat ko'rsatishning (lampalarni almashtirish) va TMLari eshiklarini (nazorat qilish va himoyalash apparatlarining hamda uzatma-

larning o'rnatilgan joylarini) yoritishning xavfsizligi ta'minlangan bo'lishi kerak.

Eslatma. KTP va TMLari yoritish moslamalarining bo'lishi shart emas. Ular mavjud bo'lmaganda, KTP va TMLarga xizmat ko'rsatish bo'yicha xodimlar uchun yo'riqnomalarda kunning qorong'i vaqtlarida ularni ko'zdan kechirish (ta'mirlashda) yoritish usullari nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

2.6. KTP va AUPlarni o'rnatish havo liniyasidan kiritish ulanadigan tayanchdan 10 metrdan ko'p bo'lmagan masofada amalga oshirilishi kerak.

Bitta oraliq yoki burchak tayanchiga ikkita AUP yoki ikkita KTPlarni ulash taqiqlanadi.

Oxirgi bitta tayanchga ikkitadan ortiq bo'lmagan AUP yoki ikkita KTPlarni ulashga ruxsat etiladi.

Bitta yakka tartibdagi AUPga ikkita ekskavatorlarni ulash taqiqlanadi.

AUPlar korpuslarining tashqi tomonida aniq ko'rinadigan raqam belgilari bo'lishi kerak.

2.7. KTP yoki TMLardan foydalanishning asosi, ochiq konning (konning) bosh muhandisi tomonidan tasdiqlangan texnikaviy xizmat ko'rsatish va ta'mirlash jadvaliga aniq hamda albatta rioya qilish bo'lishi kerak.

2.8. AUPlarga texnikaviy xizmat ko'rsatish va ularni ta'mirlash quyidagilarni o'z ichiga oladi:

AUPlarni (ularni elektr tarmog'idan uzmasdan turib) har smenada, ekskavatorlar mashinistlari tomonidan amalga oshiriladigan tashqi ko'zdan kechirishlar;

AUPlarni har oyda, uchastka energetigi rahbarligi ostida elektrotexnik xodimlar tomonidan amalga oshiriladigan ko'riklar;

har ikki oyda bir marta amalga oshiriladigan, AUPlarni ta'mirlashlar;

moyli o'chirgichlari bo'lgan AUPlar uchun har ikki yilda bir marta,

moyli o'chirgichlari bo'lmagan AUPlar uchun har uch yilda bir marta va vakumli o'chirgichi bo'lgan AUPlar uchun har besh yilda bir marta amalga oshiriladigan kapital ta'mirlashlar.

Har oydagi AUPlarni ko'zdan kechirishlar va ta'mirlashlar naryad bo'yicha amalga oshiriladi.

2.8.1. YAKKA AUPlarini har smenadagi tashqi ko'zdan kechirishlarda quyidagilar tekshiriladi:

korpusi konstruksiyasining butunligi va uning sirpang'ichga mustahkam mahkamlanganligi;

havo liniyasidan kiritish konstruksiyalari to'siqlarining ishga yaroqliligi va ularning mahkamlanishi;

eshiklar qulflash moslamalarining ishga yaroqliligi;

kirish moslamasidagi kabelning zichlanishi va mustahkamlanishining ishonchligi;

korpus o'rnatilishining ishonchligi va uning vertikal holatdan og'ishi; korpusni zaminlash kontaktlarining ishonchligi va zaminlovchi o'tkazgichlarda shikastlanishlarning mavjud emasligi.

Har safar AUPlar ko'chirilganda va portlatish ishlari amalga oshirilganda, mashinist tomonidan xuddi shu hajmdagi ko'zdan kechirishlar amalga oshiriladi. Bu holatlarda, uchastka elektrotexnik xodimlari tomonidan zaminlash qarshiligini o'lchash amalga oshiriladi.

Nosozliklar mavjud bo'lganda, ekskavatorni ishlash uchun qo'shish taqiqlanadi.

Har bir aniqlangan nosozliklar to'g'risida, mashinist smena kon nazorati xodimiga zudlik bilan xabar berishga majbur.

Ko'zdan kechirish natijalari ekskavatorning agregat kitobiga qayd etiladi.

Ekskavatorlar mashinistlari AUPlar moyli o'chirgichlarining avariya uzilishlari to'g'risida smena energetigiga (energodispetcherga) xabar berishga majbur.

2.8.2. AUPning har oyda uchastka elektrotexnik xodimi tomonidan amalga oshiriladigan ko'rikdan o'tkazish hajmiga quyidagilar kiradi:

har smenadagi ko'rikdan o'tkazishda ko'zda tutilgan ishlar;

elektr zanjirlarining kontaktli birikmalarini tekshirish;

apparaturalar, tok va kuchlanish transformatorlarining mahkamlanganligini tekshirish;

tayanch va o'tish izolyatorlarining holatlari hamda mahkamlanganliklarini tashqi ko'rikdan o'tkazish;

o'chirgichlar va kuchlanish transformatorlarini tekshirish;

zaminlash qarshiligining kattaligini o'lchash.

2.8.3. AUPning joriy ta'mirlanishi hajmiga quyidagilar kiradi:

har oydagi ko'rikdan o'tkazishda ko'zda tutilgan ishlar;

o'chirgich, ajratgich, tok va kuchlanish transformatorlarining barcha uzellarini, AUPning izolyatsiyalovchi elementlarini tashqi ko'rikdan o'tkazish hamda changlardan va kirlardan tozalash;

ajratgichlarning qo'shish pichoqlarini rostlash va ularni suxtalar hamda oksidlardan tozalash;

tok o'tkazuvchi qismlar, kontaktlar va transformator temirlarining qiziganligi, shuningdek tok transformatorlarida izolyatsiyalovchi massaning oqganligi izlarining mavjud emasligini tekshirish;

o'chirgich va ajratgichlarning uzatish mexanizmlari holatini tekshirish hamda ularni rostdash, o'chirgich uzatmalarining ishqalanadigan qismlarini va ajratgich uzatmasining sharnirli birikmalarini moylash;

o'chirgichning ulanishi va uzilishini tekshirish;

yorug'lik signalizatsiyasini tekshirish;

mexanik blokirov kalarni ko'rikdan o'tkazish va rostdash;

AUPning barcha konstruktiv uzellarining mexanik mustahkamligini tekshirish va lozim bo'lganda ularni ta'mirlash;

kabelning moslab biriktirilganligini tashqi ko'rikdan o'tkazish, kabel tolalari orasidagi izolyatsiya qarshiligini o'lchash va lozim bo'lganda kabelni qaytadan moslab biriktirish;

kuchlanish transformatori va tok transformatorlari cho'lg'amlarining izolyatsiyalarini sinovdan o'tkazish;

o'chirgichning harakatlantiruvchi qismi yo'lini o'lchash va lozim bo'lganda uni rostdash;

maksimal-tok himoyasi va yerga bir fazali tutashishlardan himoyalashning ishga yaroqliligini tekshirish.

2.8.4. Kapital ta'mirlash hajmiga quyidagilar kiradi:

joriy ta'mirlashda nazarda tutilgan ishlar,

o'chirgichning texnikaviy holatini uning eskirgan detallarini almashtirgan holda tekshirish;

yo'g'on simlarni o'zlashtirish kontaktlarini tozalagan holda tekshirish;

signal apparatlarini, ikkilamchi kommutatsiyalar, asboblar, tok va kuchlanish transformatorlarining zarjurlarini ta'mirlash va almashtirish;

himoya, signalizatsiya va blokirovka moslamalari ishlarini sozlash, AUP korpuslari, havo liniyasidan kirishning to'siqlari hamda tayoqchalarini ta'mirlash;

tok o'tkazuvchi va zarjurlaychi tishalarni, yuqori kuchlanishli ajratgichlarning konstruksiyalarini kamida AUPlarning korpuslarini bir yilda,

2.8.5. Ochiq korning (korning) bosh energetigi AUPlarni oylga kamida bir marta tanlov zosida ko'rib chiqishi etadi.

2.9. Havo elektr uzatish liniyalarining, seksiyalovchi moslamalar uchastka energetikasi tomonidan kamida ikki oyda bir marta va bosh ko'chirishdan keyin ko'zdan tekshiriladi. Har ko'chirishdan keyin yomulashning o'tish qarshiligi o'lchanadi.

Seksiyalovchi moslamalarini rejalii ta'mirlash yillga kamida bir marta o'tkaziladi.

Ochiq korning (korning) bosh energetigi seksiyalovchi moslamalarini olti oyda kamida bir marta tanlov zosida ko'rib chiqishi.

2.10. KTPlarni kuchlanishi 1000 volt dan ortiq bo'lgan tarmoqdan uzmasdan turib ko'rikdan o'tkazish, burg'ilash dastgohi mashinisti yoki maxsus vakolatli shaxs tomonidan har smenada amalga oshiriladi. KTPdan bir nechta iste'molchilar ta'minlanganda, ko'rikdan o'tkazish KTP yurituvida bo'lgan uchastkaning energetigi tomonidan tayinlangan shaxs tomonidan amalga oshiriladi.

Ko'rikdan o'tkazishda quyidagilar tekshiriladi:

korpus konstruksiyasining butunligi va uning sirpang'ichlarga mahkamlanganligining mustahkamligi;

kirish konstruksiyalari to'siqlarining ishga yaroqliligi va tayanch hamda o'tish izolyatorlarining butunligi (ko'z bilan ko'rish orqali);

mexanik blokirovka qiluvchi va yopuvchi moslamalarning ishga yaroqliligi;

sizib chiqishlardan himoyalovchi releda plombalarning mavjudligi;

sizib chiqishlardan himoyalovchi relening ishlashini tekshirganda past kuchlanishli tomondagi kirish avtomatining ishlab ketishi;

past kuchlanishli tomondagi avtomatlashgan o'chirgichlarni qo'shish mexanizmlarining ishga yaroqliligi;

zaminlash kontaktlarining ishonchligi va zaminlovchi o'tkazgichlarda uzilishlarning mavjud emasligi;

chiquvchi kablarning ishonchli mahkamlanganligi.

KTPlarda nosozliklar mavjud bo'lganda, ushbu KTPdan tok bilan ta'minlanuvchi burg'ilash dastgohlari va boshqa mexanizmlarni qo'shish taqiqlanadi. Barcha aniqlangan nosozliklar to'g'risida, mashinist zudlik bilan konchilik nazoratining smenadagi shaxsiga yoki energiya dispatcheriga xabar berishga majbur.

KTP har safar ko'chirilganda ushbu hajmdagi ko'rikdan o'tkazishlar amalga oshiriladi.

Ko'rikdan o'tkazish, oyiga kamida bir marta uchastka energetigi rahbarligi ostida elektrotexnik xodimlar tomonidan amalga oshiriladi. Ishlar tezkor jurnalga yozilgan holda farmoyish bo'yicha amalga oshiriladi.

KTPlarni tarmoqdan to'liq uzgan holda oylik ko'rikdan o'tkazish hajmiga quyidagilar kiradi:

har smenadagi ko'rikdan o'tkazishda nazarda tutilgan ishlar;

oqishlarni bartaraf etish, transformatorlarga qo'shimcha moy quyish yoki ularni almashtirish, sinab ko'rish uchun namunalar olish;

izolyatorlarni va transformatorlarning korpuslarini changlardan hamda kirlardan tozalash;

ajratgichlarni va mexanik blokirovka moslamalarini rostlash;

zaminlovchi magistralning elektr birikmalari kontaktlarini tortish; havo liniyasidan kirishning tayanch va o'tish izolyatorlarini batafsil ko'rikdan o'tkazish hamda ularni almashtirish (lozim bo'lgan holatda).

KTPlarni ta'mirlash yiliga kamida bir marta amalga oshiriladi. Elektr tokining sizib chiqishidan himoyalash apparaturalarini laboratoriyada tekshirish olti oyda kamida bir marta amalga oshirilishi kerak.

Ochiq konning (konning) bosh energetigi KTPlarning holatini olti oyda kamida bir marta tanlov asosida ko'rib chiqishi shart.

2.11. KRPlarni doimiy navbatchiliksiz ko'rikdan o'tkazish, elektrotexnik xodimlar tomonidan kuchlanish to'liq olingan holatda (ikki kishidan kam bo'lmagan holatda, ularning bir nafari IV dan, qolganlari III dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lishi kerak), tezkor jurnalga yozuv kiritish bilan farmoyish bo'yicha amalga oshiriladi.

KRPlarni ko'rikdan o'tkazishda quyidagilar tekshiriladi:

a) tayanch va o'tish izolyatorlarining holati; moyli o'chirgichlardagi moylarning sathi va moy oqishlarining mavjud emasligi;

b) mexanik blokirovka moslamalarining ishga yaroqliligi (ko'z bilan);

v) katakchanning komplektiga kiradigan o'lchov asboblari va apparaturalarning mavjudligi;

g) katakchanning ichiga suv kirishining mavjud emasligi;

d) zaminlovchi o'tkazgichlarning ulanish joylaridagi kontaktlarning ishonchiligi;

e) yakka tartibdagi va yong'inga qarshi himoya vositalarining mavjudligi hamda ularning holati.

2.12. KRPlarni joriy ta'mirlash yiliga kamida ikki marta amalga oshiriladi va u o'z ichiga quyidagilarni oladi:

a) har oydagi ko'rikdan o'tkazishda nazarda tutilgan ishlar;

b) moyli o'chirgichlar va ajratgichlarning uzatmalarini rostlash;

v) moyli o'chirgichlarning texnikaviy holatini tekshirish;

g) elektr zanjirlarining kontaktli birikmalarini tekshirish;

d) releli himoyalarni tekshirish;

e) izolyatorlarni changlar va kirlardan tozalash.

KRP jihozlarini kapital ta'mirlashlar ikki yilda kamida bir marta amalga oshiriladi.

2.13. KRPlarni o'z vaqtida ko'rikdan o'tkazish, ta'mirlash va ta'mirlashning sifati uchun ochiq konning (konning) bosh energetigi javobgar bo'ladi.

KRPlarni texnikaviy xizmat ko'rsatish va ta'mirlash jadvali bo'yicha o'z vaqtida ta'mirlashga chiqarish uchun ochiq konning (konning) bosh muhandisi javobgar bo'ladi.

AUPlarni, elektr uzatish liniyalarining seksiyalovchi moslamalarini va KTPlarni o'z vaqtida ko'rikdan o'tkazish hamda ta'mirlash uchun ochiq konlar (konlar) uchastkalari (sexlari) rahbarlari javobgar bo'ladilar.

2.14. Ochiq konning (konning) uchastkalari (sexlari) energetiklari rahbarligi ostida bajarilgan texnikaviy xizmat ko'rsatish va ta'mirlash natijalari yozilgan materiallar pasport xaritalari yoki ro'yxatlar jurnaliga qayd etish uchun ochiq konning (konning) bosh energetigi bo'limiga (byurosiga) beriladi. Ushbu hujjatlarda ochiq konning (konning) bosh energetigi tomonidan amalga oshiriladigan ko'rikdan o'tkazishlarning ma'lumotlari ham qayd etiladi.

2.15. Konchilik mashinalarining elektr jihozlarni ta'mirlash bilan bog'liq bo'lgan ishsiz turib qolishlari vaqtini qisqartirish uchun har bir ochiq konda (konda) quyidagi kamaytirib bo'lmaydigan zaxiralari bo'lishi kerak:

a) har 10 ta moyli o'chirgichli va ajratgichli AUPlarga, ikkitadan kam bo'lmagan AUPlar;

b) har 10 ta ajratgichli AUPlarga, ikkitadan kam bo'lmagan AUPlar;

v) har 10 ta KTPlarga, ikkitadan kam bo'lmagan KTPlar;

g) elektr uzatish liniyalari uchun har 10 ta seksiyalovchi moslamalarga, bittadan kam bo'lmagan seksiyalovchi moslamalar;

d) taqsimlash punktlarining har beshta katakchasiga, KRP tarkibiga kiradigan bittadan kam bo'lmagan to'liq jihozlangan katakcha.

Releli himoya apparaturalari, shuningdek tok va kuchlanish transformatorlari, avtomatlashgan o'chirgichlar, saqlagichlarning kamaytirib bo'lmaydigan zaxiralari o'rnatilgan jihozlar sonining 10 foizidan, tokning sizib chiqishidan himoyalash apparaturalari esa 15 foizidan kam bo'lmashligi kerak.

3-bob

OCHIQ KONLARNING ELEKTR UZATISH. HAVO LINIYALARI

3.1. Mazkur bobning talablari ochiq konlarda va ag'darmalarda barpo etilgan, 1000 voltgacha va undan yuqori kuchlanishli elektr uzatish havo liniyalariga (keyinchalik bu liniyalar ochiq kon ichidagi deb ataladi) tadbiq etiladi.

3.2. Ochiq kon ichidagi ko'chirilishi, olib tashlanishi yoki qisqartirilishi kerak bo'lgan, temirbeton, yog'och yoki metall asosli tayanchlarda

barpo etilgan elektr uzatish liniyalari ko'chma elektr uzatish liniyalari deb ataladi. Ko'chma elektr uzatish liniyalarini qurish, vazirliklar tomonidan tasdiqlangan namunali loyihalar bo'yicha amalga oshiriladi.

Ochiq kon ichidagi ko'chirilishi, olib tashlanishi yoki qisqartirilishi kerak bo'lmagan, statsionar tayanchlarda barpo etilgan elektr uzatish liniyalari ochiq kon ichidagi statsionar elektr uzatish liniyalari deb ataladi.

Ochiq kon ichidagi statsionar elektr uzatish liniyalarini loyihalashtirish, qurish, qabul qilish va foydalanish amaldagi qoidalarning talablariga muvofiq olib boriladi.

3.3. Ko'chma elektr uzatish liniyalarini barpo etish (qayta qurish) mazkur yo'riqnoma, foydali qazilmalar konlarini ochiq usulda va ochiq konning bosh muhandisi tomonidan tasdiqlangan, trassa liniyalari ko'rsatilgan ochiq kon (kon) uchastkasi tekisligining pasporti bo'yicha ishlab chiqishdagi xavfsizlikning yagona qoidalari talablariga muvofiq amalga oshiriladi.

3.4. Kerak bo'lgan holatda ochiq kon ichidagi liniyalarni seksiyalash nazarda tutiladi. Seksiyalovchi moslamalarni o'rnatish joylari ochiq konning bosh energetigi tomonidan tanlanadi.

3.5. O'yiqlik joylardagi elektr uzatish havo liniyasining (HL) pastki faza simidan yerning yuzasigacha bo'lgan masofa simlarning maksimal osilib turish strelasida, 3.1-jadvalda ko'rsatilgan kattalikdan kam bo'lmashligi kerak.

3.1-jadval

Havo liniyasining faza simidan yer yuzasigacha bo'lgan masofa

Liniya o'tadigan rayon	HLning kuchlanishi 35 kioivoltgacha bo'lgandagi masofa, metrda
Ochiq konlar va jinsli ag'durmalar hududi	6
Odamlarning borishi qiyin bo'lgan va yer transporti bora olmaydigan joylar	5
O'yiqlik joylarning yon bag'irlari	3

3.6. HLning avtomobil yo'llari, elektrlashgan va elektrlashmagan temir yo'llar hamda binolarning eng yaqin qismlarigacha yaqinlashgandagi va ularni kesib o'tgandagi bo'lgan masofasi 3.2-jadvalda keltirilganidan kam bo'lmashligi kerak.

Havo liniyasining temir yo'l, avtomobil yo'llari, imoratlar va inshootlar bilan kesishgandagi hamda ularga yaqinlashgandagi masofa

Kesib o'tish yoki yaqinlashish joylari	Havo liniyasining kuchlanishi quyidagicha bo'lgandagi masofa, metrda	
	20 kilovoltgacha	35 kilovolt
Havo liniyalarining simlaridan vertikal masofa: kontakt tarmog'i bilan kesishganda simlarga yoki tutib turuvchi sim-arqonlarga bo'lgan elektrlashmagan temir yo'llar bilan kesishganda relslarning kallaklariga bo'lgan	2	3
avtomobil yo'llari bilan kesishgandagi	7,5 7	7,5 7
Havo liniyalari simlaridan yaqinlashgandagi gorizontal masofa: kontakt tarmog'i tayanchining dala tomonidan osilgan kontakt tarmog'i simining chetigacha bo'lgan	2,5	4
avtomobil yo'lining yerdan ko'tarmasi chetigacha bo'lgan	2	4
imoratning yaqin qismigacha bo'lgan (simning proyeksiyasidan)	2	4
ishlayotgan burg'ilash dastgohining eng ko'p chiqib turgan qismigacha bo'lgan (eng chetki simning proyeksiyasidan)	3,5	5
elektrlashmagan temir yo'llar qurilishlarining yaqinlashish gabaritlariga bo'lgan	1,5	2,5
ishlayotgan ekskavatorning eng ko'p chiqib turgan qismigacha bo'lgan	eng katta radiusi plyus 2 metr	eng katta radiusi plyus 2 metr

3.7. Ochiq kon ichidagi ko'chma elektr uzatish havo liniyalari uchun alyuminiy simlar qo'llanilishi kerak.

Shamolning tezligi 20 m/s dan ortiq va devorining qalinligi 10 millimetr va undan ortiq bo'lgan muzliklar rayonlarida joylashgan ochiq konlar uchun po'lat-alyuminiyli simlar qo'llanilishi mumkin.

Kuchlanishi 1000 voltgacha va undan yuqori bo'lgan ko'chma elektr uzatish liniyalari uchun simlarning kesimi hisob-kitoblar bo'yicha qabul qilinadi, lekin alyuminiy simlar uchun 120 mm² va po'lat-alyuminiyli simlar uchun 95 mm² dan ortiq bo'lmazligi kerak.

Ochiq kon EUL simlarining minimal kesimi 3.3-jadvalda keltirilgan.

Havo liniyasi simlarining minimal kesimi

Sim	Kuchlanish quyidagicha bo'lganda simlarning minimal kesimi. (millimetrlarda)	
	1000 voltgacha	1000 volt dan ortiq
Alyuminli	16	25
Po'lat-alyuminli	10	16

3.8. Ko'chma tayanchlar o'rtasidagi masofa hisob-kitob bilan aniqlanadi, lekin ular 50 metrdan ortiq bo'lmasligi kerak. Ko'ndalang liniyalarni (o'yiqli joylardan o'yiqli joylarga tushishda) qurishda tayanchlar o'rtasidagi 40 metrdan ortiq bo'lmaydigan masofa liniyaning gorizontallikka proyeksiyalari bo'yicha aniqlanadi.

3.9. Ochiq konlar ichidagi elektr uzatish havo liniyalarini barpo etishda namunaviy konstruksiyadagi tayanchlar qo'llanilishi kerak.

3.10. Ko'chma tayanchlarning ustunlarini tayyorlash uchun GOST 9462-71 va GOST 9463-72 talablariga muvofiq bo'lgan, sifati bo'yicha III sortdan kam bo'lmagan yog'ochlarni qo'llash kerak. Yog'ochning yuqorigi qismi, tayanch asosining elementlari uchun 17 santimetrdan kam bo'lmasligi kerak. Ko'chma tayanchlarning "shamlarini" bittadan ortiq bo'lgan yog'ochdan tayyorlash taqiqlanadi. Ko'chma tayanchlarning mustahkamligini oshirish lozim bo'lgan holatlarda, ularni metallardan tayyorlashga ruxsat etiladi.

3.11. Burchak (oxirgi) tayanchlarning va o'yiqlardan o'yiqlarga tushish oraliqini cheklovchi tayanchlarning barqarorligini ta'minlash uchun, ularni rejalashtirilgan maydonchaga o'rnatishda og'irligi 1000 kilogrammdan kam bo'lmagan qayta qo'llaniladigan temirbeton yuklar qo'llanilishi kerak.

Oraliqdagi tayanchlar uchun qayta qo'llaniladigan yuklarning jamlangan og'irligi 550 kilogrammdan kam bo'lmasligi kerak.

Ko'chma tayanchlarning barqarorligini ta'minlash uchun qayta qo'llaniladigan yuklarni qo'llashning imkoniyati bo'lmaganda, ankerli, burchakdagi, oraliq va oxirgi tayanchlarning barqarorligi sim-arqonli tortqichlarni o'rnatish yoki ularning asoslarini jinslar bilan qo'shimcha yuklash orqali ta'minlanadi. Ochiq konlarning elektr uzatish havo liniyalari tayanchlarini tortish namunaviy loyihalarga muvofiq amalga oshirilishi kerak.

3.12. HL ning statsionar tayanchlariga quyidagilarni birgalikda osishga yo'l qo'yiladi:

HL-6(35) simlari va magistral zaminlovchi sim;

HL-6(10) simlari, yoritish tarmog'i simlari va magistral zaminlovchi sim;

Bunda quyidagi shartlar bajarilishi kerak:

IILning yuqoriroq kuchlanishli simi HLning past kuchlanishli simidan yuqorida joylashishi kerak;

IILning turli kuchlanishli simlari orasidagi masofa yuqoriroq kuchlanishli HL uchun qo'yiladigan talablarga muvofiq qabul qilinishi kerak;

IILning yuqori kuchlanishli simlarining shtirli izolyatorlarga mahkamlanishi ikki qavat bo'lishi kerak.

Ko'chma tayanchlarga elektr uzatish liniyalarining kuchlanishi 1000 voltgacha va undan yuqori bo'lgan simlarini birgalikda osish taqiqlanadi.

3.13. Shtirli izolyatorlar o'rnatilgan IILning simlari o'rtasidagi eng kam masofa, elektr qurilmalarning tuzilishi Qoidalaridagi (EQTQ-77) P-5-14-jadvaliga muvofiq tanlanadi.

Faza va zaminlovchi simlar orasidagi masofa, faza simlari uchun P-5-15-jadvalda ko'rsatilgan masofalarga muvofiq bo'lishi kerak.

Zaminlovchi simlarning montaji izolyatorlarsiz qayrilma qoziqlarda amalga oshiriladi.

3.14. Ochiq kon ichidagi amaldagi ko'chma EULni ta'mirlash hamda qayta qurish, shuningdek yangi elektr uzatish liniyalarini tok manbalariga tortish va ulash bo'yicha ishlar naryad bo'yicha bajariladi.

3.15. Yangidan barpo etilayotgan (qaytadan qurilayotgan) ko'chma EULning trassasi marksheyder tomonidan tekislikning pasportiga muvofiq bo'linadi, ishlarning ijrochisiga esa trassaning rejasi beriladi. Agar trassa balandlikning tushib ketishlariga ega bo'lsa, bunday joylarga marksheyder xizmati tomonidan trassaning profili beriladi.

3.16. Ko'chma tayanchlarni montaj qilish, demontaj qilish, transportlarda tashish buldozerlar, yuk ko'tarish kranlari yoki avtoag'dargichlar bazasidagi maxsus jihozlangan mexanizmlar (tayanch tashigichlar) yordamida amalga oshiriladi.

Ko'rsatilgan operatsiyalarni bajaradigan shaxslar maxsus o'qitilgan bo'lishlari kerak.

Amaldagi EULsi yaqinidagi ishlar naryad bo'yicha, amaldagi EULdan uzoqdagilari javobgar shaxsning farmoyishi bo'yicha amalga oshiriladi.

3.17. Ko'chma EULning tayanchlarini montaj qilish (demontaj qilish) bo'yicha ishlarni mexanizatsiyalash vositalari ochiq konlarning (konlarning) elektrotexnikaviy xizmatiga birlashtirilgan bo'lishi kerak.

Mexanizatsiya vositalarining soni quyidagi hisob-kitobdan aniqlanadi: bitta liniya-montaj mexanizmi - beshta ekskavatorga, yoki 10 ta KTPga, yoki bitta kon-transport kompleksiga; har 10 ta liniya-montaj mexanizmlariga bitta almashtiriladigan.

Bir vaqtda bajariladigan ishlarning hajmi katta bo'lgan holatlarda, mexanizmlarning kerakli sonlari konchilik uchastkalari rahbarlari tomonidan ta'minlanadi.

Tayanchlarni qo'lda ortishga (tushirishga) yo'l qo'yilmaydi.

3.18. Tayanchlarni tayanch tashigich yordamida tashish, ularni transport holatida mahkamlagandan keyin kuzatib boruvchi shaxs rahbarligida amalga oshiriladi. Tayanch tashigich yuklarini tushirish joyidagi rayonda, 10 metrdan kam bo'lmagan masofada kuzatib boruvchining ortidan harakatlanadi. Tayanch tashigichning haydovchisi kuzatib boruvchi bilan doimiy ko'rinib turuvchi aloqaga ega bo'lishi kerak.

3.19. Tayanchlarni joyiga o'rnatish, kuzatib boruvchining topshirig'i bo'yicha amalga oshiriladi. Ko'chma EULning tayanchlari rejalashtirilgan maydonchalarga o'rnatiladi, bunda tayanchlarning asoslari tuproqqa to'liq yotishi shart.

3.20. Tayanch tashigichlarning qo'riqlanadigan temir yo'lni kesib o'tish joylaridan o'tishi, temir yo'lni kesib o'tish bo'yicha navbatchining ruxsati bilan, qo'riqlanmaydigan joylarda esa, maxsus ko'rsatmalardan o'tgan va lokomotiv mashinistiga signal berish usullariga o'qitilgan kuzatuvchi shaxsning ruxsat beruvchi signali bo'yicha amalga oshiriladi.

3.21. Tayanchlarni vertikal holatda, saqlash moslamalari bilan jihozlangan traktor (buldozer) bilan rejalangan va tozalangan gorizontal yuza bo'ylab tashishga yo'l qo'yiladi. Istisno tariqasida, tayanchlarni nishab yuza bo'ylab, ochiq kon (kon) bosh muhandisi tomonidan tasdiqlangan ishlarni tashkillashtirishning maxsus loyihasi bo'yicha tashishga yo'l qo'yiladi.

Tayanchlarni buldozer bilan vertikal holatda tashishda shatakka olish sim-arqonining uzunligi tayanchning supachasi va tirkash moslamasi o'rtasidagi masofa 3 metrdan ortiq bo'lmashligi kerak.

3.22. Simlarni tayanchga ko'tarish va montaj qilishga, tayanch joyiga o'rnatilgandan hamda uning barqarorligi ta'minlangandan keyin ruxsat beriladi.

3.23. Simni tortish qo'lda amalga oshiriladi. Ko'chma tayanchlarda simlarni mexanizmlar yordamida tortish taqiqlanadi.


3.24. Kuchlanishi 1000 volt dan ortiq bo'lgan ko'chma havo EULda bir jinsli metallardan tayyorlangan ko'p simli simlarni ulash, maxsus qisqich-lar yoki «boshqoq» usuli bo'yicha bajarilgan o'rama yordamida yoki kombinatsiyalashgan usulda amalga oshiriladi.

«Boshqoq» o'ramasi (3.1-rasm) quyidagi tarzda bajariladi. Ulanadigan ikkita simlarning uchlari 400 millimetrdan kam bo'lmagan uzunlikda o'rimdan yechiladi va har bir simning o'rimdan yechilmagan joyigacha

biriktiriladi. Har ikkala sim biriktirilgan joylaridan passatijlar bilan qis-tiladi va keyin birinchi simning o'ramdan yechilgan uchi ikkinchi simning o'ramdan yechilmagan qismiga 175 millimetrdan kam bo'lmagan uzunlikda simni simga qilib bir qatorda o'raladi. Shundan keyin ikkinchi simning o'ramdan yechilgan uchi birinchi simning o'ramdan yechilmagan qismiga, bu ham 175 millimetrdan kam bo'lmagan uzunlikda simni simga qilib bir qatorda, teskari yo'nalishda o'raladi.

Simlarning kombinatsiyalashgan o'ramasini (3.2-rasm) bajarish uchun ularni bir biriga 800 millimetrdan kam bo'lmagan uzunlikda qo'yiladi va o'rtasidan passatijlar bilan qisiladi. Keyin birinchi simning erkin uchidan ikkitadan kam bo'lmagan sim yechib chiqariladi va ular bilan ulanayotgan simlar o'rab qisiladi. Shundan so'ng keyingi ikkita sim olinadi, ular yechiladi va ular bilan ulanayotgan simlar qisib o'raladi. Bu operatsiya bitta simning erkin uchli simlari tugaguncha va uning ikkinchisiga chiqqunicha shu ketma-ketlikda davom ettiriladi. O'ramaning ikkinchi tomoni xuddi shu ketma-ketlikda teskari tomonga o'rab qisiladi. Kuchlanishi 10 kilovoltgacha bo'lgan ko'chma HLning simlarini o'rama bilan ulashda o'rama bir qavat qilib bajarilishi va ulanayotgan simlarning uchlariga nisbatan simmetrik bo'lishi kerak, o'rama bilan ulashga, faqat ko'p simli alyuminiy simlar uchun ochiq konlarning ko'chma elektr tarmoqlari oraliqlarida yo'l qo'yiladi.

Ushbu shartlarni bajarishda, o'ramaning mustahkamligi butun sim mustahkamligi 90 foizdan kam bo'lmagan chegarasini ta'minlaydi, kontaktning qarshiligi esa, simning o'rama uzunligidagi bo'lagi qarshiligining ikki baravar miqdoridan oshmaydi.



3.1-rasm. "Boshq" o'ramasining bajarilishi ketma-ketligi.

3.2-rasm. Kombinatsiyalashgan o'ramaning bajarilishi ketma-ketligi.

3.25. Har bir oraliqda bitta simning uchtadan ortiq bo'lmagan ulanishiga yo'l qo'yiladi. Zaminlovchi simda bittadan ortiq bo'lmagan, maxsus qisqich bilan amalga oshirilgan ulanishga yo'l qo'yiladi. Kesishish oraliqlarida faza simlari va ko'chma liniyalarning zaminlovchi simlari ulamalarga ega bo'lmasliklari kerak. Barcha kesishishlar simlarni ikki martadan mahkamlash bilan bajarilgan bo'lishi kerak.

3.26. Ochiq konda (konda) umumiy portlatishlarni amalga oshirishni tayyorlashda, kon-texnika xizmati albatta, ochiq kon ichidagi ko'chma elektr uzatish liniyalari inshootlariga va elektr qurilmalarga portlashlarning ta'sir zonasini aniqlaydi. Ko'rsatilgan zonani, ochiq kon uchastkasi konchilik ishlarining birlashtirilgan rejasiga kiritadi va uni portlatishdan kamida uch kundan oldin ochiq konning (konning) bosh energetigiga hamda portlash amalga oshiriladigan konchilik uchastkalarining boshliqlariga beradi.

Uchastkalar boshliqlari mazkur hujjat asosida bosh energetikning bo'limi (byurosi) bilan birgalikda portlatishga tayyorlash va uning oqibatlarini bartaraf etishning reja-jadvalini tuzadi.

Reja-jadvalni ochiq konning (konning) bosh muhandisi tasdiqlaydi va uni portlashdan bir kun oldin ishda ishtirok etadigan barcha MTX shaxslari e'tiboriga yetkazadi. Reja-jadvalda quyidagilar ko'zda tutiladi:

- a) liniyani demontaj qilish bo'yicha ishlar hajmi;
- b) liniya brigadalari va liniya-montaj mashinalarining joylashishi;
- v) ishlarning xavfsiz bajarilishi va liniya-montaj mashinalarining ishga yaroqliligi uchun javobgar shaxslar;
- g) tayyorgarlik ishlarining boshlangan va tugatilgan vaqti;
- d) portlatish vaqtida liniya-montaj mashinalarini bekitadigan joylar;
- e) xodimlarni tiklash ishlarini bajarishga qo'yishning tartibi;
- j) tiklash ishlarining lozim bo'lgan eng kam hajmi va ularni tugatish vaqti;

3.27. Portlatish oldidan ochiq konning (konning) bosh muhandisi farmoyishi bo'yicha portlashning ta'sir doirasida bo'lgan ochiq kon ichidagi toki va kuchlanishi turidan qat'iy nazar barcha liniyalar o'chiriladi.

Portlatish ishlari, kunning yorug' vaqtida tiklash ishlarini o'tkazish kerakligini hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak.

3.28. Ochiq kon ichidagi ko'chma HL tayanchlarini liniya-montaj mashinalari (yuk ko'tarish kranlari) yordamida montaj (demontaj) qilish, transportlarda tashish va mahkamlash elektr xo'jaligi muhandis-texnik xodimlari shaxslarining farmoyishlari bo'yicha uchastkaning (xizmatning) tezkor jumaliga yozgan holda amalga oshiriladi. Farmoyishda brigadaning butun tarkibi uchun xavfsizlik texnikasi choralarning ro'yxati bo'lishi kerak.

3.29. Tayanchlarning montajida (demontajida) va ularni tashishda band bo'lgan liniya-montaj mashinalarining haydovchilari, ular tarkibida ishlaydigan xizmatning MTX tomonidan ko'rsatmalardan o'tkazilishi kerak.

3.30. Temir yo'l yoki kontakt tarmog'i orqali simlarni montaj (demontaj) qilishda poyezdlarning harakatlanishi to'xtatilishi, kuch, yoritish, kontakt tarmoqlari uzilishi kerak. Peregon yopilgan bo'lishi va temir yo'l stansiyasi yoki post bo'yicha navbatchida peregonlarning yopilganligi to'g'risidagi tegishli yozuvlar yozilgan bo'lishi kerak.

Ishlar kontakt tarmog'ixizmati bilan kelishilgan maxsus yo'riqnama (naryad) bo'yichabajarilishi kerak. Ishlarni amalga oshirish joyida kontakt tarmog'i zaminlovchi shtangalar yordamida ishonchli zaminlangan bo'lishi kerak.

3.31. Simlarni avtomobil yo'llari orqali montaj qilishda, ishlarni bajarish naryadida avtomobillar uchun o'tishning yopilganligi to'g'risida signalizatsiya bo'yicha chora-tadbirlar ko'rsatilgan bo'lishi kerak. Ochiq konning (konning) rahbariyati avtotransport sexining smena nazoratini, ishlarni bajarish joyida asosiy yo'l orqali transportlarning o'tishi yopilganligi to'g'risida, ishlar boshlangunga qadar rasman ogohlantirishi shart.

3.32. Elektr uzatish liniyasi trassasida foydali qazilmalarning g'aramini, jinslarning ahdarmalarini, shpallar va relslarni joylashtirish, shuningdek boshqa materiallarni joylash taqiqlanadi.

3.33. Ochiq konlar ichidagi ko'chma EULning holatini ko'rikdan o'tkazish quyidagi muddatlarda amalga oshiradi:

a) konchilik uchastkalarining smena kon nazorati shaxslari tomonidan – har smenada;

b) konchilik uchastkalarining energetiklari va boshliqlari (boshliqlarning yordamchilari) tomonidan uchastkalar chegaralari doirasida – har haftada;

v) ochiq konning (konning) bosh energetigi va ochiq konning (konning) bosh muhandisi yoki uning konchilik ishlari bo'yicha o'rinbosari tomonidan – har oyda (tanlov asosida).

3.34. Elektr uzatish liniyalarini har smenada ko'rikdan o'tkazish natijalari, ishlarni bajarishga naryadlarni berish (texnologik xodimlarga) jurnaliga yozib boriladi, avariya holatida bo'lgan holda esa, ochiq konning (konning) smena energetigiga (energodispatcherga) telefonogramma shaklida, uzatuvchining familiyasi, lavozimini ko'rsatib xabar beradi.

Elektr uzatish liniyalarini har haftadagi va har oydagi ko'rikdan o'tkazish natijalari naryadlar kitobiga yozib boriladi.

Agar ko'rikdan o'tkazishda, liniyaning holati xodimlarning xavfsizligiga tahdid solayotganligi yoki elektr bilan uzluksiz ta'minlashning buzilishiga olib kelish mumkinligi aniqlansa, buni aniqlovchi uning zudlik bilan uzilishi va kamchiliklarni bartaraf etishning choralarini ko'radi.

3.35. Ochiq kon ichidagi ko'chma elektr uzatish liniyalariko'rikdan o'tkazish hajmiga quyidagi tekshirishlar kiradi:

a) liniyaning xavfsiz gabarit o'lchamlari (ko'z bilan);

b) izolyatorlarda sinish joylar, kuygan joylar, yoriqlarning yo'qligi, simlarning izolyatorlarga mahkamlanganligi holatlari (ko'z bilan);

v) simchalarning uzilishlari, simlarda erish izlarining, faza va zaminlovchi simlarda tashlangan nasalarning mavjud emasligi (ko'z bilan);

g) tayanchlarning holatlari, asos elementlari, yuklar va tortqilarni mahkamligichlarning butunligi, tayanchlarga ko'tarilmasdan turib sinab ko'rish bilan;

d) simlarning shamolda "bir-biriga chirmashishi"ning mavjud emasligi;

e) tayanchlarning vertikaldan og'ishi;

j) tayanchlarda ehtiyot bo'lishga chaqiruvchi plakatlar va boshqa doimiy belgilarning mavjudligi hamda ularning holati.

3.36. Navbatdan tashqari ko'rikdan o'tkazishlar, ochiq konning (konning) bosh energetigi ko'rsatmasi bo'yicha, shuningdek muzlagan, kuchli shamol (15 m/s dan ortiq) bo'lgan holatlarda, liniyani himoya ta'siridan o'chirgandan keyin, portlatish ishlari amalga oshirilgandan keyin va yashin bo'lgandan keyin amalga oshiriladi.

3.37. EULni, ularni himoya ta'siridan o'chirilgandan keyin, shuningdek shamolda va muzliklarda ko'rikdan o'tkazish tartibi ochiq konning (konning) bosh energetigi tomonidan belgilanadi.

3.38. Ochiq konda (konda) ochiq simning, izolyatorlar va tayanchlarning ko'chma liniyalarning uzunligi bo'yicha 10 foiz avariya almastirish hisob-kitobidan kamaytirilmaydigan avariya zaxirasi mavjud bo'lishi kerak.

Ochiq konning (konning) boshlig'i, ochiq konning (konning) bosh muhandisi, ochiq konning (konning) bosh energetigi avariya zaxirasidan foydalanishga farmoyish berish huquqiga ega.

3.39. Har bir ochiq kon (kon) liniyalardagi ishlarni yuritish uchun umumittifoq va tarmoq me'yoriyliklariga muvofiq materiallar bilan ta'minlanishi kerak.

3.40. Ko'chma liniyalarni ta'mirlashni (qayta qurishni) olib boruvchi brigadalar quyidagi instrumentlar, himoyalalanish vositalari va mexanizatsiya vositalari bilan ta'minlanishi kerak:

a) montyorlar timog'i – brigadaning har bir a'zosiga bir juftdan (har 10 ta juftga ikkita almashtiriladigan komplekt);

b) brigadaning har bir a'zosiga bir donadan qisqiehli saqlovchi kamarlar (har 10 donasiga 2 ta almashtiriladigani);

v) dielektrik qo'lqoplar – brigadaning har bir a'zosiga bir juftdan (har 10 donasiga 2 ta almashtiriladigani);

g) kuchlanishni ko'rsatgichlar – brigadaga bittadan kam bo'lmagan miqdorda (kuchlanishlarning har biriga);

d) tezkor shtangalar – brigadaga bittadan kam bo'lmagan miqdorda (kuchlanishlarning har biriga);

e) ko'chma zaminlashlarni qo'yish uchun zaminlagichlar bilan komplektidagi shtangalar – brigadaga ikkitadan kam bo'lmagan yoki xavfsiz ishlar uchun lozim bo'lgan sonlar bo'yicha;

j) 2500 volt kuchlanishga mo'ljallangan megommetr – brigadaga bittadan kam bo'lmagan miqdorda (avariyali zaxira sifatida bittaning bo'lishi shart);

z) 5 karrali binokl – brigadaga bittadan kam bo'lmagan miqdorda.

Eslatma. Binokllar bilan liniyani ko'rikdan o'tkazuvchi nazorat shaxslari ham ta'minlanishlari kerak.

i) montyorlik instrumentlari bilan montyorlar – brigadaning har bir a'zosiga bittadan;

k) 30 kilometr uzunlikdagi elektr uzatish liniyasiga bitta avtominora.

3.41. Ta'mirlash brigadafari va ularning inventar instrumentlari, ular uchun maxsus jihozlangan liniya-montaj mashinalari yordamida olib yurilishi kerak.

3.42. Liniyalarni ko'rikdan o'tkazishning o'z vaqtidaligi va kamchiliklarni bartaraf etish uchun uchastkalarining konchilik nazorati shaxslari, uchastkalarining energetiklari, ochiq konning (konning) bosh muhandisi, bosh muhandisning xavfsizlik texnikasi bo'yicha o'rinbosari, ochiq konning (konning) bosh energetigi javobgar bo'ladilar.

Ochiq konning (konning) elektr xo'jaligi MTX shaxslari ochiq kon ichidagi ko'chma liniyalarni ta'mirlash, montaj (demontaj) ishlarining sifati uchun javobgar bo'ladilar.

4-bob

EGILUVCHAN REZINA KABELLAR

4.1: Ochiq konning (konning) kuchlanishi 1000 voltgacha va undan yuqori bo'lgan ko'chma elektr iste'molchilarini (ekskavatorlar, kontransport komplekslari, burg'ilash dastgohlari va boshqa konchilik mashinalarini) tok bilan ta'mirlash uchun GOST 9388-76, GOST 13497-77, GOST-10694-78 lar bo'yicha egiluvchan rezina kabellarni qo'llashga ruxsat etiladi.

Xuddi shunday, vazirliklar bilan kelishilgan texnikaviy shartlar bo'yicha tayyorlangan egiluvchan kabellarni qo'llashga ham ruxsat etiladi. Texnikaviy shartlarda ushbu kabellarning yuqorida ko'rsatilgan konchilik mashinalarini tok bilan ta'minlash uchun qo'llanilishligi ko'rsatilgan bo'lishi kerak.

Chet ellar markalaridagi egiluvchan kabellarni qo'llashga, tarmoq institutining xavfsizlik bo'yicha xulosalari mavjud bo'lganda yo'l qo'yiladi.

4.2. Statsionar qurilmalarni tok bilan ta'minlash uchun elektr qurilmalarning tuzilishi Qoidalari talablariga muvofiq kabellar va izolyatsiyalangan simlar qo'llaniladi.

4.3. Kabellarni transportlarda tashish va ularni saqlash zavod-tayyorlovchining talablariga muvofiq amalga oshiriladi.

Har bir ochiq konda (konda) kamaymaydigan zaxira va ta'mirlash fondini joylashtirishni ta'minlaydigan maxsus xonalar hamda ayvonlar bo'lishi kerak. Ko'rsatilgan xonalar kabellarni ta'mirlash uchun mo'ljallangan ustaxonalar binolari bilan bir joyda bo'lishi kerak.

4.4. Ochiq konning ko'chma elektr qurilmalarini tok bilan ta'minlovchi egiluvchan kabel shunday yotqizilishi kerakki, uning muzlashi, zarbalar olishi, kon massasi bo'laklari bilan ezilishi, uning ustidan transport vositalarining bosib o'tishi imkoniyatlari bo'lmasligi kerak.

4.5. Temir yo'l yo'llari va avtoyo'llar bilan kesishgan joylarda, kabel uni quvurlar, qutilar, novlar va boshqalarning ichidan yotqizish orqali shikastlanishdan himoyalangan bo'lishi kerak. Himoya moslamalarining o'lchamlari, temir yo'l yo'llari yoki boshqa yo'llarning enidan har bir tomonga kamida 2 metrga ortiq bo'lishi kerak.

4.6. Portlatish zonasida bo'lgan kabellar, portlatish vaqtida xavfsiz joyga yig'ishtirib olinishi yoki kon massasi portlatilganda shikastlanishdan himoyalangan bo'lishi kerak.

4.7. Suv bosgan uchastkalarda kabellar, oralig'i 10 metrdan ortiq bo'lmagan «eshak»larga ko'tarilgan bo'lishi va suvning yuzasidan kamida 0,3 metr balandlikda joylashishi kerak.

4.8. Kabel qabul qiluvchi baraban yoki kabelni ko'chiruvchi bilan uskunalanmagan mexanizmlarda, kabellarning ortiqchasi mexanizmnining ishchi zonasidan tashqaridagi tekislangan maydonchaga qo'shni tarmoqlar o'rtasida 0,2 metrdan kam bo'lmagan, ko'rinadigan masofa qoldirib taxlab qo'yilishi kerak.

4.9. Kabel energiya iste'molchilarining kirish moslamasidan sug'urilib chiqmasligi uchun, chiqishida kabel diametridan besh-olti marta katta bo'lgan radiusda egilishini ta'minlovchi moslama bilan mahkamlanishi kerak.

4.10. Kabel bilan barcha ishlar (ta'mirlash, biriktirish, oshirilgan kuchlanish bilan sinab ko'rish, ulash, uzish) mazkur Yo'riqnoma va iste'molchilarning elektr qurilmalaridan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi Qoidalari talablariga muvofiq tegishli malakaga ega bo'lgan elektrotexnik xodimlar tomonidan amalga oshirilishi kerak.

4.11. Ochiq kon sharoitlarida kabellarning uchlarini moslab biriktirish, ta'mirlash va biriktirish bo'yicha ishlarni amalga oshirishga, faqat ularni ulash punktida uzgandan va ko'chma zaminlagichlarni o'rnatish yo'li bilan qoldiq zaryadlardan zaryadsizlantirilgandan keyin yo'l qo'yiladi.

4.12. Kuchlanish ostida bo'lgan kabellarni, bevosita ko'chma mashinaga keladigan 15 metrgacha uzunlikdagi uchastkasidan tashqari qismini, mexanizmlar yordamida ko'chirish taqiqlanadi.

Kuchlanish ostida bo'lgan kabellarni, dielektrik qo'lqoplar yoki dastalari izolyatsiyalangan maxsus moslamalardan albatta foydalangan holda, qo'lda ko'chirishga ruxsat etiladi.

4.13. Kon massasini ekskavator bilan «kabel orqali» yuklash taqiqlanadi. Ishlab chiqarish zaruriyati bo'lganda, konchilik uchastkasi rahbariyati bir kundan ortiq bo'lmagan muddatga, ekskavatorning ishlash zonasida kabel ishonchli himoyalangan sharoitlarda «kabel orqali» yuklashga ruxsat berishi mumkin.

4.14. Ochiq konlarning ko'chma elektr iste'molchilarini tok bilan ta'minlovchi kabellarni ko'riklardan o'tkazish quyidagicha o'tkaziladi:

a) ekskavatorlar (kontransport komplekslari), burg'ilash dastgohlari va boshqa mashinalarning mashinistlari (mashinistlarning yordamchilari) tomonidan – har smenada;

b) uchastka energetigi rahbarligi ostida elektrotexnik xodimlar tomonidan – har oyda;

v) ochiq konning (konning) bosh energetigi tomonidan – uch oyda kamida bir marta (tanlov asosida).

Kabellarni har smenadagi ko'rikdan o'tkazishda quyidagilar tekshiriladi: uning trassa bo'ylab to'g'ri yotqizilganligi, butun chuqurligida uzilish va yorilishlarning, manyovrlash uchastkasida (kirish moslamasidan 20 metr) teshilishlar hamda kesilishlarning, transport vositalarining bosib o'tishlari yoki jinslar palaxsalarining tushishidan ezilishlarning va uning tashqi shlangli qobig'ida boshqa mexanik shikastlanishlarning mavjud emasligi.

Har smenadagi ko'rikdan o'tkazish natijalari agregat kitobiga yozib boriladi. Kabeldagi nosozliklar to'g'risida smena energetigiga yoki energo-dispetcherga xabar beriladi.

Har oydagi ko'rikdan o'tkazish hajmiga quyidagilar kiradi: har smenadagi ko'rikdan o'tkazishda ko'zda tutilgan ishlar va kabel uchlarini moslab biriktirishning ko'rikdan o'tkazilishi, bunda tok o'tkazuvchi tolalar izolyatsiyasining yuzasida ozon ta'siridagi yorilishlarning mavjudligi, moslab biriktirilgan uchlarning izolyatsiyalangan oraliqlarining ifloslangan-lik darajasi tekshiriladi.

Har oydagi ko'rikdan o'tkazish natijalari energodispetcherining tezkor jumaliga yozib boriladi.

4.15. Foydalanishga topshirishdan oldin kabellarning uchlarida, shlangni moslab biriktirish, asosiy tolalar izolyatsiyasini moslab biriktirish, uchlarni presslash (kavsharlash) yoki tolalarning uchlarini maxsus qisqichlarga tayyorlashlarni o'z ichiga oladigan moslab biriktirishlar bajarilgan bo'lishi kerak.

4.16. Kabellarning uchlarini moslab biriktirishni izolyatsiyalovchi, tuzatuvchi rezinalar, elektr izolyatsiyalovchi gilzalar yoki kremniy-organik rezinalardan tayyorlangan trubkalar (KRT) yordamida bajarish tavsiya etiladi.

4.17. Asosiy tolalarni moslab biriktirish quyidagilarning oldini olishi kerak:

a) liniyadagi nominaldan kam bo'lmagan kuchlanishlarda, shuningdek mumkin bo'lgan ichki ortiqcha kuchlanishlarda yopish;

b) izolyatsiya darajasining ancha miqdorda pasayishi;

v) liniyadagi nominaldan kam bo'lmagan kuchlanishda har bir tolada va tolalar orasida tojli zaryadsizlanishlar.

Shlangni moslab biriktirish kabelning ichiga namlik va changlarning kirishiga yo'l qo'ymasligi kerak.

4.18. Kabelning uchlarini moslab biriktirishda tolalarning uzunligi elektr jihozlarning konstruksiyasi va kirish moslamalarining o'lchamlari bilan hamda unda biriktiruvchi shpilkalarning joylashishi bilan aniqlanadi va u 350 millimetrdan kam bo'lmashligi kerak.

Kirish moslamalaridagi izolyatsiyalangan tolaning egilish radiusi, ayniqsa elektr o'tkazuvchi izolyatsiyali ekran chegarasida, imkoniyat darajasida maksimal bo'lishi kerak.

Kabelning kirish moslamasidagi mahkamlanishi tok o'tkazuvchi tolalar izolyatsiyalangan qismlarining bir-birlariga, tok o'tkazuvchi va zaminlangan qismlarga kirib ketishiga yo'l qo'ymasligi kerak.

4.19. Kabellarning uchlarini har qanday usulda moslab biriktirishda, shlangli qobiqni kirish moslamasining shpilkalari bitta sathda joylashiganda kabelning uchidan 350 millimetrdan kam bo'lmagan masofaga, shpilkalar

turli sathlarda joylashganda kabelning uchidan 500 millimetrdan kam bo'lmagan masofaga olish kerak (asosiy tolani moslab biriktirish «zarb yugurish»ga bajariladi).


Asosiy tolalarni moslab biriktirishda «zarb yugurish»ga bajarishda tola-larning bittasi 70 millimetr qilib, boshqasi esa 140 millimetr qilib kesiladi. Asosiy tolalardan kesilgan tasmalarni olish va ularni rezina o'zak bilan birga shlangli qobiq kesilgan joydan kesish kerak.

Kesilgan joydan 50-70 millimetr masofada shlangli qobiqni konus shaklida kesish va uni egov bilan tozalab tekislash kerak. Har bir ekrandan 10-12 ta simchalarni (ikki-uch tutam) ajratish kerak. Ekranlarning qolgan simchalarini birgalikda eshish, kabel bo'ylab joylashtirish va zaminlashning izolyatsiyalangan tolasini bilan birga shlangli qobiqqa mahkamlash kerak. Har bir ekrandan ajratilgan 10-12 ta simchalarni to'g'rilash, kabel bo'ylab yotqizish va shlangli qobiqqa, zaminlash tolasini hamda ekranning birgalikda eshilgan qolgan simchalaridan alohida mahkamlash kerak.

4.20. Kabel uchlarni moslab biriktirish va ta'mirlashni bajarishda tuzatadigan rezina tasmalarni o'rash tekis, burushliqlarsiz, o'ramlarni 50 foizga yopadigan hamda qatlamlarning zich yotishini ta'minlaydigan tortish bilan amalga oshirilishi kerak.

Rezinalar qo'llashdan oldin eni 20-40 millimetr bo'lgan tasmalarga kesiladi, qo'yilma materiallarning qoldiqlaridan sinchiklab tozalanadi va benzin bilan ishlanadi.

Shlangli qobiq va tomirli izolyatsiyaning konus shaklidagi yuzalari, shuningdek elektr o'tkazuvchi ekranlarni olib tashlashda paydo bo'lgan notekisliklar egov yoki jilvir qog'oz bilan ishlanishi hamda toza, benzin bilan namlangan latta-puttalar bilan ishqalab tozalanishi kerak.



4.1-rasm. Kabelning uchini tuzatadigan rezinalarni qo'llagan holda moslab biriktirish: 1 - eshilgan metall ekranlar; 2 - zaminlovchi tola; 3 - lok o'tkazuvchi tola; 4, 6 - elektr o'tkazuvchi rezinadan tayyorlangan ekran; 5 - rezina izolyatsiya; 7 - metall ekran va rezinalangan matodan tayyorlangan tasma; 8 - shlangli qobiq; 9 - PSH-50 rezinadan

tayyorlangan shlangli qobiqni moslab biriktirishning tashqi qatlami; 10 – rezinalangan matodan tayyorlangan bandaj; 11 - PSH-50 rezinadan tayyorlangan shlangli qobiqni moslab biriktirishning birinchi qatlami; 12 – PI-35 rezinadan tayyorlangan germetizatsiyalovchi o'rama; 13 - PSH-50 rezinadan tayyorlangan himoyalovchi qatlam; 14 - PPSH-40 rezinadan tayyorlangan o'rama; 15 - PI-35 rezinadan tayyorlangan konus shaklidagi yo'g'onlashish; 16 – yopishqoq tasmadan tayyorlangan germetizatsiyalovchi o'rama; 17 – uchlik.

4.21. Tuzatadigan rezinalar yordamida uchlarni moslab biriktirishni bajarish uchun, asosiy tomirning toretsidan 270 millimetrdan kam bo'lmagan uzunlikda elektr o'tkazuvchi tashqi ekran olib tashlanishi kerak (4.1-rasm).

Olib tashlangan elektr o'tkazuvchi ekran o'rniga, o'rta qismining diametri tolaning izolyatsiya bilan bo'lgan diametridan 8 millimetrga ortiq bo'lgan diametrdagi konus shaklidagi yo'g'onlashtirgich o'ralishi kerak. Bunda, izolyatsiya rezinasining tasmasi elektr o'tkazuvchi rezinadan tayyorlangan ekranga chiqmasligi kerak.

Elektr o'tkazuvchi va metall ekranlarni maksimal konus shaklidagi yo'g'onlashtirishga qadar tiklash kerak. Metall ekranning yuzasiga qalinligi 0,6-0,8 millimetr bo'lgan PSH-50 rezinadan tayyorlangan himoya qatlami qo'yiladi.

Tolalarning shlangli qatlamlardan chiqishida, 30-40 millimetr uzunlikda PI-35 yoki PSH-50 rezina tasmalaridan uch-to'rt qatlamli germetizatsiyalovchi o'rama qilish kerak.

Shlangli qobiqning toretsini moslab biriktirishni (bekitishni) 4.24-bandga muvofiq bajarish kerak.

4.22. Elektr izolyatsiyalovchi gilzalar yordamida uchlarni bekitishni bajarish uchun (4.2-rasm) asosiy tolalardan 250 millimetr izolyatsiyani elektr o'tkazuvchi ekranlar bilan birga olib tashlash va toretsidan 40-50 millimetr masofaga yopishqoq tasmadan tayyorlangan bandajni qo'yish kerak. Elektr o'tkazuvchi ekranli rezina izolyatsiyani konus shaklida 40-55 millimetr uzunlikda kesish kerak.

Izolyatsiyaning konus shaklidagi yuzasini 10-15 qatlam qilib tuzatadigan izolyatsiyalovchi PI-35 rezina bilan o'rash kerak. Tasmani izolyatsiyaning kesilgan joyidan 15-20 millimetr masofaga tok o'tkazuvchi toladan boshlab o'rash kerak.


Elektr izolyatsiyalovchi gilza kabelning asosiy tolasi kesimiga muvofiq tanlanadi. Gilzaning ichki konus shaklidagi yuzasini va kabel tolasidagi konus shaklidagi o'ramaning yuzasini benzin bilan artish hamda 2-3 daqiqa davomida quritish kerak. Gilzani tolaga tirilib qolguncha kiydirish kerak, bunda gilzaning ichki yuzasi o'ramaning konus qismiga zich yotishi kerak. Gilzaning uchini 20-30 millimetr masofada, diametri 1,0-1,5 millimetr

bo'lgan sim bilan yoki diametri 0,3-0,5 millimetr bo'lgan 7-10 ta simlarning tutami bilan mahkamlash kerak.

Gilzaning konus shaklidagi qismini 35-40 millimetr uzunlikda va izolyatsiyani tolaning tashqi elektr o'tkazuvchi ekrani kesilgan joyigacha yopishqoq izolyatsiyalovchi tasma bilan o'rash kerak. Tasmani o'rashning sifati uni izolyatsiyalangan tola diametrining to'rt-beshtasiga teng radiusi bo'yicha bukish yo'li bilan aniqlanadi. Bunda, elektr o'tkazuvchi ekranning kesilgan joyida tolaning izolyatsiyasidan ko'rinib qoladigan ajralish bo'lmasligi kerak.

Elektr o'tkazuvchi ekranni gilzaning konus shaklidagi maksimal yo'g'onlashgan joyidan boshlab shlangli qobiq tomonga tiklash kerak.

Metall ekranning tutamini (4.19-band) to'g'rilash va ular bilan tolni 5-6 millimetrli qadam bilan gilzaning konus shaklidagi maksimal yo'g'onlashtirilgan joyigacha o'rash kerak. Gilzaning konus shaklidagi maksimal yo'g'onlashtirilgan joyidan shlangli qobiqqacha butun uzunlik bo'yicha tolni yopishqoq tasma bilan o'rash kerak va shlangli qobiqning toretsini moslab biriktirishni (bekitishni) 4.24-bandga muvofiq bajarish kerak.



4.2-rasm. Izolyatsiyalovchi gilzalarni qo'llagan holda kabellarning uchlari moslab biriktirish: 1 - tok o'tkazuvchi tola; 2, 4 - elektr o'tkazuvchi rezinadan tayyorlangan ekran; 3 - rezina izolyatsiya; 5 - PI-35 rezinadan tayyorlangan o'rama; 6 - yopishqoq tasmadan tayyorlangan germetizatsiyalovchi o'rama; 7 - PPSH-40 rezinadan tayyorlangan o'rama; 8 - elektr izolyatsiyalovchi gilza; 9 - yopishqoq tasmadan tayyorlangan germetizatsiyalovchi o'rama. 10 - uchlik.

4.23. Kremniy-organik rezinalardan tayyorlangan trubkalar (KRT) yordamida uchlarni moslab biriktirishni bajarish uchun tashqi elektr o'tkazuvchi ekran asosiy tolaning toretsidan 200 millimetrdan kam bo'lmagan uzunlikda olib tashlanadi.

KRTning diametrini kabel tolasining ko'ndalang kesimi yuzasiga muvofiq tanlash kerak (4.1-jadval).

KRTning ichki diametri va kabel tolasi ko'ndalang kesimi yuzalarining nisbati

Tolaning ko'ndalang kesimi yuzasi, mm ²	KRTning ichki diametri, mm	Tolaning ko'ndalang kesimi yuzasi, mm ²	KRTning ichki diametri, mm
16	9-12	70	17-20
25	10-13	95	18-21
35	12-15	120	21-24
50	13-16	150	23-26

KRTni tolaga siqilgan havo yordamida presslashdagi uzunligi elektr o'tkazuvchi ekransiz tolaning uchastkasi uzunligidan trubkani kompres-soming shtuteriga mahkamlash uchun kerak bo'ladigan uzunlik va elektr o'tkazuvchi ekranga qo'yish uchun kerak bo'ladigan 20-25 millimetr uzunliklardan kam bo'lmagan miqdorga ortiq bo'lishi kerak. KRTni siqilgan havo yordamida presslash 0,2-0,25 MPa bosimda amalga oshiriladi. Siqilgan havosiz presslashda KRTni avval 15-20 daqiqa davomida «Kalosha» yoki B-70 markali benzinda ushlab turish kerak.

Metall ekranning tutamlari bilan tolni 5-6 millimetrli qadam bilan o'rash kerak. Tutamlarning uchlarini KRTning uchidan 50 millimetr masofada yumshoq mis simning to'rt-besh o'ramidan iborat bandaj yoki yopishqoq izolyatsiyalovchi tasma bilan mahkamlash kerak.

Shlangli qobiqdan bandajgacha bo'lgan har bir tolni ekranga ikki qavat qilib yopishqoq izolyatsiyalovchi tasma bilan o'rash kerak va shlangli qobiqning toretsini moslab biriktirishni (bekitishni) 4.24-bandga muvofiq bajarish kerak.

4.24. Shlangli qobiqning toretsini moslab biriktirishni (bekitishni) quyidagi tarzda bajarish kerak:

tolalar orasidagi bo'shliqni chilvirning kesilgan joyidan 30-35 millimetr uchastkada PSH-50 rezina bilan to'ldirish; rezinaning massasi tolalar bo'shliqlarini to'ldirish uchun yetarli bo'lishi kerak;

qo'llashdan oldin 50-60° S haroratgacha qizdirish talab etiladigan PSH-50 rezinadan tayyorlangan tasmani to'rt-besh qavat qilib o'rash;

mitkal, tasmasi yoki boshqa shunga o'xshash eni 50-60 millimetr bo'lgan materialdan to'rt-besh qavat qilib bandaj o'rash;

shlangning tashqi moslab biriktirilgan qatlamiga PSH-50 rezinadan tayyorlangan tasmani kesilgan joyning har ikkala tomoniga 80-100 millimetrdan to'rt-besh qavat qilib o'rash va oxirgi uchidagi mahkamlangan joyni vulkanizatsiyalash kerak. ..

4.25. Kabel uchliklarini o'rnatish uchun kuch tolalarining uchidan izolyatsiyani kabelning uchligi quyruq'i yoki maxsus qisish moslamasi uzunligiga teng miqdorda olib tashlash va uchlikni presslashni (qalaylashni) amalga oshirish kerak.

Kabelning tolasini uchlikka kiritish joyini tolaga va uchlikning quyruq'iga yopishqoq izolyatsiyalovchi tasma yoki Z-1001 lak bilan mitkal tasmani o'rash yo'li bilan germetizatsiyalash kerak.

Zaminlash tolalari va metall ekranlarning simlari, ularni zaminlash tolasining butunligini nazorat qilish uchun moslamalarga ulash ko'zda tutilgandan tashqari holatlarda bitta kabel uchligiga presslanadi.

4.26. Shlangli qobiqni ta'mirlashda, uning shikastlanish darajasini hisobga olish kerak. Agar shlangli qobiq butun qalinligi bo'yicha emas va uzunligi bo'yicha 50 millimetrdan ortiq bo'lmagan holatda shikastlangan bo'lsa, unda unga to'lani yoki kabelning ichki qobig'ini yalang'ochlamasdan ishlov berish kerak. Butun qalinligi bo'yicha va uzunligi bo'yicha 50 millimetrdan ortiq shikastlangan shlangli qobiqning uchastkasini to'liq olib tashlash kerak. Kabelning ta'mirlanayotgan uchastkasini PSH-50 rezina bilan o'rash va vulkanizatsiyalash kerak, bunda o'ralayotgan uchastkaning diametri kabelning tashqi diametridan 10 millimetrga ortiq bo'lishi kerak.

4.27. Metall ekranni ta'mirlashda, tolalarni nosoz tolalarga ajratish kerak. Metall ekranga bir-biridan 260 millimetrdan ortiq bo'lmagan masofaga 8-10 ta qalaylab oqartirilgan mis simlardan tayyorlangan tutamlardan bandajlar qo'yish kerak.

Bandajning chetki o'ramalarini aylana bo'yicha ekranning simlariga kavsharlash, ekranni shikastlangan joyi bo'yicha kesish, bandajgacha chuvatish va kesib tashlash kerak.

Bandajlarning bittasiga aylana bo'yicha bir tekisda diametri 0,3 millimetr bo'lgan qalaylab oqartirilgan mis simlardan tayyorlangan uchta tutamlarni kavsharlash kerak. Tutamlarni shunday qo'yish kerakki, tutamlarning simlari bir biriga yotishi kerak. Tutamlarning boshqa uchlarini ikkinchi bandajga kavsharlash kerak.

Tolaning ta'mirlanayotgan uchastkasi metall ekranini, uchlarini yopishqoq tasmaning ikki-uchta o'rami bilan mahkamlab, rezinalangan matoli yopishqoq tasma bilan o'rash kerak. Kabelning tolalarini o'ramaning birinchi qadamigacha eshish va himoya shlangini 4.26-band ko'rsatmalariga muvofiq tiklash kerak.

4.28. Tolaning izolyatsiyasini ta'mirlash uchun elektr o'tkazuvchi ekran va izolyatsiyani uchidan 20-40 millimetrga kesish kerak. Izolyatsiyaning ta'mirlanayotgan uchastkasi maksimal uzunligi, tolaning kesimi

yuzasiga bog'liq holda 60-130 millimetrdan ortiq bo'lmisligi kerak. Ichki elektr o'tkazuvchi ekranni PPSH-40 rezinadan tayyorlangan tasmaning bir qatlami bilan o'rash bilan tiklash kerak.

Izolyatsiyaning tozalangan uchastkasiga rezina yelimini yupqa qatlama surtish va uni 5-10 daqiqa davomida quritish kerak.

Tiklangan elektr o'tkazuvchi ekranga, asosiy izolyatsiyaning konus shaklida kesilgan joyiga asta-sekinlik bilan kirishi kerak bo'lgan PI-35 rezinani qo'yish kerak. O'rashni tiklanayotgan izolyatsiyaning tashqi diametri tashqi elektr o'tkazuvchi ekran bo'yicha tolaning diametridan 5 millimetrga ortiq bo'lguncha amalga oshirish kerak. Oxirgi qatlam, aylana bo'yicha ishlangan tashqi elektr o'tkazuvchi ekranning kesilgan joyigacha zich kelishi kerak. Izolyatsiyaning ta'mirlangan uchastkasini vulkanizatsiyalash va shundan keyin PPSH-40 rezinadan tayyorlangan tasmaning bir qatlami bilan o'rash kerak.

Metall ekran, rezinalangan matoli tasma va shlangli qobiqlar uchlarini moslash va tiklashni 4.26, 4.27-bandlar ko'rsatmalaridan foydalangan holda bajarish kerak.

4.29. Tok o'tkazuvchi tolalarni mis gilzalar yordamida biriktirishda, kabelning toretsidan 165-185 millimetr masofada shlangli qobiqni olish, 120-130 millimetr uchastkada metall ekranlarga bandaj qo'yish va 40-55 millimetr uchastkada izolyatsiyani elektr o'tkazuvchi ekranlar bilan birga olish kerak.

Ichki elektr o'tkazuvchi ekranli izolyatsiya imkon darajasida diqqat bilan olib tashlanishi kerak.

Tok o'tkazuvchi tolalarga kesilgan joyigacha, tolaning ko'ndalang kesimi yuzasiga muvofiq bo'lgan gilzaning izolyatsiyasini kiydirish va ularni tolalarga dastaki qisqichlar yordamida qisish bilan mahkamlash kerak.

Kabelning bo'laklarini ulashda tolalarning izolyatsiyalari, ekranlar va shlangli qobiqlar uchlarini moslash va tiklashni 4.26, 4.27, 4.28-bandlar ko'rsatmalaridan foydalangan holda amalga oshirish kerak.

4.30. Kabel barabanlariga o'rash uchun mo'ljallangan kabellar uchun uchlarini uzaytirilgan ishlash qo'llanilishi kerak. Bu holatda, shlangli qobiqni kabelning toretsidan 450-500 millimetr masofadan kesish kerak. Tolalarning bittasini 100 millimetrdan, ikkinchisini 200 millimetrdan kesish kerak. Zaminlash tolasini ulashni moslashtirishni asosiy tolalarni kavsharlagandan keyin amalga oshirish kerak.

Elektr o'tkazuvchi ekranli izolyatsiyani kabelning toretsidan 150 millimetr masofada olish va 200 millimetr masofada metall ekranga bandaj qo'yish kerak. Har bir tok o'tkazuvchi tolaga, izolyatsiyaning kesilgan joyi

4.25. Kabel uchliklarini o'rnatish uchun kuch tolalarining uchidan izolyatsiyani kabelning uchligi quyrug'i yoki maxsus qisish moslamasi uzunligiga teng miqdorda olib tashlash va uchlikni presslashni (qalaylashni) amalga oshirish kerak.

Kabelning tolasini uchlikka kiritish joyini tolaga va uchlikning quyrug'iga yopishqoq izolyatsiyalovchi tasma yoki Z-1001 lak bilan mitkal tasmani o'rash yo'li bilan germetizatsiyalash kerak.

Zaminlash tolalari va metall ekranlarning simlari, ularni zaminlash tolasining butunligini nazorat qilish uchun moslamalarga ulash ko'zda tutilgandan tashqari holatlarda bitta kabel uchligiga presslanadi.

4.26. Shlangli qobiqni ta'mirlashda, uning shikastlanish darajasini hisobga olish kerak. Agar shlangli qobiq butun qalinligi bo'yicha emas va uzunligi bo'yicha 50 millimetrdan ortiq bo'lmagan holatda shikastlangan bo'lsa, unda unga to'lani yoki kabelning ichki qobig'ini yalang'ochlamasdan ishlov berish kerak. Butun qalinligi bo'yicha va uzunligi bo'yicha 50 millimetrdan ortiq shikastlangan shlangli qobiqning uchastkasini to'liq olib tashlash kerak. Kabelning ta'mirlanayotgan uchastkasini PSH-50 rezina bilan o'rash va vulkanizatsiyalash kerak, bunda o'ralayotgan uchastkaning diametri kabelning tashqi diametridan 10 millimetrga ortiq bo'lishi kerak.

4.27. Metall ekranni ta'mirlashda, tolalarni nosoz tolalarga ajratish kerak. Metall ekranga bir-biridan 260 millimetrdan ortiq bo'lmagan masofaga 8-10 ta qalaylab oqartirilgan mis simlardan tayyorlangan tutamlardan bandajlar qo'yish kerak.

Bandajning chetki o'ramalarini aylana bo'yicha ekranning simlariga kavsharlash, ekranni shikastlangan joyi bo'yicha kesish, bandajgacha chuvotish va kesib tashlash kerak.

Bandajlarning bittasiga aylana bo'yicha bir tekisda diametri 0,3 millimetr bo'lgan qalaylab oqartirilgan mis simlardan tayyorlangan uchta tutamlarni kavsharlash kerak. Tutamlarni shunday qo'yish kerakki, tutamlarning simlari bir biriga yotishi kerak. Tutamlarning boshqa uchlarini ikkinchi bandajga kavsharlash kerak.

Tolaning ta'mirlanayotgan uchastkasi metall ekranini, uchlarini yopishqoq tasmaning ikki-uchta o'rami bilan mahkamlab, rezinalangan matoli yopishqoq tasma bilan o'rash kerak. Kabelning tolalarini o'ramaning birinchi qadamigacha eshish va himoya shlangini 4.26-band ko'rsatmalariga muvofiq tiklash kerak.

4.28. Tolaning izolyatsiyasini ta'mirlash uchun elektr o'tkazuvchi ekran va izolyatsiyani uchidan 20-40 millimetrga kesish kerak. Izolyatsiyaning ta'mirlanayotgan uchastkasi maksimal uzunligi, tolaning kesimi

yuzasiga bog'liq holda 60-130 millimetrdan ortiq bo'lmashligi kerak. Ichki elektr o'tkazuvchi ekranni PPSH-40 rezinadan tayyorlangan tasmaning bir qatlami bilan o'rash bilan tiklash kerak.

Izolyatsiyaning tozalangan uchastkasiga rezina yelimini yupqa qatlamda surtish va uni 5-10 daqiqa davomida quritish kerak.

Tiklangan elektr o'tkazuvchi ekranga, asosiy izolyatsiyaning konus shaklida kesilgan joyiga asta-sekinlik bilan kirishi kerak bo'lgan PI-35 rezinani qo'yish kerak. O'rashni tiklanayotgan izolyatsiyaning tashqi diametri tashqi elektr o'tkazuvchi ekran bo'yicha tolaning diametridan 5 millimetrga ortiq bo'lguncha amalga oshirish kerak. Oxirgi qatlam, aylana bo'yicha ishlangan tashqi elektr o'tkazuvchi ekranning kesilgan joyigacha zich kelishi kerak. Izolyatsiyaning ta'mirlangan uchastkasini vulkanizatsiyalash va shundan keyin PPSH-40 rezinadan tayyorlangan tasmaning bir qatlami bilan o'rash kerak.

Metall ekran, rezinalangan matoli tasma va shlangli qobiqlar uchlarini moslash va tiklashni 4.26, 4.27-bandlar ko'rsatmalaridan foydalangan holda bajarish kerak.

4.29. Tok o'tkazuvchi tolalarni mis gilzalar yordamida birlashtirishda, kabelning toresidan 165-185 millimetr masofada shlangli qobiqni olish, 120-130 millimetr uchastkada metall ekranlarga bandaj qo'yish va 40-55 millimetr uchastkada izolyatsiyani elektr o'tkazuvchi ekranlar bilan birga olish kerak.

Ichki elektr o'tkazuvchi ekranli izolyatsiya imkon darajasida diqqat bilan olib tashlanishi kerak.

Tok o'tkazuvchi tolalarga kesilgan joyigacha, tolaning ko'ndalang kesimi yuzasiga muvofiq bo'lgan gilzaning izolyatsiyasini kiydirish va ularni tolalarga dastaki qisqichlar yordamida qisish bilan mahkamlash kerak.

Kabelning bo'laklarini ulashda tolalarning izolyatsiyalari, ekranlar va shlangli qobiqlar uchlarini moslash va tiklashni 4.26, 4.27, 4.28-bandlar ko'rsatmalaridan foydalangan holda amalga oshirish kerak.

4.30. Kabel barabanlariga o'rash uchun mo'ljallangan kabellar uchun uchlarini uzaytirilgan ishlash qo'llanilishi kerak. Bu holatda, shlangli qobiqni kabelning toresidan 450-500 millimetr masofadan kesish kerak. Tolalarning bittasini 100 millimetrdan, ikkinchisini 200 millimetrdan kesish kerak. Zaminlash tolasini ulashni moslashtirishni asosiy tolalarni kavsharlagandan keyin amalga oshirish kerak.

Elektr o'tkazuvchi ekranli izolyatsiyani kabelning toresidan 150 millimetr masofada olish va 200 millimetr masofada metall ekranga bandaj qo'yish kerak. Har bir tok o'tkazuvchi tolaga, izolyatsiyaning kesilgan joyi

chegarasi yaqinida diametri 1,5 millimetr bo'lgan simdan vaqtinchalik bandaj qo'yish kerak.

Ulanadigan kabellarning ochilgan uchlarini bir biriga qarama-qarshi qo'yib, ularning to'g'ri ochilganligiga ishonch hosil qilish kerak. Kabellarning ulanadigan uchlarini, o'zaro siljib ketmasliklari uchun montaj stolidagi konduktorlarga mahkamlash kerak.

Tashqi o'ramning tutamlarini ketma-ket to'g'ri burchakka bukish, ikkinchi simli bandajni ichki bandajga qo'yish va uning tutamlarini markaziy tutamlardan bukish kerak. Biriktiriladigan tolalarning markaziy tutamlarini 75 millimetrga kesish hamda PSR-45 kavshar bilan kavsharlash kerak. Kavsharlangan markaziy tutamlarning toretslarini nadfil bilan tekislash va kavsharlash kerak. Tutamlarning kavsharlangan joylarida yo'g'onlashgan joylar bo'lmasligi kerak. Ichki va tashqi o'ramlarning tutamlarini kavsharlashdan oldin, ularning o'ralish qadamlarini tiklash kerak. Tutamlarning o'ralish qadami ichki o'ramlar uchun o'ralish bo'yicha 14 diametriga va tashqi o'ramalar uchun 16 diametrga teng bo'lishi kerak. Kavsharlangan joylarni birikmaning uzunasi bo'yicha bir tekisda taqsimlash kerak.

Biriktirilayotgan tutamlar toretslarining yaqinlashishini yengillatish va oldin kavsharlangan tutamlarni gorelkaning alangasidan himoyalash uchun tolani egish hamda tutamlar orasiga asbest plastinkani qo'yish kerak.

Kavsharlangan tolaga bir-biridan 40-50 millimetr masofada bo'ladigan, mis simdan tayyorlangan bandajlar qo'yish kerak.

4.31. Uchlarini moslab biriktirish bajarilgan kabellar, ular ta'mirlangan bo'lsa ham, yangi bo'lsa ham, foydalanishga kiritilishdan oldin oshirilgan kuchlanish bilan sinab ko'rilishi kerak. Uchlari moslab biriktirilgan, 6 kilovolt kuchlanishga mo'ljallangan yangi kabellarning va foydalanishda bo'lgan, shuningdek ta'mirlangan kabellarning izolyatsiyalari to'g'rilangan tokning 12 kilovoltidan kam bo'lmagan sinab ko'rish kuchlanishini 5 daqiqada davomida ushlab tura olishi kerak.

Kabellarni davriy sinovdan o'tkazish yiliga kamida bir marta o'tkaziladi. Davriy sinovdan o'tkazishlarda kabellarda tolalarning va ekranlovchi to'qimalarning butunligi tekshiriladi. Uzilishlar mavjud bo'lganda kabellar foydalanishga qo'yilmaydi.

1000 voltgacha kuchlanishga mo'ljallangan, uchlarini moslab biriktirilgan yangi va ta'mirlangan kabellarning izolyatsiyalari, 2500 voltidan kam bo'lmagan sinab ko'rish kuchlanishini 1 daqiqada davomida ushlab tura olishi kerak.

4.32. Izolyatsiyalarni sinab ko'rish natijalari va kabel konstruktiv elementlarining holati maxsus jurnalga qayd etilishi kerak. Foydalanishda

bo'lgan har bir kabel ishlangan uchlarning birida maxsus, ishonchli mahkamlangan raqamli yorliqqa ega bo'lishi kerak. Jurnalga yangi kabelning holati va uni keyingi ta'mirlashlar hamda sinovdan o'tkazishlar natijalari yozib boriladi, shu jurnalning o'ziga kabelning foydalanishdan chiqarilganligi (hisobdan chiqarilganligi) to'g'risidagi belgi ham kiritiladi.

Kabellarni hisobga olish, ta'mirlash va sinovdan o'tkazish jurnalining shakli ochiq konning (konning) bosh energetigi tomonidan belgilanadi.

4.33. Ekskavatorning kabelini sinovdan o'tkazishga tayyorlashda quyidagilar bajariladi:

a) kabelni elektr tarmog'idan uzish, kabelni ulash punktidan va ekskavatoridan uzish hamda ushbu yo'riqnomaning 4.11-bandiga muvofiq zaryadsizlantirish;

b) «To'xta! Kuchlanish!» ogohlantiruvchi plakatlarini o'rnatish va kabelning trassasi bo'ylab nazorat postlarini qo'yish;

v) tashqi shikastlanishlarni aniqlash va keyingi ta'mirlashlar uchun shlangli qobiqni ko'zdan kechirish;

g) kuch tolalari yuzasining tozaligini nazorat qilish uchun uchlarning moslab biriktirilishini diqqat bilan ko'zdan kechirish; yorilishlar aniqlanganda qaytadan moslashtirib ulashni amalga oshirish;

d) kuch va zaminlash tolalarining, ekranlovchi to'qimaning butunligini tekshirish, shundan keyin kabelning har ikkala uchida zaminlovchi to'qimani ekranlovchi to'qima bilan biriktirish;

e) kuch tolalari izolyatsiyasi qarshiligini megommetr bilan 2500 volt kuchlanishga o'lchash, har bir o'lchashdan keyin to'qimani «erga» zaryadsizlantirishni amalga oshirish kerak.

4.34. Sinab ko'rish kuchlanishi navbatma-navbat kabelning har bir tolasiga qo'yiladi. Ikkita boshqa tolalar, ekranlar va zaminlovchi tola sinab ko'rish vaqtida o'zaro biriktiriladi hamda zaminlanadi. To'g'rilangan kuchlanishni oshirish ravon, 0,5 kV/s dan ortiq bo'lmagan tezlikda amalga oshiriladi. Sinab ko'rish kuchlanishiga yetganda tokning sizib yo'qolishini doimo kuzatish kerak. Tokning sizib yo'qolishi ko'payganda yoki impulsli zarblar paydo bo'lganda, izolyatsiyaning nuqsonli uchastkasi buzilishiga erishish maqsadida sinab ko'rish kuchlanishini 0,5-2,0 kV/s ga ko'tarishga yo'l qo'yiladi.

4.35. Agar kabelni sinab ko'rish vaqtida izolyatsiyaning buzilishi ro'y bermasa, sinab ko'rilgan kabel foydalanishga yaroqli deb hisoblanadi. Mikroampermetrning ko'rsatishlarini hisoblash sinab ko'rishning so'nggi daqiqasida amalga oshiriladi.

4.36. Sinab ko'rish kuchlanishini olish ravon amalga oshiriladi. Sinab ko'rish apparatini elektr tarmog'idan uzgandan keyin zaminlovchi shtanga yordamida sinab ko'rilgan tolani zaryadsizlantirish amalga oshiriladi.

4.37. 6-10 kilovolt kuchlanishga mo'ljallangan egiluvchan yuqori kuchlanishli kabellarni oshirilgan kuchlanish bilan sinab ko'rish maxsus o'qitilgan, ulardan bittasi IV dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lgan, shaxslar tomonidan amalga oshiriladi. Kabelni megommetr yordamida 1000 voltgacha bo'lgan kuchlanishga davriy sinab ko'rishda ishlar bir nafar III malaka guruhiga ega bo'lgan o'qitilgan shaxs tomonidan bajarilishi mumkin.

4.38. Ochiq kon sharoitlarida kabelning shikastlangan joyini usullardan (induksion, akustik, sig'imli yoki xalqa uslubida) biri bilan aniqlashni o'tkazishga, faqat kabel ta'minlash tarmog'idan uzilgan va qoldiq elektr zaryadlardan yerga zaryadsizlantirilgandan keyin ruxsat beriladi.

4.39. Konchilik mashinalari (komplekslari) va boshqa qurilmalarni elektr bilan ta'minlash uchun egiluvcha rezina kabellarni ta'mirlash shunday tarzda tashkillashtirilishi kerakki, quyidagilar ta'minlansin: foydalanish qoidalariga rioya qilinganda, ta'mirlashlararo davrda avariyasiz ishlashi; ta'mirlashning minimal muddati; ta'mirlashga minimal mehnat va material sarflar; foydalanishda bo'lgan, zaxiradagi kabellarning qat'iy hisobi, shuningdek avariya larning tahlili.

4.40. Doimiy foydalanishida 1000 volt dan ortiq kuchlanishdagi 1000 metrdan ortiq egiluvchan rezina kabellar yoki 1000 voltgacha kuchlanishdagi 2000 metrdan ortiq egiluvchan rezina kabellar bo'lgan har bir korxonada, kabellarni ta'mirlash uchun maxsus ustaxonalar tashkillashtirilgan bo'lishi kerak.

Egiluvchan rezina kabellarni ta'mirlash uchun ustaxonalar tashkiliy ravishda ochiq konning (konning) elektr ta'mirlash sexi (ustaxonasi) tuzilmasiga kirishlari va odatda ular bilan bitta binoda joylashishlari kerak.

4.41. Kabellarni ta'mirlash uchun ustaxonalar tarkibiga kabellarni qabul qilish va tozalash, yaroqli-yaroqsizga ajratish (nuqsonlarini aniqlash) hamda ta'mirlashdan keyingi siovdan o'tkazish, ularni ishlash va issiq vulkanizatsiya bo'linmalari, shuningdek tayyor mahsulotlar hamda kamaymaydigan zaxira omborlari kiradi.

Har bir ustaxona 1000 voltgacha va undan yuqori kuchlanishga mo'ljallangan kabellarni qabul qilish, ta'mirlash hamda sinab ko'rish uchun uchtadan kam bo'lmagan texnologik liniyalarga ega bo'lishi kerak.

4.42. Vulkanizatsiyalash apparatlarining konstruksiyasi xizmat ko'rsatuvchi xodimlar tomonidan ishlarni xavfsiz bajarish talablariga javob berishi kerak. Vulkanizatsiya apparatlaridan xavfsiz foydalanish bo'yicha yo'riqnomalar mavjud bo'lmaganda ulardan foydalanish taqiqlanadi.

4.43. Egiluvchan shlangli kabellarni sarflash umumittifoq va tarmoq me'yoriyliklariga muvofiq aniqlanadi.

5-bob

ELEKTR MASHINALAR VA APPARATLAR

5.1. Mazkur bobning talablari ochiq kon qazishlarida foydalaniladigan elektr mashinalar va apparatlarga qo'llaniladi.

5.2. O'chirgichlar, kontaktorlar, magnitli ishga tushirgichlar, tezkor boshqarish organlarida yoki bevosita ularning yaqinida, pulklar, shchitlar, panellar va boshqa shu kabilarning old tomonlarida qo'shiladigan mashina, mexanizm, apparatura, ishlar rejimlari hamda shu kabilarni ko'rsatuvchi aniq yozuvlar bo'lishi kerak.

5.3. Uzoq vaqt zaxirada bo'lgan elektr mashinalar zudlik bilan ishga tushirishga tayyor bo'lishi, ochiq konning (korxonaning) bosh energetigi tomonidan tasdiqlangan jadval bo'yicha davriy ko'zdan kechirilishi va sinab ko'rilishi kerak.

5.4. Elektr mashinalarini uzoq vaqt to'xtab turgandan keyin ishga tushirishda, montaj qilish va foydalanish bo'yicha yo'riqnomada ko'rsatilgan butun hajmdagi isblar bajarilishi kerak.

5.5. Elektr mashinalari hamda ishga tushirish-rostlash moslamalari cho'lg'amlarining aktiv qarshiliklarini o'lchash voltmetr va ampermetr uslubida yoki motor o'chirilgan holatda o'lchash ko'priklari yordamida amalga oshiriladi. O'lchashda qo'llaniladigan asboblarda 0,5 dan kam bo'lmagan aniqlik sinfiga ega bo'lishi kerak.

Kuchlanishi 660 voltgacha bo'lgan o'zgarmas tok mashinalari va asinxron motorlarning izolyatsiya qarshiliklarini o'lchash 1000 voltli megommetrlar bilan, kuchlanishi 660 voltdan ortiq bo'lganlarda esa, 2500 voltli megommetrlar bilan amalga oshiriladi.

Mashinalar izolyatsiyalari qarshiliklarining harorat $10\pm 30^{\circ}\text{S}$ bo'lgandagi minimal miqdordagi kattaligi 5.1-jadvalda keltirilgan.

5.1-jadval

Harorat $(10\pm 30)^{\circ}\text{S}$ bo'lganda elektr mashinalari izolyatsiyalari qarshiliklarining kattaligi

Mashinalarning nomlari	Izolyatsiya qarshiliklari, MOm
O'zgarmas tok motorlari	0,5
O'zgarmas tok generatorlari	0,5
Kuchlanishi 1000 voltdan ortiq bo'lgan o'zgaruvchan tok elektr motorlarining statorlari	6,0
Kuchlanishi 1000 voltdan ortiq bo'lgan o'zgaruvchan tok elektr motorlarining rotorlari	0,5
Kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan asinxron motorlar	0,5

5.6. Elektr mashinalarini quritmasdan qo'shish imkoniyatlarini aniqlashni aylanadigan o'zgarmas tok elektr mashinalarini quritmasdan qo'shish imkoniyatlarini aniqlash bo'yicha Yo'riqnomaga (CH282-64) va aylanadigan o'zgaruvchan tok elektr mashinalarini quritmasdan qo'shish imkoniyatlarini aniqlash bo'yicha Yo'riqnomalarga (CH241-63) muvofiq amalga oshirish kerak.

Izolyatsiya qarshiligi 0,1 MOmdan kam bo'lganda, quritish tashqi qizdirish yoki quruq issiq havo (70-80° S) bilan puflash orqali amalga oshiriladi. Isitgich sifatida cho'g'lanish lampalari, elektr qizdirish elementlari, kalorifer qurilmalar qo'llanilishi mumkin.

Izolyatsiya qarshiligi 0,1 MOmdan ortiq bo'lganda, quritish elektr toki bilan amalga oshiriladi. Buning uchun yakorning cho'lg'ami qo'shimcha polyuslarning g'altaklari bilan birga nominalning 3-5 foizini tashkil etadigan pasaytirilgan kuchlanishga ulanadi. Bunda tok nominalning 50-60 foiziga teng bo'lishi kerak.

O'zgarmas tok mashinalarining ketma-ket qo'zg'atish cho'lg'amlari albatta uzib qo'yilishi kerak.

5.7. Elektr mashinalari podshipniklarining holatini foydalanish vaqtida davriy ko'riklar hamda ta'mirlashlarda tekshirish kerak. Podshipniklar zavod-tayyorlovchi tomonidan aniqlanadigan haroratdan ortiq qizimasligi kerak. Elektr mashinalarining podshipnikli shchitlarida yoriqlar bo'lmasligi kerak.

5.8. Elektr mashinalarining podshipniklarini moylash uchun, mashinalardan foydalanish sharoitlariga javob beradigan va zavod-tayyorlovchilar tomonidan tavsiya etiladigan moylash materiallarini qo'llash kerak.

5.9. Ekskavatorning har bir elektr mashinasiga eskirganlarini davriy almashtirish uchun ishlab moslashtirilgan cho'tkalarining bittadan zaxira komplekti bo'lishi kerak.

Bitta elektr mashinasiga turli markalardagi cho'tkalarni o'rnatishga yo'l qo'yilmaydi.

5.10. Cho'tkalarni kollektorga (kontakt xalqalariga) bosishning kattaligi zavod-tayyorlovchining tavsiyalariga yoki GOST 2332-75 ga muvofiq bo'lishi kerak. Cho'tkalarni bosishdagi farq o'rtacha miqdordan 10 foizgacha og'ishiga yo'l qo'yiladi.

5.11. O'zgarmas tok kontaktorlarining ishlashida magnit tizimining kuchsiz guvullashiga yo'l qo'yiladi. Kuchli guvullash magnit tizimining, zudlik bilan bartaraf etilishi kerak bo'lgan nosozligini ko'rsatadi.

5.12. Qarshiliklarning qutilari, reostatlar, magnitli ishga tushirgichlar va boshqa apparatura ishonchli mahkamlanishi kerak. Elektrlashgan mashinalarni boshqarish shkafining eshiklari ochiq bo'lganda ishga tushirish taqiqlanadi.

5.13. Xizmat ko'rsatuvchi xodimlar o'zgarmas tok elektr mashinalarini har kuni ko'rikdan o'tkazishlari kerak.

Elektr mashinalarini ko'rikdan o'tkazishda kollektorning yuzasini, uch-qunlanish, erish, kuyishlarning, plastinalarning bo'shashi mavjud emasligini, cho'tka tutgichlar, cho'tkalar va ularning tok o'tkazuvchi simlarining holatlarini tekshirish kerak.

5.14. Elektr mashinalarini joriy ta'mirlash ikki oydan keyin o'tkazilishi kerak.

Elektr mashinalarini joriy ta'mirlash hajmiga quyidagilar kiradi:

elektr mashinalarining mahkamlanishi ishochliligini va barcha mahkamlagichlarning tortilganligini, zaminlashning ishga yaroqliligini, ventilyatsiya va sovutishning soz ishlashini tekshirish;

bo'laklarga ajratmasdan turib changlar, moylar, loylardan tozalash;

kontaktli xalqalar yoki kollektorlarni tozalash;

tok uzatuvchi cho'tkalarni tekshirish va rostlash hamda cho'tkalarni almashtirish;

tutashtirgichlar va chiqish uchlarining izolyatsiyasini tiklash;

podshipnikning moylarini almashtirish yoki lozim bo'lganda moy qo'shish;

yarim muftaning elektr mashinasiga o'tirishi zichligini va holatini tekshirish; cho'lg'amlarning izolyatsiya qarshiliklarini megometr bilan o'lchash.

5.15. Ekskavatorlar va burg'ilash dastgohlarini boshqarishning stansiyasini, pultlari hamda shkaflarini kuchlanishni uzmasdan tashqi ko'rikdan o'tkazish mashinist yoki elektrik tomonidan smenada kamida bir marta amalga oshirilishi kerak. Ko'rikdan o'tkazishda ishga tushirish-rostlash apparaturalari kontaktlari va simlarining tozaligi hamda holatiga, apparaturaning zaminlanishi sozligiga alohida e'tibor qaratilishi kerak.

5.16. Boshqarish shkafllari va panellarini joriy ta'mirlash hajmiga quyidagilar kiradi:

shkafni, panellarni va apparaturani tashqi ko'rikdan o'tkazish hamda ularni changlardan, loylardan artib tozalash, apparaturalarning ishonchli mahkamlanganligini tekshirish;

elektr apparaturalar va elektr simlarda ko'rinadigan, shikastlanishlarning mavjudligini tekshirish hamda ularni bartaraf etish;

ishchi kontaktlarni tozalash va apparatlarning eskirgan detallarini (kontaktlar, prujinalar va boshqalarni) qisman almashtirish;

blokirovka moslamalarini tekshirish va rostdash;

kontaktli birikmalarni tortish, yo'g'on sim o'rnatish va ikkilamchi kommutatsiyalarni qisman ta'mirlash;

elektr apparatlarining magnit va kontakt tizimlari ishlashini rostdash, mahkamlagichlarini tortish;

zaminlashning ishga yaroqliligini tekshirish;

panelli plitalar va elektr simlari izolyatsiyalarining qarshiligini o'lchash;

uchqun so'ndiruvchi to'siqlar, himoyalovchi va signal apparaturalarining mavjudligi hamda ishga yaroqliligini tekshirish.

5.17. Ochiq konda (konda) texnikaviy xizmat ko'rsatishni joriy etish va ta'mirlash uchun boshliq, bosh muhandis, bosh energetik (boshliqning elektr jihozlar bo'yicha yordamchisi), uchastkalar hamda xizmatlarning energetiklari javobgar hisoblanadilar. Elektr jihozlarga texnikaviy xizmat ko'rsatish tizimi va ularni ta'mirlash bilan bog'liq bo'lgan barcha texnikaviy hujjatlar va hisobotlarni yuritish, ochiq konning (konning) quyidagilarga majbur bo'lgan bosh energetigi (elektr jihozlari bo'yicha yordamchisi) bo'limiga (byurosiga) yuklatiladi:

a) har bir turdagi konchilik mashinasi yoki boshqa qurilmalar (suvni chiqarib tashlash, drenaj shaxtalari, konveyer liniyalari va shu kabilar) uchun texnikaviy xizmat ko'rsatish hamda ta'mirlashning hajmlari va mazmunlarini sozlash hamda sinab ko'rish bo'yicha ishlarni bajarishni hisobga olgan holda asoslash;

b) elektr jihozlarni ta'mirlashning oylik va yillik jadvallarini tuzish;

v) ochiq konning (konning) elektr xizmatini moddiy-texnikaviy ta'mirlashga talabnomalar tuzish. Ushbu talabnomalarning bajarilishini va ochiq konning (konning) ishlab chiqarish uchastkalari uchun elektr jihozlar, ehtiyot qismlar hamda materiallarning kamaymaydigan zaxirasi holatini doimiy nazorat qilish;

g) elektr jihozlarni ta'mirlashning talab etiladigan sarmehnatligini o'rnatish;

d) ta'mirlash jadvalining bajarilmagan barcha holatlarini hujjatli hisobga olish va yuqori turuvchi rahbariyatdan buzilishda aybdorlarga chora ko'rishni talab qilish.

5.18. Konchilik mashinalari (komplekslar) va ochiq konning (konning) boshqa qurilmalarini, elektr jihozlarni jadval bo'yicha ta'mirlashlarni amalga oshirish uchun o'z vaqtida to'xtatish hamda elektr jihozlarni ta'mirlashga

berish uchun, ta'mirlash ishlarini ko'tarish-transport vositalari va maxsus moslashtirilgan maydonchalar (xonalar) bilan ta'minlash uchun ishlab chiqarish uchastkalarining boshliqlari hamda ochiq kon (kon) boshlig'i javobgar bo'ladilar.

Konchilik mashinalari (komplekslar) va boshqa qurilmalarining elektr jihozlarini ta'mirlashning sifati hamda ta'mirlashda turib qolishining davomiyligi uchun uchastkalar energetiklari, ta'mirlash xizmatining energetiklari va ochiq konning (konning) bosh energetigi (boshliqlarning elektr jihozlar bo'yicha yordamchilari) javobgar bo'ladilar.

Konchilik mashinalari elektr jihozlaridan to'g'ri foydalanish uchun uchastkalarining boshliqlari va energetiklari javobgar bo'ladilar.

5.19. Rejali ta'mirlashlar muddatlarini ko'chirish, istisno tariqasida, ta'mirlash jadvalini tasdiqlagan mansabdor shaxsning yozma ruxsati bo'yicha amalga oshirilishi mumkin.

5.20. Elektr ta'mirlash xizmatlarini tashkillashtirishning shakllarini tanlash ishlab chiqarishning xususiyatlari, elektr jihozlarining parki, korxonaning markazlashtirilgan ta'mirlash bazalariga nisbatan joylashishiga bog'liq bo'ladi.

Har bir ochiq konda (konda), barcha elektr mashinalari, kuch transformatorlari, apparatlarni joriy ta'mirlashni va kon-transport mashinalarini kompleks tekshirishlarni o'tkazishni ta'minlashi kerak bo'lgan elektr ta'mirlash sexi yoki elektr ta'mirlash ustaxonalari tashkil etilishi kerak.

Ochiq kon qazishlari elektr mashinalari va apparatlari uchun jihozlarning, amaldagi tarmoq me'yoriyliklariga muvofiq, lekin foydalanishda bo'lgan jihozlarning 10 foizidan kam bo'lmagan miqdorida, kamaymaydigan zaxiralari ko'zda tutilishi kerak.

5.21. Konchilik mashinalari (komplekslari) va boshqa elektr qurilmalarning elektr jihozlarini, dala sharoitlarida joriy ta'mirlashlar hamda rejadan tashqari ta'mirlashlarini o'tkazish uchun har bir ochiq kon (kon) aniq kon-geologiya sharoitlariga bog'liq holda pnevmog'ildirakda yoki temir yo'l-larda yuradigan ko'chma ta'mirlash ustaxonalariga ega bo'lishi kerak.

Ko'chma ustaxonalar uchun transport vositalarining soni va turlari bir vaqtning o'zida ta'mirlashda bo'lgan konchilik mashinalarining soni, ta'mirlash xodimlarining soni, inventar instrumentlar hamda moslamalar (shu jumladan himoya vositalari bilan ham) va transport vositalarining o'zlarini ta'mirlash muddatlari bilan aniqlanadi.

Elektr jihozlarni ta'mirlash xizmatini ko'chma ustaxonalar bilan komplektlash uchun ochiq konning (konning) boshlig'i javobgar bo'ladi.

RELELI HIMOYA VA ATMOSFERANING O'TA KUCHLANISHIDAN HIMOYALASH

6.1. Kuchlanishi 1000 volt dan yuqori bo'lgan ochiq kon liniyalari yerga bir fazali va ko'p fazali tutashishdan releli himoyalash moslamalari bilan uskunalanishi kerak.

6.2. Releli himoya quyidagi talablarni qanoatlantirishi kerak:

a) ochiq konning barcha elektr bog'langan tarmoqlarini va boshqa ulangan iste'molchilarning tarmoqlarini qamrab olishi;

b) oddiy sxemali va konstruksiyali asboblarni qo'llash hisobiga ishonchlilikni ta'minlashi;

v) saralanganlik, tezkorlik va yuqori sezgirlikni ta'minlashi.

6.3. Ko'p fazali tutashishdan himoyalash ikki fazali ijroda (ikkita tok transformatorlari bilan) bajarilishi va mazkur kuchlanishning barcha tarmog'i bo'yicha faqat ushbu fazalarga qo'shilishi kerak.

6.4. O'chirishga ishlaydigan, bir fazali yerga tutashishdan himoyalash, odatda ikki pog'onali qilib bajarilishi kerak. Birinchi pog'ona vaqtni tutib turmasdan bajarilishi kerak. Ketma-ket ulangan taqsimlash moslamalarining himoyalari vaqtni tutib turishi, birinchi pog'onaning taqsimlash moslamasidan uzoqlashgani sari oshib borishi kerak. Himoyalarning pog'onalari o'rtasidagi vaqtni tutib turish 0,5 soniyadan oshmasligi kerak.

Bir fazali yerga tutashishdan bir pog'onali himoyalashga, ochiq konlarning faqat bittalik, tarmoqlanmagan liniyalari uchun yo'l qo'yiladi.

6.5. Ochiq kon liniyalarini, ularni bir fazali yerga tutashishdan yoki maksimal-tokdan himoyalash tomonidan uzilgandan keyin qo'shish, o'chirishning sababi haqida xabar berilgandan va shikastlanishlar bartaraf etilgandan keyin amalga oshirilishi kerak.

Quyidagilarga yo'l qo'yiladi:

maksimal-tok himoyasi ishlab ketganda, bir martalik qayta qo'shish (BQQ);

bir fazali yerga tutashishdan himoyalash ishlab ketganda, tarmoqlar izolyatsiyani o'zuvchi nazorat qilish moslamalari bilan uskunalangan sharoitlarda, avtomatik tarzda qayta qo'shish (AQQ).

6.6. Rele xizmati elektrotexnik xodimlari tomonidan, bir fazali yerga tutashishdan himoyalashni tekshirish va nazoratli sozlash olti oyda kamida bir marta, ko'p fazali tutashishdan himoyalashni bir yilda kamida bir marta amalga oshirilishi kerak.

6.7. Kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan tarmoqlar maksimal-tok himoyasi va toklar xavfli sizib yo'qolganda tarmoqni avtomatik tarzda

o'chiradigan tokning yerga sizib o'tishidan himoyalash bilan uskunalangan bo'lishi kerak.

Shikastlangan tarmoqning tokning sizib yo'qolishidan himoyalash ishlab ketgandagi uzilishirning umamiy vaqti 0,2 soniyadan ortiq bo'lmashligi kerak.

Sizib yo'qolish relesining ishga yaroqliligi har smenaning boshlanishidan avval tokning sizib yo'qolishi relesidan foydalanish bo'yicha zavod yo'riqnomasiga muvofiq. tarmoq fazasini qo'shimcha zaminlash bilan himoyaning o'rnatma qiymatiga teng tekshiradigan qarshilik orqali sun'iy ulash yo'li bilan tekshirilishi va bu haqda tekshiruvchi tomonidan tezkor jumalga yozuv kiritilishi kerak. Ko'chma elektrlashgan mexanizmlarda qo'llanilayotgan toklarning sizib yo'qolishi relelarining yetarli darajada ishonchli bo'lmaganligi sababli, o'chirishga ishlaydigan UKS turidagi izolyatsiya qarshiligini nazorat qilish moslamalarini qo'llashga yo'l qo'yiladi.

6.8. Kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan tarmoqlarda himoya apparatlari va saqlagichlarni o'chirish tokining o'rnatma qiymati kattaligi quyidagicha bo'lishi kerak:

magistralda — eng quvvatli elektr qabul qilgichni ishga tushirishning nominal tokdan kam bo'lmagan plyus qolgan barcha ushbu apparat orqali tok bilan ta'minlanadigan elektr qabul qilgichlar nominal ishchi toklarining yig'indisi;

tarmoqlarda — himoya qilinayotgan elektr qabul qilgichni ishga tushirishning nominal tokidan kam bo'lmagan.

6.9. Ochiq konlarning elektr jihozlari va elektr tarmoqlarini atmosferaning o'ta kuchlanishidan himoya qilish MCHM SSSR, MUP SSSR, MSM SSSR, MPSM va MXP SSSRlar tomonidan tasdiqlangan 3-500 kilovolti o'zgaruvchan tok elektr qurilmalarini o'ta kuchlanishlardan himoya qilish bo'yicha rahbarlik Ko'rsatmalari, imoratlar va inshootlarni yashindan himoyalashni loyihalashtirish va ularning tuzilishi bo'yicha Yo'riqnomalar CH 305-77, ochiq kon qazishlari elektr qurilmalarini atmosferaning o'ta kuchlanishidan himoya qilish bo'yicha Me'yoriyliklar hamda mazkur yo'riqnoma talablariga muvofiq ochiq konlarning o'ziga xosliklarini hisobga olgan holda bajariladi.

6.10. Ochiq konlarning kuchlanishi 6-35 kilovolt bo'lgan elektr qurilmalarini atmosferaning o'ta kuchlanishlaridan himoya qilish uchun diodli hamda quvursimon zaryadsizlagichlar va boshqa himoya vositalari qo'llanilishi kerak.

6.11. Ochiq konlardagi kuchlanishi 6-35 kilovolt bo'lgan podstansiyalar, shuningdek kuchlanishi 6-10 kilovolt bo'lgan ochiq kon taqsimlash punktlari (OKTP) shinalardagi diodli zaryadsizlagichlar va ikki komplekt quvursimon zaryadsizlagichlar bilan himoyalangan bo'lishi kerak.

Quvursimon zaryadsizlagichlarning bir komplekti podstansiyaga yoki OKTPga havodan kirishga va kabelli kirishlari bilan havo liniyalaridagi liniyali kabelli oxirgi mustalarga o'rnatiladi. Quvursimon zaryadsizlagichlarning ikkinchi komplekti birinchisidan uch-to'rt oraliq masofaga havo liniyasiga o'rnatiladi.

6-10/0,4 kilvolt kuchlanishli ko'chma komplekt transformator podstansiyalari yuqori kuchlanishli tomonga transformatorning yig'masiga yoki kirishga o'rnatiladigan diodli zaryadsizlagichlarning bir komplekti bilan himoyalangan bo'lishi kerak.

Uzunligi 500 metrdan ortiq bo'lgan HLda ishlaydigan 6-10/0,4 kilvolt kuchlanishli komplekt transformator podstansiyalari, past kuchlanishli tomonidan taqsimlash moslamalarining shinalariga past kuchlanishli diodli zaryadsizlagichlarni o'rnatish bilan qo'shimcha ravishda himoyalaniishi kerak.

6.12. Yashin vaqtida uzilmaydigan ekskavatorlarni o'ta kuchlanishdan himoya qilish quyidagicha bajariladi:

a) cho'michining sig'imi 13 m^3 va undan ortiq bo'lgan bir cho'michli ekskavatorlar, rotorli komplekslar, ko'p kovshli ekskavatorlar, ahdarma hosil qilgichlar va transport-ag'daradigan ko'priklar – ekskavatorning KRUsiga o'rnatiladigan diodli zaryadsizlagichlarning komplekti bilan hamda diodli zaryadsizlagichlarning ulash punktiga o'rnatiladigan ikkinchi komplekti bilan;

b) cho'michining sig'imi 13 m^3 dan kam bo'lgan bir cho'michli ekskavatorlar - ulash punktiga o'rnatilgan diodli zaryadsizlagichlarning komplekti bilan.

6.13. Ochiq konning kuchlanishi 6-35 kilovolt bo'lgan statsionar va ko'chma HLini yashinning to'g'ri zarblaridan himoya qilish talab etilmaydi. Ochiq konlarning statsionar HLini o'ta kuchlanishdan himoya qilish quyidagi holatlarda bajarilishi kerak:

a) yashin aktivligi kuchsiz va o'rtamiyona bo'lgan rayonlarda:
havo liniyasi – kabel o'tishlarida;

boshqa elektr liniyasi bilan yoki aloqa liniyalari bilan kesishishlarda;

b) yashin aktivligi kuchli bo'lgan rayonlarda, yuqorida ko'rsatilgan izolyatsiyaning zaiflashishi joylaridan tashqari:
liniyalar ajratgichlari;

bir turdagi tayanchlardan (yog'och) ikkinchi turdagi tayanchlarga (metall, temirbeton) o'tish joylarida;

6.14. Aylanadigan elektr mashinalar (nasoslar va yer nasoslari, gidromexanizatsiya qurilmalari, suvlarni chiqarib tashlash qurilmalari hamda shu kabilarning elektr motorlari), 6-10 kilovoltli havo liniyalariga bevosita yoki qisqa (50 metrgacha) kabel o'rnatmalari orqali ulangan taqsimlash moslamalarini himoya qilish, yashin aktivligi va motorlarning quvvatlarini hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak.

Yashin aktivligi kuchli bo'lgan rayonlarda, motorlarning yakka yoki jamlangan quvvati 1000 kilovatt dan ortiq bo'lganda himoya qilish, TMning shinalariga diodli zaryadsizlagichlar va himoya sig'implarini o'rnatish bilan, diodli zaryadsizlagichlarning bir komplektini oxirgi tayanchga hamda quvursimon zaryadsizlagichlarning ikki komplektini, ulardan bittasini oxirgi tayanchdan 100-150 metr masofaga, ikkinchisi esa birinchisidan 100 metr masofaga o'rnatish bilan amalga oshirilishi kerak.

Yashin aktivligi kuchli bo'lgan rayonlarda, motorlarning jamlangan quvvati 1000 kilovatt dan kam bo'lganda, shuningdek yashin aktivligi kuchsiz va o'rta miyona bo'lgan rayonlarda, motorlarning jamlangan quvvati 3000 kilovatt hamda undan yuqori bo'lganda himoya qilish, TMning shinalariga diodli zaryadsizlagichlar va himoya sig'implarini hamda quvursimon zaryadsizlagichlarning ikki komplektini, ulardan bittasini oxirgi tayanchga, ikkinchisini esa liniyaga birinchisidan 100-150 metr masofaga o'rnatish bilan amalga oshirilishi kerak. Yashin aktivligi kuchsiz va o'rta miyona bo'lgan rayonlarda, motorlarning jamlangan quvvati 3000 kilovatt dan kam bo'lganda himoya qilish, himoya sig'implarini o'rnatmasdan bajarilishi mumkin.

6.15. Ochiq kon elektr qurilmalarini atmosferaning o'ta kuchlanishlaridan himoya qilish vositalarini tanlash, montaj qilish, o'rnatish va ulardan foydalanish zavod-tayyorlovchining tavsiyalari hamda ochiq kon qazishlari elektr qurilmalarini atmosferaning o'ta kuchlanishidan himoya qilish bo'yicha Me'yoriyliklariga muvofiq amalga oshiriladi.

6.16. Ochiq konning (konning) hududida zaryadsizlagichlarni o'rnatishning joylarini aniqlab beruvchi asosiy hujjat bo'lib, har yili yashin mavsumi boshlanishidan avval tuziladigan, atmosferaning o'ta kuchlanishlaridan himoyalash vositalarini joylashtirish rejasi hisoblanadi.

Himoyalash vositalarini joylashtirish rejasi, ochiq konni (usti ochiq konni) elektr bilan ta'minlashning prinsipial sxemasi bilan birlashtirilishi mumkin, lekin alohida bajarilishi ham mumkin.

Rejaga o'ratilgan quvursimon zaryadsizlagichlarning qaydnomasi (vedomosti), diodli zaryadsizlagichlar va boshqa himoyalash vositalari, shuningdek ularni zaminlash moslamalarining pasportlari ilova qilinishlari kerak.

7-bob

ZAMINLASH

7.1. Odamlarning xavfsizligini ta'minlash uchun kuchlanish ostida bo'lmagan, lekin shikastlanganda kuchlanish ostida bo'lishi mumkin bo'lgan elektr qurilmalarning metall qismlari va elektr jibozlarning korpuslari maxsus barpo etiladigan zaminlash moslamalariga ishonchli ulangan bo'lishi kerak.

Zaminlovchi moslama – bu, elektr qurilmaning zaminlanadigan qismlarini zaminlagich bilan birlashtiradigan zaminlagich va o'tkazgichlarning majmuidir.

Zaminlovchi moslamaning umumiy qarshiligi tarmoqning har qanday nuqtasida 4 Om dan oshmasligi kerak.

7.2. Kuchlanishi 1000 voltgacha va undan yuqori bo'lgan statsionar hamda ko'chma elektr qurilmalarni zaminlash umumiy bajariladi.

7.3. Statsionar va ko'chma mashinalar hamda mexanizmlarni zaminlashning umumiy qismi, zaminlovchi o'tkazgichlar hamda egiluvchan kabel-larning zaminlovchi tolalarini o'zaro uzluksiz elektr ulash yo'li bilan amalga oshirilishi kerak. Turli asboblardan va moslamalarni zaminlovchi tarmoqqa kesib ulash taqablanadi.

7.4. Ochiq konning umumiy zaminlovchi moslamasi markaziy va mahalliy zaminlovchi moslamalardan iborat bo'lishi kerak. Mahalliy zaminlovchi moslamalar kuchlanishi 6-10/0,4 kilovolt bo'lgan ko'chma AUP, PKTPlar va boshqa qurilmalarda barpo etiladigan zaminlagichlar ko'rishida bajariladi.

Mahalliy zaminlovchi moslamalarning qarshiligi me'yorlanmaydi.

Kuchlanishi 6-10/0,4 kilovolt bo'lgan ko'chma AUP, PKTPlarning, markaziy zaminlovchi moslamaga zaminlovchi moslamaning har qanday elementi ishdan chiqqanda, zaminlash qarshiligi zaminlovchi tarmoqning har qanday nuqtasida 4 Omdan oshmaydigan qilib ulangan qo'shimcha zaminlovchi (markaziy zaminlovchiga o'xshash) mavjud bo'lganda, mahalliy zaminlovchi moslamalarsiz ishlashiga yo'l qo'yiladi. Ko'chma elektr qurilmalardan markaziy zaminlovchi moslamalarning birortasigacha bo'lgan zaminlovchi o'tkazgichlarning uzunligi 2 kilometrdan ortiq bo'lmasligi kerak.

7.5. Elektr qurilmalarni atmosferaning o'ta kuchlanishidan himoya qilish vositalarining zaminlovchi moslamalari qarshiligi tuproqning solishtirma qarshiligi $p - 100 \text{ Om-m}$ gacha bo'lganda - 30 Omdan, $p - 100 \text{ Om-m}$ dan ortiq bo'lganda esa - 0,3 p dan ortiq bo'lmasligi kerak.

Agar zaminlagichlar qo'yilgan joylarda tuproqning qarshiligi 200 Om-m dan ortiq bo'lsa, himoyalash vositalarini mahalliy zaminlagich moslamalarsiz zaminlashning umumiy kon tarmog'i magistral simlariga ulashga yo'l qo'yiladi; bunda, ko'chma liniyalarning stasionarlarga o'tish joylarida qarshiligi 7.1-jadval bilan reglamentlanadigan zaminlagichlar o'rnatilgan bo'lishi kerak.

7.1-jadval

Atmosferaning o'ta kuchlanishlaridan himoya qilish vositalari zaminlovchi moslamalarining qarshiligi

Tuproqning solishtirma qarshiligi, Om-m	Zaminlovchi moslamaning qarshiligi, Om	
	quvursimon zaryadsizlagichlar va himoya oraliqlari uchun	diodli zaryadsizlagichlar uchun
10 dan kam	5	4
10-100	10	10
100-150	15	10
500-1000	20	15
1000 dan ko'p	30	15

7.6. Ochiq konning ishchi zonasida bo'lgan ko'chma elektr qurilmalarning himoya vositalarini, shu jumladan AUP va PKTPlarda o'rnatilgan zaryadsizlagichlarni ham zaminlash, tuproqning solishtirma qarshiligi 200 Om-m gacha bo'lganda, himoyalalanayotgan jihozning zaminlashning zaminlashning umumiy kon tarmog'i magistral simlariga ulangan mahalliy zaminlagichlariga amalga oshirilishi kerak.

7.7. Har bir ochiq konda, geologiya xizmati tomonidan berilgan yoki o'lchashlar orqali aniqlangan butun uchastkadagi tuproqlarning, shuningdek ag'darmalarning solishtirma qarshiligi to'g'risidagi ma'lumotlar bo'lishi kerak.

7.8. Stasionar ob'ektlar uchun tayanchlarga yotqishiladigan magistral zaminlovchi o'tkazgichlar sifatida, bir simli po'lat yoki ko'p simli po'lat-alyumin simlarni qo'llash tavsiya etiladi. Ko'chma ob'ektlar uchun alyumin yoki po'lat-alyumin simlar tavsiya etiladi. Magistral zaminlovchi simlarning va o'ta kuchlanishdan himoyalashning zaminlovchi tushirishlari kesimlari hisob-kitob bo'yicha, lekin quyidagilardan kam bo'lmagan miqdorda qabul qilinadi:

bir simli po'lat simlar diametri 6 millimetrdan kam bo'lmagan;
ko'p simli po'lat simlar kesimi 35 mm² dan kam bo'lmagan;
po'lat-alyumin simlar kesimi 35 mm² dan kam bo'lmagan;
alyumin simlar kesimi 35 mm² dan kam bo'lmagan.

7.9. Yer ostidan (yoki yerning yuzasi bo'ylab) yotqizganda, magistral zaminlovchi o'tkazgichlarni yoki elektr qurilmalarning zaminlanadigan qismlarini zaminlovchi bilan ulaydigan o'tkazgichlar sifatida po'lat tasmlar, dumaloq yoki burchakli po'latlar qo'llanilishi kerak. Elektr qurilmalarni zaminlash magistrali bilan birlashtiradigan zaminlovchi o'tkazgichlar sifatida quyidagilar qo'llanilishi kerak:

a) statsionar va yarim statsionar qurilmalar uchun – po'lat, mis, alyumin yoki po'lat-alyumin simlar yoki po'lat tasmlar, dumaloq yoki burchakli po'latlar;

b) ko'chma elektr qurilmalar uchun – tok bilan ta'minlovchi kabelning zaminlovchi tolasi.

7.10. Temir yo'l va avtomobil yo'llarining kesishgan joylarida zaminlovchi sim harakatlanayotgan transport tomonidan uzib ketmaydigan hisob-kitob bilan balandga osib qo'yilishi kerak. Agar buni bajarishning imkoniyati bo'lmasa, yer ostidan o'tkazishga ham ruxsat etiladi. Magistral zaminlovchi sim himoyalovchi quvur orqali yotqizilishi, tayanchlar bo'yicha tushirilishi esa, 1,8 metr balandlikda mexanik shikastlanishdan himoyalaniishi kerak.

7.11. Zaminlovchi moslamalarning elementlarini birlashtirish quyidagicha bajariladi:

ikkita po'lat birlashtiriladigan elementlar bo'lganda – payvandlash bilan; ikkita alyumin birlashtiriladigan yuzalarda: yalpoqlarda – boltli birlashtirmalar bilan; aylana, bitta va ko'p simliklarda – birlashtiruvchi qisqichlar yordamida.

Mis simlarni alyuminli bilan va alyuminli po'lat simlar bilan birlashtirish maxsus o'tish qisqichlari yordamida amalga oshiriladi.

7.12. O'zgaruvchan tok elektr jihozlarining korpuslarini elektrlashgan temir yo'l transportining relslariga ulash taqiqlanadi.

7.13. Zaminlanishi kerak bo'lgan elektr qurilmalarda zaminlovchi simlarning ulanadigan joylari ko'rsatilgan bo'lishi kerak.

7.14. Markaziy statsionar zaminlovchi moslamalarni foydalanishga qabul qilishda quyidagi hujjatlar rasmiylashtiriladi:

a) zaminlovchi moslamaning yer osti kommunikatsiyalarining joylashishi ko'rsatilgan ijro chizmalari va sxemalari;

b) zaminlash moslamalari elementlarini joylash bo'yicha yer osti ishlariga dalolatnomalar;

v) zaminlovchi moslamalarni qabul qilish – topshirish vaqtidagi sinovdan o'tkazish bayonnomalari.

7.15. Ochiq kon qazishlari ko'chma elektr qurilmalarining zaminlovchi moslamalari qarshiliklarini foydalanish jarayonida o'lchash, maxsus ajratilgan shaxslar tomonidan har oyda bir marta va har bir almashtirib ulashda amalga oshiriladi. O'lchash natijalari uchastkaning zaminlashlarini o'lchash jurnaliga yozib boriladi.

Zaminlashlari nosoz bo'lgan elektr qurilmalarining ishlashi taqiqlanadi.

7.16. Ochiq konning butun zaminlash tarmog'ini tashqi ko'rikdan o'tkazish quyidagi muddatlarda amalga oshirilishi kerak:

a) konchilik uchastkalarining smena kon nazorati shaxslari tomonidan – har smenada (tanlov asosida);

b) energetiklar va boshliqlar tomonidan (konchilik uchastkalari boshliqlarining yordamchilari tomonidan uchastkalar chegarasi hududida) – har haftada;

v) ochiq konning (konning) bosh energetigi va ochiq konning (konning) bosh muhandisi yoki uning konchilik ishlari bo'yicha o'rinbosari tomonidan – har oyda (tanlov asosida).

Ko'rikdan o'tkazish natijalari tezkor jurnalga qayd etib borilishi kerak.

Uzilish yoki zaminlovchi simning butunligi buzilganligi aniqlanganda, elektr energiyasi iste'molchilarining ishlarini zudlik bilan to'xtatish va bu haqda ushbu qurilmalardan foydalanish uchun mas'ul bo'lgan shaxsga xabar berish kerak.

7.17. Portlatish ishlaridan keyin portlash zonasidagi zaminlovchi tarmoq ko'rib chiqilgan bo'lishi kerak.

7.18. Ochiq kon tarmoqlarida zaminlash zanjirlarining uzluksizligini tekshirish uchun avtomatik nazorat asboblardan foydalanish mumkin.

. 8-bob

OCHIQ KONLAR VA AG'DARMALARNI YORITISH:

8.1. Ochiq konlar va ag'darmalarni elektr bilan yoritish ish joylarining yoritilganligini foydali qazilmalar konlarini ochiq usulda ishlashdagi Yagona xavfsizlik qoidalari talablariga muvofiq ta'minlashi kerak.

Portlovchi materiallarning omborlari portlatish ishlaridagi Yagona xavfsizlik qoidalarga muvofiq yoritilishi kerak.

Mashina, xizmat, omborxonalar va nasoslar, kompressorlar, chig'irlar hamda boshqa mashinalar va mexanizmlar o'rnatilgan yuklash

komplekslarining xonalari elektr qurilmalarning tuzilishi Qoidalar va sun'iy yoritishning amaldagi me'yorlariga muvofiq elektr yoritgichlar bilan jihozlanadi.

8.2. Ochiq konning yoritish tarmoqlari uchun, shuningdek ko'chma mashinalarni yoritish tizimlari uchun liniya kuchlanishi 220 volt dan ortiq bo'lmaganda, neytrali izolyatsiyalangan elektr tizimi qo'llaniladi. Yoritishning maxsus xillari qo'llanilganda, 220 volt kuchlanishga yo'l qo'yiladi.

Dastaki ko'chma yoritgichlarni tok bilan ta'minlash uchun o'zgaruvchan tokning 40 volt dan va o'zgarmas tokning 48 volt dan ortiq bo'lmagan liniya kuchlanishlari qo'llanilishi kerak. Teplovoz tortishi qo'llanilganda, dastaki ko'chma yoritgichlarni tok bilan ta'minlash uchun o'zgarmas tokning 75 voltgacha kuchlanishini qo'llashga yo'l qo'yiladi.

8.3. Statsionar tayanchlarga ag'darmalar, ochiq kon ichidagi va tashqarisidagi avtomobil yo'llarini yoritish uchun, shuningdek ochiq konning ishchi maydonchalarini yoritish uchun o'rnatiladigan DKST turidagi yoritish qurilmalari uchun, neytrali zaminlangan alohida transformator podstansiyalaridan ta'minlanadigan 380/220 volt kuchlanishni qo'llashga ruxsat beriladi.

Ishga tushirish moslamalari bo'lgan yoritish qurilmalariga xizmat ko'rsatish naryad bo'yicha ikki nafardan kam bo'lmagan, ulardan bir nafari IV dan, ikkinchisi esa III dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lgan shaxslar tomonidan amalga oshiriladi.

Yoritish qurilmalarini sinab ko'rish va ishga tushirishda, xizmat ko'rsatuvchi xodimlarga montaj minorasida bo'lish taqiqlanadi. Ishga tushirish jarayonini kuzatish yerdan turib amalga oshirilishi kerak.

Yoritish qurilmalari ishga tushirish tizimlarining eshiklari ochiq bo'lganda, ularning qo'shilishiga to'sqinlik qiladigan blokirovka moslamalariga ega bo'lishi kerak. Eshikning chap tomonida yuqori kuchlanishning belgisi, eshikning ichki tomonida esa – ishga tushirish moslamasining prinsipial sxemasi chizilgan bo'lishi kerak.

Ishga tushirish moslamasi bo'lgan yoritish qurilmalari foydalanish jarayonida ishonchli zaminlangan bo'lishi kerak.

8.4. Ochiq konning hududi va uning yuzadagi ob'ektlari, mashinalarning konstruksiyalari ichiga o'rnatilgan yoki ko'chma yoxud statsionar tayanchlarga (minoralariga) o'rnatilgan yoritgichlar hamda projektorlar bilan yoritilishi kerak.

8.5. Kontakt tarmog'ining statsionar tayanchlariga (metall, temir-beton, yog'och) elektr yoritish va lampalarning simlarini osishga yo'l qo'yiladi. Bunda quyidagi shartlar bajarilgan bo'lishi kerak:

yoritish liniyalarining simlari kontakt simidan yuqoriga, tayanchning boshqa tomoniga osiladi;

kontakt simlaridan yoritish simlarigacha bo'lgan masofa 1,5 metrdan kam bo'lmaydi;

yoritish tarmog'i izolyatorlari kontakt tarmog'ining kuchlanishi bo'yicha tanlanadi.

Elektr yoritish va lampalarning simlarini kontakt tarmog'ining ko'chma tayanchlariga osishga yo'l qo'yilmaydi.

8.6. Ag'darmalardagi yoritish tarmog'i, temir yo'l yo'llari bo'ylab ag'darma hosil qilishning qarama-qarshi tomoniga joylashgan bo'lishi kerak.

8.7. Ochiq konlar va ag'darmalarni yoritish uchun ksenon va simob-kvars lampali yoritgichlarni qo'llash tavsiya etiladi.

8.8. Yorug'lik manbalaridan yoritish armaturalarisiz foydalanish taqiqlanadi.

8.9. Ochiq konda ish joylarining yoritilganligini lyuksmetr yordamida nazorat qilish yilida kamida bir marta amalga oshirilishi kerak.

9-bob

ALOQA VA SIGNALIZATSIYA

9.1. Ochiq kon aloqa hamda signalizatsiyaning, texnologik jarayonlarni boshqarish va nazorat qilishni, shuningdek ishlarning xavfsizligini ta'minlaydigan quyidagi xillari bilan jihozlanishi kerak:

dispetcherlik aloqasi;

dispetcherlik boshqarish-qidirish radio-karnay aloqasi va xabar berish tizimi;

ochiq kon ichidagi temir yo'l transportida aloqaning kerakli turlari bilan.

9.2. Kon-qazib olish korxonasi tuzilishiga bog'liq holda, ochiq kondagi ishlarni boshqarishning texnikaviy vositalari mustaqil bo'lishi yoki ochiq kon, boyitish fabrikalari, energiya tizimi va transport guruhlar uchun umumiy boshqarish tizimlarining bir qismini tashkil etishi mumkin.

9.3. Dispetcherlik aloqasi o'zining tarkibida quyidagi quyidagi turlarga ega bo'lishi kerak:

statsionar ob'ektlar uchun simli aloqa vositalari qo'llanilgan dispetcherlik aloqasi;

harakatdagi (konchilik hamda transport jihozlari) va yarim statsionar ob'ektlar uchun radio-alloqa vositalari qo'llanilgan dispetcherlik aloqasi.

Radio-aloqa vositalarini qo'llash mahalliy elektraloqa inspeksiyasi bilan kelishilishi kerak.

E s l a t m a. Energiya tizimi va nasos stansiyalarining uzoqdagi stasionar ob'ektlari uchun dispetcherlik simli telefon aloqasidan tashqari, elektr tarmoqlari bo'yicha yuqori chastotali aloqa vositalari hamda radioaloqadan foydalanilishi mumkin.

9.4. Ochiq konning dispetcherlari ochiq konning qaramog'idagi ob'ektlar bilan bevosita aloqalaridan tashqari o'zaro, ochiq konning rahbarlari va ma'muriy-xo'jalik aloqasi markaziy telefon stansiyasi bilan ham aloqaga ega bo'lishlari kerak.

9.5. Farmoyishlar, xabarlar, ochiq konning hududida bo'lgan kerakli shaxslarni qidirish va boshqa axborotlarni uzatish uchun dispetcherlik boshqarish-qidirish aloqasining texnikaviy vositalarini qo'llash kerak.

9.6. Ochiq kon hududida bo'lgan xodimlarni portlatish ishlarining boshlanishi va tugashi to'g'risida ogohlantirish uchun, ochiq konning butun uchastkasiga eshitiladigan, xabar berish tizimini qo'llash kerak.

9.7. 1000 volt va undan yuqori kuchlanishli elektr tarmoqlarida tezkor almashtirib ulashda aloqa uchun ochiq konlarda va ag'darmalarda radio aloqalardan foydalanishga ruxsat beriladi.

9.8. Yuqori chastotali aloqa kanallari sifatida, bunda ushbu turdagi liniyalar uchun amaldagi xavfsizlik qoidalariga rioya qilgan holda, ochiq konning elektr uzatish liniyalari yoki elektr kontaktli tarmoqlaridan foydalanish kerak.

9.9. Telefon aloqasining simli vositalari liniya-kabelli inshootlari amaldagi GTSlarning liniyali inshootlarini qurish bo'yicha Qoidalar va SMvaQ III-47-75 larga muvofiq bajarilishi kerak.

9.10. SSB liniyalari, shuningdek harakatning xavfsizligini ta'minlaydigan temir yo'l transporti aloqa liniyalari alohida tarmoqlarga ajratilishi kerak; ular havo aloqa liniyalarini qurish va ta'mirlash Qoidalari, simli aloqa hamda simli xabar berish moslamalarini o'zgaruvchan tok elektr temir yo'llari tortish tarmoqlarining ta'siridan himoya qilish Qoidalari va GOST 14857-76, GOST 6524-75 larga muvofiq yuqori kuchlanish, kontakt tarmog'i, yashin zaryasizlagichlari va daydi toklarning xalaqit beruvchi hamda xavfli ta'sirlaridan himoyalangan bo'lishlari kerak.

9.11. O'zgarmas tok kontakt tarmog'i simlarini havo aloqa liniyalari simlari kesib o'tishiga, faqat stansiyalar o'rtasidagi o'tishlarda kontakt tarmog'i tayanchlari o'rtasidagi oraliqlarda yo'l qo'yiladi va ular GOST 67-78 ga muvofiq bajarilishi kerak. O'zgaruvchan tok kontakt tarmoqlarini

havo aloqa liniyalarining kesib o'tishiga yo'l qo'yilmaydi va o'tish faqat yer ostidan yotqizilgan kabel bilan amalga oshiriladi.

Vertikal bo'yicha aloqaning pastki simi va kontakt tarmog'ining eng yuqori simi yoki tutib turuvchi sim arqoni o'rtasidagi masofa 2 metrdan kam bo'lmasligi kerak (eng yomon meteorologik sharoitlarni: yaxvonlik, qirov, maksimal haroratlarni hisobga olgan holda).

9.12. Ochiq konning ochish, qazib olish va boshqa konchilik ishlari ko'zda tutilmagan hududi bo'ylab aloqa kabel liniyalarini yer ostidan yotqizishga yo'l qo'yiladi.

9.13. Ochiq konning butun hududi bo'ylab, tezkor xabarlarini uzatish mumkin bo'lgan telefon apparatlari yoki boshqa aloqa vositalari (YUCH, radio) o'rnatilgan eng yaqin punktga yo'nalishlar va ulargacha bo'lgan masofalarning aniq ko'rsatkichlari bo'lishi kerak. Ochiq havoga yoki isitilmaydigan xonalarga o'rnatiladigan aloqa apparaturalari, shunday sharoitlarda normal ishlashga hisoblab bajarilgan bo'lishi kerak.

9.14. Maxsus transport vositalaridan tashqari aloqa va signalizatsiya moslamalarini tok bilan ta'minlash, akkumulyator batareyalaridan yoki to'g'rilagich qurilmalaridan olinadigan 220 voltdan ko'p bo'lmagan liniya kuchlanishi bilan amalga oshirilishi kerak. 24 voltdan ortiq bo'lmagan kuchlanish bilan ta'minlanadigan SSBdan tashqari signal moslamalari uchun ochiq simli liniyalarga yo'l qo'yiladi. Aloqa vositalarini tok bilan ta'minlash uchun barcha ko'chma elektr mashinalari mustaqil tok bilan ta'minlash manbalari bilan jihozlanishi kerak.

9.15. Ishlab chiqarishni boshqarishning barcha texnikaviy vositalariga, yer osti va havo kommunikatsiyalarini ham hisobga olgan holda, barcha o'zgarishlar, ular amalga oshirilgandan keyin 10 kundan ko'p bo'lmagan muddat ichida kiritiladigan, batafsil texnikaviy hujjatlar tuzilgan bo'lishi kerak.

9.16. Aloqa, signalizatsiya va nazoratning barcha inshootlarini davriy ko'rikdan o'tkazish hamda ta'mirlash oyiga kamida ikki marta, o'rta va kapital ta'mirlashlar — ochiq konning bosh muhandisi tomonidan tasdiqlangan jadval bo'yicha o'tkazilishi kerak.

9.17. Aloqa va dispetcherizatsiya inshootlariga xizmat ko'rsatuvchi xodimlar SSSR qora metallurgiya Vazirligi korxonalarida aloqa va dispetcherizatsiya inshootlaridan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi Qoidalarini, iste'molchilar elektr qurilmalaridan foydalanishda xavfsizlik texnikasi Qoidalarini, egallagan lavozimi hamda bajarayotgan ishiga qo'llaniladigan mehnat muhofazasi bo'yicha yo'riqnomalarni bilishi va bajarishi, ish joyida tajribali mutaxassislar rahbarligi ostida ishning xavfsiz

uslublari o'qishidan o'tishi hamda malaka komissiyasida ma'lum malaka guruhini berish bilan bilimlari tekshiruvdan o'tishi kerak.

9.18. Sexlar, xizmatlar, uchastkalarining rahbarlari, ustalar hamda aloqa va dispetcherizatsiya vositalariga xizmat ko'rsatish bo'yicha ishlarni boshqaruvchi boshqa mansabdor shaxslar xavfsizlik texnikasi bo'yicha chora-tadbirlarni tashkillashtirish uchun javobgar bo'ladilar, xavfsizlik qoidalarining bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshiradilar hamda quyidagilarga majburlar:

a) o'z korxonasidagi xavfli va oshirilgan xavfli joylar hamda ishlarning ro'yxatiga ega bo'lishi va ularni bilishi;

b) xavfsizlik texnikasi, mehnat muhofazasi hamda sanoat sanitariyasi bo'yicha qoidalar, me'yorlar va yo'riqnomalarga muvofiq ish joylari hamda ishlarni tashkillashtirishni ta'minlashi;

v) jihozlar, mexanizmlar va to'siqlarning ishga yaroqli bo'lishini ta'minlashi;

g) xodimlarni himoyalash vositalari, moslamalar va instrumentlar bilan ta'minlash hamda ularning o'z vaqtida tekshirilishini nazorat qilishi;

d) barcha xodimlar tomonidan ishlarni yuritishda xavfsizlik qoidalarini o'rganishlarini ta'minlash va ularga rioya qilinishi nazoratini olib borishi.

9.19. 240 volt dan ortiq kuchlanishli radiolashtirilgan havo liniyalarida ishlaganda, avval simlarda kuchlanishning yo'qligiga ishonch hosil qilish, shundan keyin ularni tutashtirish va ish joyidan har ikkala tomonidan zaminlash kerak.

9.20. 240 volt dan ortiq kuchlanishli radiolashtirilgan kabel liniyalarida ishlaganda, avval kuchlanishning yo'qligiga ishonch hosil qilish, shundan keyin kabelni kuchlanish berish joyidan, oldin uni ta'minlash manbaining klemmalaridan uzib zaminlash kerak.

9.21. Yashin vaqtida havo va kabel liniyalarining kirishlarida elektr o'Ichashlarni o'tkazish taqiqlanadi.

9.22. Radioqidirish aloqasi uzellarining 65 volt dan ortiq kuchlanish ostida bo'lgan yalong'och tok o'tkazuvchi qismlari, tasodifiy tegib ketishlardan to'siqlar bilan yopilgan bo'lishi kerak.

9.23. Yerga nisbatan 240 volt dan ortiq kuchlanishga ega bo'lgan kuchaytirgichlar, to'g'rilagich apparaturalar va transformatorlar to'siqlarining eshiklari hamda yopiladigan kojuxlari, to'silayotgan qurilmaning ta'minlash kuchlanishini o'chiradigan, to'g'rilagichlar filtrlarining kondensatorlarini zaryadsizlantiradigan va chiqarish liniyalarini kuchaytirgichning chiqish transformatoridan uzadigan blokirovka moslamasiga ega bo'lishi kerak.

9.24. Kuchaytirish apparaturasini ko'rikdan o'tkazish, tozalash va ta'mirlashdan oldin izolyatsiyalovchi dastali zaryadsizlagich yordamida, filtrim kondensatorlarini zaryadsizlantirish kerak.

9.25. SSB va aloqaning tezkor-ta'mirlash xodimlariga joriy foydalinish tartibida, tezkor jurnalga yozgan holda quyidagi ishlarni bajarishga ruxsat beriladi:

a) kuchlanishni uzmasdan – releli stativlarda va yo'l qutilaridagi saqlagichlarni, svetoforlardagi lampalarni almashtirish, radio apparaturalarni rostdash;

b) kuchlanishni qisman uzgan holda – yo'l va signal transformatorlarini hamda strelkali motorlarni almashtirish; signal va strelka kabelining tolalarini almashtirib ulash; stativlar va shkaflardagi to'g'rilagichlarni hamda ta'minlovchi qurilmadagi saqlagichlarni almashtirish.

Farmoyish bo'yicha tezkor-ta'mirlovchi xodimlarga quyidagilarni bajarishga ruxsat beriladi:

a) kuchlanishni uzmasdan – stansiyalar va postlarning kirish panellarida fiderlarni fazalashtirish bo'yicha ishlar;

b) kuchlanishni qisman uzgan holda – kirish panellaridagi kontaktlar va kontaktorlarning g'altaklarini, 24 volt hamda 220 voltli panellarda to'g'rilagichlar va drossellarni, TS-25/0,5 transformatorlarini almashtirish, ularni ta'mirlash hamda rele panelida kabellarni ulash.

Ishlar tarkibi ikki nafardan kam bo'lmagan xodimlar tomonidan bajariladi.

10-bob

KONTAKT TARMOG'I

10.1. Ushbu bobning talablari statsionar tayanchlarga ham, ko'chma tayanchlarga ham montaj qilingan elektr transportni ta'minlovchi podstantsiyalarning shinalaridagi kuchlanishi 1650 volt va 3300 volt bo'lgan o'zgarmas tok hamda kuchlanishi 10,5 kilovolt bo'lgan o'zgaruvchan tok kontakt tarmoqlari moslamalariga qo'llaniladi.

10.2. Kontakt tarmog'i moslamalaridan to'g'ri va aniq foydalanishni tashkillashtirish uchun javobgarlik quyidagilarni ta'minlashi shart bo'lgan, kontakt tarmog'ining boshlig'i hamda temir yo'l sexining (TYS) boshlig'i yoki ochiq kon (kon) boshlig'ining temir yo'l transporti bo'yicha o'rinnbosariga yuklatilgan:

a) moslamalarning ishonchli ishlashi va xizmat ko'rsatuvchi xodimlarning xavfsizligi;

b) texnikaviy xizmat ko'rsatish va ta'mirlashlarning (joriy va kapital) o'z vaqtida o'tkazilishi;

v) yangi texnikalarni joriy etish, xizmat ko'rsatishning ilg'or uslublarini o'rganish, umumlashtirish va tarqatish, mehnatni ilmiy tashkil etishni joriy etish;

g) foydalanishning progressiv uslublari asosida mehnat unumdorligini oshirish va moslamalarning xizmat muddatini uzaytirish;

d) xizmat ko'rsatuvchi xodimlarning o'qishlarini, malakalarini oshirishlarini, ko'rsatmalardan o'tishlarini va bilimlarining davriy tekshirishlardan o'tkazilishini tashkillashtirish;

e) transport-tiklash vositalarining (avtodrezin, avtomotris, avtomashina va boshqalarning) ishga yaroqliligini va doimiy tayyor bo'lishini, shuningdek ularning o'z vaqtida ehtiyoq qismlar, detallar, simlar, tayanchlar hamda boshqa kerakli materiallar va jihozlar bilan to'ldirib turilishi;

j) himoya qilish vositalarining lozim darajadagi holati;

z) kontakt tarmog'i moslamalari ishlarining buzilishi oldini olish chora-tadbirlarining o'tkazilishi;

10.3. TYSning kontakt tarmog'i xizmatida quyidagi texnikaviy hujjatlar yuritilishi va muntazam to'g'rilanib turishi kerak:

a) kontakt tarmog'ining elektr transportni ta'minlovchi podstantsiyalar, seksiyalash postlari, seksiyali ajratgichlar va masofadagi simlarni boshqarish pulplarining joylashishi, boshqa elektr uzatish liniyalari, aloqaning havo liniyalari, avtomobil yo'llari hamda boshqa kommunikatsiyalar bilan kesishishlari ko'rsatiladigan ijro rejas;

b) kontakt tarmog'ining boshqa liniyalar va kommunikatsiyalar bilan kesishish joylari ko'rsatilgan tok bilan ta'minlash va seksiyalash sxemasi;

v) belgilangan shakllardagi hujjatlar;

g) barcha rahbarlik yo'riqnomalari, nizomlar va buyruqlar;

d) jamoatchilik inspektorlarining mulohazalarini va tekshirishlari natijalarini yozib borish uchun kitob;

e) himoya vositalari, montyorlik kamarlari, tirnoqlar, bloklar, shtangalar va boshqa moslamalarning saqlanishi to'g'risidagi ma'lumotlarni yozib borish uchun kitob (shakli ixtiyoriy);

j) kontakt tarmog'i konstruksiyalari va montaj detallarining namunaviy pasportlari albomi;

z) kontakt tarmog'i xodimlarining, iste'molchilarning elektr qurilmalaridan texnikaviy foydalanish Qoidalarini, elektrlashgan temir yo'l kontakt tarmog'idan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi va ishlab siqarish sanita-

niyasi Qoidalarini hamda avtoblokirovkani elektr bilan ta'minlash moslamalari va mazkur yo'riqnomani bilishlarini tekshirish jurnali.

Texnikaviy hujjatlarning holati va ularning o'z vaqtida to'g'rilanishi uchun umumiy javobgarlik kontakt tarmog'i xizmatining boshlig'iga yuklatilgan.

10.4. Elektr transportlarni ta'minlovchi moslamalar quyidagilarni ta'minlashi kerak:

ishlayotgan elektrovozlarni elektr energiyasi bilan uzluksiz ta'minlash; harakatning berilgan tezliklarida va korxonada joylashgan rayon uchun me'yoriy hisob-kitoblar bilan aniqlanadigan iqlim sharoitlarida ishonchli tok uzatish;

xizmat ko'rsatish va kontakt tarmog'ini boshqarishning qulayligi; ishlarni bajarishdagi xavfsizlik.

Lokomotivlarning tok qabul qilgichlarida va elektr transportni ta'minlovchi podstansiyalarning shinalarida eng katta hamda eng kichik kuchlanishlarning kattaliklari maksimal yuklamada 10.1-jadvalda ko'rsatilgan kattaliklarga muvofiq bo'lishi kerak.

10.1-jadval

Elektr transportni ta'minlovchi podstansiyasi va lokomotivning tok qabul qilgichidagi kuchlanishlar

Tokning turi	Kuchlanish, volt				
	Elektr transportni ta'minlovchi podstansiyasining shinalarida		lokomotivning tok qabul qilgichida		
	nominal	eng ko'p	nominal	eng ko'p	eng kam
O'zgarmas	3300	3850	3000	3850	2000
	1650	1950	1500	1950	1000
O'zgaruvchan	10 500	11 500	10 000	11 500	7500

10.5. Elektr transportlarni ta'minlovchi tarmoq simlarining kesimi va markalarini tanlash, simlarni qisqa tutashuv hamda qizish toklariga tekshirish sanoat transportini loyihalashtirishning SMvaQ talablariga muvofiq amalga oshiriladi.

10.6. Peregonlardagi, stansiyalar va boshi berk yo'llardagi kontaktli osmalarining turlari poyezdlarning qabul qilingan harakat tezligiga, simlarni osish sharoitlari hamda korxonada yo'llarining ko'rib chiqilayotgan uchastkasidagi transport ishlarining texnologik sxemalariga bog'liq holda tanlangan bo'lishi kerak.

Harakatlanishning eng katta tezligiga bog'liq holda, simlarni osishning quyidagi tizimlari qabul qilinadi:

a) oddiy kompensatsiyalanmagan osish – ochiq konlar va ag'darmalarning ko'chma yo'llarida hamda harakatlanish tezligi 15 km/soatdan ortiq bo'lmaganda, statsionar yo'llarning alohida uchastkalarida (bunkerlar, yuklashning qopqoqli tiryuklari ostida, sexlarning ichida va shu kabilarda);

b) oddiy kompensatsiyalangan osish – harakatlanish tezligi 50 km/soatdan ortiq bo'lmaganda, barcha doimiy yo'llarda;

v) zanjirli yarim kompensatsiyalangan osish - harakatlanish tezligi 50 km/soatdan ortiq bo'lganda. Zanjirli osishni tanlash texnika-iqtisodiy hisob-kitoblar bilan asoslangan bo'lishi kerak.

10.7. Ochiq konning kelish yo'llarida turli xillardagi (oddiy va zanjirli) kontaktli osishlarni qo'llashga yo'l qo'yilmaydi.

Agar, korxonalarining kelish yo'llari peregonlari uchun oddiy kompensatsiyalangan osish loyihalashtirilayotgan bo'lsa, xuddi shunday osish stansiyaning barcha yo'llarida ham bo'lishi kerak.

Agar, peregonlarda zanjirli osish loyihalashtirilayotgan bo'lsa, stansiyaning asosiy yo'llarida zanjirli osish ham, oddiy kompensatsiyalangan osish ham qabul qilinishi mumkin. Zanjirli va oddiy osishlarni tutashtirish peregonning asosiy yo'llarida stansiyaga kelishdagi yarimi zanjirli, ikkinchi yarimi esa oddiy osish sifatida ishlaydigan anker uchastkasida bajarilishi kerak.

10.8. Kontakt tarmog'i simlarini osishning balandligi 10.2-jadvaldagi ma'lumotlarga muvofiq qabul qilinadi.

10.2-jadval

Kontakt simlarini osishning balandligi

Kontakt simi osmasining turi	Kontakt simini osish joyi	Kontakt simini osishning relslar kallagi sathi ustidan o'rtaidagi balandligi	
		eng kami	eng ko'pi
Markaziy	O'ushlarda, stansiyalar va raz'ezdlar, sun'iy instbootlar ostidan	5750	6500
		6250	6500
		5550	-
Yon tomon	Ko'chma yo'llarda va yuklash bunkerlari ostidan	4900	5300

10.9. Kontakt tarmog'ining tayanchlarini o'rnatishda, yo'lining o'qidan tayanchning ichki chetigacha bo'lgan masofa 10.3-jadval ma'lumotlariga muvofiq bo'lishi kerak.

Yo'ning o'qidan yon tomondagi kontakt simigacha bo'lgan masofa, elektrovoznung yon tomon tok qabul qilgichi turiga va qo'llanilayotgan ekskavatorning turiga bog'liq holda 2,9 – 3,5 metr oralig'ida bo'lishi kerak.

10.3-jadval

Yo'ning o'qidan tayanchning ichki chetigacha bo'lgan masofa

Kontakt simi osmasining turi	Tayanchlarni o'rnatish joyi	Masofa, millimetrlarda		
		normal	minimal	tayanchlar yo'l orqasiga o'rnatilganda
Markaziy	To'g'rida yoki egrilikning tashqarisida	3100	2750	5000-5500
YOn tomon	Egrilikning ichida	3350	3300	
	To'g'rida va egrilikda	4200	3500	

10.10. Ochiq kon qazishlarida qo'llanilayotgan doimiy kontakt tarmog'ining osmalari konstruksiyalar uchun o'tishning maksimal kattaligi 10.4-jadvalda, ochiq konlar va ag'darmalarning ko'chma yo'llaridagi yon tomon kontakt tarmog'i uchun esa, 10.5-jadvalda keltirilgan.

10.4-jadval

Kontakt simlari osmalarining doimiy yo'llardagi o'tishi uzunligi

Egrilik radiusi, metr	Tortishni roslash bilan oraliqning uzunligi, metr		Egrilik radiusi, metr	Tortishni roslash bilan oraliqning uzunligi, metr	
	avtomatlashgan	mavsumiy		avtomatlashgan	mavsumiy
To'g'ri	50	35	300	35	35
1000	50	35	250	32	32
800	50	35	200	30	30
600	47	35	150	26	26
500	44	35	125	24	24
400	40	35	100	21	21

10.5-jadval

Kontakt simlari osmalarining ochiq konlar va ag'darmalar ko'chma yo'llaridagi o'tish uzunligi

Egrilik radiusi, metr	Oraliq uzunligi, metr	Egrilik radiusi, metr	Oraliq uzunligi, metr
To'g'ri	18	200	10
500	14	150	8
400	12	100	7
300	11	80	5

10.11. Markaziy tok uzatish kontakt tarmog'ining liniyalarida metall, temir-beton yoki yog'och tayanchlar qo'llanilishi kerak.

Yon tomon tok uzatish liniyalarida temir-beton, metall yoki yog'och asoslardagi alohida turadigan yog'och ko'chma tayanchlar qo'llanilishi kerak. Kontakt tarmog'i ko'chma tayanchlarining barqarorligi temir-beton plitalar yoki tuproq bilan qo'shimcha yuklash orqali ta'minlanadi.

Yon tomon kontakt tarmog'ining yog'och ko'chma tayanchlarini tayyorlash uchun III sort dumaloq shimdirilmagan yog'ochlardan foydalaniladi.

10.12. Kontakt simi sifatida, tortishning ruxsat etilgan kattaligi 10.6-jadvalda keltirilgan standart kesimdagi profillangan mis simlar qo'llanilishi kerak.

10.6-jadval

Kontakt simlarini tortishning ruxsat etilgan kattaligi

Simlarning murkallari	Tortishning ruxsat etilgan kattaligi, kH	
	kompensatsiyalanmagan osishda (maksimal)	kompensatsiyalangan osishda (nominal)
Doimiy yo'llarda		
MF-65	8,30	6,40
MF-85	10,30	8,30
MF-100	11,76	9,80
MF-120	14,75	11,76
MF-150	17,15	14,76
Brf-100	13,72	12,74
Ko'chma yo'llarda		
MF-65	2,94	-
MF-85	3,92	-
MF-100	4,90	-
MF-150	7,35	-

10.13. Kontakt simlarining yeyilishi kesimining balandligiga bog'liq holda ilovaga muvofiq aniqlanadi. Kontakt simlarining ruxsat etilgan yeyilishi va simlarning qolgan qismi kesimining balandligi 10.7-jadvalda keltirilgan.

10.7-jadval

Kontakt simlarining ruxsat etilgan yeyilishi va simlarning qolgan qismi kesimining balandligi

Ko'rsatkich	Kontakt simining markasi			
	MF-100		MF-85	
	Tok uzatish liniyalarida			
	markaziy	yon tomon	markaziy	yon tomon
Ruxsat etilgan yeyilish, ... dan ko'p emas, mm ² - Kesimning qolgan balandligi, ... dan kam emas, mm	35	40	25	30
	7,79	7,38	7,53	7,08

10.14. Mahkamlab qo'yadigan sim-arqonlar va simlarning ankerlaridagi fiksatorli va taranglovchi izolyatorlar, shuningdek kontakt tarmog'ining osma hamda tayanch izolyatorlari tayanchlardan shunday masofada joylashtirilishi kerakki, kontakt tarmog'ining kuchlanish ostida bo'lgan qismlari, o'zgaras tok kontakt tarmoqlari uchun tayanchning eng yaqin yuzalaridan 800 millimetrdan kam bo'lmagan, o'zgaruvchan tok kontakt tarmoqlari uchun 1000 millimetrdan kam bo'lmagan uzoqlikka chiqarilishi kerak (bu talab izolyatsiyalangan konsolli tayanchlarga, shuningdek o'zgaruvchan tokda fiksatorli hamda mahkamlab qo'yadigan sim-arqonlardagi o'yib o'rnatiladigan izolyatorlarga qo'llanilmaydi).

10.15. Ankerli uchastkalarining tutashmalari (izolyatsiyalamaydigan va izolyatsiyalovchi), shuningdek havo strelkalari tok qabul qilgichning sirpan-g'ichini bitta anker uchastkasining kontakt simidan ikkinchisining kontakt simiga tok uzatishni buzmasdan hamda o'rnatilgan tezlikni pasaytirmasdan silliq o'tishini ta'minlashlari kerak.

Kontakt tarmog'i o'tish uchastkasi ishchi qismining markaziy tok uzatish liniyasidan yon tomon tok uzatish liniyasigacha bo'lgan (teskarisi ham) va yo'lning bir tomoni yon tomon tok uzatish liniyasidan yo'lning ikkinchi tomoni yon tomon tok uzatish liniyasigacha bo'lgan uzunligi 40 metrdan kam bo'lmasligi kerak.

Markaziy tok uzatish liniyasi tomonidan o'tishning oxiriga "Markaziy kontakt tarmog'ining oxiri" belgisi o'rnatilishi kerak.

10.16. Markaziy osmadan yon tomon kontakt simlariga o'tish joylarida nishablik bilan quyidagilar osilishi kerak:

markaziy osmaning simi 1/50 (0,02)

yon tomon osmaning simi 1/25 (0,04)

10.17. Havo strelkalari shunday bajarilgan bo'lishi kerakki, u bo'ylab tok uzatuvchining barcha yo'nalishlar bo'yicha silliq va ishonchli o'tishi ta'minlansin. Havo strelkalari kontakt simlarining kesishishlari bilan mahkamlangan qilib bajariladi. Ikkinchi darajali yo'llarda mahkamlanmagan havo strelkalarini qo'llashga ruxsat beriladi.

Kontakt simlarining o'zaro kesishishlarisiz havo strelkalarini qurishga yo'l qo'yilmaydi.

10.18. Kontakt tarmog'i havo oraliqlari (izolyatsiyalovchi tutashmalar), neytral kirgizmalar va seksiyali izolyatorlar yordamida alohida uchastkalarga (seksiyalarga) bo'linadi. Neytral kirgizmalar va seksiyali izolyatorlar yo'lning gorizontal uchastkalarida o'rnatilishi kerak.

Elektr bilan ta'minlash va kontakt tarmog'ini seksiyalash sxemasida normal foydalanish sharoitlarida, tarmoqning barcha seksiyalarini elektr

bilan uzluksiz ta'minlash, shuningdek ta'mirlash va tarmoqdagi avariya-
larda, korxonaning asosiy yo'llarida, transportning normal texnologik ish-
lashini ta'minlagan holda ishlashi ko'zda tutilishi kerak.

Neytral kirgizmalarning o'rnatilishi va joylashishi, poyezdlarning
neytral kirgizmani to'sib turuvchi signal belgisi oldidan 20 km/soatdan ko'p
bo'lmagan tezlikda to'xtamasdan o'tib ketishini ta'minlashi kerak.

10.19. Kontakt tarmog'ining quyidagi uchastkalari majburiy mustaqil
elektr ta'minoti bilan seksiyalanishi kerak:

- a) yuk yo'nalishining asosiy yo'llari;
- b) yuksiz yo'nalishning asosiy yo'llari;
- v) tashqi kelish yo'llari;
- g) taqsimlash stansiyalarining ayrim seksiyalari;
- d) depo va traksion yo'llari.

Kontakt tarmog'ining quyidagi uchastkalari yo'llarda majburiy
mustaqil elektr ta'minotsiz seksiyalanishi kerak:

- a) oraliq ajratilgan punktlar;
- b) yuklash tushirish (omborlarda, ustaxonalar va shu kabilar);
- v) yo'lga tayyorlash moslamalari va texnikaviy ko'rikdan o'tkazish
punktlari.

10.20. Ochiq konlarning ag'darmalari, ochish va qazib chiqarish po-
g'onalari ko'chma yo'llaridagi kontakt tarmoqlari alohida fiderlardan elektr
bilan ta'minlanishi kerak. Bitta fiderdan ochiq konning ikkita dan ortiq bo'l-
magan yuklash frontlari yoki ag'darmadagi ikkita yuk tushirish frontlari ta-
minlanishiga ruxsat beriladi.

Ko'chma yo'llar kontakt tarmoqlarining markaziy kontakt tarmog'idan
elektr tutashtirgich bilan ajratgich orqali elektr bilan ta'minlashiga, tegishli
texnika-iqtisodiy asoslashlar mavjud bo'lgan ayrim hollarda yo'l qo'yiladi.

10.21. Taqsimlash postlari statsionar yoki ko'chma bo'lishi mumkin.
To'rttadan ortiq chiqish liniyalari mavjud bo'lgan statsionar va ko'chma
taqsimlash postlari elektr transportni ta'minlovchi podstansiyasidan kela-
digan ikkita kirishga ega bo'lishi kerak.

10.22. Yuklash va tushirish ishlari uchun, elektrovozlarning qopqoqi
jihozlarini, elektrovozlarning shaylaydigan va tindiradigan yo'llarini ko'rik-
dan o'tkazish uchun mo'ljallangan yo'llarning kontakt tarmoqlari seksi-
yalangan uchastkalarini elektr bilan ta'minlash pichoqlari zaminlangan sek-
siyali ajratgich orqali ko'zda tutilishi kerak.

10.23. Yon tomon kontakt tarmog'ini seksiyalash shunday amalga
oshirilishi kerakki, elektr bilan ta'minlaydigan liniyaning ajratgichi yoki
markaziy tarmoqdan yon tomonga elektr bilan ta'minlaydigan tutashtirgichi

uzilgan bo'lganda, kuchlanishning yon tomon tarmog'iga tushishi imkoniyati mavjud bo'lmasligi kerak.

10.24. Kontakt tarmog'ini seksiyalash punktlari to'g'ri chiziqli uchastkalarda yoki katta radiusli egriliklarda joylashishi kerak.

10.25. Neytral kirgizmali seksiyalovchi punktlarda, neytral kirgizmaga seksiyalangan uchastkalardan bittasining kontakt simidan tok berish imkoniyati ko'zda tutilgan bo'lishi kerak.

10.26. O'zgaruvchan tok kontakt tarmoqlarini tok bilan ta'minlash va seksiyalash sxemalarini ishlab chiqishda, elektr transportni ta'minlovchi transformatorning nominal quvvatidan to'liq foydalanish uchun fazalarning bir xil o'lchamda yuklanishiga harakat qilish kerak.

Tok bilan ta'minlash fazalarning ajralgan joylarida neytral kirgizmali seksiyalash punktlari ko'zda tutilishi kerak.

10.27. Toksizlantirilgan neytral kirgizmalar va seksiyali izolyatorli neytral kirgizmaga ega bo'lgan seksiyalash punktlari "Tokni o'chir", "Tokni qo'sh" belgilari bilan to'silishi kerak. Belgilar SSSR temir yo'llaridagi signalizatsiyalar bo'yicha Yo'riqnomaga muvofiq o'rnatilishi kerak.

10.28. Tok bilan ta'minlash va statsionar kontakt tarmoqlarini seksiyalash punktlaridagi, shuningdek elektr transportni ta'minlovchi podstantsiyadan keladigan tok bilan ta'minlash havo liniyalarining chiqishlaridagi uzatmali ajratgichlar relslar kallagi sathidan (yoki yerning yuzasidan) 7 metrdan kam bo'lmagan balandlikda joylashishi kerak.

Seksiyalash punktlari va ko'chma kontakt tarmog'ini tok bilan ta'minlash punktlaridagi uzatmali ajratgichlar kontakt simining osilish sathidan past bo'lmagan holatda joylashishi kerak.

Uzatmalari mavjud bo'lmagan seksiyali ajratgichlar yerning yuzasidan 3,7 metrdan kam bo'lmagan holda o'rnatilishi kerak.

Ajratgichlarni kontakt tarmog'iga ulash ochiq egiluvchan mis simlar bilan bajariladi. Ulash simlarining soni tok bilan ta'minlash liniyasining nominal toki bo'yicha (lekin har bir kesim uchun ikkitadan kam bo'lmagan) tanlanadi.

10.29. Ajratgich tok bilan ta'minlash punktida seksiyalangan uchastkaning barcha kontakt simlariga yoki barcha kontakt simlari o'zaro ochiq egiluvchan mis simlardan tayyorlangan elektr biriktirgichlar bilan o'zaro ulanishi kerak.

10.30. O'zgarmas tokning elektrlashtirilgan liniyalarida va avtomatlashgan blokirovkalar mavjud bo'lgan o'zgaruvchan tokning elektrlashgan liniyalarida, doimiy yo'llarda relslarning tutashgan joylari hamda yo'llar orasidagi biriktirgichlar, payvandlash joyida kontaktning yuzasi 250 mm^2

dan kam bo'lmagan, o'zgaras tok uchun kesimi 70 mm^2 dan va o'zgaruvchan tok uchun kesimi 50 mm^2 dan kam bo'lmagan egiluvchan mis simlardan tayyorlangan payvandlangan tutashuvchi elektr biriktirgichlarga ega bo'lishi kerak.

Ochiq konlar va ag'darmalarning ko'chma yo'llarida tutashuvchi relsli birikmalar qo'yilmaydi.

10.31. Ikki chiziqli zanjirlari bo'lgan avtomatlashgan blokirovkalar bilan jihozlangan elektrlashgan liniyalarda, har bir yo'lda yo'l chiziqlarini parallel biriktirish izolyatsiyalangan tutashish joylarida o'rnatilgan drossel-transformatorlar bilan amalga oshiriladi. Yo'llarni parallel biriktirish yo'l drossel-transformatorlarining o'rta nuqtalari orasiga ikki drossel tutashmalaridan keyin uchinchisiga o'rnatilgan maxsus o'tkazgichlar bilan ta'minlanadi.

Temir yo'l chiziqlari avtoblokirovka yoki elektr markazlashuv uchun foydalanilmaydigan elektrlashgan yo'llarda, relslar orasi va yo'llar orasi biriktirgichlari, mos ravishda har 250-300 va 500-600 metrga o'rnatilgan bo'lishi kerak.

Bir chiziqli relsli zanjirlari bo'lgan SSB stansiyalarida, elektr tortuvchi relsli chiziqlari yo'llar o'rtasida biriktirish stansiyalarning og'izlaridagi kirish signallarida, so'rish simlarini biriktirish punktlarida, podstansiyalarining oldida va yo'lning har 400 metrda amalga oshiriladi.

10.32. Statsionar kontakt tarmoqlarining tayanchlarida, agar bunda elektr uzatish liniyalarida kuchlanish bo'lganda ishlarni bajarish imkoniyati ta'minlansa, 6-10 kilovolti Hlining simlarini osishga yo'l qo'yiladi.

10.33. O'zgaras tokning 3 kilovoltgacha kuchlanishli statsionar kontakt tarmog'ining tayanchlarida, elektrlashgan temir yo'llarni texnologik loyihalashning me'yorlariga muvofiq neytrali izolyatsiyalangan va zaminlanib tashlangan yoritish liniyalarining simlarini osishga yo'l qo'yiladi.

10.34. Kontakt tarmog'ining kuchlanishi 3 kilovolt dan ortiq bo'lganda, uning tayanchlaridan yoritish tarmog'i simlarini osish uchun foydalanishga yo'l qo'yilmaydi.

10.35. 6-10 kilovoltli Hlining, shuningdek yoritish va aloqa liniyalarining simlarini ko'chma kontakt tarmog'ining tayanchlariga osishga yo'l qo'yilmaydi.

10.36. Quyidagilar zaminlanishi kerak: o'zgaras tok kontakt tarmog'idan 5 metrdan va o'zgaruvchan tok kontakt tarmog'idan 10 metrdan yaqin masofada bo'lgan barcha metall konstruksiyalar (ko'priklar, ko'priklar yo'llar, piyodalar o'tuvchi ko'priklar, svetoforlar, sexlar va sun'iy inshootlarning, gidrokolonkalarining metall imoratlari, gaz uzatish quvurlari hamda

boshqa uzatuvchi quvurlarning tayanch konstruksiyalari); kontakt tarmog'ining metall tayanchlari; stasionar va ko'chma kontakt tarmoqlari temir-beton hamda yog'och tayanchlarida joylashgan avtomatlashgan ankerlashlarning konstruksiyalari va seksiyalangan ajratgichlarning uzatmalari; yog'och tayanchlarga o'rnatilgan kompensatorlarning uzatmalari; hosil qilingan xavfli kuchlanishlar paydo bo'lishi mumkin bo'lgan, bir fazali o'zgaruvchan tok kontakt tarmog'ining ta'sir zonasida joylashgan barcha metall inshootlar.

10.37. Kontakt tarmog'i va yaqinda joylashgan inshootlarni zaminlash yakka tartibdagi ham, elektr tortish rels chiziqlariga yoki drossel-transformatorlarning o'rta nuqtasiga ulanadigan guruhli zaminlovchi simlar bilan ham bajarilishi mumkin.

Guruhli zaminlashlar yakka tartibdagi zaminlashlarni yotqizish qiyin bo'lgan yoki ular shikastlanishi mumkin bo'lgan joylarga o'rnatiladigan kontakt tarmog'ining tayanchlari uchun qo'llanilishi kerak.

10.38. O'zgaruvchan tok kontakt tarmoqlarida, transformatorning neytrali relslarga, projektorlar, yoritgichlar, taqsimlash korobkalari va qutillarining korpuslariga zaminlanganda, kabellarning bronlovchi qobiqlari relslar bilan ishonchli birlashtirilgan hamda zaminlangan bo'lishi kerak. Ta'minlovchi transformatorning neytrali yakka tartibda zaminlanganda, yoritgichlar va projektorlarni tayanchlardan izolyatsiyalangan yog'och taxtalarga va maydonchalarga o'rnatish kerak, tayanchlarning o'zlari esa, tortuvchi relsga uchqunsiz oraliqlarsiz ikkilama zaminlashga ega bo'lishi kerak.

10.39. Ochiq konning kontakt tarmoqlari ortiqcha yuklama va qisqa tutashuvlarsiz, o'chirgichni vaqtini ushlab turmasdan uzishga ishlaydigan maksimal-tokli himoyasiga ega bo'lishi kerak.

10.40. Elektr transportni ta'minlovchi podstantsiya va taqsimlovchi punktlardan chiqadigan kontakt tarmog'ining liniyalari atmosfera hamda kommunikatsion o'ta kuchlanishlardan zaryadsizlagichlar bilan himoyalangan bo'lishi kerak.

10.41. Elektrovozning tok qabul qilgichidan yoki elektr tarmog'ining kuchlanish ostida bo'lgan elementlaridan tutib turuvchi konstruksiyalar: imoratlar va muhandislik inshootlari (ko'priklar, ko'prik yo'llar, bunkerlar va shu kabilar) qismlarining zaminlangan uchastkalarigacha bo'lgan eng kam masofa quyidagilardan kam bo'lmashligi kerak (millimetrlarda):

1 kilovoltgacha bo'lgan nominal kuchlanishda	150
1 kilovolt dan 4 kilovoltgacha bo'lgan nominal kuchlanishda	200
4 kilovolt dan 10 kilovoltgacha bo'lgan nominal kuchlanishda	250
10 kilovolt dan ortiq bo'lgan nominal kuchlanishda	350

Tor joylarda (mavjud sun'iy inshootlar, tutib turuvchi moslamalar, yon tomon kontakt tarmoqlari ostida va shu kabilar) bu masofalar mos ravishda 100, 150, 200 va 300 millimetrgacha kamaytirilishi mumkin.

10.42. Havo strelkalarini qisqichlarning mahkamlanishini tekshirgan holda ko'riqdan o'tkazish usta tomonidan oyiga kamida bir marta amalga oshirilishi kerak.

Kontakt simlarining vertikal va gorizontal gabaritlari yiliga kamida bir marta, yo'llarning holati barqaror bo'lmagan uchastkalarda (ko'chkilar, yangi to'kmalar va shu kabilar) esa, yiliga uch marta va albatta bahorning boshlanishida (kunlarning isishi, qorlarning erishida) tekshiriladi.

Har yili ayrim uzellar va detallar sinchiklab ko'zdan kechiriladigan hamda tekshiriladigan kompleks mavsumiy ko'riqdan o'tkazishlar amalga oshirilishi kerak (10.8-jadval).

10.8-jadval

Kontakt tarmog'ini kompleks mavsumiy ko'riqdan o'tkazish ishlarining tarkibi

Ishlarning nomlari	Har yildagi ko'riqdan o'tkazishlar soni				
	jami	bahorda	yozda	kuzda	qishda
Kontakt simining chuqurligi va zapaxlarini o'lchash	2	1	-	1	-
Kontakt simining o'sash balandligini o'lchash	1	-	-	-	-
Kontakt simining yeyilganligini o'lchash	2	1	-	1	-
Isolyatorlarni tozalash va tekshirish: pereyonlar va stansiyalarda	1	-	1	-	-
ko'priklar, ko'priklar yo'llar ostida, ko'chma yo'llarda	4	1	1	1	1
YOg'och taysanclarning zamindastmazga konstruksiyalaridagi izolyatorlarung holatini tekshirish	2	1	-	1	-
O'shnlarni ko'riqdan o'tkazish	2	1	-	1	-
Shtunllarning qo'shimcha simlarini ko'riqdan o'tkazish	2	1	-	1	-
Kontakt simlarini muazardan tozalash	2	1	-	1	-
Anchorli uchastkalar va havo strelkalarning izolyatsiyalanmaydigan qutashmalarini ko'riqdan o'tkazish:	zaruriyatga qarab	zaruriyatga qarab	zaruriyatga qarab	zaruriyatga qarab	zaruriyatga qarab
pereyonlarda	2	1	-	1	-
stansiyalarda	12	har oyda	har oyda	har oyda	har oyda
Anchorli uchastkalarning tutashmalarini ko'riqdan o'tkazish	2	1	-	1	-
Kontakt simlarining kompensatsiyalarini ko'riqdan o'tkazish	4	1	-	1	-
Kuchaytiriladigan, ta'minlanmaydigan va so'rib oladigan (suvalardagi) qisqichlarni ko'riqdan o'tkazish	2	1	-	1	-
Zaryadlanishchilarni ko'riqdan o'tkazish	2	1	-	1	-
Egilevchan ko'ndalang to'sinlarni ko'riqdan o'tkazish	1	-	-	-	-
Mahkamlab turuvchi sim-arqonlarning tarangligini rostdash	2	1	-	1	-
Osular va sun'iy inshootlarni ko'riqdan o'tkazish	4	1	-	1	-
To'sadigan stichlarni ko'riqdan o'tkazish	1	1	-	1	-

Sekulyar ushbu yozuvlarni ko'rikdan o'tkazish	6	ikki oyda bir marta			
Sekulyar aytgichlarni ko'rikdan o'tkazish: tez-tez almashtirib ulanadiganlarni qoligalari	4 2	1 1	1 1	1 1	1 1
So'nb uladigan sumlarning relslarga ulanishini ko'rikdan o'tkazish	12	har oyda	har oyda	har oyda	har oyda
Idkash oraliqlarni ko'rikdan o'tkazish va oshqaroyan tekshirish	12	har oyda bir marta va qo'shimcha kuchli yashinlardan keyin	har oyda bir marta va qo'shimcha kuchli yashinlardan keyin	har oyda bir marta va qo'shimcha kuchli yashinlardan keyin	har oyda bir marta va qo'shimcha kuchli yashinlardan keyin
Zamnatlarni ko'rikdan o'tkazish: pargonlarda	4	1	1	1	1
stanoyalarda	6	ikki oyda bir marta			
ko'chma yo'llarda	12	har oyda	har oyda	har oyda	har oyda
Konsollar va osnialarning mahkamlanishini ko'rikdan o'tkazish	1		1		har oyda
Ko'chma tayanchlarni ko'rikdan o'tkazish	12	har oyda	har oyda	har oyda	
Toklarning suzib yo'qolishini tarlab tekshirish bilan tayanchlarning poydevorlarini ko'rikdan o'tkazish	1		1		
Ko'priklardagi tayanchlarning mahkamlanishini ko'rikdan o'tkazish	2	1		1	
Tonqilarni, ularga o'matilgan izolyatsiyalovchi qatlamlarni tekshirish bilan ko'rikdan o'tkazish	1		1	1	1
Rel sarmoqlarini ko'rikdan o'tkazish	4	1	1	1	1
Gshant balandliklarni ko'rikdan o'tkazish	1				

10.43. Kontakt tarmog'ini joriy ta'mirlashda jihozlarning texnikaviy holatlarini sinchiklab tekshirish, rostdash, tozalash, moylash va ayrim-ayeylangan detallari hamda uzellarini almashtirish, portlashlardan shikastlangan ustunlarni almashtirish, deformatsiyalangan kronshteynlar va riksatorlarni to'g'rilash yoki almashtirish, izolyatorlarni yaroqli-yaroqsizga ajratish hamda almashtirishlar nazarda tutiladi.

Ko'chma kontakt tarmog'ini joriy ta'mirlash, qazish joyining ishlab bo'linishiga qarab yangi joyga ko'chirish bilan birga amalga oshiriladi.

10.44. Barcha yangidan montaj qilingan, o'tkazilgan yoki ko'chirilgan kontakt tarmoqlari elektrovazda o'tish harakatlari ochilgunga qadar tekshirilgan bo'lishi kerak. Bu tekshirishni kontakt tarmog'i uchastkasining ustasi yoki brigadiri amalga oshiradi. Ta'minlovchi simlar va qisqichlarning qizishi aniqlangan holatlarda, kontakt tarmog'i xizmatining xodimlari zudlik bilan nosozliklarning bartaraf etilishi choralarini ko'rishlari kerak.

10.45. Elektrovazlarning barcha mashinistlarini, kontakt tarmog'ining sxemalaridagi barcha o'zgarishlar to'g'risida va tok qabul qilgichlarni almashtirib ulash uchastkalarining o'zgarganligi to'g'risida xabardor qilish kerak. Bu o'zgarishlar kontakt tarmog'i xizmati xodimlari tomonidan

ogohlantirishlarning maxsus kitobiga va temir yo'l sexining tezkor sxemasiga qayd etilishi kerak.

10.46. Poyezd harakatlanayotganda, tok qabul qilgichni konsollar va kontakt tarmog'ining havo strelkalari ostida ko'tarish taqiqlanadi. Tok qabul qilgichni ko'tarish shunday hisob-kitob bilan amalga oshirilishi kerakki, chang'ining kontakt simiga tegishi o'tishning o'rtasida amalga oshsin.

Mashinist neytral kirgizmali seksiyalangan izolyatordan o'tayotganda, elektrovozning tortish motorlarini o'chirishi kerak. Bitta podstansiyaning bir xil fazasi ta'minlash zonalarini ajratuvchi, neytral kirgizmasiz seksiyalangan izolyatordan o'tayotganda, elektrovozning tortish motorlarini o'chirish shart emas.

10.47. Kontakt tarmog'ini ta'minlash va seksiyalash sxemasi va undagi barcha o'zgarishlar korxonaning bosh muhandisi tomonidan tasdiqlanishi kerak. Sxemadan nusxalar olish stansiyaning texnika-boshqaruv dalolatnomalariga kiritilishi kerak.

10.48. Kontakt tarmog'idagi ishlar elektrlashgan temir yo'l kontakt tarmog'idan foydalanishda xavfsizlik texnikasi va ishlab chiqarish sanitariyasi hamda avtoblokirovkani elektr bilan ta'minlashning tuzilishi Qoidalari va iste'molchilarning elektr qurilmalaridan foydalanishda xavfsizlik texnikasi Qoidalariga muvofiq bajarilishi kerak.

10.49. Seksiyal ajratgichlar energiya dispetcherining buyrug'i bilan almashtirib ulaydi. Ajratgichlarning almashtirib ulashida bajarilishi kerak bo'lgan shartlar, shuningdek ajratgichlarning uzatmalarini yopishning kalitlari saqlanadigan joylari korxonaning bosh muhandisi tomonidan tasdiqlangan tartib bilan belgilanadi.

Uzatmalari bo'lmagan seksiyali ajratgichlarni o'chirish va qo'shish izolyatsiyalovchi shtangalar bilan amalga oshirilishi kerak.

Kontakt tarmog'i seksiyali ajratgichlarining uzatmalari maxsus kalitlarga ega bo'lgan qulflar bilan qulflanishi kerak.

10.50. Elektr transportni ta'minlash tarmog'idan foydalanish va ularni saqlash uchun mas'ul bo'lgan shaxslar (kontakt tarmog'ining boshlig'i va ustasi), ularning to'liq ishga yaroqliligini hamda poyezdlarning (uzatish tarkiblarining) uzluksiz harakatlanishini ta'minlashlari kerak. Ular, kontakt tarmog'ida ularga bo'ysunuvchi xodimlar ishlarni bajarganlarida xavfsizlik qoidalariga rioya qilishlari uchun ham javobgar bo'ladilar, shuning uchun ular xavfsizlik qoidalarining bajarilishini muntazam tekshiradilar va ishlarni bajaruvchilarni ko'rsatmalardan o'tkazadilar.

10.51. Elektr transportni ta'minlash podsansiyalaridan foydalanish va ularni ta'minlash iste'molchilarning elektr qurilmalaridan texnikaviy foy-

dalanish Qoidalari hamda elektrlashgan temir yo'llar elektr transportlarini ta'minlash podstantsiyalaridan foydalanishdagi xavfsizlik Qoidalariga muvofiq amalga oshiriladi.

10.52. Yirik jihozli harakatdagi tarkibni elektrlashgan uchastkalardan o'tkazib yuborish tartibi korxonaning bosh muhandisi tomonidan belgilanadi.

11-bob

XAVFSIZLIK TEXNIKASINING UMUMIY QOIDALARI

11.1. Elektr tarmoqlari va elektr qurilmalarida ishlashga, ularga elektr xavfsizligi bo'yicha tegishli malaka guruhi berilganligi to'g'risidagi guvohnomasi mavjud bo'lgan shaxslarga ruxsat beriladi. Guvohnoma iste'molchilarning elektr qurilmalaridan texnikaviy foydalanish Qoidalari, iste'molchilarning elektr qurilmalaridan foydalanishda xavfsizlik texnikasi Qoidalari, foydali qazilmalar konlarini ochiq usulda ishlashda xavfsizlikning YAqona qoidalari va kasbi yoki egallab turgan lavozimiga qo'llaniladigan yo'riqnomalarni bilishi bo'yicha imtihon topshirgandan keyin beriladi. Ochiq konlarning kontakt tarmoqlarida ishlaydigan shaxslar, qo'shimcha ravishda elektrlashgan temir yo'llar kontakt tarmoqlaridan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi va ishlab chiqarish sanitariyasi qoidalarini hamda avtoblokirovkani elektr bilan ta'minlash moslamalarini bilishlari hamda ular bo'yicha imtihon topshirishlari kerak.

Elektr qurilmalarga xizmat ko'rsatuvchi shaxslar, ishlarni bajarish vaqtida malaka guruhi berilganligi to'g'risidagi guvohnomalarini yonlarida olib yurishlari kerak.

Maxsus ishlarni (yuqoriga chiqib bajariladigan ishlar, kuchlanish ostida bajariladigan ishlar, jihozlarni oshirilgan kuchlanish bilan sinab ko'rish va shu kabilarni) bajarishga ruxsat berilgan shaxslarning guvohnomalarida bu haqdagi yozuv mavjud bo'lishi kerak. Maxsus ishlarning mahalliy sharoitlar hisobga olingan holdagi ro'yxati korxonaning rahbari tomonidan tasdiqlangan bo'lishi kerak.

11.2. Tezkor almashtirib ulashlarni, ochiq konlarning elektr qurilmalariga xizmat ko'rsatish va ularni ta'mirlashlarni quyidagi elektrotexnik xodimlar o'tkazadilar: tezkor, tezkor-ta'mirlash va ta'mirlash.

Tezkor ta'mirlash xodimlariga podstantsiya va taqsimlash moslamalarining navbatchilari kiradi.

Tezkor xodimlar bevosita ochiq konning (konning) smena energetigiga (energiya dispetcheriga) bo'ysunadi. Smena energetiklari (energiya dispetcherlari) maxsus oliy yoki texnikaviy o'rta ma'lumotga va V malaka

guruhiga ega bo'lgan muhandis-texnik xodimlardan shaxslar bo'lishlari kerak.

Tezkor-ta'mirlash xodimlariga quyidagilar kiradi:

a) kon uchastkalarining, uchastkaning elektr qurilmalari va tarmoqlariga xizmat ko'rsatish hamda ularni ta'mirlashni olib boruvchi va xizmat ko'rsatish chegarasi hududida tezkor almashtirib ulashlarni amalga oshirishga ruxsat berilgan elektrotexnik xodimlari;

b) navbatchi elektriklar va smena energetiklari (energiya dispetcherlari);

v) ochiq konning bosh energetigiga bevosita bo'ysunuvchi elektrotexnik xodimlar;

g) elektrlashgan kon-transport mashinalari va komplekslari ekipajlari tarkibiga kiradigan xodimlar (mashinistlar, mashinistlar va elektriklarning tegishli malaka guruhiga ega bo'lgan yordamchilari). Mashinistlar, konchilik mashinalari (komplekslari) mashinistlarining yordamchilari foydali qazilmalar konlarini ochiq usulda ishlashda xavfsizlikning YAgona qoidalari 7-§ bilan o'rnatilgan hajmdagi elektrotexnik ishlarni bajarish huquqiga ega.

Ta'mirlash xodimlariga faqat, ochiq konning (konning), uchastkaning konchilik mashinalari, mexanizmlari va elektr tarmoqlarining elektr jihozlarini ta'mirlashni (montaj qilish, sozlash va sinovdan o'tkazishni) bajaradigan elektrotexnik xodimlari kiradi.

11.3. Ochiq konning elektr qurilmalardagi tashkiliy va texnikaviy chora-tadbirlar iste'molchilarning elektr qurilmalaridan foydalanishda xavfsizlik texnikasi Qoidalariga qat'iy muvofiq holda bajariladi.

11.4. Elektr qurilmalaridagi ishlar naryadlar yoki farmoyishlar bo'yicha amalga oshiriladi.

Naryad – bu, maxsus blankada ishlarning mazmunini, joyini, uning boshlanish va tugash vaqtlarini, xavfsizlikning kerakli choralari, brigada a'zolarining tarkibi va ishlarni xavfsiz bajarish uchun mas'ul bo'lgan shaxslarni aniqlovchi, ishlarni xavfsiz bajarishga tuzilgan topshiriqdir.

Farmoyish – bu, maxsus blankada ishlarning mazmunini, joyini, uning boshlanish va tugash vaqtlarini, xavfsizlikning kerakli choralari va ularni bajarish topshirilgan shaxslarni aniqlovchi, ishlarni xavfsiz bajarishga tuzilgan topshiriqdir. Farmoyish ixtiyoriy shaklda og'zaki yoki yozma bo'lishi mumkin. Farmoyishning amal qilish muddati ijrochilarning ish kuni davomiyligi bilan aniqlanadi.

Farmoyish bevosita yoki aloqa vositalari yordamida uzatiladi va farmoyishni qabul qiluvchi tomonidan tezkor jurnalga yoziladi. Bunda, farmoyishning kim tomonidan berilganligi, ishlarning joyi va nomlari, ularni bajarishning muddati, ishlarni bajaruvchi hamda brigada a'zolarining

familiyalari, ismlari va otasi ismining bosh harflari hamda ularning malaka guruhlari ko'rsatilgan bo'lishi kerak.

11.5. Naryadlar va farmoyishlarni berish huquqi, korxonaning bosh energetigi (elektr xo'jaligi uchun mas'ul bo'lgan shaxsning) farmoyishi bilan bunga vakolat berilgan elektrotexnik xodimlariga beriladi. Ko'rsatilgan shaxslar V malaka guruhiga (kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan qurilmalarda IV dan kam bo'lmagan) ega bo'lishlari kerak.

Ro'yxati korxonaning bosh energetigi tomonidan aniqlanadigan bir qancha ishlarni bajarishga farmoyish berish huquqi, malaka guruhi IV dan kam bo'lmagan tezkor va tezkor ta'mirlash xodimlari shaxslariga ham beriladi.

11.6. Naryadlar va farmoyishlar bo'yicha ishlarning mas'ul rahbarlari hamda ijrochilari, shuningdek ishlarning bajarilishini nazorat qiluvchi etib tayinlanishi mumkin bo'lgan shaxslarning ro'yxati korxonaning bosh energetigi tomonidan belgilanadi va bosh muhandisi tomonidan tasdiqlanadi.

11.7. Naryad yoki og'zaki farmoyish bo'yicha, tezkor jurnaiga yozgan holda ishlarni bajarishda, ruxsat beruvchining vazifasini quyidagilar bajaradi: ekskavatorida – ekskavatorning mashinisti yoki maxsus tayinlangan shaxs; ulash punktlari, taqsimlash moslamalari va ko'chma transformator podstansiyalarida – tezkor va tezkor-ta'mirlash xodimlari shaxsi yoki malaka guruhi IV dan kam bo'lmagan, bunga maxsus vakolat berilgan shaxs.

11.8. Tezkor-ta'mirlash va ta'mirlash xodimlari tomonidan naryad bo'yicha quyidagi ishlar bajariladi:

a) kuchlanishi 1000 voltdan ortiq bo'lgan amaldagi elektr uzatish havo liniyalarida, tayanch, ulash punkti, KTP va ularning o'rnatilish yuzasidan 2 metrdan baland bo'lganlarga ko'tarilish bilan bog'liq bo'lgan ishlar;

b) kuchlanishi 1000 voltdan ortiq bo'lgan elektr qurilmalarda, kuchlanishni to'liq yoki qisman olgan holda bajariladigan ta'mirlash ishlari;

v) bronlangan kabellardan tayyorlangan amaldagi kabel liniyalaridagi ishlar (ta'mirlash, qayta yotqizish);

g) yuqori kuchlanishli egiluvchan kabellardan tayyorlangan liniyalarni ular yotqizilgan joyda ta'mirlash bo'yicha bajariladigan ishlar.

11.9. Tezkor-ta'mirlash va ta'mirlash xodimlari tomonidan farmoyish bo'yicha kuchlanishi 1000 voltdan yuqori bo'lgan elektr qurilmalarda quyidagi ishlarning amalga oshirilishiga ruxsat beriladi:

a) zaminlash qo'ygan holda, kuchlanish qisman olinib bajariladigan ishlar.

Bunday ishlarga quyidagilar kiradi:

alohida turadigan yoki kon-transport mashinalariga oʻrnatilgan AUPlarni, EULni uzish bilan bogʻliq boʻlmagan mayda taʼmirlashlar (moyni almashtirish yoki qoʻshimcha quyish, moyli oʻchirgichning uzatmasini taʼmirlash, ajratgichdan keyingi shinalardagi kontaktlarni tozalash va tortish, kuchlanish transformatoridagi saqlagichlarni almashtirish);

AUPlaridagi kabellarni ulash va uzish;

KTPdagi ishlar (yuqori va past kuchlanishli tomonlardagi saqlagichlarni almashtirish, ajratgichdan keyingi yoʻgʻon sim oʻrnatishdagi hamda transformatorning izolyatoridagi kontaktlarni tozalash va tortish, transformatorning choʻlgʻamlari elektr izolyatsiyalarini tekshirish, ketuvchi kabelni uzish va ulash);

Bu roʻyxat korxonaning bosh energetigi tomonidan kasaba uyushmasining texnik inspektori bilan kelishgan holda kengaytirilishi mumkin.

Koʻrsatilgan ishlar, ikki nafardan kam boʻlmagan, bir nafari IV dan, ikkinchisi esa II dan kam boʻlmagan malaka guruhiga ega boʻlgan shaxslar tomonidan amalga oshiriladi. Ishga ruxsat berishda, shunday ishlar uchun kerak boʻladigan barcha texnikaviy chora-tadbirlar bajarilgan boʻlishi kerak;

b) koʻchma zaminlashlar qoʻyilgan holda, kuchlanish toʻliq olinib bajariladigan ishlar.

Bunday ishlarga ekskavatorlardagi quyidagi ishlar kiradi:

taʼminlovchi kabel va kabelli tutashtirgichlarni almashtirish va moslab biriktirish, ulash hamda uzish;

kirish qutilari va xalqali tok qabul qilgichlardagi izolyatorlarni almash-tirish;

tok qabul qilgichlarning nosozliklarini bartaraf etish;

moyli oʻchirgichning moyini almashtirish, qoʻshimcha moy quyish va oqishlarni bartaraf etish;

oʻchirgich va ajratgichlarni taʼmirlash;

saqlagichlar, tok va kuchlanish transformatorlarini almashtirish.

Bu ishlar, kabel AUPdan ikki nafardan kam boʻlmagan, ulardan bir nafari IV dan kam boʻlmagan malaka guruhiga ega boʻlishi kerak, shaxslar tomonidan uzilgandan keyin amalga oshiriladi;

v) zaminlashni oʻrnatish talab etilmaydigan, tok oʻtkazuvchi qismlarda va ularning yaqinida kuchlanish olinmasdan bajariladigan ishlar.

Statsionar va yarim statsionar, alohida turadigan va kon-transport mashinalariga, taqsimlash moslamalariga oʻrnatilgan elektr qurilmalarda, bunday ishlarga quyidagilar kiradi:

jihozlarning kojuxlarini koʻrikdan oʻtkazish;

kojuxning armaturasi, kuchlanish ostida bo'lmagan o'chirgichlarning baklaridagi va transformatorlarning kengaytirgichlaridagi moy ko'rsatkichlarning shishalarini hamda shu kabilarni tozalash va mayda ta'mirlash;

moyni quritish va tozalash uchun kojuxning armaturalarini ulash;

tok o'lchagich qisqichlar bilan o'lchash;

kontaktlarning qizishini shtanga bilan tekshirish;

shinalarning shtangali titrashini aniqlash;

saqlagichlarni fazalash, almashtirish, izolyatorlar va biriktiruvchi qisqichlar ustidan nazorat bo'yicha shtanga bilan bajariladigan bitalik operatsiyalar;

kuchlanishi 1000 volt dan ortiq bo'lgan havo liniyalarida jihozlangan yuqori chastotali karfallarning ulanish filtrlarini tekshirishdagi o'lchashlar, moylarni qo'shimcha quyish va ularning namunalari olish hamda shu kabi boshqa ishlar.

Bu ishlar ikki nafardan kam bo'lmagan, ulardan bir nafari IV dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lishi kerak, shaxslar tomonidan amalga oshiriladi.

Ko'rsatilgan ishlarda xavfsizlikni ta'minlash uchun barcha kerakli chora-tadbirlar amalga oshirilishi kerak.

Elektr uzatish liniyalarida trassani yirik (qo'pol) narsalardan tozalash, plakatlarni osish, tayanchlarni raqamlash va ularni chirishga tekshirish, tayanchlarning o'rnatmalari hamda yuklamalarini to'g'rilash, tayanchlarga ko'tarilmasdan liniyalarni ko'rikdan o'tkazish bo'yicha ishlarni III dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lgan bir nafar shaxs tomonidan bajarilishiga ruxsat beriladi.

11.10. Kuchlanishi 1000 volt dan ortiq bo'lgan elektr qurilmalardan foydalanish jarayonida tok o'tkazuvchi qismlarning yaqinida kuchlanishni olmasdan quyidagi ishlar bajariladi:

a) ulash punktida - to'siqning orqasiga o'tmasdan konstruksiyalar va jihozlarni tashqi ko'rikdan o'tkazish, zaminlash tarmog'ini ko'rikdan o'tkazish; eshiklar va qulflarning mexanik blokirovkalovchi moslamalarini tekshirish hamda har smenadagi ko'rikdan o'tkazish hajmidagi boshqa ishlar;

b) komplekt transformator podstansiyalarida - to'siqning orqasiga o'tmasdan konstruksiyalar va jihozlarni tashqi ko'rikdan o'tkazish; zaminlash tarmog'ini ko'rikdan o'tkazish; qulflarning mexanik blokirovkalovchi moslamalarini tekshirish va har smenadagi ko'rikdan o'tkazish hajmidagi boshqa ishlar;

v) ekskavatorlarda (komplekslarda) va boshqa elektrlashgan qurilmalarda – ta'minlovchi kabel, elektr mashinalari, o'zgartiruvchi agregat va kuch transformatorlarini taqsimlash moslamalarini ko'rikdan o'tkazishni ham qo'shgan holda tashqi ko'rikdan o'tkazish; transformatoridagi moyning sathini tekshirish (moy ko'rsatkichdan ko'z bilan); panellar, bloklar va boshqarish stansiyalarini ko'rikdan o'tkazish;

g) statsionar va yarim statsionar taqsimlash moslamalarida – hudud va xonalarni yig'ishtirish; yoritish apparaturalarini ta'mirlash va kameralar hamda katakchalardan tashqarida joylashgan lampalarni almashtirish; telefon aloqasi apparaturalarini ta'mirlash va shu kabi ishlar.

Ko'rsatilgan ishlar, ikki nafardan kam bo'lmagan, bir nafari IV dan, qolganlari esa III dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lgan shaxslar tomonidan amalga oshiriladi.

11.11. Kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan elektr qurilmalarda tezkor, tezkor-ta'mirlash va ta'mirlash xodimlariga naryad bo'yicha quyidagi ta'mirlash ishlarini bajarishga ruxsat beriladi:

havo liniyalarida, yoritish tarmoqlari va minoralarda tayanchlarga (minoraga) ko'tarilish bilan bajariladigan;

taqsimlash moslamalari, shchitlar, yig'malarda bajariladigan;

kabel liniyalarida bajariladigan.

11.12. Kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan elektr qurilmalarda tezkor, tezkor-ta'mirlash va ta'mirlash xodimlariga farmoyish bo'yicha quyidagilarini bajarishga ruxsat beriladi:

a) kuchlanish to'liq olingan holatda:

magnitli ishga tushirgichlar, ishga tushirish tugmachalari, avtomatlashgan o'chirgichlar, birlitirgich-ajratgichlar, reostatlar, kontaktorlar va shchitlar hamda yig'malardan tashqariga o'rnatilgan ishga tushirish va kommutatsiya apparaturalariga o'xshash apparaturalarni ta'mirlash;

alohida elektr qabul qilgichlarni (elektr motorlar, tormoz g'altaklari va shu kabilarni), alohida joylashgan magnit stansiyalari va boshqarish bloklarini ta'mirlash, eriydigan qistirmalarni almashtirish, magnit stansiyasini siqilgan havo bilan puflab tozalash, yoritish simlarini yoritgichlar hamda lampalarni almashtirish bilan ta'mirlash.

Bunda ko'chma zaminlashlarni o'rnatish shart.

Bu ro'yxat korxonaning bosh energetigi tomonidan kasaba uyushmasi texnikaviy inspektori va MDTI (mintaqaviy davlat texnika inspeksiyasi) bilan kelishgan holda kengaytirilishi mumkin;

b) kuchlanish olinmagan holda:

izolyatsiyani nazorat qilish relesining ishlab ketishini tekshirish;

ta'minlovchi kabel, kabel muftalarini tashqi ko'rikdan o'tkazish; magnit stansiyasi, boshqarish blogi apparaturalarini ko'rikdan o'tkazish, elektr o'lchash asboblarning ishlashini tekshirish;

xonalarni yig'ishtirish, kojuxlar va korpuslarni tozalash va artish.

B punktida ko'rsatilgan ishlar konchilik va transport mashinalari (komplekslari) hamda boshqa elektrlashgan qurilmalar mashinistlari va mashinistlar yordamchilari tomonidan joriy foydalanish tartibida, lekin ikki kishidan kam bo'lmagan holda bajarilishi mumkin.

11.13. Kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan elektr qurilmalarda, joriy foydalanish jarayonida tezkor va tezkor-ta'mirlash xodimlariga quyidagilarni bajarishga ruxsat beriladi:

a) kuchlanish to'liq olingan holatda:

kontaktlarni tortish va tozalash;

izolyatorlarni tozalash;

past kuchlanishli xalqali tok qabul qilgichdagi cho'tkalarni va cho'tka tutgichlarni almashtirish;

generatorlar va elektr motorlarning kollektorlari, shuningdek ularning cho'tkali apparatlariga qarash;

cho'tkalar, cho'tka tutgichlarni almashtirish;

elektr mashinalari va podshipniklarining qizishini nazorat qilish;

elektr mashinalarining podshipniklariga moylarni quyish (surtish);

magnit stansiyasi va boshqarish blogiga o'rnatilgan apparaturalarning holatini tekshirish;

kontaktlarni tortish, tozalash va almashtirish;

kontaktorlar va ishga tushirgichlarning magnit tizimlarini rostlash, ularning bosilishini rostlash;

apparaturalarni changlardan tozalash;

yoritishni tekshirish va lampalarni almashtirish;

yoritishning elektr simlarini ta'mirlash;

biriktiruvchi muftalarning almashtiriladigan elementlarini (barmoqlari, suxariklari va shu kabilarni) almashtirish;

asosiy va yordamchi uzatmalar, boshqarish zanjirlarining izolyatsiyalari holatini tekshirish;

selenli to'g'rilagichlarning baklaridagi, qarshiliklar qavatlari, yoritish transformatori, magnitli kuchaytirgichlarni ta'mirlash transformatorlaridagi

kontaktlarni tortish va tozalash;

isitish elektr asboblarni ta'mirlash;

b) kuchlanish olinmagan holda:

xonani to'siqqacha yig'ishtirish;

kuchlanish ostida bo'lgan elektr jihozlarning kojuxlari va korpuslarini changlar va kirlardan tozalash;

podshipniklarga moy quyish (surtish);

po'kkakli saqlagichlarni almashtirish.

11.14. 1000 voltgacha va undan yuqori kuchlanishli elektr jihozlar, havo kabel liniyalarida avariyalarga olib kelishi yoki odamlarning hayoti uchun xavf tug'dirishi mumkin bo'lgan nosozliklar aniqlanganda, aniqlagan shaxs quyidagilarga majbur:

a) avariyalarni va odamlarning hayoti uchun xavflarni bartaraf etish uchun choralarni ko'rish;

b) ro'y bergan voqea to'g'risida zudlik bilan uchastka energetigiga yoki ochiq konning energiya dispetcheriga xabar berishi.

Avariya ochiq konning (konning) elektr xo'jaligi muhandis-texnikaviy xodimi rahbarligi ostida qisqa muddatlarda tugatilishi kerak.

Avariyalarni bartaraf etish va ularning oqibatlarini tugatish bo'yicha ishlar tezkor yoki tezkor-ta'mirlash xodimlari tomonidan naryad yoki farmoyish bo'yicha bajarilishi kerak.

11.15. Kontakt tarmog'ida ishlarni bajarishdagi tashkiliy va texnikaviy chora-tadbirlar elektrlashgan temir yo'l kontakt tarmog'idan foydalanishda xavfsizlik texnikasi va ishlab chiqarish sanitariyasi hamda avtoblokirovkani elektr bilan ta'minlashning tuzilishi Qoidalariga qat'iy muvofiq holda bajarilishi kerak.

Havo ta'minlash liniyalari va so'rish liniyalaridagi ishlarda tashkiliy va texnikaviy chora-tadbirlar iste'molchilar elektr qurilmalaridan texnikaviy foydalanish Qoidalari hamda iste'molchilar elektr qurilmalaridan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi Qoidalariga muvofiq bajariladi.

11.16. Ta'minlovchi va so'ruvchi liniyalarning kontakt tarmoqlariga xizmat ko'rsatish hamda ularni ta'mirlash tezkor, tezkor-ta'mirlash va ta'mirlash elektrotexnikaviy xodimlar tomonidan amalga oshiriladi.

Tezkor xodimlarga quyidagilar kiradi: elektr transportni ta'minlovchi va elektr transportni ta'minlovchi-kuchlanishni pasaytiruvchi podstantsiyalardagi navbatchilar.

Tezkor xodimlar tezkor munosabatlarda bevosita korxonaning ochiq kon (kon) energiya dispetcheriga bo'ysunadi.

Tezkor-ta'mirlash xodimlariga kontakt tarmog'ining navbatchi elektr montyorlari kiradi.

Ta'mirlash xodimlariga kontakt tarmog'ini ta'mirlash, montaj qilish va rostdashlarini amalga oshiradigan kontakt tarmog'ining elektr montyorlari kiradi.

11.17. Kontakt tarmoqlaridagi, ta'minlovchi va so'rovchi liniyalardagi ta'mirlash ishlarida, ruxsat beruvchining vazifasini kontakt tarmog'ining navbatchi elektr montyori yoki ustasi (uchastka boshlig'i) bajaradi.

11.18. Ta'minlovchi va so'rovchi liniyalarning kontakt tarmoqlarida naryadlar bo'yicha quyidagi ishlar bajariladi:

a) ta'mirlash xodimlari tomonidan, kontakt tarmog'ining yangi uchastkalarini barpo etish bilan bog'liq bo'lgan, shuningdek amaldagi elektr uzatish liniyalari va kontakt tarmoqlaridan qo'riqlash zonasidan kam bo'lmagan uzoqlikdagi masofada bajarilgan ishlardan tashqari bajariladigan;

b) tezkor-ta'mirlash xodimlari tomonidan kontakt tarmog'ining amaldagi uchastkalarida, ta'minlovchi va so'rovchi liniyalarda kuchlanishni to'liq yoki qisman olgan holda, shuningdek kuchlanishni uzmasdan turib hamda 2 metr dan ortiq balandlikka ko'tarilish bilan bog'liq bo'lgan holda bajariladigan;

v) davomiyligi 1 soatdan ortiq bo'lgan, avariylarni bartaraf etish va ularning oqibatlarini tugatish bo'yicha bajariladigan.

11.19. Kontakt tarmoqlarida, ta'minlovchi va so'rovchi liniyalarda og'zaki farmoyishlar bo'yicha quyidagilar tomonidan amalga oshiriladigan ishlar bajariladi:

a) tezkor-ta'mirlash xodimlari tomonidan kontakt tarmog'ining liniya moslamalarida kuchlanishni to'liq yoki qisman uzgan holda va balandlikka ko'tarilmasdan;

b) davomiyligi 1 soatdan ortiq bo'lmaydigan, avariylarni bartaraf etish va ularning oqibatlarini tugatish bo'yicha ta'mirlash xodimlari tomonidan bajariladigan.

11.20. Naryad, og'zaki farmoyish bo'yicha va joriy foydalanish jarayonida kontakt tarmog'ida, ta'minlovchi hamda so'rovchi liniyalarda bajariladigan ishlarning ro'yxati kontakt tarmog'i xizmati tomonidan tuziladi va ochiq konning bosh energetigi tomonidan tasdiqlanadi.

11.21. Avariylarni bartaraf etish va ularning oqibatlarini tugatish bo'yicha ishlarni bevosita bajaruvchining malaka guruhi V dan, ko'rsatilgan ishlarda qatnashadigan qolgan elektr montyorlariniki esa III dan kam bo'lmashligi kerak.

Brigadaga mustaqil ish bajarish huquqisiz, II malaka guruhiga ega bo'lgan, bir nafardan ortiq bo'lmagan xodim ham qo'shilishi mumkin.

11.22. Energiya dispetcherlik xizmati mavjud bo'lgan korxonalarda, kontakt tarmog'idagi ishlarning aloqaning har qanday turi bilan uzatilishi mumkin bo'lgan va teskari tekshirishdan keyin bajarilishi kerak bo'lgan barcha turlari, faqat energiya dispetcherining ruxsati bo'yicha bajarilishi kerak.

11.23. Elektrlashgan temir yo'llarning yo'llarida va ularning yaqinida ta'mirlash bo'yicha ishlarni amalga oshiruvchi barcha xodimlar xavfsizlik texnikasi bo'yicha I malaka guruhiga ega bo'lishlari kerak.

11.24. Elektrovozlar mashinistlari xavfsizlik texnikasi bo'yicha IV, ularning yordamchilari esa III dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lishlari kerak.

Elektrlashgan yo'llarda ishlovchi teplovozlarning mashinistlari va ularning yordamchilari III malaka guruhiga ega bo'lishlari kerak.

11.25. Ochiq konlar (konlar) va sexlarning, ochiq konda kon massasini transportlarda tashish bilan band bo'lgan hamda ochiq kon chegarasida ishlar bajaradigan elektrotexnik bo'lmagan xodimlari uchun lavozim va foydalanish yo'riqnomalarida elektr xavfsizligining asosiy qoidalari, elektr toki ta'siridan ozod qilish hamda birinchi yordam ko'rsatish qoidalari bo'lgan bo'lim ko'zda tutilgan bo'lishi kerak. Ko'rsatilgan xodimlar har chorakda elektr xavfsizligi bo'yicha ko'rsatmalardan o'tishlari kerak.

Ko'rsatmalarning o'z vaqtida va sifatli o'tkazilishi hamda lavozim yo'riqnomalariga bo'limning kiritilishi uchun, ushbu xodim bevosita bo'yunishida bo'lgan uchastka rahbariyati javobgar bo'ladilar. Bilimlarini tekshirish jurnali, ushbu xodim bo'yunishida bo'lgan uchastkaning (xizmatning) boshlig'ida saqlanishi kerak.

11.26. Kon jihozlarini (ekskavatorlar, komplekslar, burg'ilash dastgohlarini) haydab o'tish, ularni transport vositalarida tashish bo'yicha ishlarni bajarishga ochiq konning (konning, korxonaning) boshlig'i yoki bosh muhandisining maxsus yozma farmoyishi bo'yicha ruxsat beriladi. Farmoyishda, haydab o'tish yoki tashib o'tishni xavfsiz va avariyasiz tashkillashtirish uchun javobgar bo'lgan shaxslar, kon nazoratidan, mexanika va elektrotexnika xizmatlaridan mas'ul shaxslar ko'rsatiladi. Agar haydab o'tish trassasida har qanday turdagi to'siqlar mavjud bo'lsa, farmoyishda bu to'siqlarni yengib o'tish rejasi bo'lishi kerak.

Kon jihozlarini haydab o'tish deganda, masofadan qat'iy nazar quyidagilar tushuniladi:

a) almashtirib ulash bilan harakatlanish;

b) EULni har qanday kesib o'tish, temir yo'l yo'llaridan o'tish joylari va texnologik yo'llar orqali harakatlanish;

v) tekislikdan tekislikka harakatlanish.

11.27. Haydab o'tish trassasi bo'ylab elektr xavfsizlikni ta'minlash bilan bog'liq bo'lgan ishlar naryad yoki haydab o'tish uchun mas'ul bo'lgan elektrotexnika xizmati muhandis-texnik xodimining og'zaki farmoyish bo'yicha bajariladi.

11.28. Tungi vaqtlarda ekskavatorlar va tayanchlarga ko'tarilish bilan bog'liq bo'lgan boshqa kon mashinalarini tezkor almashtirib ulash taqiqlanadi. Istisno tariqasida, ko'rsatilgan ishlar ochiq konning (konning) bosh muhandisi ko'rsatmasi bo'yicha, ishlar joyida yetarli darajadagi yoritish bo'lgan sharoitlarda, elektr xo'jaligi MTX nazorati ostida bajariladi.

11.29. Ekskavatorlarning (komplekslarning) mexanizmlarini siljitish bilan bog'liq bo'lgan operatsiyalar, ularning mexanik qismlarini ta'mirlashda, faqat ish rahbari tomonidan ishlarni bajaruvchi shaxslar va ekskavatorni (kompleksni) boshqarayotgan mashinistning harakatlari ustidan kuzatishlar mavjud bo'lganda amalga oshiriladi.

Aravaning yuradigan qismini dumalatish, markaziy saqfani, burilish aylanasi katoklarini almashtirish va "mexanik belkurak" turidagi ekskavatorlarning burilish platformalarini har qanday usulda ko'tarish bo'yicha operatsiyalarni bajarishda, ekskavatorlarning ta'minlovchi kabeli uzilgan hamda uning ulash punktidagi uchiga ko'chma zaminlash qo'yilgan bo'lishi kerak. EKG-8, EKG-8I ekskavatorlarining burilish aylanasi katoklarini kuchlanishni uzmasdan almashtirishga ruxsat beriladi.

Ko'rsatilgan ishlarga rahbarlik, mexanika xizmatining bo'ysunadigan xodimlarning xavfsizligi uchun javobgar bo'lgan muhandis-texnikaviy xodimlari shaxslari tomonidan joyida amalga oshiriladi.

11.30. Releli himoyani sozlash va podstansiyalar, taqsimlash moslamalari, ulash punktlari, KTPlarning elektr jihozlarini oshirilgan kuchlanish bilan sinab ko'rish iste'molchilar elektr qurilmalaridan texnikaviy foydalanish Qoidalari hamda iste'molchilar elektr qurilmalaridan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi Qoidalariga muvofiq naryad bo'yicha amalga oshiriladi.

11.31. Elektrlashgan mashinalar elektr uzatmalarini sozlash, shuningdek, kuch zanjirlari va boshqarish zanjirlarida nosozliklarni aniqlash hamda ularni bartaraf etish og'zaki farmoyish bo'yicha yoki tezkor jurnalga yozgan holda (boshliq-ishlarni sozlovchi tomonidan) joriy ta'mirlash tartibida amalga oshiriladi.

Bunda quyidagi shartlarga rioya qilinishi kerak:

a) ishlar ikki nafardan kam bo'lmagan, bir nafari IV dan, qolganlari esa III dan kam bo'lmagan malaka guruhiga ega bo'lgan shaxslar tomonidan bajariladi;

b) kon mashinalarining kuch va tezkor zanjirlaridagi ishlar kuch qurilmalari o'chirilgandan keyin amalga oshiriladi;

v) tarmoq motori va boshqa elektr mashinalarni, shuningdek boshqaruv nazoratchilarini sozlash vaqtida, ular faqat ekskavatorning mashinisti ishlarni bajaruvchining talabnomasi bo'yicha qo'shadi va o'chiradi.

11.32. Sozlash ishlariga ruxsat berish tartibi va brigada tarkibi amaldagi iste'molchilar elektr qurilmalaridan texnikaviy foydalanish Qoi-

dalari hamda iste'molchilar elektr qurilmalaridan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi Qoidalariga muvofiq aniqlanadi.

11.33. YAshin vaqtida odamlarning xavfsizligini ta'minlash uchun quyidagilarda ishlarni bajarish taqiqlanadi:

elektr uzatishning havo va kabel liniyalarida;

aloqa va telemexanika liniyalarida;

elektrlashgan va elektrlashmagan temir yo'l transportining kontakt tarmoqlari hamda relsli yo'llarida;

bevosita havo liniyalariga ulangan yopiq taqsimlash moslamalarining kirishlari va kommutatsiya apparaturalarida;

zaminlash moslamalarida va ulardan 100 metrdan yaqin masofada;

ekskavatorlarning strelalari, burg'ilash dastgohlarining minoralarida va ulardan 100 metrdan yaqin masofada;

ekskavatorlar va burg'ilash dastgohlarining elektr jihozlarida (ta'mirlash ishlari);

kabellarni yozib chuvatish va olib o'tishda;

elektr payvandlash ishlarida;

gidromonitorlarni qo'lda boshqarganda (masofadan emas), ular bilan bajariladigan ishlarda.

11.34. Elektrlashgan mashinalarning (komplekslarining) ekipajlari, ulardan xavfsiz foydalanishni ta'minlash uchun ikki kishidan kam bo'lmashligi kerak. Ikki ta agregatga (ekskavatorlar va burg'ilash dastgohlari) bir nafar yordamchining xizmat ko'rsatishiga ruxsat berilmaydi.

Ekskavatorlar va burg'ilash dastgohlariga bir nafar mashinistning xizmat ko'rsatishiga yo'l qo'yiladi. Bunda, tarkibiga chilangarlar va elektr chilangarlar kiritilgan hamda dispetcher bilan bog'lanish uchun radioqurilma o'rnatilgan maxsus mashina bilan ta'minlangan maxsus brigada tashkil-lashtirilgan bo'lishi kerak. Bunda mashinist ishining davomiyligi 8 soatdan oshmasligi kerak.

11.35. Kon-transport mashinalari (komplekslari) va boshqa elektr qurilmalar ishlarini yuritishning xavfsizligini ta'minlash uchun, bir dona jihozga quyidagidan kam bo'lmagan miqdorda himoyalash vositalari bo'lishi kerak:

a) ekskavatorlar (komplekslar)

1. 1000 volt dan ortiq kuchlanishni ko'rsatkich 1 dona
2. 1000 volt gacha kuchlanishni ko'rsatkich 1 dona
3. Dielektrik qo'lqoplar 1 juft
4. Botinkalar ekskavatorlar uchun 1 juft
va komplekslar uchun 2 juft
5. Himoyalovchi ko'zoynaklar 2 juft
6. Ko'chma zaminlagichlar 1000 volt dan ortiq
kuchlanishga 1 kompleks

7. Ogohlantiruvchi plakatlar 1 komplekt
 8. 1000 volt dan ortiq kuchlanishga izolyatsiyalovchi shtanga 1 dona

b) burg'ilash dastgohlari

1. 1000 voltgacha kuchlanishni ko'rsatkich 1 dona
 2. Dielektrik qo'lqoplar 2 juft
 3. Himoyalovchi ko'zoynaklar 2 juft
 4. Botinkalar 1 juft
 5. Ko'chma zaminlagichlar har bir kuchlanishga 1 komplekt
 6. Ogohlantiruvchi plakatlar 1 komplekt

v) suvni chiqarib tashlash qurilmalari, drenaj shaxtalari, ko'targichlar, konveyer qurilmalari va boshqalar

1. Kuchlanishni ko'rsatkich har bir kuchlanishga 1 dona
 2. Dielektrik qo'lqoplar 2 juft
 3. Botinkalar (kuchlanish 1000 volt dan ortiq bo'lgan holatda) 1 juft
 4. Dielektrik kalishlar (faqat kuchlanishi 1000 voltgacha bo'lgan qurilmalar uchun) 1 juft
 5. Himoyalovchi ko'zoynaklar 1 juft
 6. Ko'chma zaminlagichlar har bir kuchlanishga 1 komplekt
 7. Ogohlantiruvchi plakatlar 1 komplekt

11.36. Himoya vositalarini davriy sinovdan o'tkazishga o'z vaqtida topshirish uchun nazorat shaxsi javobgar bo'ladi. Kon mashinalari (mexanizmlari) va boshqa elektrlashgan qurilmalardagi himoyalash vositalarining saqlanishi uchun ushbu mashinalar va qurilmalarning katta mashinistlari (brigadirlari) javobgar bo'ladi. Mashinistlar himoyalash vositalarining yaroqsizligi to'g'risida smena kon nazorati shaxsiga xabar berishlari va shundan keyin uning ko'rsatmasi bo'yicha harakat qilishlari kerak.

11.37. Himoyalash vositalarining o'z vaqtida sinovdan o'tkazilishiga va ularning almashtirilishiga uchashtka energetigi javobgar bo'ladi.

Har bir ochiq konda (konda) va har bir kon uchashtkasida, himoyalash vositalarining quyidagi tarzda aniqlanadigan kamaymaydigan zaxirasi bo'lishi kerak: a) uchashtkada – me'yoriylik bo'yicha har 10 ta mashinaga ikkitadan kam bo'lmagan komplektlar; b) ochiq konda (konda) – barcha kon uchashtkalari va energiya xizmatida mavjud bo'lgan, me'yorlangan ro'yxatning 20 foizidan kam bo'lmagan miqdorda.

Kon uchashtkalarining energiya xizmati va elektrotexnika xizmati xodimlari uchun himoyalash vositalari, iste'molchilar elektr qurilmalaridan texnikaviy foydalanish Qoidalari hamda iste'molchilar elektr qurilmalaridan foydalanishdagi xavfsizlik texnikasi Qoidalariga muvofiq himoyalash vositalarini komplektlash me'yorlari bo'yicha komplektlanadi.

110 va

Kontakt simlarining kesimi balandligiga bog'liq holdagi yeyilishi

Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²	Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²	Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²	Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²
7,00	44,67	7,58	37,48	8,16	30,55	8,74	23,55
7,01	44,54	7,59	37,36	8,17	30,43	8,75	23,44
7,02	44,42	7,60	37,24	8,18	30,32	8,76	23,32
7,03	44,30	7,61	37,12	8,19	30,20	8,77	23,20
7,04	44,17	7,62	37,00	8,20	30,08	8,78	23,08
7,05	44,04	7,63	36,88	8,21	29,97	8,79	22,96
7,06	43,92	7,64	36,75	8,22	29,85	8,80	22,84
7,07	43,79	7,65	36,63	8,23	29,72	8,81	22,72
7,08	43,67	7,66	36,51	8,24	29,62	8,82	22,61
7,09	43,54	7,67	36,39	8,25	29,50	8,83	22,50
7,10	43,42	7,68	36,27	8,26	29,39	8,84	22,38
7,11	43,29	7,69	36,15	8,27	29,27	8,85	22,27
7,12	43,17	7,70	36,02	8,28	29,15	8,86	22,15
7,13	43,04	7,71	35,90	8,29	29,04	8,87	22,04
7,14	42,92	7,72	35,78	8,30	28,92	8,88	21,92
7,15	42,79	7,73	35,66	8,31	28,81	8,89	21,81
7,16	42,67	7,74	35,54	8,32	28,69	8,90	21,69
7,17	42,54	7,75	35,42	8,33	28,58	8,91	21,58
7,18	42,42	7,76	35,30	8,34	28,46	8,92	21,46
7,19	42,29	7,77	35,18	8,35	28,35	8,93	21,35
7,20	42,17	7,78	35,06	8,36	28,23	8,94	21,23
7,21	42,04	7,79	34,94	8,37	28,12	8,95	21,12
7,22	41,92	7,80	34,82	8,38	28,00	8,96	21,00
7,23	41,79	7,81	34,70	8,39	27,89	8,97	20,89
7,24	41,67	7,82	34,58	8,40	27,77	8,98	20,77
7,25	41,55	7,83	34,46	8,41	27,66	8,99	20,66
7,26	41,42	7,84	34,34	8,42	27,54	9,00	20,54
7,27	41,30	7,85	34,22	8,43	27,43	9,01	20,43
7,28	41,17	7,86	34,10	8,44	27,32	9,02	20,32
7,29	41,05	7,87	33,98	8,45	27,20	9,03	20,20
7,30	40,92	7,88	33,86	8,46	27,09	9,04	20,09
7,31	40,80	7,89	33,74	8,47	26,97	9,05	19,97
7,32	40,68	7,90	33,62	8,48	26,86	9,06	19,86
7,33	40,55	7,91	33,50	8,49	26,75	9,07	19,75
7,34	40,43	7,92	33,38	8,50	26,63	9,08	19,63
7,35	40,31	7,93	33,27	8,51	26,52	9,09	19,52
7,36	40,18	7,94	33,15	8,52	26,41	9,10	19,41
7,37	40,06	7,95	33,03	8,53	26,29	9,11	19,29
7,38	39,94	7,96	32,91	8,54	26,18	9,12	19,18
7,39	39,81	7,97	32,79	8,55	26,07	9,13	19,07
7,40	39,69	7,98	32,67	8,56	25,95	9,14	18,95
7,41	39,57	7,99	32,55	8,57	25,84	9,15	18,84
7,42	39,44	8,00	32,43	8,58	25,73	9,16	18,73
7,43	39,32	8,01	32,31	8,59	25,62	9,17	18,62
7,44	39,20	8,02	32,20	8,60	25,50	9,18	18,50
7,45	39,08	8,03	32,08	8,61	25,39	9,19	18,39
7,46	38,95	8,04	31,96	8,62	25,28	9,20	18,28
7,47	38,83	8,05	31,84	8,63	25,17	9,21	18,17
7,48	38,71	8,06	31,72	8,64	25,06	9,22	18,06
7,49	38,58	8,07	31,61	8,65	24,95	9,23	17,95
7,50	38,46	8,08	31,49	8,66	24,84	9,24	17,84
7,51	38,34	8,09	31,37	8,67	24,72	9,25	17,72
7,52	38,22	8,10	31,25	8,68	24,61	9,26	17,61
7,53	38,09	8,11	31,14	8,69	24,50	9,27	17,50
7,54	37,97	8,12	31,02	8,70	24,39	9,28	17,39
7,55	37,85	8,13	30,90	8,71	24,28	9,29	17,28
7,56	37,73	8,14	30,78	8,72	24,17	9,30	17,17
7,57	37,61	8,15	30,67	8,73	24,06	9,31	17,06

Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²	Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²	Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²	Kontakt simining balandligi, mm	Kontakt simi yeyilgan qismining kesimi, mm ²
9,32	17,76	9,94	11,75	10,56	6,52	11,18	2,37
9,33	17,66	9,95	11,66	10,57	6,44	11,19	2,31
9,34	17,56	9,96	11,57	10,58	6,36	11,20	2,25
9,35	17,46	9,97	11,47	10,59	6,29	11,21	2,20
9,36	17,36	9,98	11,38	10,60	6,21	11,22	2,15
9,38	17,26	9,99	11,29	10,62	6,14	11,23	2,09
9,39	17,15	10,00	11,20	10,63	6,06	11,24	2,04
9,40	17,05	10,01	11,11	10,63	5,99	11,25	1,99
9,41	16,95	10,02	11,02	10,64	5,91	11,26	1,94
9,42	16,85	10,03	10,93	10,65	5,84	11,27	1,88
9,43	16,75	10,04	10,84	10,66	5,77	11,28	1,83
9,44	16,65	10,05	10,76	10,67	5,69	11,29	1,78
9,45	16,55	10,06	10,68	10,68	5,62	11,30	1,72
9,46	16,45	10,07	10,58	10,69	5,54	11,31	1,68
9,47	16,35	10,08	10,49	10,70	5,47	11,32	1,63
9,48	16,25	10,09	10,40	10,71	5,40	11,33	1,58
9,49	16,15	10,10	10,31	10,72	5,33	11,34	1,53
9,50	16,05	10,11	10,22	10,73	5,26	11,35	1,48
9,51	15,95	10,12	10,14	10,74	5,19	11,36	1,44
9,52	15,85	10,13	10,05	10,75	5,11	11,37	1,39
9,53	15,75	10,14	9,96	10,76	5,04	11,38	1,34
9,54	15,65	10,15	9,88	10,77	4,97	11,39	1,29
9,55	15,55	10,16	9,79	10,78	4,90	11,40	1,24
9,56	15,45	10,17	9,70	10,79	4,83	11,41	1,20
9,57	15,36	10,18	9,62	10,80	4,76	11,42	1,16
9,58	15,26	10,19	9,53	10,81	4,69	11,43	1,12
9,59	15,16	10,20	9,44	10,82	4,62	11,44	1,07
9,60	15,06	10,21	9,36	10,83	4,55	11,45	1,03
9,61	14,96	10,22	9,27	10,84	4,49	11,46	0,99
9,62	14,86	10,23	9,19	10,85	4,42	11,47	0,95
9,63	14,77	10,24	9,10	10,86	4,35	11,48	0,90
9,64	14,67	10,25	9,02	10,87	4,28	11,49	0,86
9,65	14,57	10,26	8,94	10,88	4,21	11,50	0,82
9,66	14,48	10,27	8,85	10,89	4,15	11,51	0,78
9,67	14,38	10,28	8,77	10,90	4,08	11,52	0,75
9,68	14,28	10,30	8,68	10,91	4,01	11,53	0,71
9,69	14,19	10,31	8,59	10,92	3,95	11,54	0,67
9,70	14,09	10,32	8,52	10,93	3,88	11,55	0,64
9,71	13,99	10,33	8,43	10,94	3,82	11,56	0,60
9,72	13,90	10,34	8,35	10,95	3,76	11,57	0,56
9,73	13,80	10,35	8,27	10,96	3,69	11,58	0,53
9,74	13,71	10,36	8,19	10,97	3,63	11,59	0,49
9,75	13,61	10,37	8,11	10,98	3,56	11,60	0,46
9,76	13,52	10,38	8,02	10,99	3,50	11,61	0,43
9,77	13,42	10,39	7,94	11,00	3,43	11,62	0,40
9,78	13,33	10,40	7,86	11,01	3,37	11,63	0,37
9,79	13,23	10,41	7,78	11,02	3,31	11,64	0,34
9,80	13,14	10,42	7,70	11,03	3,25	11,65	0,31
9,81	13,04	10,43	7,62	11,04	3,19	11,66	0,29
9,82	12,95	10,44	7,54	11,05	3,13	11,67	0,26
9,83	12,86	10,45	7,46	11,06	3,07	11,68	0,23
9,84	12,76	10,46	7,38	11,07	3,01	11,69	0,20
9,85	12,67	10,47	7,30	11,08	2,94	11,70	0,17
9,86	12,58	10,48	7,22	11,09	2,88	11,71	0,15
9,87	12,48	10,49	7,14	11,10	2,82	11,72	0,12
9,88	12,39	10,50	7,06	11,11	2,77	11,73	0,10
9,89	12,30	10,51	6,98	11,12	2,71	11,74	0,09
9,90	12,21	10,52	6,90	11,13	2,65	11,75	0,07
9,91	12,11	10,53	6,83	11,14	2,59	11,76	0,05
9,92	12,02	10,54	6,75	11,15	2,54	11,77	0,03
9,93	11,93	10,55	6,67	11,16	2,48	11,78	0,01
9,94	11,84	10,55	6,60	11,17	2,42	11,79	0,00

Kontakt		Kontakt		Kontakt		Kontakt		Kontakt		Kontakt		Kontakt		Kontakt	
mm	balandip.														
6.00	42.26	6.58	35.63	6.58	35.63	6.58	35.63	6.58	35.63	6.58	35.63	6.58	35.63	6.58	35.63
6.01	42.14	6.59	35.40	6.59	35.40	6.59	35.40	6.59	35.40	6.59	35.40	6.59	35.40	6.59	35.40
6.02	42.02	6.61	35.28	6.61	35.28	6.61	35.28	6.61	35.28	6.61	35.28	6.61	35.28	6.61	35.28
6.04	41.91	6.62	35.17	6.62	35.17	6.62	35.17	6.62	35.17	6.62	35.17	6.62	35.17	6.62	35.17
6.05	41.79	6.63	35.06	6.63	35.06	6.63	35.06	6.63	35.06	6.63	35.06	6.63	35.06	6.63	35.06
6.06	41.67	6.64	34.94	6.64	34.94	6.64	34.94	6.64	34.94	6.64	34.94	6.64	34.94	6.64	34.94
6.07	41.55	6.65	34.83	6.65	34.83	6.65	34.83	6.65	34.83	6.65	34.83	6.65	34.83	6.65	34.83
6.08	41.44	6.66	34.71	6.66	34.71	6.66	34.71	6.66	34.71	6.66	34.71	6.66	34.71	6.66	34.71
6.09	41.32	6.67	34.60	6.67	34.60	6.67	34.60	6.67	34.60	6.67	34.60	6.67	34.60	6.67	34.60
6.10	41.20	6.68	34.48	6.68	34.48	6.68	34.48	6.68	34.48	6.68	34.48	6.68	34.48	6.68	34.48
6.11	41.08	6.69	34.37	6.69	34.37	6.69	34.37	6.69	34.37	6.69	34.37	6.69	34.37	6.69	34.37
6.12	40.97	6.70	34.26	6.70	34.26	6.70	34.26	6.70	34.26	6.70	34.26	6.70	34.26	6.70	34.26
6.13	40.85	6.71	34.14	6.71	34.14	6.71	34.14	6.71	34.14	6.71	34.14	6.71	34.14	6.71	34.14
6.14	40.73	6.72	34.03	6.72	34.03	6.72	34.03	6.72	34.03	6.72	34.03	6.72	34.03	6.72	34.03
6.15	40.62	6.73	33.91	6.73	33.91	6.73	33.91	6.73	33.91	6.73	33.91	6.73	33.91	6.73	33.91
6.16	40.50	6.74	33.80	6.74	33.80	6.74	33.80	6.74	33.80	6.74	33.80	6.74	33.80	6.74	33.80
6.17	40.38	6.75	33.69	6.75	33.69	6.75	33.69	6.75	33.69	6.75	33.69	6.75	33.69	6.75	33.69
6.18	40.27	6.76	33.57	6.76	33.57	6.76	33.57	6.76	33.57	6.76	33.57	6.76	33.57	6.76	33.57
6.19	40.15	6.77	33.46	6.77	33.46	6.77	33.46	6.77	33.46	6.77	33.46	6.77	33.46	6.77	33.46
6.20	40.03	6.78	33.35	6.78	33.35	6.78	33.35	6.78	33.35	6.78	33.35	6.78	33.35	6.78	33.35
6.21	39.91	6.79	33.23	6.79	33.23	6.79	33.23	6.79	33.23	6.79	33.23	6.79	33.23	6.79	33.23
6.22	39.80	6.80	33.12	6.80	33.12	6.80	33.12	6.80	33.12	6.80	33.12	6.80	33.12	6.80	33.12
6.23	39.69	6.81	33.01	6.81	33.01	6.81	33.01	6.81	33.01	6.81	33.01	6.81	33.01	6.81	33.01
6.24	39.56	6.82	32.89	6.82	32.89	6.82	32.89	6.82	32.89	6.82	32.89	6.82	32.89	6.82	32.89
6.25	39.45	6.83	32.78	6.83	32.78	6.83	32.78	6.83	32.78	6.83	32.78	6.83	32.78	6.83	32.78
6.26	39.33	6.84	32.67	6.84	32.67	6.84	32.67	6.84	32.67	6.84	32.67	6.84	32.67	6.84	32.67
6.27	39.21	6.85	32.55	6.85	32.55	6.85	32.55	6.85	32.55	6.85	32.55	6.85	32.55	6.85	32.55
6.28	39.10	6.86	32.44	6.86	32.44	6.86	32.44	6.86	32.44	6.86	32.44	6.86	32.44	6.86	32.44
6.29	38.98	6.87	32.33	6.87	32.33	6.87	32.33	6.87	32.33	6.87	32.33	6.87	32.33	6.87	32.33
6.30	38.87	6.88	32.22	6.88	32.22	6.88	32.22	6.88	32.22	6.88	32.22	6.88	32.22	6.88	32.22
6.31	38.75	6.89	32.10	6.89	32.10	6.89	32.10	6.89	32.10	6.89	32.10	6.89	32.10	6.89	32.10
6.32	38.63	6.90	31.99	6.90	31.99	6.90	31.99	6.90	31.99	6.90	31.99	6.90	31.99	6.90	31.99
6.33	38.50	6.91	31.88	6.91	31.88	6.91	31.88	6.91	31.88	6.91	31.88	6.91	31.88	6.91	31.88
6.34	38.40	6.92	31.77	6.92	31.77	6.92	31.77	6.92	31.77	6.92	31.77	6.92	31.77	6.92	31.77
6.35	38.28	6.93	31.65	6.93	31.65	6.93	31.65	6.93	31.65	6.93	31.65	6.93	31.65	6.93	31.65
6.36	38.17	6.94	31.54	6.94	31.54	6.94	31.54	6.94	31.54	6.94	31.54	6.94	31.54	6.94	31.54
6.37	38.05	6.95	31.43	6.95	31.43	6.95	31.43	6.95	31.43	6.95	31.43	6.95	31.43	6.95	31.43
6.38	37.94	6.96	31.32	6.96	31.32	6.96	31.32	6.96	31.32	6.96	31.32	6.96	31.32	6.96	31.32
6.39	37.82	6.97	31.20	6.97	31.20	6.97	31.20	6.97	31.20	6.97	31.20	6.97	31.20	6.97	31.20
6.40	37.70	6.98	31.09	6.98	31.09	6.98	31.09	6.98	31.09	6.98	31.09	6.98	31.09	6.98	31.09
6.41	37.59	6.99	30.98	6.99	30.98	6.99	30.98	6.99	30.98	6.99	30.98	6.99	30.98	6.99	30.98
6.42	37.47	7.00	30.87	7.00	30.87	7.00	30.87	7.00	30.87	7.00	30.87	7.00	30.87	7.00	30.87
6.43	37.36	7.01	30.76	7.01	30.76	7.01	30.76	7.01	30.76	7.01	30.76	7.01	30.76	7.01	30.76
6.44	37.24	7.02	30.65	7.02	30.65	7.02	30.65	7.02	30.65	7.02	30.65	7.02	30.65	7.02	30.65
6.45	37.13	7.03	30.53	7.03	30.53	7.03	30.53	7.03	30.53	7.03	30.53	7.03	30.53	7.03	30.53
6.46	37.01	7.04	30.42	7.04	30.42	7.04	30.42	7.04	30.42	7.04	30.42	7.04	30.42	7.04	30.42
6.47	36.90	7.05	30.31	7.05	30.31	7.05	30.31	7.05	30.31	7.05	30.31	7.05	30.31	7.05	30.31
6.48	36.78	7.06	30.20	7.06	30.20	7.06	30.20	7.06	30.20	7.06	30.20	7.06	30.20	7.06	30.20
6.49	36.66	7.07	30.09	7.07	30.09	7.07	30.09	7.07	30.09	7.07	30.09	7.07	30.09	7.07	30.09
6.50	36.55	7.08	29.98	7.08	29.98	7.08	29.98	7.08	29.98	7.08	29.98	7.08	29.98	7.08	29.98
6.51	36.43	7.09	29.87	7.09	29.87	7.09	29.87	7.09	29.87	7.09	29.87	7.09	29.87	7.09	29.87
6.52	36.32	7.10	29.75	7.10	29.75	7.10	29.75	7.10	29.75	7.10	29.75	7.10	29.75	7.10	29.75
6.53	36.20	7.11	29.64	7.11	29.64	7.11	29.64	7.11	29.64	7.11	29.64	7.11	29.64	7.11	29.64
6.54	36.09	7.12	29.53	7.12	29.53	7.12	29.53	7.12	29.53	7.12	29.53	7.12	29.53	7.12	29.53
6.55	35.97	7.13	29.42	7.13	29.42	7.13	29.42	7.13	29.42	7.13	29.42	7.13	29.42	7.13	29.42
6.56	35.86	7.14	29.31	7.14	29.31	7.14	29.31	7.14	29.31	7.14	29.31	7.14	29.31	7.14	29.31
6.57	35.74	7.15	29.20	7.15	29.20	7.15	29.20	7.15	29.20	7.15	29.20	7.15	29.20	7.15	29.20

MP-89 (91P-85) Kontakt minilar

MUNDARIJA

1-bob. Umumiy qoidalar	195
2-bob. Taqsimlash moslamalari va transformator podstansiyalari	201
3-bob. Ochiq konlarning elektr uzatish havo liniyalari	208
4-bob. Egiluvchan rezina kabellar	218
5-bob. Elektr mashinalar va apparatlar	231
6-bob. Releli himoya va atmosferaning o'ta kuchlanishidan himoyalash	236
7-bob. Zammlash	240
8-bob. Ochiq konlar va ag'darmalarni yoritish	243
9-bob. Aloqa va signalizatsiya	245
10-bob. Kontakt tarmog'i	249
11-bob. Xavfsizlik texnikasining umumiy qoidalari	263
Ilova. Kontakt simlarining kesimi balandligiga bog'liq holdagi yeyilishi	276

Mazkur yo'riqnoma tarjimonlar guruhi tomonidan o'zbek tiliga tarjima qilindi, noaniqliklarda rus tilidagi matnga qarang.